

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР

АКАДЕМИЯСИ

Я.Ғуломов номидаги АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

М. Ҳ. ПАРДАЕВ, Б. Б.ТЎЙЧИБОВ

УСТРУШОНА ҚАДИМДА ВА ИЛК ЎРТА

АСРЛАРДА

(ёзма ва археологик манбалар асосида)

Тошкент - 2017

**УЎК
КБК**

М. Ҳ. Пардаев, Б. Б. Тўйчибоев Уструшона қадимда ва илк ўрта асрларда (ёзма ва археологик манбалар асосида). –Т.: «Fan va texnologiya», 2017, 316 bet.

ISBN 978-9943-

Монографияда қадим ва илк ўрта асрлар даври Уструшона тарихи, жумладан ҳудудда бугунги кунга қадар ўрганилган археологик ёдгорликлар, уларнинг жойлашиши, топографияси, моддий маданияти масалалари ёритилган. Тадқиқот Уструшона ҳудудининг 1500 йиллик тарихи, яъни мил. авв. VII асрдан – милодий VII асрларгача бўлган даврини ўз ичига олади. Монография тарих, археология йўналишида таълим олаётган бакалавр ва магистрлар, тадқиқотчилар ва ўлка тарихи билан қизиқувчи барча ўқувчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир.

**Темур Ширинов - Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
т.ф.д.**

Такризчилар:

С.С.Қудратов т.ф.н.

Н.Мирзаева т.ф.н.

Мазкур монография Ўзбекистон Республикаси ФА Я.Ғуломов номидаги Археология Институтининг 2016 йил 13 июньдаги 4 - сонли ва Гулистон давлат университети илмий Кенгашининг 2017 йил 3 февральдаги 5-сонли қарорларига асосан чоп этилди.

ISBN 978-9943-

«Fan va texnologiya», 2017.

К И Р И Ш

Ўтмишни ўрганмай келажакни яратиб бўлмайди. Зеро, бугуннинг қадр ва қиммати, моҳияти ва салмоғи кечаги кун тарозиси орқалигина тўлиқ идрок этилади. Дарҳақиқат, тарихдан бугунга ва келажакка хизмат қиладиган амалий хулосалар чиқарилмагунча ҳеч бир жамият ривожланмайди.

Тарих фани инсоният тараққиёти ҳақида тўла ва батафсил тасаввур, билим ҳамда тушунчалар бериб, халқни, айниқса ёшларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишишида муҳим ўрин тутди. Зотан, комил инсон тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор соҳасидир.

Эндиликда биз аждодларимиз ўтмиш тарихини ўрганар эканмиз, уни собиқ советлар даврида ҳукмрон бўлган ғоя, тарихни синфий жамият ва ундаги курашлар нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ёки ноўрин, ноҳолис талқин этилишдан сақлашимиз зарур. Чунки «Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти орқали биламиз, тарихнинг туб - тубига назар ташлаймиз. Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий бўлиб қолаверади, унинг маданияти абадий яшайди»¹. Тўғри англаб етилган, чуқур идрок этилган тарих улкан маънавий кучга айланиб, буюк келажакни яратиш омили бўлади. Юқорида эслатилган ғоя ва илмий нуқтаи назарлар асосида бўлса-да, собиқ советлар замонида Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон тарихининг қадимги ва ўрта асрлари даври бўйича маълум тадқиқотлар амалга оширилди. Суғд, Бактрия, Хоразм, Чоч, Давон каби маданий ўлкалар тарихига оид бир қатор илмий ишлар олиб борилди. Лекин баъзи тарихий ўлкалар бундай тадқиқотлардан четда қолди ёки етарли даражада ўрганилмади. Шулардан бири бўлган Уструшона давлати тарихи ҳам, ушбу даврда етарли даражада ўрганилмади.

Тарихий манбалардан маълумки, милодий эранинг III асри охирига келиб, буюк Кушонлар империяси парчалана

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ. 1998. Б – 4.

бошланган даврда, Марказий Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолиси яшаган икки дарё оралиғидаги ерлар бир неча табиий-географик ҳудудларга бўлиниб кетди. Вақт ўтиши билан бу ерларда сиёсий тузилмалар шакллана бориб, V-VI асрларда ҳудуднинг сиёсий харитасида деҳқончилик воҳалари негизида давлатлар пайдо бўлди. Шундай давлатлардан бири Уструшона давлати, Марказий Осиё тарихида муҳим аҳамият касб этувчи географик ҳудудда шаклланди. В.В.Бартольд бу ўлканинг қадимий номини Струшона ёки Острушона деб талқин этилади¹. А.Г.Малявкин илк ўрта аср хитой ёзма манбалари асосида ҳудуднинг номланишини Шуайдушона, Судуйшона, Цзебуцзюйна (Цзебудана), Судушина тарзида номлайди². Н.Н.Негматов томонидан «Усрушона» деб талқин қилинган бу ном³, кейинчалик В.А.Лившиц томонидан Муғ ғоридан топилган суғд ҳужжатлари таҳлили асосида аслида «Уструшона» деб номланганлиги исботланди⁴.

Сиёсий тузилма сифатида дастлаб илк ўрта асрлар ёзма манбаларида қайд этилган Уструшона мамлакати географик жойлашув нуқтаи назаридан Фарғона, Чоч, Суғд ўртасида, Сирдарёнинг асосан чап қирғоғидаги ҳудудларида вужудга келган (1-расм). Ушбу маданий ўлка сарҳадлари ҳақида янада тўлиқ тушунчага эга бўлиш учун, уни замонавий харитада Ўзбекистон Республикасининг Жиззах ва Сирдарё, Тожикистон Республикасининг Суғд (аввалги Ленинобод) вилоятлари, Қирғизистон Республикасининг Лайлак тумани ҳудудларини ўз ичига олган ва жанубдан Туркистон тизмалари билан чегараланган ҳудудларга қиёслашимиз мумкин (2-расм).

Уструшонани ўзлаштирилишида унинг табиий географик шароити муҳим аҳамият касб этган. Дарҳақиқат, Уструшона ўлкаси – Ўрта Осиёдаги қадимдан инсон истиқомати,

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. //Соч. Т.1. М.: Наука. 1963. с.222

² Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск. Наука, 1989. с.78.

³ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. Сталинабад. 1957. с.16

⁴ Согдийские документы с горы Муг. Юридические документы и письма. Вып.2. /Чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица. М.:ИВЛ.1962. с. 87.

хўжалиги ва ҳаётий фаолияти учун қулай ҳисобланган воҳалардан биридир. Воҳа турли хилдаги иқлим шароитига эга. Бу ерда жазирама, қақроқ чўл-дашт мавзеларни, мўътадил об-ҳаволи тоғ олди арчазор ўрмонларни, баланд тоғ чўққиларидаги абадий музликларни, тўртламчи даврнинг турли хил таркибли тупроқ ва рельефларни учратиш мумкин. Уструшонанинг жанубий сарҳадларидаги тоғлардан бош олган ва водий томон оққан дарё ва дарёчалар, сой ва булоқ-чашмалар ҳавзасида қадимдан аҳоли ўтроқ яшаган, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик билан шуғулланган.

Воҳанинг географик ва иқлим шароити чорвачилик соҳасини йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш учун ҳам ниҳоятда қулай бўлган. Тоғ ва тоғ олди адирлари, кенг чўл - дашт мавзеларида чорва боқилган, чорвадорлар кўчманчилик тарзида ўз ҳаётий фаолиятларини ўтказишган. Улар мавсумга ем-хашак, сув захиралари таъминотига қараб бир ердан иккинчи жойга кўчишган, қишлоғни об - ҳавоси нисбатан илиқроқ ҳисобланган, изғирин шамоллардан иҳоталанган тоғ унгурлари, даралари атрофидаги яйловларда ўтказишган.

Умуман бир сўз билан таъкидлаш мумкинки, ўрганилаётган маданий ўлкада инсон учун табиатнинг ўзи катор қулайликлар яратган. Хусусан, бу ерда энг қадимги даврларда илк аждодларга овчилик ва теримчилик, кейинги даврларда эса лалмикорлик, суғорма деҳқончилик ва чорвачилик учун зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган.

Маълумки, қадимдан инсон кўпроқ оқар сув ирмоқлари атрофига макон қуриб жойлашган ва хўжалигини шу асосда юргизган. Уструшона ҳудудини учта тарихий географик ҳудудга бўлиб қайд этиш мумкин:

1. Марказий Уструшона сув манбалари. Мазкур сув манбалари таркибига – Басмандасой, Каттасой, Шаҳристонсой, Нижонисой, Қипчоқсой каби сойлар киради. Бу сойлар Туркистон тизмаларидан бош олади ва жануб - шимол йўналиш бўйича оқади.

2. Шимолий Уструшона сув манбалари. Ушбу сув манбаларини - Зоминсув, Хўжамушкентсой, Мўғолсой, Тағобсой, Сармичсой, Шўрбулоқсой каби сойлар ташкил

қилади. Бу сув манбаларининг аксарияти (Зоминсув, Хўжамушкентсой) Туркистон тизмаларидан бош олади, баъзилари эса қуйи оқимида бошқача ном билан аталади. Масалан, Нижонисой - Шўрбулоқсой, Намгонсой - Мўғолсой ва ҳ.к.

3. Шимолий - ғарбий Уструшона сув манбалари. Сангзор дарёси, Оқбулоқ, Жарбулоқ, Сайхонсой, Равотсой, Кўрпасой, Кили каби дарё, сой ва булоқлар ушбу сув манбаларининг асосини ташкил этади. Шунингдек, Зарафшондан маълум микдордаги сув Туятортар шоҳариғи орқали Сангзорга ташланган ва шимолий - ғарбий Уструшонанинг деҳқончилик хўжалигига сарфланган.

Демак, Уструшона ҳудудида катта оқар сув манбалари – дарёлар мавжуд бўлмаган, унинг тоғ ва тоғолди ҳудудларидан чўл-дашт мавзелари чегараларигача оқиб борган ўнлаб катта-кичик сой ва булоқлар хўжалик юритиш учун етарли даражада бўлган. Бу сув манбалари бўйларида қадимдан воҳанинг асосий иқтисодий, маданий имкониятларини шакллантирувчи негизини ташкил қилган, шаҳар ва манзилгоҳлар пайдо бўлган ва ривожланиб борган.

Уструшона археологиясини ўрганилиши тарихидан маълумки, мазкур маданий ўлка бирон - бир тадқиқотчи томонидан яхлит ўрганилмаган. Уструшонанинг моддий маданияти, сиёсий тарихи, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари маълум географик, ҳудудий қисмларга ажратилган ҳолда ўрганилган. Хусусан, тожикистонлик олимлар томонидан унинг марказий қисми маданий воҳалари, ўзбекистонлик мутахассислар томонидан шимолий-ғарбий ва шимолий сарҳадлари тадқиқ этилган.

Мазкур монография мавзуидаги дастлабки ва сўнгги илмий тадқиқот XX асрнинг 50-йилларида тожикистонлик олим Н.Негматов томонидан амалга оширилган эди¹. Лекин бу монографик тадқиқотда Уструшонанинг сиёсий тарихи асосан ёзма манбалар бўйича тадқиқ қилиниб, археологик манбаларга жуда кам ўрин берилган. Орадан деярли ярим асрдан ортиқ вақт ўтди. Уструшона археологиясида бир қатор янгиликлар,

¹ Негматов Н.Н. Уструшан в древности и раннем средневековье. –Сталинабад. 1957.

кашфиётлар таҳлили асосида Уструшона тарихи ва моддий маданиятига янги талқин бериш имкони туғилди. Марказий Уструшона археология ёдгорликларида археологик қазув тадқиқот ишлари узоқ муддат давомида ўтказилган бўлсада, бу ёдгорликлар тадқиқотчилар томонидан ҳудудлаштирилмаган, уларнинг типологияси бўйича иш қилинмаган. Уструшонанинг ҳар учала қисми (шимолий, шимолий-ғарбий, шарқий) археология ёдгорликларини ҳудудлаштириш ва тоифаларга ажратиш бўйича бугунги кунда долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу тадқиқотда ўз олдимизга Уструшонани қадимги ва илк ўрта асрлар даври тарихини, моддий маданиятини унинг тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий масалаларини сўнги манбалар асосида яхлит, бир бутун маданий-тарихий ўлка сифатида ўрганишни асосий мақсад қилиб қўйдик.

Тадқиқотнинг мақсади, муаммога комплекс асосда ёндашган ҳолда, XX асрнинг II ярми давомида ҳудудда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш, уларни ягона тизимга солиш, қадимги ва илк ўрта аср моддий маданияти тарихи муаммоларини очиқ бериш бўлиб, унинг вазифалари қуйидагилардир:

1. Қадимда ягона табиий-географик ўлка ҳисобланган Уструшона мамлакатининг археология ёдгорликлари умумий харитасини яратиш.

2. Бугунги кунга қадар аниқланган мавжуд археология ёдгорликларини ҳудудлаштириш ва типологиясини ишлаб чиқиш.

3. Қадимги ва илк ўрта асрлар Уструшонанинг моддий маданиятининг пайдо бўлиши, тарқалиши, ривожланиш мезонлари, демографияси, урбанизацияси, турмуш тарзи ва маънавий ҳаётининг айрим масалаларини аниқлаш.

4. Ёзма ва археологик манбалар асосида Уструшонанинг тарихий географияси муаммоларига аниқлик киритиш, тўлақонли сиёсий тарихини яратиш.

Тадқиқотнинг манбашунослик асосини, ЎзР ФА археология институти томонидан ташкил қилинган Жиззах отряди (раҳбари М.Ҳ.Пардаев) томонидан Қалиятепа,

Қизлартепа, Пардакултепа, Комилбоботепа, Ёқуббоботепа каби ёдгорликларда олиб борилган археологик тадқиқотлари ҳамда муаллифларнинг узоқ йиллар давомида Уструшона мавзуси бўйича ўтказган изланишлар натижалари ташкил қилади. Таъкидлаш лозимки, Уструшонада олиб борилган мазкур тадқиқотлар натижасида, унинг қадим ва ўрта асрлар тарихи, моддий маданиятидан маълумот берувчи катта ҳажмдаги манбалар тўпланган.

1. Уструшона ҳудудида турли даврларга оид 800дан ортиқ археологик ёдгорлик аниқланиб, харитага олинди. Бу ёдгорликларнинг 2,4% қадимги даврга, 60-65% илк ўрта асрларга, қолганлари ривожланган ўрта асрларга оиддир.

2. 40 га яқин ёдгорликларда қазишма ишлари олиб борилган бўлиб, уларнинг 11 таси қадимий даврга, 26 тадан ортиғи илк, ривожланган ва сўнгги ўрта асрларга оиддир.

Мазкур тадқиқотлар бир қанча йўналишларда олиб борилди. а) Ҳудуднинг қадимий давр моддий маданияти, жумладан илк манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши, илк шаҳар, шаҳарсозлик анъаналари, урбанизацияси, ҳунармандчиликнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти, қадимий давр тарихий-географик тасвири, тарихий топографияси, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаёти муаммоларига, б) Илк ўрта асрлар моддий маданияти, хусусан шаҳарсозлик, меъморчилик, ҳунармандчилик, санъат ёдгорликлари, ўрта асрлар тарихий топографияси, рустоқлар, шаҳар, қалъа, манзилгоҳлар географик ўрни, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, моддий ва маънавий ҳаёти муаммоларини ўрганиш.

Умуман олганда, бу тадқиқотлар, ягона табиий-географик ҳудуд бўлган Уструшонанинг моддий маданияти, тарихий топографияси, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маданий ҳаёти муаммолари узоқ вақтлардан бери, ягона бир тизимга солиниб махсус тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилишини кутаётган долзарб муаммовий масалалардан бири бўлиб келган. Бугунги кунда ҳудудда олиб борилган тадқиқотлар натижалари, қадимги ва илк ўрта асрлар Уструшонаси моддий маданияти, хусусан унинг шаклланиши, тарқалиш доираси, ривожланиши ва бошқа муаммоларини

ёритилишида катта имкониятлар яратади. Шу сабабли биз бугунги кунда долзарб бўлиб келаётган ушбу муаммога муурожаат этдик.

Албатта, ушбу монографиянинг юзага келиши заминиди жуда кўп тадқиқотчиларнинг изланишлари, меҳнатлари мужассам. Биринчи навбатда Ўзбекистон ФА Археология институти Жиззах отряди ходимларига, Уструшонада узок йиллар тадқиқот олиб борган академик Нуъмон Негматовга, ажойиб инсон Амриддин Бердимуродов, археология фидойиси Алексей Грицина, ўлка тарихи жонкуяри Солижон Қудратов ва бошқа олимларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ушбу илмий таҳлилларимиз орқали Сизларнинг Уструшона тўғрисидаги тасавурларингизга озгина бўлса-да янги маълумот қўша олсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эриша олдик деб мамнун бўлган бўлур эдик.

1 - БОБ. УСТРУШОНАНИНГ ТАРИХИЙ ВА АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

1. 1. Уструшона қадимги ва ўрта аср ёзма манбаларида

Ўрта Осиёнинг қадимий даври, шу жумладан, қадимий Уструшона ҳудуди ҳақида маълумот берувчи илк ёзма манбалар бизга қадимги юнон, рим муаллифлари асарларидан, хитой сулолавий солномаларидан ва баъзи хитой сайёҳларининг кундалик ёзишмаларидан етиб келган.

Қадимги муаллифларнинг асарлари бу даврдаги Ўрта Осиё ва унинг чегарадош ҳудудларида узоқ ўтмишда бўлиб ўтган тарихий воқеалар, ўлканинг географияси, халқларнинг этник таркиби, урф-одатлари ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишимизда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, аслида қадимги муаллифларнинг ҳеч бири Ўрта Осиё тарихига бағишланган махсус асар яратмаган. Ваҳоланки, бу даврда Ўрта Осиё географик тушунчасининг ўзи йўқ эди. Антик даврда келтирган маълумотлар кенгроқ ҳудудга, асосан ҳозирги Марказий Осиё, Хитой ва Шарқий Эронга тегишли бўлиб, асарларнинг айрим қисмларида Ўрта Осиё географияси, тарихи масалаларига тўхталиб ўтилган. Масалан, Геродот «бактрияликлардан эгларгача бўлган ҳудуд»ни ўн иккинчи сатраплик деб кўрсатади¹. Бир қатор тадқиқотчилар эса «қадимда Уструшона ҳудуди ўн иккинчи сатраплик таркибида расман Аҳамонийлар давлатига солиқ тўлаб турганлиги»ни тахмин қиладилар². Бу маълумотларнинг кўпчилиги қисқа ва айни вақтда сўз юритилган воқеалар тасвири ҳам узук-юлуқдир. Қадимги манбаларда Ўрта Осиё ҳақидаги матнларда кўпгина тушунмовчиликлар, мунозарали ва гумонли фикрлар мавжуд. Умуман олганда, қадимги давр муаллифлари келтирган маълумотлар асосида Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, «қадимги Уструшона» ҳудуди тарихий ҳаётининг тўлиқ, мукамал тасвирини яратиш анча қийиндир.

¹ Геродот. История. Перевод и примечания Г.А.Стратановского. (В 9 кн). –М.: 2002. с.209

² Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. -Душанбе: Дониш. 1980. с.81.

Милодий эр. авв. III - II асрлардан кейинги даврда ёзилган асарларда Ўрта Осиё ва қисман «қадимий Уструшона» худуди ҳақидаги маълумотлар асосан Александр Македонский юришлари билан боғлиқ воқеалар тафсилоти кесимида берилади. Страбон «Кир томонидан Яксарт дарёсида асос солинган энг чекка шаҳар» ҳақида, Юстин эса Чекка Александрия ҳақида «Кир томонидан барпо этилган бу шаҳарга, кўзғолон кўтарган уч шаҳар аҳолисини кўчирган»лиги ҳақида маълумот беради¹. Шундай қилиб, мил. эр. авв. I минг йиллик ўрталарида қадимий Уструшона худудида Кирополь илк марказий шаҳар сифатида фаолият кўрсатган ва уни атрофида манзилгоҳлар пайдо бўлган. «Қадимги Уструшона» худудидаги халқлар, шаҳар, кишлоқлар ва у ердаги тарихий воқеалар хусусидаги илк маълумотлар антик давр тарихчиларининг асарларида анча ишончли тарзда битилган. Антик давр муаллифлари, македонияликлар, айниқса, Яксарт ҳавзасидаги халқларнинг қаттиқ қаршилиги ва ҳарбий зарбаларига дучор бўлганларини эътироф этишади. Александр Македонский кўшинларига қарши юқорида таъкидланган Сирдарё ҳавзасидаги етти шаҳар кўзғолон кўтаради. Кўзғолончи шаҳарларнинг энг каттаси ва ҳарбий мудофаа жиҳатидан кучлиси Кирополь эди. Арриан «Кир томонидан асос солинган бу шаҳар, бошқаларга қараганда анча баланд деворлар билан ўраб олинганлиги ва у ерга атрофдан анча кўп жангари аҳоли тўпланганлиги сабабли, македонияликлар учун уни биринчи ҳужумдаёқ эгаллаш анча мушкул бўлди»,² деб худуддаги марказий шаҳар бўлган Кирополь ҳақида маълумот беради. Арриан ўзининг бу асарида буюк саркарданинг юришлари ҳақида ўзига хос усулда сўз юритиб, унинг фаолиятини деярли кунма-кун, батафсил, тартибли воқеалар тизими орқали тасвирлайди. Бир-биридан сифати ва аниқлиги жиҳатидан фарқланувчи турли манба ва қўлланмалардан (Александр даври ҳақидаги расмий маълумотлар, унинг ёзувлари, сарой кундалиги, юриш

¹ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. с.17.

² Арриан Флавий. Анабасис Александра или история паходов Александра Великого. Пер. с древнегреч. М.Е.Сергеевко. -М.-Л., Изд. АН СССР. 1962. с.155

катнашчиларининг хотиралари - Т.Б.) фойдаланиб ёзилган бу асар бугунги кунда тадқиқотчилар учун Александр Македонский юришлари давридаги Ўрта Осиё ўлкалари ҳақида маълумот берувчи асосий манба бўлиб қолмоқда. Милодий эрадан аввалги II асрнинг охири I асрнинг бошларида яшаб ўтган, хитой тарихининг отаси деб эътироф этилган Сима - Цзян асарида ва яна бир қадимги хитой тарихчиси Бан – Гунинг (мил. эр. авв. 206 - мил. 25 й) «Цянь ханьшу» - «Хан катта хонадони тарихи» йилномасида «Давондан Парфиягача бўлган ўлкалар»даги, жумладан Уструшона ва уструшонлик халқларнинг хусусияти, тили, ҳаёт тарзи ва урф-одатлари ҳақида маълумотлар берилган¹. Бу давр маълумотларининг кўпчилиги келиб чиқиш ва объективлиги нуқтаи назаридан турли даражада бўлиб, кўпгина воқеалар тасвири тўлиқ эмасдир. Маълумки, Мароқандни ва унинг атрофидаги қишлоқларни ўз измига тобе қилган Александр кўп сонли армияси билан «қадимий Уструшона» ҳудуди орқали Сирдарё томонга ҳаракат қилади. Қўшин олдида ҳаракатланувчи озиқ-овқат ва отларга ем-хашак йиғувчи македон отрядини маҳаллий аҳоли (уструшонлар) бутунлай қириб ташлайди ва тик қояли тоғларга чиқиб кетишади. Улар 30 мингга яқин эди. Александр бу қояни катта қийинчилик ва кўп талофат билан эгаллайди. Жанг пайтида унинг ўзи ҳам қаттиқ яраланади, «тоғ чўққисидагиларнинг бир қисми қириб ташланади, кўплари қоядан ўзларини ташлаб ҳалок бўлишади, 30 мингдан 8 минг одам тирик қолади»². Тафсилотлари баён қилинган Уструшона ҳудудидаги тоғ истехкомида бўлиб ўтган ушбу жангнинг аниқ ўрни номаълумдир. Бу каби маълумотлар қадимий Уструшона ҳақидаги кўпгина тушунмовчиликлар, матндаги мунозарали ва гумонли фикрларни келтириб чиқаради. Манбаларнинг кўпчилигида айни бир воқеа ва у ердаги шахсларнинг фаолияти турлича талқин қилинади. «Қадимий Уструшона» ҳудуди ҳақида маълумот берувчи ёзма манбаларнинг

¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. -М.-Л., Изд. АН СССР. 1950. с.272

² Арриан Флавий. Анабасис Александра или история паходов Александра Великого. -М.-Л., Изд. АН СССР. 1962. С. 155.

ўрганилиши йўналишида катта салмоққа эга бўлган илмий изланишлар амалга оширилган. Бу йўналишда бир қатор йирик манбашунос - тарихчилар илмий изланишлар олиб бордилар. Хитойшунос олим Н.Я.Бичурин(Иакинф) Ўрта Осиё ҳудудининг қадимий даври ҳақида маълумот берувчи хитой манбалари таржималарини ўз ичига олган асарида илк марта «Суйдушана» Фарғона билан қўшни, мустақил давлат сифатида тилга олинади¹. Н.Негматовнинг Уструшона қадимги ва ўрта асрлар тарихига бағишланган асарида, қадимги давр ёзма манбаларидаги маълумотлар «қадимий Уструшона» ҳудудининг айрим муаммолари таҳлил этилади² Айни вақтда бир қанча манбашунос олимлар (М.Е.Сергеенко, В.С.Соколова, И.В.Пьянков, Р.В.Вяткина, В.С.Таскина ва бошқалар) томонидан қадимги муаллифларнинг «қадимий Уструшона» ҳудудини ўрганишда муҳим аҳамият касб этувчи бир қанча асарлари алоҳида тадқиқ этилиб, таржима қилинди³. Бу манбаларнинг пайдо бўлиши кўпчилик тадқиқотчилар, жумладан, археологлар учун ҳам илмий изланишлар олиб бориш жараёнида кенг фойдаланиш имкониятларини очиб берди. Ўзбекистон тарихининг қадимий ва ўрта асрлар манбашунослигига бағишланган асарларда, «қадимий Уструшона» ҳудуди ҳақида маълумот берувчи антик давр муаллифларининг маълумотлари янги манбалар билан бирга, кейинги йилларда чиққан таржималар ва илмий тадқиқотлар натижаларида келтириб ўтилади⁴. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб «қадимий Уструшона» ҳудуди тарихининг

¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. -М.-Л., Изд. АН СССР. 1950. С – 202.

² Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. С - 141.

³ Арриан Флавий. Анабасис Александра или история паходов Александра Великого. -М.-Л., Изд. АН СССР. 1962.: Квинт Курций Руф. «История Александра Македонского». Сохранившиеся книги. Под ред. В.С.Соколова. -М., 1963., Пьянков И.В. Среднеазиатские сатрапии Ахамединов в конце V в. до н.э. // ВДИ. -1965. -№2. С.35-50., Пьянков И.В. Список восточных сатрапий державы Ахаменидинов у Ктесия. /МКТ. Вып.2. -Душанбе. 1975., Сыма Цянь. «Исторические записки («Ши цзи»». Т.1. Пер.с китайского и комментарии Р.В.Вяткиной и В.С.Таскиной. -М., 1972.

⁴ История Узбекистана в источниках. / Составитель Б.В.Лунин. - Т.: Фан. 1984., Бойназаров Ф Ўрта Осиёнинг антик даври. -Т.: Ўқитувчи. 1991.

айрим муаммолари тадқиқотчилар томонидан ёзма манбалар асосида, изчил равишда ўрганила бошланган¹.

Сўнгги даврда, археологлар Н.Н.Негматов, А.И.Билалов, Т.В.Беляева, А.А.Грицина, Ў.П.Пўлатов ва бошқаларнинг ёзма манба ва моддий комплекс намуналари асосидаги илмий тадқиқотларида «қадимги Уструшона» ҳудуди тарихининг айрим муаммолари таҳлил қилинади². Қадимий муаллифлар асарларининг алоҳида таржималари ва манбашунослик нуқтаи назаридаги махсус тадқиқотлардан кенг кўламда фойдаланиб ёзилган бу тадқиқотлар археологик манбалар билан солиштирган ҳолда амалга оширилган.

Умуман олганда, антик давр муаллифлари келтирган маълумотлар атрофлича бўлиб, улар асосида қадимий Ўрта Осиё, шу жумладан, Уструшона халқлари ҳаётининг тўлиқ, мукамал тарихини яратиш анча қийиндир. Шунга қарамаздан, турли муаллифларнинг айнан бир воқеа ва масалага қарашларини танқидий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш ва кейинги даврдаги (арман, сурия, византия, кейинрок араб тилли) муаллифлар асарларига, эпитафик ёдгорликлар матнларига суянган ҳолда қадимий Марказий Осиё халқлари тарихидаги муҳим воқеалар жараёнини ва моҳиятини очиқ бериш имкони яратилди. Бу маълумотларнинг сўнгги йилларда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар натижалари билан солиштирилиши, ушбу даврдаги Марказий Осиё халқларининг моддий ва маънавий маданияти ҳақидаги билимларимизни ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Милодий II - III асрлар даврига оид Уструшона ҳақидаги маълумотлар ёзма манбалар ахборотларида қайд этилмаган.

¹ Пьянков И.В. Александрия Крайняя в известиях античных авторов. /Исследования по истории и культуре Ленинабада. - Душанбе. 1986. С.77- 92., Яйленко В.П. Основания и начальная история Александрии Крайней. // Зоны и этапы урбанизации. – Т.: Фан. 1989. С. 66-69.

² Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. (МКУ. Вып. 4). -Душанбе: Дониш. 1980., Беляева Т.В. К исторической топографии городов Уструшаны. // Древняя и средневековая археология Средней Азии. – Т.: Фан. 1990. С. 76-85., Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т.: Фан. 1992., Пулатов У.П. К этимологии топонима Румон - пригорода Ходжента. // Исследования по истории и культуре Ленинабада. - Душанбе. Дониш. 1986. С. 18-27.

Милодий эранинг IV - V асрларидан бошлаб Уструшона ҳақидаги навбатдаги маълумотлар ёзма манбаларда учрай бошлайди.

Ўрта асрлар Уструшонаси ҳақида маълумот берувчи ёзма манбалар бир неча турларга бўлинади. Уларнинг асосий қисми – илк ўрта асрлар хитой ва суғд ёзма манбалари, ривожланган ўрта асрларга оид араб ва форс тилида битилган асарларидан иборатдир.

Илк ўрта асрлар хитой манбалари жуда чекланган ҳажмдадир. Юқоридаги асарларнинг барчаси Н.Я.Бичурин (Иакинф) /1777-1853 й./ томонидан таржима қилинди (1851 й). Асарда 630 йилда Ўрта Осиёда бўлган хитойлик саёх Сюань – Цзяннинг бу ҳудуд ҳақида берган таърифи келтирилади: «... Цао вилояти (Уструшона) айланасига 1400дан 1500ли. гача масофага эга. Шарқдан у Нами (Сирдарё) дарёси билан туташ. Нами дарёси шимолдаги Цзун – Лин пастоғликларидан чиқиб, шимолий ғарбга томон оқади. Дарё баъзи жойларда сокин, баъзи жойларда тез ва шовқин билан оқади. Бу қадимий Кангюй ери. ... Пойтахт айланасига 3 ли масофани ташкил этади. Ҳарбий қўшини 1000 киши атрофида. Бу вилоятда ғарбий денгиздан (Каспий) шарқда жойлашган барча халқлар эътиқод қилувчи «Дэси рухи»га сиғинадилар. ... Дай-йе (605-617) ҳукмронлиги даврида у ердан элчилар келдилар. Бу подшоликнинг ўсимлик, хўжалик ва урф-одатлари Чже – Ши (Чоч) подшолиги билан яқиндир У ҳали ўзининг подшоси бўлмаган вақтда, Ду-цзюе (турк)лар ҳукмронлигида бўлган»¹. Шу билан бирга бир қанча манбашунослик асосидаги алоҳида тадқиқотларда хитой манбаларига суянган ҳолда илк ўрта асрлар Уструшонаси тарихи муаммолари муҳокама қилиб келинади. Жумладан, А.Г.Малявкин илк ўрта аср хитой ёзма манбалари, «Тан сулолавий солномалари» (618-907) асосида, бу ўлка ҳақида қуйидагиларни маълум қилади: «Шарқий Цао, яна тўрт ном билан Шуайдушана, Суйдушана, Кобугюйна, Судучжини номлари билан аталади. Ўлканинг ҳукмдори Боси тоғининг шимолида яшайди. Бу жой катта Хан сулоласи

¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. -М.-Л., Изд. АН СССР. 1950. с.275

даврида Эрши шахри худудига тегишли эди. Шимолий-шарқда Гюйчжантга (Хўжанд) қадар 200, шимолда Шига (Тошкент), ғарбда Кангача (Самарқанд), шимолий - шарқда Нинюангача 400ли дан, жанубда Тухолгача (Тохаристон) 500ли. ... Ву-дэ хукмронлиги даврида (618-626) бу подшолик Кан билан биргаликда саройга ўз элчиларини юборган»¹.

1932 йилда Панжикент яқинидаги Муғ ғоридан топилган суғд хужжатлари архиви материалларини (хатлар ва ҳуқуқий хужжатлар) ҳам ўрта асрлар Уструшонаси тарихидаги бўшлиқларни тўлдирган ноёб манбалар сирасига киритишимиз мумкин. А.А.Фрейман ва В.А.Лившицлар томонидан ўрганилган ва нащрга тайёрланган Муғ архиви хужжатларининг таржималари, Уструшона ҳақида маълумот берувчи ёзма манбаларнинг ўрганилишида номаълум бўлган янги саҳифаларни очиб берди. Хусусан В.А.Лившиц суғд хужжатлари таҳлили асосида бу ўлка аслида «Уструшона» шаклида номланганлигини исботлади. Маълумки, Панча (Панжикент) ҳокими Диваштич арабларга қарши курашда ҳамкорлик қилиш, иттифок тузиш учун ўзининг хизматчиси Фарасманни Уструшона, Чоч, Фарғона мамлакатларига махсус топшириқ билан юборади. Фарасманнинг ўз хожаси Диваштичга ёзган махфий мактубида, «Уструшона» ва «уструшоналик»лар бундай ҳамкорликка рози эмасликлари маълум қилинган. Ушбу номада илк маротаба «Уструшона», «уструшоналик» атамалари қайд этилган².

Ўрта асрлар Уструшонаси ҳақида нисбатан тўлиқ маълумотларни IX-X асрлар ва ундан кейинги даврларда яшаган мусулмон даври муаллифлари асарларидан олишимиз мумкин.³

Бу давр муаллифларидан ат-Табарий, ал-Балазурий ва қисман ал-Асир асарларида, асосан, ўрта асрлар

¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т.II. -М.-Л., Изд. АН СССР. 1950. с.243, Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск. Наука, 1989. с.78.

² Фрейман А.А. Согдийские документы с горы Муг. // Описание, публикации и исследование документов с горы Муг. Вып.1. -М.: Восточная литература. 1962. с.87
³ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. 161с.

Уструшонанинг сиёсий ҳаёти ҳақида маълумотлар берилди. Ат-Табарий, асосан, Уструшонанинг сиёсий тарихи ҳақида маълумотлар беради. У уструшоналикларнинг араб босқини ва исломлаштиришга қарши олиб борган кураши, Уструшона афшинлари шажараси ҳақида қимматли фикрлар билдиради. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида ҳам Уструшонанинг сиёсий тарихи, хусусан, халифанинг машҳур лашкарбошиларидан бири бўлиб етишган афшин Ҳайдарнинг Бобак қўзғолонига қарши олиб борган кураши ўз аксини топган¹.

Ал-Истаҳрий, ибн-Ҳавқал, ал-Муқаддасий, қисман, Ёкут Ҳамовий асарларидан Уструшонанинг тарихий-географик жойлашув ўрни, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти ҳақида маълумотлар олишимиз мумкин. Жумладан, ал-Истаҳрий Уструшонанинг тарихий-географик жойлашув ўрни ҳақида қуйидаги маълумотларни беради - «Уструшона - Суғд каби, вилоят номи. У ерда (Уструшонада) бу номдаги на шаҳар ва на қишлоқ бор. Уструшона кўпроқ тоғлик мавзелардан иборат. Унинг ғарбий томони Самарқанд чегаралари, шимоли Чоч ва Фарғонанинг бир қисми, жанубда эса Кеш, Сағониён, Шумон, Вашжирд ва Рошт, шарқий томони Фарғонанинг баъзи чегаралари билан туташган.»² Ибн-Ҳавқал Уструшона шаҳарлари ҳақида шундай ёзади: «Бу вилоятнинг энг катта шаҳри уструшоналиклар тилида – Бунжикат дейилади. Унга яна қуйидаги шаҳарлар киради: Арсбаникат, Куркат, Газак, Фагкат, Сабат, Зомин, Дизак, Нужкат ва Харкана. Мамлакат ҳукмдори, эркак аҳолиси тахминан 10000 кишини ташкил қилувчи Бунжикат шаҳрида яшайди. Шаҳарда ҳар бири алоҳида девор билан ўраб олинган шаҳристон ва работ мавжуд, улар яна умумий девор билан ўраб олинган Шаҳристонда жомъе масжиди ва арк жойлашган.»³ Ал-Муқаддасий Уструшонанинг тоғ рустоқлари номларини ва Марсманда шаҳрининг тавсифини келтиради. У Марсманда

1 Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). Тошкент. Янги аср авлоди. 2008. Б.210-212.

2 Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. I. -М.: Наука, 1973. с.18-26

3 Бетгер Е.К. Извлечение из книги "Пути и страны" Абу-л Касима ибн Хаукаля. // ТСАГУ. Вып. СХI. -Т., 1957. С. 13-40.

шаҳри яқинидаги Минк рустоқида темир маъдани қазиб олинганлигини маълум қилади: «Минк ва Марсманда атрофида, Хуросонда кенг тарқалган, Бағдод ва Ироқда машҳур бўлган темир қуроллар ишлаб чиқарилади... . Марсманда шаҳрида ҳар ойнинг бошида бир марта ярмарка бўлади... .¹ Ёқут Ҳамовий Уструшона шаҳарлари ва улар ўртасидаги масофалар ҳақида «... Зомин Самарқанд томондаги шаҳарнинг номи бўлиб, Уструшона вилоятларидан бири. Уструшонанинг энг катта шаҳари Бунжикат, ундан кейин Зоминдир. Зоминнинг иккинчи номи – Сабза. Суғддан Фарғонага борувчилар учун Зоминда қўноқ бор. Зомин оқар сувли, боғдор ва узумзор жой. Зоминнинг орқа томонида Уструшона тоғлари, унинг олд томонида чўл бор. Зомин билан Сабат ўртасида 2 фарсах ва у билан Уструшона ўртаси 7 фарсах. Зоминдан Чочгача 25 фарсах», деб маълумот беради.²

Бошқа тарихчи ва географлар ўз асарларида юқоридаги муаллифларнинг Уструшона ҳақидаги маълумотларини такрорлаш билан бир вақтда, уларни маълум даражада тўлдириб келдилар.

В.В.Бартольднинг араб ва форс муаллифлари асарлари таҳлили асосида ёзилган, ўрта асрлардаги Ўрта Осиё тарихининг кўплаб муаммовий масалаларини муфассал камраб олувчи фундаментал асарида, Уструшонанинг жойлашган ўрни - «Самарқанд ва Хўжанд оралиғидаги ҳудуд қадимда Острушана, ёки Сутрушана давлатига кирган» - қабалида қайд этилади.³ Асарда Уструшона мамлакатининг сиёсий - иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти ҳақидаги маълумотлар қисқача тарзда тадқиқ қилиниб, тизимга солиниб, кенг илмий муомалага киритилди.

Бу асарлар, кейинги даврларда тадқиқотчиларнинг Уструшона тарихини ўрганишга бўлган қизиқишининг ортиб боришига, Марказий Осиё, шу жумладан, Уструшона тарихи муаммоларини ёзма манбалар асосида ўрганиш кенг қўламда давом этишига сезиларли таъсир кўрсатди. Жумладан,

1 Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. с.44-45

2 Ҳикматуллаев Ҳ., Шоисломов Ш. Ёқут Ҳамовий. - Т.: Фан. 1965. Б.26.

3 Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. // Соч. Т.1. – М.: Наука. 1963. с.221

кейинги йилларда чиққан манбашунос ва тарихчи олимлар томонидан юқорида баҳс мавзуси бўлган масалани ҳам ўз ичига олган алоҳида асарлар¹, тўплам шаклидаги таржима асарлари² ва ёзма манбалар асосидаги махсус илмий тадқиқотлар натижалари,³ ёзма ва археологик манбалар асосидаги тадқиқотлар⁴, ўрта асрлар Уструшонани ҳақидаги қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Жумладан, Н. Н. Негматовнинг кенг библиографик манбалар асосида тўпланган ёзма манбаларнинг таҳлилига таянган Уструшонанинг қадимги ва илк ўрта асрлар тарихига бағишланган асари, ўқувчига Уструшона тарихи ҳақида қимматли маълумотлар беради.⁵

Хитой солномалари ва сайёҳлари ёзишмалари, ҳукукий ҳужжатлар ва хатлардан иборат суғд манбаларининг беқиёс қимматига қарамай, улар жуда ҳам кам ва қисқадир. Бундан ташқари, бу манбалардаги жой номларининг хитойча транскрипциялари, кўп ҳолларда тушунарсиз шаклда эканлиги ҳам масалани мураккаблаштиради. Шу сабабли, улар илк ўрта асрлар Уструшонани ҳақида мукамал ва тўла тарихий тасаввур бериш имкониятига эга эмас.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, араб ва форс тилли муаллифлар асарлари ўрта асрлар Уструшонани ҳақида нисбатан тўлиқ маълумотларни беради. Хусусан, юқоридаги манбаларда ҳудуднинг бу даврдаги сиёсий тарихи, жумладан уструшонаникларнинг араб босқини ва ислом динига қарши олиб борган кураши, Уструшона афшинлари шажараси ҳақида

¹ Худуд ал-Олам. Туманский таржимаси. В.В.Бартольднинг кириш ва кўрсаткичлари билан. -Л.: 1930., Бетгер Е.К. Извлечение из книги "Пути и страны" Абу-л Касима ибн Хаукаля. // ТСАГУ. Вып. СХІ. -Т., 1957. С. 13-40., Ибн Хордадбек. Книга путей и стран. /Перевод с арабского коментари, исследования, указатели Н. Велихановой. Баку. Элм. 1986.; Абу Джафар ат-Табари. История ат-Табари. -Т.: Фан. 1987.

² Материалы по истории туркмен и Туркмении. -М-Л.; Т.1-2, 1939. с.12-61., Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. I. -М.: Наука, 1973.

³ Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726 г). // ВДИ. -1952. -№1 (39). С. 187-195., Ҳикматуллаев Ҳ., Шоисломов Ш. Ёқут Хамавий. -Т.: Фан. 1965.

⁴ Древний Заамин / -Т.: Фан. 1994.

⁵ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. – Сталинабад. 1957.

қимматли маълумотлар ўз аксини топган. Айни вақтда улардан Уструшонанинг тарихий-географик жойлашув ўрни, иқтисодий ва қисман ижтимоий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни олишимиз мумкин. Таъкидлаш жоизки, аксарият ҳолларда ўрта аср тарихчи ва географлар асарлари, компилятив характерда бўлиб, баъзи муаллифлар манбаларида Уструшона ҳақидаги маълумотлар маълум даражада тўлдирилган.

Ёзма манбаларни ўрганиш натижасида, Уструшона аҳолисининг қадимги ва ўрта асрлар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихининг кўплаб масалалари ўз ечимини топмоқда. Аммо бу борада ҳали кўплаб ўз ечимини кутаётган муаммовий масалалар сақланиб қолмоқда. Бу масалалар ёзма манбаларни ўрганишни давом эттириш билан бир вақтда, ҳудудда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар натижалари билан таққослаш, солиштириш ва тўлдириб бориш асосида ўз ечимини топиб боради.

1.2. Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар даври моддий маданиятининг ўрганилиши тарихи

Тадқиқотимизнинг асосий манбашунослик негизини тарихий Уструшона ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида тўпланган материаллар таҳлили ташкил этади. Шу сабабли, ҳудуднинг ўрганилиш тарихига алоҳида эътибор қаратишни лозим, деб топдик. Уструшона қадимий ўлкасининг бир қанча республикалар ҳудудида жойлашганлиги, унинг археологик ўрганилиш тарихини бир хил даража ва маромда эмаслигига ўз таъсирини ўтказган. Жумладан Уструшона ҳудудининг археологик ўрганилиши умумий ва ягона режа асосида олиб борилмасдан, маъмурий ҳудудларга бўлиниб амалга оширилган. Шу сабабли, бу тарихий-маданий ўлка ўрганилиш тарихида ҳам тадқиқотларнинг даврийлик жиҳатдан умумий давомийлиги кўзга ташланмайди. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, унинг ўрганилиш тарихи даврлари шартли шаклда қуйидаги уч даврга ажратилди.

I давр. XIX аср охири - XX асрнинг 40 - йилларигача:

Уструшона тарихини ўрганишда бу давр катта аҳамиятга эгадир. Бу даврда илк мартаба ёзма манбалар таҳлили асосида В.В.Бартольд томонидан Уструшона тушунчаси илмий муомалага киритилади.¹ Бу ердан ўтган бир қанча олимлар, ҳарбий топографлар ва яқка сайёҳлар томонидан ҳудуддаги моддий ёдгорликлар кўрсатиб ўтилган. Уструшона ҳудудида Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги (1895-1917) аъзолари томонидан ҳам илмий изланишлар олиб борилиб, бир қатор ёдгорликлар, шу жумладан ҳозирда йўқолиб кетган ёдгорликлар ўрни аниқланади ва илмий муомалага киритилади. Уларнинг фаолияти кейинчалик ҳудудда кенг тадқиқотлар олиб бориш учун тўртки бўлиб, фанда ўз изини қолдирди. Лекин бу тадқиқотлар чуқур илмий изланишлар даражасида бўлмай, ўша давр талабида ва даражасида олиб борилди. Аммо тадқиқотчиларнинг асосий эътибори кўпроқ ёзма манбалар таҳлили асосида А.Македонскийга қарши кўзғолон кўтарган шаҳарлар, хусусан, Кирополь, унинг атрофидаги шаҳарларнинг ва ўрта асрлардаги Уструшона шаҳарларининг жойлашиш ўрнини аниқлаш масаласига қаратилган эди.² Шунингдек олиб борилган барча тадқиқотлар, баён қилинган фикрлар, асосан, ёзма манбаларга ва ҳудуддаги аниқланган моддий ёдгорликларнинг ташқи кўринишига асосланган эди.

II давр. 1943 йилдан - 1970 йиллар ўрталаригача:

Уструшона ҳудудида кенг археологик тадқиқотлар Ўрта Осиёнинг бошқа тарихий ўлкаларига нисбатан анча кеч, 1943-1944 йилларда В.Ф.Гайдукевич бошчилигидаги Фарҳод археология экспедицияси томонидан Фарҳод ГЭСининг қурилиши муносабати билан бошланади. Бу экспедиция томонидан кўп қатламли, йирик Мунчоктепа (I-XII асрлар) шаҳар ёдгорлигида ва унинг ёнида Ширинсой қабристонидида қазилма ишлари амалга оширилади.³ А.Ю.Якубовский

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. // Соч. Т.1. М.: Наука. 1963.

² Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. – Сталинабад. 1957.

³ Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в

рахбарлигидаги Суғд - Тожик экспедициясининг О.И.Смирнова бошчилигидаги отряди 1949-1950 йилларда Уструшона худудида археологик ёдгорликларни аниқлаш ишларини олиб боради.¹ Отряд томонидан кўплаб моддий ёдгорликлар аниқланиб, уларнинг баъзиларида археологик тозалаш ва илк қазилар ишлари олиб борилади. (Қалаи Қаҳқаҳа I, II, Муғтепа). XX асрнинг 50-йилларида Ўзбек-Зарафшон археология экспедициясининг Мохандарё отряди томонидан Жиззах атрофида илмий қидирув изланишлари олиб борилиб, турли даврларга оид бир қатор ёдгорликлар аниқланади.²

1955 йилдан 1960 йилгача фаолият кўрсатган Тожикистон Археология экспедициясининг Хўжанд-Уструшона отряди алоҳида ёдгорликларда (Қалаи Қаҳқаҳа I-II, Муғтепа, Тирмизактепа, Ўртақўрғон) қазув тадқиқот ишларини бошлаб берди. Отряд томонидан олиб борилган изланишлар натижасида худудининг археологик харитаси бир қатор янги моддий маданият ёдгорликлари билан бойитилади.³ Қирғизистон (1957-1958йиллар), Лайлак-Баткент (1959-1960йиллар) отрядлари томонидан Исфанасой ва Хўжабақиргансой ҳавзаларида бир қанча ёдгорликлар аниқланиб, уларнинг баъзиларида қазув ишлари ўтказилади. Таъкидлаш лозимки, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Уструшона худудидаги археологик тадқиқотлар кенг кўламда

1943-1944гг (Предварительное сообщение). // КСИИМК. Вып. XV. - М.-Л.: 1947. с.92-109., Гайдукевич В.Ф. Керамическая обжигательная печь Мунчактепе. // КСИИМК. Вып. XXVIII. - М.-Л., 1949. с.77-82., Гайдукевич В.Ф. Могильник близ Ширинсая в Узбекистане. // СА. - 1952. - №: XIV. с.331-359

¹ Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.189-230.

² Альбаум Л.И. Буддийский храм в долине Сангзар. // ДАН УзССР. - Т., 1955. С. 57-59., Мухаммаджонов А.Р. Сирли тошлар изидан. // Фан ва турмуш. -1957. -№ 1. Б. 16.

³ Негматов Н.Н. О работах Ходжентско-Уструшанского отряда в 1955г. // ТИИ АН Тадж. ССР. Т.63. -Сталинабад., 1956. С.61-69., Негматов Н.Н. О работах Ходжентско-Уструшанского отряда в 1956г. // ТИИ АН Тадж.ССР. Т. ХСІ. Сталинабад., 1959. с. 115 - 127., Негматов Н.Н. О работах Ходжентско-Уструшанского отряда в 1957г. // ТИИ АН Тадж. ССР. Т. СIII. - Сталинабад., 1959б. С. 95 - 107., Негматов Н.Н., Салтовская Е.Д. О работах Ходжентского-Уструшанского отряда в 1960г. // ТИИ АН. Тадж. ССР. Т. XXXIV. -Душанбе. Дониш. 1962. С. 69-89., Ранов В.А. Салтовская Е.Д. О работах Уратюбинского отряда в 1959г.//ТИИ АН Тадж. ССР. Т. 34. -Душанбе. 1961. С.108-128.

ва режали асосда олиб борила бошланган. Бу ҳол қадимий Уструшонанинг Тожикистон қисми, хусусан Шахристон воҳасидаги тадқиқотларда кўзга яққол ташланади. Бу даврда, 1961йилда ўз фаолиятини бошлаган Н.Н.Негматов раҳбарлигидаги Шимолий Тожикистон отрядининг алоҳида гуруҳлари томонидан бир қатор янги археологик ёдгорликлар аниқланиб, харитага туширилади. Бир қатор ёдгорликларда олиб борилаётган стационар қазув тадқиқот ишларининг баъзилари муваффақиятли якунланади. (Қалаи Қахқаҳа I-II-III, Тирмизактепа, Ўртақўрғон, Чилхужра, Хон Яйлов).¹ Бир қатор ёдгорликларда олиб борилаётган қазув тадқиқот ишлари давом эттирилади. (Муғтепа, Дўнгчатеп, Чилдухтарон, Тоштемиртепа, Ширин).²

Бу даврда (60-70 йилларда) Уструшонанинг Ўзбекистон қисмида алоҳида олинган ёдгорликларда махсус қазув тадқиқот ишлари олиб борилмаган бўлса ҳам, ҳудуднинг археологик харитасини яратиш йўлида сезиларли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида, жумладан, Сангзор, Зоминсув ҳавзаларининг тоғли қисмида олиб борилган археологик хариталаштириш ишлари алоҳида эътиборга лойиқдир.³ 1960-йилларда В.А.Нильсен тарафидан

¹ Негматов Н.Н. Исследования Северо-таджикистанского археологического отряда в 1973г. // АРТ (1973). Вып. XIII. – Душанбе: Дониш. 1977 а. С. 112-136., Негматов Н.Н. Исследования в Северном Таджикистане в 1970г. // АРТ (1970). Вып. X. М.: Наука, 1973 б. С. 79-105., Негматов Н.Н. Раскопки в Северном Таджикистане. // АО 1972г. - М.: Наука. 1973. с. 489-491., Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахристан. - Душанбе: Дониш. 1966., Пулатов У.П. Замок Тоштемиртепа. // АРТ (1975). Вып. XV. - Душанбе. Дониш. 1980. С. 303-316., Пулатов У.П. Чильхужра. // МКУ. Вып. 3. - Душанбе. Дониш. 1975.

² Негматов Н.Н. Раскопки в Северном Таджикистане. // АО 1972г. - М.: Наука. 1973 в. с. 489-491., Негматов Н.Н., Мирбабаев А.К., Абдурасулов М.А. Начало раскопок городища Ширин (Предварительное сообщение). // АРТ (1976). Вып. XVI. – Душанбе: Дониш. 1982. С. 292-307.

³ Аминжанова М. Археологическая разведка в Зааминском районе. // ИМКУ. Вып. 8. –Т.: Фан. 1969. С.137-142., Рахимов С. Отчет полевых работах в зоне Джизакского массива (весна 1967 г.) // Уз Р ФА АИ архиви. -Ф.-6, О.-1, Д.-1., Ташходжаев Ш. Отчет об археологической разведке Джизакского района Сырдарьинской области в 1973г. // Ўз Р ФА АИ архиви. Ф.-6, О.-1, Д.-12. с.332, Немцева Н.Б., Дресвянская Г.Я. Памятники Заамина и его округу (К археологической карте Северной Уструшаны.) // ИМКУ. Вып. 20. – Т.: Фан. 1986. С. 221-229.

Нурота шаҳристонида баъзи бир қазув тадқиқот ишлари олиб борилади.¹

Хулоса қилиб айтганда, бу давр (1943-1975 йиллар) Уструшона тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Шимолий Уструшонанинг чўл қисмини (Сирдарё вилояти) ҳисобга олмаганда тадқиқотчилари томонидан тарихий ўлканинг умумий археологик харитаси ишлаб чиқилади. Жанубий, жанубий-шарқий Уструшонадаги бир қатор ёдгорликларда олдиндан белгиланган умумий режа асосида қазув тадқиқот ишлари олиб борилади.

III давр. 1970 йил ўрталаридан - ҳозирги кунгача:

Ўтган асрнинг 70-йил ўрталарида Мирзачўл ва Жиззах чўлларида янги кўриқ ерларни ўзлаштириш сиёсати ҳам янгидан – янги ёдгорликларнинг очилиши ва ўрганилишига туртки бўлди. Бу йилларда, умуман Ўрта Осиё, шу жумладан, алоҳида тарихий воҳалардаги археологик ёдгорликларни қайд этиш, уларнинг умумий археологик харитасини ишлаб чиқиш мақсадида тадқиқотлар давом эттирилди. Бу тадқиқотлар Уструшона худудининг Ўзбекистон қисмида (шимолий ва шимолий-ғарбий Уструшона) Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институтининг Жиззах, Бахмал отрядлари, кейинчалик Чоч-Уструшона экспедициясининг (раҳбари Ю.Ф.Буряков) Жиззах, Сирдарё, Зомин гуруҳлари томонидан олиб борилди.² Уструшонанинг Тожикистон қисмида бу йўналишдаги тадқиқотлар Шимолий Тожикистон археология комплекс экспедицияси (раҳбари

¹ Нильсен В.А. Становление феодальной архитектуры Средней Азии (V-VIII вв). – Т.: Фан. 1966.

² Алимов У. Археологические исследования в 1975г. Отчет Джизакского археологического отряда (за 1975г.) // Архив Института Археологии. - Ф-б. 0.-1, Д. - 2., Ртвеладзе Э.В., Исхаков М.Х., Маликов О.С. Исследования в Сурхандарьинской и Джизакской областях. // АО 1977г. М.: Наука, 1978. С. 536-537., Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АКД. - М., 1985., Грицина А.А., Пардаев М.Х. Археологическое изучение Кизилинского массива. // Археологические работы на новостройках Узбекистана. – Т.: Фан. 1990. С. 163-179., Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. (Археолого-топографическое исследование). АКД. - Самарканд, 1990., Буряков Ю.Ф., Грицина А. Мавераннахр ва Великом шелковом пути. Самарканд-Бишкек. 2006. 208 с.

Н.Н.Негматов) гурухлари томонидан олиб борилди.¹ Айни вақтда бу даврда (1970-90 йиллар) тадқиқотчилар томонидан турли даврларга оид алоҳида ёдгорликларнинг баъзиларида олиб борилган дала қазув тадқиқот ишлари якунланди. (Тоштемиртепа, Қинғиртепа, Алмантепа I, Алмантепа II, Дўнгатепе, Қалаи Сор, Мик).² Шу билан бирга бир қатор ёдгорликларда олдин бошланган қазув тадқиқот ишлари муваффақият билан давом эттирилди. (Нуртепа, Қалиятепа, Расулбойқултепа, Пардақултепа, Комилбоботепа, Хонтепа, Култепа, Нурота).³

Олиб борилган археологик тадқиқотларнинг асосий қисми охириги икки даврга тўғри келганлиги сабабли, биз эътиборимизни кўпроқ шу даврларга қаратдик. Илмий изланишлар бир қанча йўналишда олиб борилган бўлиб, уларнинг дастлабкиси ҳудуднинг археологик харитасини яратиш борасидаги тадқиқотлардир. Бугунги кунда Ўрта Осиёнинг учта мустақил республикаси ҳудудида жойлашган қадимги Уструшонанинг ягона археологик харитаси мавжуд

¹ Билалов А.И. О работе горного археолого-топографического отряда СТАКЭ в 1974г. // АРТ (1974). Вып. XIV. -Душанбе: Дониш. 1979. С. 356-364., Негматов Н.Н. Некоторые проблемы археологии Северного Таджикистана и Средней Азии. // АРТ (1980). Вып. XX. -Душанбе: Дониш. 1987. С. 281- 301., Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. (МКУ. Вып. 4). -Душанбе: Дониш. 1980.

² Пулатов У.П. Замок Тоштемиртепа. // АРТ (1975). Вып. XV. - Душанбе. Дониш. 1980. С. 303-316., Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АКД. -М., 1985. , Салтовская Е.Д. О раскопках Дунгатепе. // АРТ (1977). Вып. XVII. - Душанбе. Дониш. 1983. С. 263-277., Пулатов У.П. Раскопки Калаи Соре в 1983г. // АРТ (1983). Вып. XXIII. - Душанбе. Дониш, 1991. С. 47-57., Сверчков Л.М. Поселение Мык – источник по истории средневековой истории Уструшаны. АКД, Самарканд. 1991., Салтовская Е.Д., Пулатов У.П. Городище Калаи Кофар. // АО 1984. - М.: Наука. 1986. С. 482-483.

³ Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Общий отчет об исследованиях Нуртепе в 1980-1985гг и продолжения работ по дальнейшему изучению и сохранению памятника. // АРТ (1985). Вып. XXV. – Душанбе: Дониш. 1994. С. 23-27., Пардаев М.Х. Буюк Ипак йўли ёқасидаги "Дизак" шаҳри ўрни тўғрисида. // Буюк Ипак йўли ёқасидаги Марказий Осиё шаҳарлари. Самарканд. 1994й. 30 март. -Самарканд. 1994. Б. 49-50., Грицина А.А. Северная Уструшана в середине 1 тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. (Археолого-топографическое исследование). АКД. Самарканд, 1990, Грицина А.А. Городища Нурата. // ИМКУ. Вып. 27. Самарканд. Регистан. 1996. С. 82-92., Пардаев М. Археологические работы на Расулбайкултепа. // ИМКУ. Вып. 26, 1992, с.108-113, Пардаев М. Комилбоботепа қалъаси. // ЎММТ, 32-нашр, Самарканд, 2002, 132-142.

эмас. Тарихий Уструшона ўлкаси тадқиқотчилар томонидан куйидаги маданий воҳаларга ажратиб ўрганилган:

1. Шахристон воҳаси. Шахристонсой, Каттасой, Басмандасой, Оқсув, Исфанасой ва Хўжабакиргансой ҳавзаларининг юқори оқимини ўз ичига олувчи шарқий ва жанубий-шарқий Уструшона.

2. Жиззах воҳаси. Зоминсув, Сангзор, Кили дарё сув ҳавзаси таркибига кирувчи шимолий-ғарбий Уструшона.

3. Хўжамушкентсой ҳавзаси. Тоғ олди ва унга туташ ҳудудларнинг текислик ва чўл қисми (ҳозирги Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг Хавос, Янгиобод каби туманлари) кирувчи шимолий Уструшонадир.

Бу ҳудудлар археология харитасини яратиш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар натижасида шимолий Уструшонада 137 та¹, шимолий-ғарбий Уструшонада 450 дан ортиқ², шарқий Уструшонада 250 дан ошиқ³ археологик ёдгорлик аниқланган. Бу ёдгорликларнинг 40га яқинида стационар қазув тадқиқотлари олиб борилган. Бу тадқиқотлар: а) ҳудуднинг қадимий давр моддий маданияти, илк манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши, илк шаҳар, шаҳарсозлик анъаналари, урбанизация, ҳунармандчиликнинг пайдо бўлиши, қадимий давр тарихий географияси ва топографияси, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаёти муаммоларига, б) илк ўрта асрлар моддий маданияти, хусусан шаҳарсозлик, меъморчилик, ҳунармандчилик, санъат ёдгорликлари, ўрта асрлар тарихий географияс, рустоклар, шаҳар, қалъа, манзилгоҳлар локализацияси, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаёти муаммоларини ўрганишга қаратилган.

¹ Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т.: Фан. 1992. с.42-63. 9-10 расмлар.

² Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья. АКД. - Т.: 1995. асосийлари 11-расмда келтирилган.

³ Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.189-230., Негматов Н.Н., Пулатов У.П., Хмельницкий С.Г. Уртақурган и Тирмизактепа. Душанбе: Дониш. 1973. с.105-108, Негматов Н.Н. Уструшанский компонент среднеазиатской культуры раннего средневековья. // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. Душанбе. 1977 б. С. 12-19. 12-расм.

Худудда олиб борилган археологик тадқиқотлар даврларини кузатиш асосида бу изланишларни қуйидагича хулосалашимиз мумкин:

1. Бу даврда умумий ҳисобда Уструшона худудида турли даврларга оид 800дан ортиқ археологик ёдгорлик аниқланиб, харитага олинди. Уларнинг асосий қисми жанубий, жанубий-шарқий, шимолий, шимолий-ғарбий худудларга ажратилган ҳолда келтирилади. Мазкур ёдгорликларнинг 2,4% (30 та ёдгорлик) қадимий даврга, 60-65% илк ўрта асрларга, қолганлари ривожланган ўрта асрларга оид. Тадқиқотлар натижасида Уструшона худуди асосий қисмининг археологик харитаси яратилди. Аммо бу йўналишдаги таҳлиллар жараёнида айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Жумладан: а) Уструшонанинг жанубий қисми тоғли худудлари, Оксув ва Басмандасой ҳавзалари юқори оқимларида 1974 йил А.И.Билалов томонидан олиб борилган тадқиқотларни ҳисобга олмаганда тўлиқ ўрганилмаган; б) Шимолий ва шимолий-ғарбий Уструшона оралиғидаги Равотсой ва Оқбулоқсой ҳавзалари ҳам археологик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этилмаган.

2. Юқоридаги тадқиқотлар жараёнида Уструшонанинг шимолий, шимолий-ғарбий қисмларида аниқланган ёдгорликлар мавжуд ирригация тармоқлари асосида худудлаштирилиб, вазифаларига кўра типологиялаштирилди.¹ Аммо худуднинг жанубий ва жанубий-шарқий қисмларида бу йўналишдаги тадқиқотлар тўлақонли амалга оширилмаганлигини таъкидлашимиз мумкин. Хусусан, А.И.Билалов томонидан, худуднинг ирригация тармоқларини тадқиқ этиши жараёнида, бу ердаги археологик ёдгорликлар қисман худудлаштирилган.² Аммо ушбу ёдгорликларнинг типологияси бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

¹ Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АКД. -М., 1985., Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. (Археолого-топографическое исследование). АКД. - Самарканд, 1990, Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья. АКД. - Т.: 1995., Суюнов С. История орошения Северо-западной Уструшаны. АКД. -Самарканд. 1999.

² Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. (МКУ. Вып. 4). -Д: Дониш. 1980.

3. 40 га яқин ёдгорликларда доимий стационар тадқиқотлар олиб борилди. Бу ёдгорликларнинг 11 таси қадимий даврга, 26 таси илк ўрта асрларга оид. Таъкидлаш жоизки, айрим ёдгорликлар кўпқатламли бўлганлиги сабабли уларда қадимий ва илк ўрта асрларга оид маданий қатламлар қайд этилган.

4. Бу тадқиқотлар натижасида Уструшона моддий маданияти муаммолари, хусусан, илк манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши, урбанизация жараёнлари, шаҳарсозлик анъаналари, ҳамда хунармандчиликнинг пайдо бўлиши ва ривож, тасвирий санъат намуналари, ҳудуднинг қадимий ва ўрта асрлар тарихий географияси, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаёти муаммолари бўйича бирмунча илмий ишланмалар амалга оширилди.

Шундай бўлсада, бу амалий ва илмий-назарий йўналишдаги тадқиқотларнинг барчаси, Уструшона моддий маданияти тарихи муаммоларига қаратилган бўлишига қарамасдан, улар ягона тизимга солиниб, яхлит таҳлил этилмаганлиги сабабли, бир бутун тарихий, археологик тасаввурни бериш имкониятига эга эмас.

2 - БОБ. «ҚАДИМИЙ УСТРУШОНА» ХУДУДИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИ (мил. эр. авв. VII – милодий эранинг IV асрлари)

2.1. Уструшонанинг қадимий даври археологик ёдгорликларини ҳудудлаштириш, типологиялаш

Қадимий давр ёдгорликларини ҳудудлаштириш, типологиялаш. Марказий Осиё халқлари тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган тарихий Уструшона мамлакатининг қадимий даврларда қандай номланганлиги ҳақида ёзма маълумотлар мавжуд эмас. Уструшонашунос тадқиқотчилар томонидан шартли равишда «қадимий Уструшона», деб номланган ушбу тарихий ўлка ҳудудида олиб борилган изланишлар, ўтмишда бу ерда яшаган аждодларимизнинг ўзига хос, бой ва бетакрор маданияти ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

Биз Уструшонанинг қадимий даври археология ёдгорликларини, юқорида санаб ўтилган сув манбалари асосида ҳудудлаштиришга ҳаракат қилдик. “Қадимий Уструшона” ҳудудда олиб борилган археологик қидирув ва казув ишлари жараёнида, турли даврларга оид кўплаб моддий маданият ёдгорликлари аниқланган бўлиб, уларнинг фақат бир қисмида архаик ва антик давр қатламлари аниқланган. (6-расм). Ўлканинг моддий маданият ёдгорликларини ҳудудлаштиришни, Уструшонанинг энг йирик сув манбаи ҳисобланган Сирдарё ҳавзасидан бошлаймиз.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра Уструшонанинг Фарғона билан туташган чегара мавзеида, Хўжабақиргансойнинг Сирдарёга қуйилиши жойида, ҳозирги Хўжанд шаҳрининг ўрнида, мил. эр. авв. VI – V асрларга оид қадимий қишлоқ манзилгоҳи фаолият кўрсатган. Мил. эр. авв. IV аср охирига келиб, бу ерда табиий тупроққўрғон ва пахса деворлар билан ўралган, умумий майдони 10га ни ташкил этувчи мустаҳкамланган, шаҳар типигаги манзилгоҳ бунёд этилган. Н.Н.Негматов томонидан 1955 йилда ёдгорликнинг I

асрга оид қатламлари аниқланган эди.¹ 1975-1980 йилларда А.И.Билалов ва Т.В.Беляевалар томонидан ёдгорликнинг мил. эр. авв. VI асрдан - милодий эранинг XX асригача бўлган стратиграфик қатламлари тўла очиб ўрганилган. (34-расм).² Бу тадқиқотлар катта илмий қимматга эга бўлиб, ёдгорликнинг (Хўжанд) 2500 йилдан ошиқроқ тарихга эга эканлигини исботлаб берди.

Оқсув кичик воҳасида жойлашган навбатдаги қадимий манзилгоҳлардан бири Қаллахона ёдгорлигидир. Қаллахона ёдгорлиги Оқсувнинг ўнг қирғоғида, Хўжанд – Ўра-тепа йўлидан 2км жанубда жойлашган. Ёдгорлик илк марта О.И.Смирнова, сўнгра А.И.Билалов томонидан қайд этилган.³ Сой қирғоғи бўйлаб жойлашган, умумий майдони 4га ни ташкил этувчи бу ёдгорликда, узунлиги 70м га яқин ғарбий девор ва битта минора қолдиғи сақланиб қолган. Миноранинг баландлиги 12м, диаметри (эни) 16-18 м ни ташкил этади. Миноранинг юқори қисмида хом ғиштдан (60x30x10-11см.) (83-расм) кўтарилган девор қолдиқлари сақланган. Шахристоннинг ғарбий ва шимолий томонлари текисланиб, ўзлаштирилган. Ёдгорликнинг юқори қисмидан 3-5м ли қалинликдаги маданий қатлам олиб ташланган.⁴ Сўнги йилларда Т.В.Беляева томонидан ушбу худуддаги бир қатор ёдгорликлар қайта даврлаштирилди ва Қаллахона ёдгорлиги мил. эр. авв. VI - I асрлар билан саналанди.⁵

Басмандасой ҳавзасидаги, қадимий қатламлари ўрганилган Ширин ёдгорлиги, Сирдарё ҳавзасига кириб борувчи тоғ тизмасининг Ширинсойга туташувчи этагидаги тепаликда жойлашган. Ёдгорлик тўғри тўртбурчак шаклида

¹ Негматов Н.Н. Предварительный отчет о работах Ходжентского отряда в 1954г. // ТИИ АН Тадж. ССР. Т. XXXVII. -Сталинабад., 1956. С. 33-41.

² Билалов А.И., Беляева Т.В. Исследование цитадели Ходжента в 1975г. // АРТ (1975). Вып. XV. -Душанбе: Дониш. 1980. С. 281-294., Беляева Т.В. О работе Ленинабадского отряда в 1976г. // АРТ (1976). Вып. XVI. Душанбе. Дониш. 1982. С. 264-282.

³ Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики Верхнего Зарафшана. МИА.Т.15. -М.-Л., 1950. С. с.228.

⁴ Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. (МКУ. Вып. 4). Душанбе: 1980. с. 81.

⁵ Беляева Т.В. Исследование Нуртепе в 1982г. // АРТ (1982). XXII – Душанбе: Дониш. 1990. С. 76-85.

бўлиб, икки қисмдан, шахристон ва унинг марказидаги аркдан иборат, уларнинг ҳар бири алоҳида мудоффа деворлари билан ўраб олинган. Ёдгорликнинг ғарбий қисмида солинган стратиграфик шурфдан мил. эр. авв. V - IV- янги эранинг II - III асрларга оид ашёвий далиллар олинган.¹

Сирдарё ирригация ҳавзасидаги навбатдаги йирик, қадимий ёдгорлик Мунчоқтепадир. Мунчоқтепа шахристони баланд, тўғри тўртбурчак шаклидаги (200x180м) тепалик бўлиб, унинг бир томони Сирдарёнинг баланд, жарсимон қирғоғига туташган, қолган уч томони эса тик қияликлардан иборат. Умумий майдони 4га га яқин бўлган шахристоннинг шимолий-шарқий қисмида, дарё сатҳидан 24м баланд бўлган тепаликда шаҳарнинг арки аълоси (70x40) жойлашган. Ёдгорлик хом ғиштдан қурилган мудоффа деворлари билан ўраб олинган. 1943-1944 йиллар В.Ф.Гайдукевич томонидан ўрганилган бу ёдгорликда, ҳаёт милодий эранинг илк асрларидан бошланган.² Чўл билан туташ ҳудудда жойлашган ушбу ёдгорлик, афтидан ҳарбий аҳамиятга эга бўлиб, кучли таянч мудоффа нуқтаси ҳамда кўчманчи чорвадорлар билан иқтисодий “контакт макон” вазифасини бажарган.

XX асрнинг 80-90-йилларида Шимолий Уструшонанинг қадимий даврига оид бир қатор янги ёдгорликлар аниқланиб, илмий муомалага киритилди ва уструшонашуносликка оид адабиётларда улар тез-тез тилга олинди келинмоқда. Булар Қизили қишлоғи яқинида жойлашган Чифмойтепа шахристони (мил. эр. авв. VI - III асрлар), Уяс қишлоғи яқинида аниқланган шахристон харобалари (мил. эр. авв. VI - IV асрлар), Гончининг шимолий-шарқида жойлашган номсиз тепа ёдгорлиги (мил. эр. авв. VI - IV асрлар), Қизили қишлоғи ўрнидаги Мулчоқтепа шахристони ёдгорлиги (мил. эр. авв. IV - мил. XIII асрлар) ва ушбу қишлоқдан 5км масофа узоқликда жойлашган Бахмалтепа ёдгорликлари бўлиб, мазкур

¹ Негматов Н.Н., Мирбабаев А.К., Абдурасулов М.А. Начало раскопок городища Ширин (Предварительное сообщение). // АРТ (1976). Вып. XVI. – Душанбе: Дониш. 1982. С. 292-307., Мирбабаев А.К. Северо-Уструшанский античный комплекс Ширин. // "Античная культура Ср. Азии и Казахстана". – Т., 1979. с. 99-101.

² Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг. // КСИИМК. Вып. XV. - М.-Л: 1947. С. 92-109.

ёдгорликлар XX асрнинг 80-йиллари сўнгида Т.В.Беляева томонидан қайта даврлаштирилган.¹ Юқорида санаб ўтилган манзилгоҳлардан фақат Каллахона ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар натижаларигина нашр қилиниб, қолган ёдгорликлар бўйича қилинган илмий таҳлил натижалари дала кундалик ёзувлари ёки кўп ҳолларда илмий ҳисоботлар шаклида қолиб кетиб, фан соҳаси жамоатчилиги эътиборига етказилмаган. Ваҳоланки, тадқиқотчининг ёдгорликларни даврлаштириш хусусида билдирган фикрлари ўз исботини топган тақдирда, бу ёдгорликлар худуднинг қадимий даврига оид бир қатор долзарб муаммолар ечимига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиш имкониятини яратар эди.

Каттасой ирригация райони тасарруфидаги мўъжаз воҳада жойлашган Муғтепа (Ўратепа) ёдгорлигида ҳам қадимий қатламлар аниқланган. Ўратепа шаҳри ўрнида жойлашган Муғтепа ёдгорлиги аркининг умумий майдони бга. ни ташкил этади. Ёдгорлик тупроққурғон ва пахсадан иборат баланд ва қалин девор билан ўраб олинган. Муғтепа ёдгорлигида 1950 йилда О.И.Смирнова томонидан I асрга, 1959-1960 йилларда Е.Д.Салтовская томонидан мил. эр. авв.ги IV - милодий II асрларга оид қатламлар аниқланди.² Н.Т.Раҳимов томонидан 1980 йиллардан олиб борилган тадқиқотлар натижасида ёдгорликнинг мил. эр. авв. V - II асрларга оид умумий стратиграфик қатламлари аниқланди.³

Шаҳристонсой ирригация районининг (Нижонисой, қуйи оқимда Шўрбулоқсой) қадимий ёдгорликларидан бири Эски Ховос ёдгорлигидир. Эски Ховос шаҳристони, шу номдаги темир йўл станцияси яқинида, Шўрбулоқсойнинг (Нижонисой) ўнг қирғоғида жойлашган. Ёдгорлик уч қисмдан, арк ва унга туташ икки тепалик(шаҳристон)дан иборат.

¹ Беляева Т.В. К исторической топографии городов Уструшаны. //Древняя и средневековая археология Средней Азии.- Т.: Фан, 1990. С.76-85

² Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.189-230., Ранов В.А. Салтовская Е.Д. О работах Уратюбинского отряда в 1959г. // ТИИ АН Тадж. ССР. Т. 34. - Душанбе. 1961. С. 108-128., Негматов Н.Н., Салтовская Е.Д. О работах Ходжентского-Уструшанского отряда в 1960г. // ТИИ АН. Тадж. ССР. Т. XXXIV. - Душанбе. Дониш. 1962. С. 69-89.

³ Рахимов Н.Т. История Ура-Тюбе по археологическим данным. АКД.-Самарканд. 1989.

Ёдгорликнинг умумий майдони 10га дан ортиқроқ бўлиб, ундан 2га. га яқини арки аълога тегишлидир. Арк ёдгорликнинг шимолий - ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, квадрат кўринишга (140x130) эга, баландлиги 13м. Ёдгорлик илк бор М.Е.Массон (1935 й), кейинчалик А.И.Билалов томонидан (1980 йилда) кўздан кечирилган, 1984, 1988-1989 йиллар давомида А.А.Грицина ва М.Ҳ.Пардаевлар бошчилигидаги Сирдарё гуруҳи томонидан ўрганила бошланган.¹ Ёдгорликда ташланган иккита шурфдан олинган материаллар асосида, унинг қуйи қатламлари мил. эр. авв. II – мил. II асрлари билан даврлаштирилади. Аммо табиий шароит имкон бермаганлиги (сув чиқиб кетганлиги) сабабли, бу шурфларда тадқиқотлар охирига етказилмаган.² Зеро, Эски Ховос ёдгорлигининг энг пастки маданий қатламларининг даврий санаси янада қадимгироқ эканлиги шубҳасиздир.

«Қадимий Уструшона» ҳудудидаги энг йирик ҳисобланувчи Нуртепа ёдгорлиги ҳам шу ҳавзада жойлашган. Нуртепа ёдгорлиги Ўратепа районидаги Ҳоватоғ, деб аталувчи жойда, Нижонисойнинг (Шаҳристонсойнинг қуйи оқими) чап қирғоғида, Мирзачўлнинг ич тарафига қадар кирган, жанубий-шарқдан шимолий-ғарбга томон чўзилган, унча баланд бўлмаган тоғ тизмасининг ўрта қисмидаги тепаликда жойлашган. Ёдгорлик жанубдан шимолга томон чўзилган, умумий майдони 18га ни ташкил қилади. У ярим овал шаклида бўлиб, икки қисм – арк ва шаҳристондан иборат. 1979 йилда аниқланган, 1980-1986 йиллар давомида тадқиқот ишлари

¹ Массон М.Е. Проблемы изучения цистерн сардоба. –Т.: Изд. Комитета Наук при СНК УзССР, 1935. с.16, Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. (МКУ. Вып. 4). -Душанбе: Дониш. 1980. с.37, Грицина А.А., Пардаев М.Х. Археологическое изучение Кизилинского массива. // Археологические работы на новостройках Узбекистана. – Т.: Фан. 1990. С. 177-179.

² Грицина А.А. Северная Уструшана в середине 1 тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. АКД. - Самарканд, 1990. с.12-13, Грицина А.А. К формированию древних и средневековых путей Северной Уструшаны. // Формирование и развитие трасс ВШП в Центральной Азии в древности и средневековья. ТД маждународного семинара ЮНЕСКО. Самарканд. 1- 6 октябрь. - Т.: Фан. 1990. с. 46-47, Грицина А.А., Пардаев М.Х. Археологическое изучение Кизилинского массива. // Археологические работы на новостройках Узбекистана. – Т.: Фан. 1990. с.177-179.

олиб борилган бу ёдгорлик мил. эр. авв. VII - I асрлар билан даврлаштирилган.¹

Хўжамушкентсой ирригация воҳасида қадимий даврга оид Хонтепа ва Сағанақтепа ёдгорликлари аниқлангандир ва казув ишлари орқали ўрганилган. Хонтепа Хўжамушкентсойнинг ўнг қирғоғида, Сават қишлоғидан 1,2км шимолий-ғарбда жойлашган. Хонтепа ёдгорлигида 1985-1987 йиллар давомида А.Грицина томонидан казув ишлари ўтказилган. Хонтепа тўртбурчак шаклига яқин (80x70 м), овал кўринишидаги, баландлиги 4м, умумий майдони 1га. га яқин бўлган тепалиқдир. Тепалиқнинг шимолий ва шарқий томонлари кесилган. (29-расм). Ёдгорлик икки қатламли бўлиб, қуйи қатлами мил. эр. авв. V - IV асрлар, юқори қатлами мил. эр. авв. IV - III асрлар билан даврлаштирилган.² Мазкур ирригация ҳавзасининг навбатдаги қадимий ёдгорлиги Сағанақтепа ёдгорликлари бўлиб, улар Хўжамушкентсойнинг ўнг қирғоғида, Хонтепа ёдгорлигидан 0,4км жанубда жойлашган. Ёдгорлик 1988 йил А.Грицина томонидан ўрганилган. Ёдгорлик икки қисмдан иборат бўлиб, бири учбурчак шаклига яқин, иккинчиси шимолий-ғарбдан, жанубий-шарққа томон чўзилган, бир-бирига қарама қарши жойлашган. Биринчи тепалиқнинг баландлиги 1,5м, умумий майдони 42x10,5м, иккинчи тепалиқнинг баландлиги 2м, умумий майдони 32x16м ни ташкил этади. Бу ёдгорлик мил. эр. авв. IV-III асрларда фаолият кўрсатган.³ Сағанақтепа ёдгорлигидан 450м жанубда, Сағанақтепа I ёдгорлиги жойлашган, у шимолий-ғарбдан жанубий-шарқ томон

¹ Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Общий отчет об исследованиях Нуртепе в 1980-1985гг и продолжения работ по дальнейшему изучению и сохранению памятника. // АРТ (1985). Вып. XXV. – Душанбе: Дониш. 1994. С. 23-27., Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый Путь. / Энциклопедический справочник: // Древность и раннее средневековье. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». 1999. с.241.

² Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. АКД. - Самарканд, 1990. с.9-12, Грицина А.А. К сложению городов и поселений на древних путях Северной Уструшаны. // На среднеазиатских трассах ВШП. –Т.: Фан. 1990. с.19-21, Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т.: Фан. 1992. с.50.

³ Грицина А.А. К сложению городов и поселений на древних путях Северной Уструшаны. // На среднеазиатских трассах ВШП. –Т.: Фан. 1990. С. 21, Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т.: Фан. 1992. С.50.

чўзилган, овал шаклидаги тепаликдан иборат. Ёдгорлик 1988 йил А.Грицина томонидан ўрганилган. Тепаликнинг баландлиги 2м атрофида, умумий майдони 31x8м. Ёдгорлик бир қатламли бўлиб, маданий қатлами қалинлиги 1м ни ташкил этади. Ёдгорлик мил. эр. авв. IV–III асрлар билан даврлаштирилган.¹

Хўжамушкентсой ҳавзадаги, қадимий даврга оид навбатдаги ёдгорлик Хитойтепадир. Хитойтепа ёдгорлиги Хўжамушкентсойнинг чап ирмоғи бўлган Обиширсойнинг ўнг қирғоғида, Култепа қишлоғидан 10км жанубда жойлашган. Ёдгорликда 1986 йил А.А.Грицина томонидан археологик тадқиқотлар олиб борилган. Ёдгорлик сой бўйлаб жойлашган бўлиб, у тепалик ва унга туташ тўртбурчак шаклидаги майдондан иборат. Ёдгорликнинг умумий майдони 130x35м, тепа 50x35м., баландлиги 4м.² Ёдгорлик мил. эр. авв.ги III - II асрлар билан даврлаштирилган.

Зоминсув ирригация районидаги энг қадимий турар жой маскани Қўрғонтепа шаҳар ёдгорлиги бўлиб, у Зоминдарёнинг ўнг қирғоғида, Зомин шаҳри марказидаги мемориал мажмуаси ўрнида жойлашган. 1964, 1973-1974 йиллар давомида бу ёдгорликда олиб борилган тадқиқотлар натижасида ёдгорликнинг қуйи қатламлари аниқланмаган эди.³ XX асрнинг 90-йилларда А.А.Грицина томонидан ёдгорликнинг мил. эр. авв. II-I асрларга оид қуйи қатламлари ўрганилди⁴ Ёдгорликнинг атрофи бугунги кунда интенсив ҳолатда

¹ Грицина А.А. Археологические исследования в Северной Уструшане. // Я.Гулямов и развитие исторических наук в Узбекистане. - Т.: Фан. 1988. с. 33-35., Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. АҚД. -Самарканд, 1990. с.21-22, Грицина А.А. К сложению городов и поселений на древних путях Северной Уструшаны. // На среднеазиатских трассах ВШП. –Т.: Фан. 1990. с.12, Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т.: Фан. 1992. с.50, Буряков Ю.Ф., Грицина А.А., Пардаев М.Х., Тихонин М.Р. Работы Чач-Уструшанской экспедиции. // АО 1986г. -М.: Наука, 1988. С. 493 – 496., Грицина А.А., Сверчков Л.М. Археологические исследования в Сырдарьинской области. // ИМКУ. Вып. 23. –Т.: Фан. 1990. С. 114-121.

² Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э.. АҚД. - Самарканд, 1990 с.13-14, Древний Заамин. / –Т.: Фан. 1994. с.33-38.

³ Аминжанова М. Археологическая разведка в Зааминском районе. // ИМКУ. Вып.8. –Т.: Фан.1969. С.138-139., Немцева Н.Б., Дресвянская Г.Я. Памятники Заамини и его округу // ИМКУ. Вып. 20. – Т.: Фан. 1986. С. 222.

⁴ Древний Заамин. / – Т.: Фан. 1994. с.28-33

ўзлаштирилган бўлиб, шу сабабли, Қўрғонтепа ўзининг қадимий кўринишини бутунлай йўқотган. Унинг арк қисми устида мемориал комплекси жойлашган. Н.Б.Немцева ва Г.Я.Дресвянскаяларнинг маълум қилишларича, 1973 йилда ёдгорликнинг умумий ҳажми 100х95м, баландлиги 14м ни ташкил этган.¹ Қўрғонтепа ёдгорлиги асосан икки маданий қатламдан иборат бўлиб, унинг юқори қатлами илк ўрта асрларга оиддир.

Сангзор дарёси ҳавзаси ўз географик хусусиятлари ва археологик ёдгорликларнинг жойлашувига кўра уч ирригация районига: юқори, ўрта, қуйи Сангзор ирригация воҳаларига ажратилади. (М.Пардаев) Юқори Сангзор ирригация райони Қўрғонтепа қалъаси (Бахмал) ва Нужкент ўрта аср шаҳри атрофида тўпланган ёдгорликлардан ташкил топган. Асосий манзилгоҳ Қўрғонтепа II - IV асрлар билан даврланади. Ўрта Сангзор ирригация райони маркази Ойдинсойтепа ва Қўрғонтепа (Бахмал) кичик воҳаларидан иборат бўлиб, бу ёдгорликлар I–II асрлар билан даврланган ва уларнинг атрофида 20дан ортиқ ёдгорликлар қайд этилган. Қуйи Сангзор ирригация райони, Қалиятепа ва Ўрдатепа кичик воҳаларидан иборат бўлиб, бу ҳудуддаги энг қадимий ёдгорлик Қалиятепа ёдгорлигидир. (14-расм). М.Ҳ.Пардаев томонидан ёдгорликнинг маданий қатламлари стратиграфияси ўрганилган. Натижада, Жиззах ўрнидаги йирик Қалиятепа ёдгорлигига мил. эр. авв. II-I асрларида асос солингани исботланган.² Ёдгорликнинг юқори қисмида сўнги ва илк ўрта асрларга оид қалин (13м) маданий қатламларни мавжудлиги, қуйи, қадимий қатламларнинг тўла очиб ўрганиш имконини бермайди. Шу сабабли, тадқиқотлар асосан ёдгорликнинг стартиграфик қирқимларини ўрганиш усули орқали олиб борилди.

¹ Немцева Н.Б., Дресвянская Г.Я. Памятники Замина и его округу (К археологической карте Северной Уструшаны.) //ИМКУ. Вып. 20. –Т.: Фан. 1986. С. 222

² Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья. АКД. - Т.: 1995.с.10-11. Пардаев М.Ҳ. Қалиятепа стратиграфиясини ўрганишга доир айрим мулоҳазалар. // ЎММТ, 31-нашри, Самарканд, 2001.

Уструшонанинг қадимий даврига оид, унинг асосан, шимолий қисмда жойлашган, археологик қидирувлар жараёнида аниқланган ёдгорликлар, уларнинг ташқи кўриниши ва тузилиши асосида типологиялаштирилган.¹

Археологик-топографик йўналишдаги бу тадқиқотларда қадимги ва ўрта аср ёдгорликлари умумий ҳолда олиниб, уларнинг тоифалари ишлаб чиқилган. Биз бу масалага, археологик тадқиқотлар олиб борилган ҳудудни бир бутун ҳолда олиб (шимолий-ғарбий, шимолий, марказий ва шарқий қисмлар), унга қадимий даврга оид барча ёдгорликларни жойлаштирган ҳолда ёндашишга ҳаракат қилдик. Юқорида таъкидланганидек, археологик тадқиқотлар, асосан, нисбатан йирик ҳисобланган ёдгорликларда олиб борилган. Бундан ташқари кўпгина ёдгорликлар кўп қатламли бўлиб, ўзининг қадимий кўринишини, кейинги даврларда бутунлай йўқотган. Умуман олганда, Уструшонанинг бугунги кундаги ўрганилиш даражаси, ундаги қадимий давр ёдгорликларини типологиялаштириш имкониятини анча чеклайди. Шу сабабли, биз бу масалага шартли равишда ёндашиб, аввалам бор, қадимий даврга оид ўзининг дастлабки шаклини сақлаб қолган ёдгорликлар асосида типологиялашга ҳаракат қилдик. (17-расм). Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, ёдгорликларни ташқи кўриниши ва тузилиши асосида қуйидагича шаклда типологиялаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

I тип, умумий майдони 4 - 20га. гача бўлган икки қисмли шаҳар ёдгорликлари. (Нуртепа - 18га, Хўжанд - 10га, Муғтепа арки - 6га).

II тип, умумий майдони 1-4га. бўлган шаҳар ёдгорликлар (Мунчоктепа-4га. (арк 0,25га), Қўрғонтепа (арк 1га), Хитойтепа-1га (арк 0,2га)).

III тип, умумий майдони 1га.ча бўлган қишлоқ ёдгорликлари (Хонтепа-0,5га, Сағанақтепа-0,5га, Сағанақтепа I-0,25га). Бу типга, аксарият бир қисмли ёдгорликлар киради.

¹ Грицина А.А. Северная Уструшана в середине 1 тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. АКД. - Самарканд, 1990. с.13-14.

«Қадимий Уструшона» ҳудуди археология ёдгорликларини районлаштириш ва типологиялаш бу қадимий ўлкада илк шаҳар ва манзилгоҳлар мил. эр. авв. минг йиллик ўрталарида Басмандасой, Шаҳристонсой, Хўжамушкентсой ҳавзаларида пайдо бўлганлигини кўрсатади. Бу ирригация воҳалари «Қадимий Уструшона» маданиятининг энг қадимги марказлари ташкил этади. Аста-секинлик билан «Қадимий Уструшона» маданияти ўчоғининг қўшни ҳавзаларга ёйилиши, бу ҳавзаларнинг ўзлаштирилиши ва янги манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши, вақт ўтиши билан кўчманчи қабилаларнинг ўтроқлашиши ўтроқ-деҳқончилик маданиятининг даврлар оша тараққий этиб борганидан далолат беради.

2.2. Уструшона ҳудуди қадимий даври тарихий - топографияси муаммоларнинг ўрганилиши (мил.эр. авв. VII – милодий эрнинг IV асрлари)

Уструшона ёдгорликларининг жойлашиш ўрни, тарихий топографияси муаммолари тадқиқотчилар ўртасида узок вақт мобайнида қизгин баҳс, мунозараларга сабаб бўлиб келаётган масалалардан биридир. Бу мунозараларнинг ҳозирга қадар давом этиб келаётганлиги, масаланинг нақадар мураккаб эканлигини кўрсатиб, уларни тарихий манбалар (ёзма ва археологик) маълумотлари ва тарихшунослик нуқтаи назардан комплекс ўрганиш лозимлигини эътироф этади. Шу сабабли, биз қуйида тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган Уструшона тарихий топографияси муаммоларининг ўрганилиши масаласига муаммовий нуқтаи назардан ёндашиб, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш асосида масаланинг бугунги кундаги даражасини очиб беришга ҳаракат қилдик.

«Қадимий Уструшона» ҳудуди тарихий топографияси муаммолари юзасидан XIX аср охири - XX асрнинг I ярмида В.В.Бартольд, И.Г.Дройзен, К.В.Тревер, П.Лерх, В.Томашек, В.В.Григорьев, Ф.Шварц, М.С.Андреев, Н.Кастанье, А.Н.Бернштам, Б.Гафуров ва бошқа тарихчи археолог, шарқшунос, ўлкашунос, тилшунос олимлар томонидан бир қатор фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган эди. Кўпроқ

Александр Македонский юришлари йўналишларини ўрганишга қаратилган, асосан ёзма манбалар ва мавжуд археология ёдгорликларини кўздан кечириш натижасида, аксарият ҳолларда уларнинг номларидан келиб чиқиб, билдирилган бу тахминий фикрлар муаммонинг асл моҳиятини очиб бериш учун деярли илмий аҳамиятга эга бўлмай, балки Марказий Осиёнинг умумий тарихи муаммоларига бағишланган айрим асарларда йўл-йўлакай билдирилган фикрлар эди.

«Қадимий Уструшона» ҳудуди тарихий топографияси масаласи муаммоларини ўрганишда XX асрнинг 50-йилларда пайдо бўлган Уструшонанинг тарихий-географик ўрни ва топографиясига бағишланган тадқиқотдан сўнг бурилиш ясалди.¹ Н.Н.Негматовнинг бу асари ўз тавсифига кўра тарихшунослик нуқтаи назаридаги илмий тадқиқотлар сирасидан бўлиб, унда муаллиф ўзидан олдинги тадқиқотчиларнинг асосан ёзма манбалар бўйича бу масала юзасидан билдирган фикрларини тўплаб, уларга археологик манбаларни қўшган ҳолда хулосалашга ҳаракат қилади. XX асрнинг II ярмида «қадимий Уструшона» ҳудудида олиб борилган кенг кўламдаги археологик тадқиқотлар натижасида қадимий даврга оид кўплаб ёдгорликлар аниқланиб, улардан баъзиларининг тўлиқ ёки қисман очиб ўрганилиши тадқиқотчилар учун муаммонинг ечимини топишда қимматли манба бўлиб хизмат қилди. Бу даврда Н.Н.Негматов, Т.В.Беляева, А.И.Билалов, А.Э.Бердимуродов, А.А.Грицина, М.Ҳ.Пардаев ва бошқаларнинг узоқ вақтлар давомида тўпланиб келган тарихий манбалар (ёзма ва моддий) таҳлили асосида «қадимий Уструшона» ҳудуди тарихий-географик топографияси муаммоларини ўрганишга бағишланган бир қанча махсус тадқиқотлари илмий жамоатчиликнинг эътиборига ҳавола қилинди. Албатта, бу тадқиқотларнинг асосий манбашунослик негизини ташкил этувчи археологик тадқиқотлар тўла яқунланмаган. Ҳозирги кунда давом эттирилаётган бу тадқиқотлар материаллари,

¹ Негматов Н.Н. Историко-географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в.н.э. //МИА. №37. -М.-Л., 1953. С. 180-247

уструшонашуносликдаги мавжуд муаммоларни ўрганишга бўлган имкониятларни янада оширади. Унинг долзарб масалаларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганишда моддий маданиятнинг асосий манба бўлиб хизмат қилиши бугунги кунда катта илмий янгилик эмас. Ёзма манбаларнинг археологик тақиқотлар натижалари билан тўлдирилиши натижасида яратилган билимлар узоқ ўтмиш аجدодларимиз ҳаётининг бизга номаълум нуқталарини ёритиб беришда ҳақиқий мезон бўлиб хизмат қилади. Яъни объектив тарихий ҳақиқат ёзма ва моддий манбаларнинг бир бутун олинган ҳолда чуқур ўрганилишига, таҳлилига асосланган узоқ ва машаққатли меҳнат натижасида яратилади.

Сўнгги йилларда малакали мутахассислар томонидан олиб борилган кенг кўламдаги археологик тадқиқотлар натижасида тарихий топография муаммоси масаласида ҳам илмий изоҳланган бир қатор концепциялар, фикр-мулоҳазалар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Хусусан, бу йўналишда илмий ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб борган В.Ф.Гайдукевич, О.И.Смирнова, Н.Н.Негматов, Г.А.Брыкина, Ў.П.Пўлатов, А.Э.Бердимуратов, А.А.Грицина, М.Ҳ.Пардаев, А.К.Мирбобоев, Л.М.Сверчков ва яна бир қатор бошқа тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари масаланинг баъзи муаммовий томонларини очиб беришда салмоқли ўрин тутади.

Таъкидлаш жоизки, Уструшона тарихини ўрганишда тарихий топография масаласи анча мураккаб масалалардан бири бўлиб, бу масаланинг сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари асосидаги илмий таҳлили билан ҳозирга қадар бирор-бир тадқиқотчи томонидан махсус мавзу изланиш объекти сифатида тадқиқ этилмаган. Бунинг асосий сабаби эса бу ҳудуддаги археологик тадқиқотларнинг бошқа ҳудудларга нисбатан анча кеч бошланганлигидир. XX асрнинг 40-йилларида В.Ф.Гайдукевич томонидан Уструшона моддий ёдгорликларининг ўрганила бошланиши жараёни, тадқиқотчиларнинг бу масаладаги баъзи муаммоларга бўлган қизиқишини кучайтирди. Тадқиқотчи Уструшона шимолий рустоқлари чегарасидаги марказлашган ягона мудофаа

тизимининг бир қисмини ташкил этувчи Мунчоктепа манзилгоҳида изланишлар ўтказилади¹. Аммо тарихий топография муаммоларининг ўрганилишидаги бошланғич нуқтани XX асрнинг 50-йиллари бошларида О.И.Смирнованинг жанубий (Буттам вилояти), марказий ва жанубий-шарқий Уструшона (Шахристон, Ўратепа, Нов, Пролетар туманлари) ҳудудини ўрганиш жараёнида олиб борган илмий ва илмий-амалий тадқиқотларида кўришимиз мумкин². Тадқиқотчининг бу мақолаларининг бирида Уструшона ҳудудининг умумий чегараси ҳақида берган таърифи, уструшонашуносликда кейинги йилларда фаолият олиб борган тадқиқотчилар томонидан ҳар томонлама мукаммал хулоса сифатида эътироф этилди. Уструшона тарихий топографияси муаммоларини ўрганишда, ижодий фаолиятининг асосий қисмини Уструшона тарихини ўрганишга бағишланган профессор Н.Н.Негматовнинг хизмати беқиёсдир. Хусусан, унинг юқорида тилга олиб ўтилган Уструшонанинг қадимги ва илк ўрта асрлар тарихи ёритилган монографик асарининг асосий қисми тарихий топография муаммоларини ўрганишга бағишланган бўлиб, бу ерда муаллиф ўзидан олдинги тадқиқотчиларнинг бу масала юзасидан билдирган барча фикрларини жамлашга ва хулосалашга ҳаракат қилади³. Аммо Уструшона тарихини ўрганишда фундаментал тадқиқот сифатида ҳозирга қадар кенг илмий муомалада бўлиб келаётган бу асар, ҳудудда моддий ёдгорликларнинг ўрганилиши бошланмаган, ўтган асрнинг 50-йиллари даражасида, асосан ёзма манбалар таҳлилига таяниб ёзилган бўлиб, ўрганилаётган тарихий ўлканинг катта қисми Ўзбекистон ҳудудидаги археология ёдгорликлари масаланинг ечими учун деярли жалб қилинмаган эди. Шу сабабли Зомин, Дизак, Харакана, Сабат,

¹ Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944гг. (Предварительное сообщение) // КСИИМК. Вып. XV. -М.; 1947. С.92-109.

² Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики Верхнего Зарафшана. МИА.Т.15. -М.-Л., 1950. С.56-66.; Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. 37. 1953. с.189-230.

³ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957 с.21-49.

Нужкат, Худойсар каби русток, шахар ва работлар “локализацияси” бўйича деярли фикрлар айтилмаган, айтилганлари ҳам фараз ва тахминий фикрлар эди.

XX асрнинг 60-90-йиллари давомида Н.Н.Негматов раҳбарлиги остидаги ШТАКЭ (Шимолий Тожикистон археология комплекс экспедицияси) таркибида илмий изланишлар олиб борган бир қатор иқтидорли тадқиқотчилар Ў.П.Пўлатов, Н.Т.Раҳимов, А.К.Мирбобоев ва бошқалар илмий ижодий фаолиятида ҳам Уструшона тарихий топографияси муаммолари алоҳида ахамият касб этувчи йўналиш бўлиб қолди¹.

XX асрнинг 60-70-йилларида таниқли олима Г.А.Брыкинанинг Уструшона ва Фарғона ўлкалари чегарасида жойлашган Хўжабақиргансой ҳавзасида олиб борган тадқиқотлари натижалари асосида чоп этилган асарларида Уструшонанинг шарқий чегаралари хусусида билдирган фикрлари алоҳида эътиборга моликдир².

Уструшонанинг тарихий топографияси муаммоларини ўрганилишида XX асрнинг 80-90-йилларда А.Э.Бердимуратов, А.А.Грицина, Л.М.Сверчков, М.Ҳ.Пардаевлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ҳам муҳим ўрин тутди³. Бу

¹ Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахристан. -Душанбе. Дониш. 1966. с.191-199; Негматов Н.Н., Пулатов У.П., Хмельницкий С.Г. Уртакурган и Тирмизактепе. -Душанбе. Дониш. 1973. с.-143.; Пулатов У.П. Чильхуджра. / МКУ. Вып.3. -Душанбе. Дониш. 1975.-с.187.; Негматов Н.Н., Мамажонова С.М. Бунджикант-средневековая столица Уструшаны. // Гродостроительство и архитектура. -Ташкент. 1989.с.91-99; Негматов Н.Н.,Мирбобоев А.К., Абдурасулов М.А. Начало раскопок городища Ширин (Предварительное сообщение) //АРТ(1976). Вып.XVI.- Душанбе. Дониш.1982.с.292-303; Негматов Н.Н., Рахимов Н.Т. /Уструшанско-Ходжентский узел Великого Шелкового пути. //Формирование и развитие трасс Великого Шелкового пути в древности и средневековье.-Ташкент. Фан.1990.с.118-120, Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр ва Великом шелковом пути. Самарканд-Бишкек. 2006. 208с. ва бошқалар.

² Брыкина Г.А. Карабулак. -М.; Наука. 1974.с.-124; Брыкина Г.А. Юга-западная Фергана в первой половине I тысячелетие н.э. -М.; Наука. 1982.

³ Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса.: /Автореф. дис...к.и.н.- М.:1985.с.23.; Грицина А.А. Археологические памятники Сырдаринской области. -Ташкент. Фан. 1992. с.-68.; Сверчков Л.М. Поселение Мык-источник по истории средневековый Уструшаны. Автореф. дис...к.и.н. 1991; Древний Заамин. / Ташкент. Фан. 1994.; Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековье. Автореф. дисс...к.и.н.- Ташкент.1995. с.21.; Пардаев М.Х., Пардаев А.Ҳ. Жиззах ўтмишини ўрганишда //

тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятида асосан шимолий ва шимолий-ғарбий Уструшона тарихий топографияси масалалари акс эттириб келинди.

Бугунги кунда Уструшонада олиб борилган жами археологик тадқиқотлар натижасида қайд этилган маълумотлар тўпланди, улар бир тизимга солинди ва ёзма манбалар маълумотлари билан қиёсий ўрганиш натижасида Уструшона тарихий топографияси муаммоларининг аксарияти ўз ечимини топди. Уструшона тарихий топографияси муаммолари юзасидан илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилар фаолиятида бир неча йўналишлар, хусусан унинг тарихий-географик ҳудуди, чегаралари, рустоқлари, шаҳар, қалъа ва манзилгоҳларининг жойлашган ўрнини аниқлаш масалаларига ўзбекистонлик археологлар томонидан бир қатор илмий янгиликлар қилинди. Хусусан Дизак (Жиззах), Харакана (Ғаллаорол), Зомин, Сабат (Култепа), Ховос (Эски Ховос) каби рустоқ ва шаҳарларнинг тарихий топографияси бўйича янги илмий ишланмалар амалга оширилди.

«Қадимий Уструшона» ҳудуди тарихий топографияси ва савдо йўллари. Уструшонанинг қадимий даврига оид ёдгорликларни географик харита асосида жойлаштириш, яъни тарихий топографик муаммоларини ўрганишда қадимий савдо йўллари йўналишларини аниқлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда, хусусан XX асрнинг 80-90-йилларида ЮНЕСКОнинг шу масалага бағишланган махсус дастури асосида ўтказилган халқаро конференция ва семинарларда «қадимий Уструшона» ҳудуди қадимий йўллари ва уларнинг йўналишларини ўрганиш масаласи ҳам муҳим ўрин тутиб келди. Сўнгги йилларда ҳудуднинг қадимий даврига оид янги ёдгорликларнинг аниқланиши ва моддий манбаларнинг тўпланиб бориши натижасида, Ю.Ф.Буряков, Н.Н.Негматов, А.А.Грицина, Н.Т.Раҳимовлар томонидан ушбу

Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Республика ёш тарихчи олимлари анжумани маърузалари баёни. 36-17 март. -Самарканд. 1992. Б 55-56 ва бошқалар.

масала хусусида бир қатор янги фикр, мулоҳазалар билдирилганлигини кузатишимиз мумкин¹.

А.А.Грицина Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи шаҳобчалари ўтган Хўжанд-Сават оралиғидаги ўрта асрлар карвон йўллари йўналишлари атрофида, «қадимий Уструшона» шаҳар ва манзилгоҳларининг жойлашиш тартибини кузатиш асосида, қадимдан, аниқроғи илк антик даврдан (мил. эр. авв. IV-II асрлар) бошлаб, яъни Александр Македонский юришларига қадар ўлкада қадимий йўллар шакллана бошланганлиги фикрини олдинга суради². Н.Н.Негматов ва Н.Т.Раҳимовлар ҳам бу фикрга қўшилиб Уструшона ҳудудида қадимий йўлларнинг мил. эр. авв. II асрларда тўла шаклланганлигини эътироф этадилар³. Ю.Ф.Буряков ҳудуддаги қадимий савдо йўлларини ўрганар экан, тадқиқотчиларнинг бу масаладаги, яъни қадимий йўлларнинг пайдо бўлиш даври, хусусиятлари ва фаолияти хусусидаги мулоҳазаларини қувватлайди. Тадқиқотчи А.А.Грицинанинг фикрларини таҳлил қилар экан, қадимий йўлларнинг, кейинчалик кўзғолончилар манзилгоҳларининг Александр Македонский томонидан вайрон этилганидан сўнг бир оз жанубга, табиий жиҳатдан қулай бўлган Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағирлари бўйлаб ўтганлигини таъкидлайди. Шу билан бирга Ю.Ф.Буряков юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда ҳудуддан ўтган савдо йўлларининг қадимий даврдан бошлаб сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг умумий жараёнларига таъсирини кўрсатишга ҳаракат қилади⁴.

¹ Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр ва Великом шелковом пути. Самарканд-Бишкек. 2006. -208 с.

² Грицина А.А. К сложению городов и поселений на древних путях Северной Уструшаны // На среднеазиатских трассах Велокого Шелкового пути. Т.: 1990. с.18-22; Грицина А.А. Археологические памятники Сырдаринской области.-Т.: Фан, 1990. с.17; Грицина А.А. К формированию древних и средневековых путей Северной Уструшаны.// Формирование и развитие трасс Шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье.- Т.: Фан, 1990.с. 94-95.

³ Негматов Н.Н., Рахимов Н.Т. Уструшано-Ходжентский узел Великого Шелкового пути.// Формирование и развитие трасс ВШП в Центральной Азии в древности и средневековье.-Т.: Фан, 1990. с.118-120.

⁴ Буряков Ю.Ф. Заамин и Великой Шелковый путь. / Древний Заамин.- Т.:Фан, 1994.с.8-20., Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр ва Великом шелковом пути. Самарканд-

«Қадимий Уструшона» ҳудудидаги йўлларни ўрганиш йўналишидаги тадқиқотлар, (хусусан археологик тадқиқотларнинг таҳлили асосида) илмий изланишлар жараёнини таҳлил қилиш асосида қуйидаги фикрларни билдиришимиз мумкин. Ҳудуддаги илк қадимий йўллар Александр Македонский юришларидан анча олдин маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар шаклида мавжуд бўлиб, мил. эр. авв. II асрларга келиб Хитой ва Марказий Осиё орасидаги сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг йўлга қўйилиши натижасида пайдо бўлган Буюк Ипак йўли шимолий тармоқларининг шаҳобчалари сифатида шаклланди. Ҳудуднинг қадимий даврига оид кўплаб ёдгорликлар аниқланган Сават-Хўжанд йўналишида дастлабки савдо йўллари Александр Македонскийга қарши кўтарилган кўзғолонлар натижасида вайрон қилинган манзилгоҳлар бўйлаб ўтганлиги аниқланди. Юнон истилосидан кейинги, аниқроғи мил. эр. ав III асрдан кейинги даври, Ю.Ф.Буряковнинг кейинчалик қадимий йўлларнинг бир оз шимолга қўчганлиги тўғрисидаги фикрларни ҳисобга олмаганда, мавҳум бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби эса илк антик давр ҳақида маълумот берувчи моддий ёдгорликларнинг сақланиб қолмаганлиги ва бугунги кунда бу даврга оид моддий ёдгорликларнинг етарли даражада ўрганилмаганлигидир.

Уструшонанинг шарқий қисмида (Хўжанд-Сават йўналиши) аниқланган қадимий ёдгорликларнинг, бир неча йирик ёдгорликларни эътиборга олмаганда (Нуртепа, Хўжанд, Муғтепа), асосий қисми (Хонтепа, Ширин, Каллахона, Уяс, Чиғмойтепа, Мулчоқтепа, Бахмалтепа, Ғончи) мил. эр. авв. IV-III асрларга қадар фаолият кўрсатганлигини кўрамыз. Албатта, бу ёдгорликлар катта қисмининг сўнгги йилларда аниқланиб, фақат кўздан кечириш асосида даврлаштирилганлиги ёки олиб борилаётган тадқиқотларнинг яқунланмаганлиги сабабли юзага келган бундай муаммолар келажакдаги тадқиқотлар

Бишкек. 2006. С. 101., Тўйчибоев Б.Б. Қадимий Уструшона ҳудуди тарихий топографияси ва савдо йўллари. /«Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш муаммоси» мавзусидаги 2-минтақавий илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Гулистон, 2007. 16-17 б.

натижасида ўз ечимини топади деган умиддамиз. Бугунги кунда милодий эрадан аввалги сўнгги асрлардан илк ўрта асрларга қадар бўлган давр оралиғи карвон йўллари йўналишларини ўрганиш бўйича ҳам тадқиқотчилар муайян изланишларни амалга оширдилар. Хусусан, шарқдан Зоминга келган карвонлар Самарқанд Суғдига, яъни ғарбий вилоятларга Зомин - Супа давони - Новқат(Бахмал) - Қорақишлоқ(Усмат) - Работи Хожа - Самарқандга; Зомин - Равот - Кўрпасой – Чубар давони - Харакана - Самарқандга; Зомин - Равот - Дизак(Жиззах) - Темир дарвоза(Илонўтти) - Харакана - Самарқандга; Зомин - Равот - Дизак - Боғдон(Фориш) - Зарнуқ - Нурота - Бухорога йўналгани илмий асосланди.

«Қадимий Уструшона» ҳудуди археологик ёдгорликлари. Биз қуйида сўнгги йилларда (XX асрнинг II ярми) «Қадимий Уструшона» ҳудуди тарихий топографияси муаммоларини ўрганилишида асосий манба бўлиб хизмат қилиб келган, қадимий қатламлари аниқланган ёдгорликларда олиб борилган қазув тадқиқотлар натижаларини даврий кетма-кетлик асосида кўриб чиқиш, уларнинг ўрганилиш даражаси ҳақида қисқача тавсиф бериш билан чегараланамиз.

Уструшонада қадимий даврга оид илк ўрганилган ёдгорлик, 1943-1944 йиллар В.Ф.Гайдукевич томонидан археология тадқиқотлар олиб борилган Бекобод (Беговот) шаҳри яқинидаги Мунчоктепа ёдгорлигидир. Бу ёдгорликнинг қуйи қатламлари (I-IV асрлар) асосан Ширинсой қабристонини топилмалари ва бу ердан қайд этилган кулоллик хумдонини мисолида даврлаштирилган¹. Аммо ёдгорликнинг қадимий даврга оид қатламлари тўла очиб ўрганилмаган.

Қадимий қатламлари аниқланган ва нисбатан яхши ўрганилган ёдгорликлардан яна бири Ўратепадаги Муғтепа ёдгорлиги бўлиб, бу ёдгорликда 1950 йилда О.И.Смирнова томонидан I асрга оид, 1959-1960 йилларда Е.Д.Салтовская томонидан милоддан олдинги IV-II асрларга оид қатламлар

¹ Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943- 1944гг (Предварительное сообщение) // КСМИК. Вып. XV. М. 1947. С.92-104.

аниқланди.¹ 1960-1970, 1972-1974 йилларда Х.Ю.Муҳитдинов, П.Т.Самойлик, А.К.Мирбобоевлар томонидан давом эттирилган тадқиқотлар бу маълумотларни яна бир қарра тасдиқлади.² 1980 йилдан бошлаб Н.Т.Раҳимов томонидан олиб борилган тадқиқотлар ёдгорликнинг умумий стратиграфик қатламларини аниқлашга қаратилди.³ Қадимий даврга оид қатламлар замонавий шаҳар меъморий иншоотлари ва ўрта асрлар қатламлари тагида қолганлиги, кенг кўламдаги қазилар ишлари олиб боришга имкон бермаслиги сабабли, бу даврга оид қатламлар асосан шурфлаш ва кичик ҳажмдаги қазилар ишлари олиб бориш йўллари билан ўрганилган. Бу даврга оид қатламлар ўрганилган яна бир ёдгорлик Хўжанд шаҳри ўрнидаги қадимий манзилгоҳдир. Н.Н.Негматов томонидан 1955 йилда бу ерда олиб борилган тадқиқотлар натижасида ёдгорликнинг I асрга оид қатламлари аниқланган.⁴ 1975-1980 йилларда А.И.Билалов ва Т.В.Беляевлар томонидан ёдгорликнинг милодий эрадан олдинги VI асрдан - милодий XX асригача бўлган стратиграфик қатламлари тўла очиб аниқланди.⁵ Қатор йиллар давомида асосан шурфлаш ва тор доирадаги қазилар ишлари йўли билан олиб борилган бу тадқиқотлар жуда катта аҳамиятга эга бўлган натижаларни бериб, ёдгорликнинг (Хўжанд) 2500 йилдан ортиқ тарихга эга эканлиги ўз исботини топди. 1975-1976, 1984 йилларда Н.Н.Негматов, А.К.Мирбобоевлар томонидан Ширин ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар жараёнида унинг ғарбий қисмида ташланган стратиграфик

¹ Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950 г // МИА т.37. 1953. с.189-230. Ранов В.А., Салтовская Е.Д. О работах Ура-Тюбинского отряда в 1959г. / АРТ. (1959). -Душанбе. 1961.с.108-128; Негматов Н.Н., Салтовская Е.Д. О работах Ходжентского-Усрушанского отряда в 1960г. / АРТ.(1960) -Душанбе.1962. с.69-89

² Негматов Н.Н. Исследования в Северном Таджикистане в 1970 г //АРТ. Вып.Х.-М; 1978.с.82-96; Негматов Н.Н. Краткие результаты работ 1974 г. //АРТ Вып. XVI. - Душанбе, Дониш. 1979. С. 331-332

³ Рахимов Н.Т. История Ура-Тюбе по археологическим данным. Автореф. дис... кан.ист.наук. -Самарканд. 1989.

⁴ Негматов Н.Н. О работах Ходженско-Усрушанского отряда в 1958г. / АРТ (1955). -Сталинабад. 1956 с. 33-35

⁵ Билалов А.И., Беляева Т.В. - АРТ, 1975. – Душанбе. 1982, с 281-294; Беляева Т.В.- АРТ (1976). -Душанбе, 1982.-с.264-282; Беляева Т.В. - АРТ (1980). Вып.20. - Душанбе, 1986.с 357.

шурф бу ноёб ёдгорликнинг қадимий даврига оид (мил. эр. ол. V - IV-милодий эранинг II - III асрлар) қатламлари ҳақида маълумот берди¹. Аммо ёдгорликнинг қадимий даврга оид қатламларни ўрганиш илмий ахборот маъносидаги шу маълумот билан чекланиб қолди, яъни кейинги йилларда бу ёдгорликда тадқиқотлар давом эттирилмади. Бугунги кунда «Қадимий Уструшона» ҳудудидаги энг яхши ўрганилган ёдгорлик Ҳоватоғ яқинидаги йирик, мустаҳкамланган Нуртепа шаҳристони бўлиб, бу ёдгорлик 1979 йилда Т.В.Беляева томонидан аниқланган.² Ҳудуднинг қадимий (мил. эр. авв. VII-мил. эр. авв. I асрлар) даврига оид бўлган бу ёдгорликда 1980-1986 йиллар давомида Н.Н.Негматов, Т.В.Беляевалар томонидан олиб борилган кенг кўламдаги қазув тадқиқот ишлари ҳудуднинг бой моддий маданияти: меъморий иншоотлари, кулоллик, тўқимачилик, темирчилик хунармандчилиги (сопол ва темирчилик хумдонлари, кулоллик чархлари), ривожланган сунъий суғорма тизими ва юксак маънавий дунёқараши ҳақида қимматли маълумотлар беради.³

«Қадимий Уструшона» ҳудуди ҳақида мукамал ва имкон даражасида тўлиқ маълумот бериши мумкин бўлган бу ноёб ёдгорликнинг замонавий иншоотлардан ҳоли ҳудудда жойлашганлиги унда кенг кўламдаги қазув тадқиқотлар олиб бориш имкониятини яратган, бу ишларни келажакда давом эттирилиши, масаланинг муаммовий томонларини мукамал ўрганиш учун шубҳасиз муҳим ўрин тутади ва бу борада зарур материаллар қайд этилади деб ўйлаймиз.

Уструшона ҳудуднинг қадимий даврига оид қатламлар аниқланган навбатдаги манзилгоҳлар Хужамушкентсой

¹ Негматов Н.Н., Мирбобоев А.К., Абдурасулов М.А. Начало раскопок городища Ширин. // АРТ. Вып.16 (1976). - Душанбе, Дониш. 1982. с 292-307; Мирбобоев А.К. Раскопки на городище Ширин. // АО. 1984 г.-М; Наука, 1986. С 480-481.

² Беляева Т.В. Начало раскопок городища Нуртепе / АО 1979.- М: 1980. с.470-471

³ Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Общий отчет об исследованиях в Нуртепе в 1980-1985 гг. и предложения по сохранению памятника. / АРТ Вып. XXV. (1985) . - Душанбе: Дониш, 1994. с. 23-27; Негматов Б.Я., Мамаджанова М.Д., Рахимов Б.Т., Умаров Х.Х, Эшонкулов У. Работы Северо-Таджикской экспедиции. АО 1986 г.- М.: Наука, 1988.с. 515-516, Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр ва Великом шелковом пути. Самарканд-Бишкек. 2006. -208 с.

ҳавзасидаги Соват қишлоғининг шимолий қисмида жойлашган, мустаҳкамланмаган Хонтепа (мил. эр. авв. V-III асрлар) ва ундан 0,4-0,45 км. жанубда жойлашган Сағанак-тепа, Сағанак-тепа I ёдгорликларида (мил. эр. авв. IV-III асрлар) XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмида А.А.Грицина томонидан худуднинг археологик-топографик тарихини ўрганиш жараёнида тадқиқотлар асосан шурф ташлаш йўли билан олиб борилди¹. 1964 йилда М.Аминжонова бошлиқ Самарқанд отряди томонидан аниқланган, сўнгра 1973 йилда Н.Б.Немцева ва Г.Я.Дресвянскаялар томонидан ўрганилган Зоминдаги Қўрғонтепа, 1980 йилда Култепа қишлоғидан (Зомин тумани) 10 км. жанубда аниқланган Хитойтепа ёдгорликларида А.А.Грицина томонидан қазув тадқиқот ишлари олиб борилиб, бу ёдгорликларнинг қуйи қатламлари олинган моддий комплекс намуналарининг таҳлили асосида мил. эр. ол. III-II асрлар билан даврланди². Бу ёдгорликларда ҳам тадқиқотлар асосан стратиграфик шурфлаш йўли билан олиб борилди. XX асрнинг 50-60-йилларда илк бор Я.Ғ.Ғуломов томонидан аниқланган ва бу ерда бўлган бошқа тадқиқотчилар томонидан қайта кўздан кечирилган Жиззахдаги йирик Қалиятепа ёдгорлигида XX асрнинг 80 йиллари ўрталари ва 90-йиллари бошларида М.Ҳ.Пардаев томонидан ёдгорликнинг стратиграфияси ўрганилди. Натижада унинг қадимий қатламлари мил.эр. авв. II – мил. эрамизнинг I асрлари билан даврланди³. Ёдгорликнинг юқори

¹ Грицина А.А. Археологические исследования в Северной Уструшане. // Я.Гулямов и развитие исторической наук в Узбекистане. -Ташкент. 1988. с. 33-35; Буряков Ю.Ф., Грицина А.А., Пардаев М.Х., Тихонин М.Р. Работы Чач-Уструшанской экспедиции. / АО 1986. -М. Наука, 1988.0 с 493-496; Грицина А.А., Сверчков Л.М. Археологические исследования в Сырдаринской области / ИМКУ. Вып.23. -Т.: Фан. 1990. с. 114-121.; Грицина А.А. Северная Уструшана в средние 1 тысячелетия до н.э.- начале XIII в. н.э. / Автореферат дис... канд.ист.наук.- Самарканд, 1990.

² Аминжонова М. Археологическая разведка в Заминском районе. ИМКУ. Вып. 8.: Фан, 1969. с.137-142. Немцева Н.Б., Дресвянская Г.Я. Памятники Замина и его округи. / К археологической карте Северной Уструшаны. / ИМКУ. Вып.20. -Т.: Фан, 1986. с.221-229) Грицина А.А. Северная Уструшана в средние 1 тысячелетия до н.э.— нач. XIII в.н.э. / Автореф. дис... канд. ист. наук. -Самарканд., 1990; Грицина А.А. Эски Зомин. /Древний Замин. -Т.: Фан, 1994. с.28-38.

³ Косимов М.Р. Археологические работы в Узбекистане. АО. 1967. -М: Наука, 1968 - с. 326-332; Пардаев М.Х. Северо-Западная Уструшана в эпоху раннего

қисмида ўрта асрларга оид қалин қатламларнинг мавжудлиги, қуйи қатламлар планиграфиясини тўлиқ очиб ўрганиш имконини бермайди. Шу сабабли, тадқиқотлар асосан ёдгорликнинг стартиграфик қирқимларини ўрганишга қаратилган шурфлаш усулида олиб борилди. Илк бор М.Е.Массон томонидан (1935 йилда), кейинчалик А.Н.Билалов томонидан (1980 йилда) тилга олинган Эски Ховос ёдгорлиги 1984, 1988-1989 йиллар давомида М.Х.Пардаев ва А.А.Грициналар бошчилигидаги Сирдарё гуруҳи томонидан ўрганила бошланди¹. Тадқиқотчилар ёдгорликда ташланган иккита шурфдан олинган материаллар асосида унинг қуйи қатламлари тахминан мил. эр. авв. I - милодий II асрлар билан даврланган. Аммо ўша пайтда табиий шароит имкон бермаганлиги (сув чиқиб кетганлиги) сабабли бу шурфларда тадқиқотлар охирига қадар олиб борилмади². Эски Ховос ёдгорлигида кейинчалик 2010 йилдан кенг кўламдаги қазув тадқиқот ишлари олиб борилди ва унинг қуйи қатламлари илк антик даврлар билан саналанди³.

XX асрнинг 80-90-йиллари Уструшонанинг қадимий даврига оид бир қатор янги ёдгорликлар аниқланиб сўнгги пайтларда уларнинг илмий адабиётларда тез-тез тилга олиниб келаётганлигини кўришимиз мумкин⁴. Бу ёдгорликлар XX асрнинг 70-йилларида А.Н.Билалов томонидан илк бор аниқланган ва ўрганила бошланган Тоғаёқсой қирғоғида жойлашган Қаллахона шахристони (мил. эр. авв. II - мил. I асрлар), 1985 йилда В.А.Жуков томонидан аниқланган Қизили қишлоғи яқинида жойлашган Чифмойтепа шахристони (мил. эр. авв. VI-III асрлар). 1986 йилда аниқланган Уяс қишлоғи

средневековья. Автореф. дис... к.и.н.1995.с.10-11.

¹ Массон М.Е. Проблемы изучения цистерн - сардаба -Т.: 1935. с.16. Билалов Н.А. Из истории ирригации Уструшаны. -Душанбе, Дониш, 1980., Грицина А.А. Пардаев М.Х. Археологическое изучение Қизилинского массива /Археологические работы на новостройках Узбекистане. - Т.; Фан, 1990. с.177-179.

² Грицина А.А. Северная Уструшана середине 1-тысячелетия до н.э начале XIII в.н.э.//Автореферат дисс... к.и.н. Самарканд, 1990. с.12-13; Грицина А.А. Археологические работы в Сырдарьинский области.- Т.: Фан, 1990. с.46- 47.

³ Грицина А.А., Содиқов М. Эски Ховос ва унга қўшни худудлар қадим ва ўрта асрларда. Самарқанд. 2015.

⁴ Грицина А.А. Археологические памятники в Сырдаринской области. -Т.; Фан. 1990.

якинидаги шахристон харобалари (мил. эр. авв. VI-IV асрлар), 1988 йилда Гончининг шимолий-шарқида аниқланган номсизтепа (мил. эр. авв. VI-IV асрлар), Қизили қишлоғи ўрнидаги Мулчоқтепа шахристони (мил. эр. авв. IV- мил. XIII асрлар), ушбу қишлоқдан 5 км масофа узоқликда жойлашган Бахмалтепа манзилгоҳи ёдгорликларидир. XX асрнинг 80-йиллари охирида олинган материалларнинг қайта таҳлили асосида Т.В.Беляева томонидан бу ёдгорликлар қайта даврлаштирилди¹. Бу ёдгорликлар ўрганилиши тарихини кузатадиган бўлсак, илмий адабиётларда фақат Каллахона ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар натижаларигина нашр қилинган, қолган ёдгорликлардаги тадқиқотлар хулосалари оғзаки хабар ёки кўп ҳолларда кундалик дала ёзувлари шаклида қолиб кетган. Ваҳоланки, тадқиқотчининг бу ёдгорликларни даврлаштириш хусусида билдирган фикрлари ўз исботини топган тақдирда, улар ҳудуднинг қадимий даврига оид бир қатор долзарб муаммоларнинг ечимини ҳал қилишига сезиларли таъсир кўрсатар эди.

XX асрнинг 90-йилларида Сангзор ҳавзасининг юқори оқимида М.Ҳ.Пардаев томонидан аниқланган Ойдинсойтепа (I - II асрлар), Қўрғонтепа (II - IV асрлар) ёдгорликларида археологик қазув изланишлари ўтказилмаганлиги сабабли уларнинг Уструшона тарихий топографиясидаги ўрнига етарли даражада баҳо берилмаган. Бу даврда (XX асрнинг 50-90-йилларида) ҳудуднинг қадимий даврига оид ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотлар жараёнини кузатар эканмиз, бу тадқиқотлар натижаларини бугунги кундаги хулосаларини қуйидаги тартиб ва тавсифда кўришимиз мумкин.

1. «Қадимий Уструшона» ҳудудидаги бу даврга оид энг йирик, муҳим аҳамиятга эга ёдгорлик Н.Н.Негматов, Т.В.Беляевалар томонидан қазув тадқиқот ишлари олиб борилган Нуртепа шахристони ёдгорлиги бўлиб, у кенг кўламдаги тадқиқотлар олиб бориш имкониятини берадиган, археологик жиҳатдан келажаги порлоқ ёдгорликдир. Бу ёдгорликдаги ҳали яқунланмаган тадқиқотлар келажакда

¹ Беляева Т.В. К исторической топографии городов Уструшаны. //Древняя и средневековая археология Средней Азии.- Т.: Фан, 1990. С.76-85.

«Қадимий Уструшона» ўлкасининг бугунги кунда мавжуд бўлган бир қатор долзарб муаммоларининг ечимини топишда муҳим ўрин тутиши шубҳасиздир.

2. Бу даврда тадқиқотчилар томонидан узоқ йиллар давомида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида стратиграфик қатламлари тўлиқ ўрганилган Хўжанд, Муғтепа (Ўратепа) ёдгорликларидаги қазув ишлари тугатилди.

3. Бугунги кунда стратиграфик қатламларни аниқлаш йўналишидаги тадқиқотлар давом эттириляётган Қалиятепа, Ширин шаҳристонларидаги археологик тадқиқотларни яқин келажакда яқунлаш вазифаси тадқиқотчилар олдидаги вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

4. Асосан ҳудуддаги археолого-топографик тадқиқотлар жараёнида ўрганилган Хонтепа, Сағанақтепа, Сағанақтепа I, Хитойтепа, Эски Ховос ёдгорликларида асосан шуфрлаш ва тор доирадаги баъзи қазув ишлари олиб бориш натижасида ёдгорликнинг маданий қатламлари ўрганилди ва даври аниқланди.

5. Сўнгги йилларда аниқланган Каллахона, Уяс, Чиғмойтепа, Мулчоқтепа, Бахмалтепа, Гончи, Ойдинсойтепа, Қўрғонча ёдгорликларида тадқиқотчиларни давом эттириш, «Қадимий Уструшона» ҳудуди тарихий топографияси муаммоларининг ечимида муҳим ўрин тутди.

Юқорида тилга олинган ҳудуднинг қадимий даврга оид ёдгорликларда олиб борилган илмий изланишлар жараёнини кузатар эканмиз, тадқиқотчилар фаолиятида бу ёдгорликларни даврийлик жиҳатидан 2 гуруҳга ажратишга ҳаракат қилинганлигини кузатишимиз мумкин. 1-гуруҳ ёдгорликлари (мил. эр. авв. VII - IV асрларга оид Нуртепа, Каллахона, Уяс, Чиғмойтепа, Мулчоқтепа, Бахмалтепа, Хонтепа, Сағанақтепа, Сағанақтепа I)ни ўрганиш жараёнида тадқиқотчилар фаолиятида ҳудуднинг қадимий даври, сиёсий, иқтисодий ижтимоий ҳаёти муаммоларини ўрганишга қаратилиши билан бирга асосий масала тарихий топография масаласи муаммолари муҳим ўрин тутган. Тадқиқотчилар асосан марказий ва шарқий ҳудудларда, яъни Хўжанд - Сават оралиғида жойлашган бу ёдгорликларни ўрганишда уларни

Александр Македонский юришлари тарихи, истилонинг йўналишларини аниқлаш, локализация муаммоларига жалб этадилар.

2-гуруҳ ёдгорликлари (мил. эр. авв. III - II мил. эрамизнинг III асрларига оид Қалиятепа, Эски Ховос, Хитойтепа, Қўрғонтепа (Зомин), Ойдинсойтепа, Қўрғонтепа (Юқори Сангзор) да олиб борилган илмий изланишлар ва археологик тадқиқотлар натижалари, асосан ҳудуднинг мил. эр. авв. III мил. эрамизнинг III асрлари иқтисодий, ижтимоий ҳаёти муаммоларини ўрганишга қаратилгандир.

«Қадимий Уструшона» ўлкаси тарихий топографияси масаласи муаммоларини ўрганиш жараёнида олиб борилган илмий изланишлар жараёнини кузатар эканмиз, бу тадқиқотлар сабаблари ва айрим хусусиятларга кўра мукамал кўриниш олмаганлигини эътироф этамиз. Булар:

а) бу масала ҳақида маълумот берувчи ёзма манбаларнинг кам сонли эканлигини ва улардаги маълумотларда турли чалкашликлар мавжудлигини, шу сабабли улардан етарли даражада фойдаланилмаган;

б) археологик тадқиқотлар алоҳида ёдгорликлар миқёси билан чекланиб қолган. Уструшонанинг барча маданий воҳаларидаги мавжуд археология объектлари ягона илмий режа асосида ўрганилмаган;

в) тарихий топография муаммолари масаласи бўйича ёзма ва археологик манбалар устида комплекс ёндашиш асосида махсус тадқиқотлар деярли ўтказилмаган.

«Қадимий Уструшона» ҳудуди тарихий топографияси муаммолари. (мил. эр. авв. VII - милодий эранинг IV асрлари).

1-шаҳар. Хўжанд ўрнидаги манзилгоҳ - Чекка Александрия. Юқорида таъкидланганидек, тарихий топография масаласи муаммолари юзасидан илмий изланишлар олиб борган барча тадқиқотчилар фаолиятида, ёзма манбаларда Александр Македонский томонидан Сирдарё (Танаис) бўйида 17 (баъзи манбаларда 20) кун ичида барпо этилган ва Чекка Александрия деб атала бошланган шаҳар, асосий мўлжал нуқтаси қилиб олинган. Бу шаҳар ўрнини аниқлаш юзасидан илмий жамоатчилик ўртасида 200 йилдан

кўпроқ вақт мобайнида давом этиб келаётган баҳслар ва тадқиқотлар жараёнини кузатар эканмиз, уларнинг барчасида билдирилган фикрлар бир-бирига яқин эканлигини эътироф этиш лозим. Уларнинг барчасида Чекка Александрия Хўжанд (собик Ленинобод) атрофига жойлаштирилади. Билдирилган бу тахминий фикрлар Н.Н.Негматов, А.И.Билалов, Т.В.Беляевалар томонидан XX асрнинг 50 - 80 йиллар оралиғида Хўжанд шаҳри аркида олиб борилган қазув тадқиқот ишлари натижасида узил кесил ҳал қилинди деб айтишимиз мумкин¹.

Бугунги кунда Чекка Александрияни Хўжанд ўрнига жойлаштириш фикри кенг илмий жамоатчилик томонидан уструшонашуносликдаги исботланган масала сифатида тан олингандир².

2-шаҳар. Кирополь. Уструшонадаги ёзма манбаларда тилга олинган энг йирик муҳим сиёсий ва маъмурий аҳамиятга эга бўлган Кирополь шаҳрининг жойлашган ўрни масаласидаги тортишувлар мутахассислар ўртасида XIX асрнинг охиридан бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Биз бу тортишувлар жараёнининг иккинчи босқичи, хусусан ҳудудда археологик тадқиқотлар олиб борилаётган XX асрнинг 50 – йилларидан кейинги давр ҳақида фикр билдирамиз.

XX асрнинг 50 – йилларида Н.Н.Негматов бу масала юзасидан ўзидан олдинги тадқиқотчилар фикрларини ва ёзма манбалар маълумотларини таҳлил этар экан, тадқиқотчилар ўртасида бу масала юзасидан бир неча хил фикр мавжуд эканлигини кўрсатиб беради. Муаллиф бу фикрларни а) Кирополь-Шаҳристон /В.В.Бартольд/, Кирополь-Куркат (Ширин) /В.Чейлытко/, Кирополь-Ўратепа /В.Томашек,

¹ Негматов Н.Н. О работах Ходженско-Уструшанского отряда в 1955.//Тр. АН Тадж.ССР. т.63. 1956. С.33-34; Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Раскопки на цитадели Ленинабада и локализация Александрии Эсхаты./ АО 1976г. М., 1977.с.568; Негматов Н.Н.. Ходжент. Основные этапы истории./ Исследования по истории и культуре Ленинабада.- Душанбе: Дониш, 1986.

² Кошеленко Г.А. Уструшана./ Средняя Азия в античную эпоху.// Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. //Археология СССР. –М.: Наука, 1986. С.293; Гафуров Б.Г. Таджики. Душанбе: Ирфон, 1989. С.120; Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. Т.: Фан, 1990. С. 14-16.

В.Шварц ва бошқалар/ ўрганиб чиқиб, «Киропол-Ўратепа» фикрини қувватлайди¹. Аммо бу тахминлар моддий манбалар асосида исботланмаган фикрлар эди. XX асрнинг 50-60-йилларда Шахристон атрофидаги ёдгорликларда олиб борилган археологик тадқиқотлар бу ерда бизни кизиқтираётган давр ҳақида маълумотлар бермайди². «Киропол-Куркат (Ширин)» фикрига ҳам сўнгги йилларда Ширин шахристонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қадимий даврга оид бой материаллар аниқланмаганлиги сабабли, тадқиқотчилар томонидан бу гипотезани ёқлаш учун кучли рағбат ва эътироф билдирилмаган. А.А.Грицина «Киропол-Куркат қишлоғи атрофи» фикри юзасидан баъзи мулоҳазалар билдириб, хусусан Ширин ва сўнгги йилларда аниқланган Чигмойтепа шахристони бу масалада янги маълумотлар беришлигини тахмин қилди³.

Киропол шаҳри ўрнига давогарлик қилаётган Муғтепа (Ўратепа) ёдгорлигида XX асрнинг 60-йилларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида милодий эрдан олдинги IV-II асрларга оид маданий қатламлар аниқланади⁴. Аммо Н.Негматов ва бир гуруҳ бошқа тадқиқотчилар томонидан қайта-қайта «Киропол-Муғтепа» фикри таъкидлаб келинганлигига қарамай⁵ Муғтепа ёдгорлигида XX асрнинг 70-80-йиллари давомида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари бу ерда қадимий шаҳар белгиларини берадиган артефактлар топилмайди ва ҳозирга қадар бу масала очиқ қолмоқда.⁶

¹ Негматов Н.Н. Усрушана в древности и раннесредневековье. –Сталинабад. 1957. С.17-20.

² Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахристан. –Душанбе, 1966.

³ Грицина А.А. Археологические памятники Сырдаринской области. –Т.: 1990. С.16.

⁴ Ранов В.А., Салтовская Е.Д. О работах Ура-Тюбинского отряда в 1959г. /АРТ. Вып.VII. –Душанбе, 1961. С.108-128.; Негматов Н.Н., Салтовская Е.Д. О работах Ходжентско-Уструшанского отряда в 1960г./АРТ. Вып.VIII. –Душанбе. 1962. С.69-89.

⁵ Негматов Н.Н. Культура первобытной эпохи Таджикистана. /Таджикистан на пути к урбанизации. –Душанбе. ; Дониш, 1982. С.81; Негматов Н.Н. Некоторые проблемы археологии Северного Таджикистана и Средней Азии /АРТ. Вып.XX (1980). Душанбе, Дониш, 1987.с.286-287 ва бошқалар.

⁶ Рахимов Н.Т. История Ура-Тюбе по археологическим данным./АКД.-Самарканд,

Бошқа бир қатор тадқиқотчилар эса Н.Н.Негматовнинг «Киропол-Муғтепа» ҳақидаги фикрига нисбатан бетараф муносабат билдириб, яъни бу фикрни инкор этмаган ҳолда, тўла қўшилмай ҳам келмоқдалар.¹

XX асрнинг 80-йилларда аниқланган Нуртепа ёдгорлигининг ўрганила бошланиши билан тадқиқотчиларнинг ўртасида «Киропол-Нуртепа» фикрига мойиллик пайдо бўлди.² Асосан Т.В.Беляева томонидан билдирилган бу фикрга тадқиқотчилар ўртасида нисбатан хайрихоҳлик майли кўпроқ сезилмоқда.³

Биз бу муаммо юзасидан олиб борилган тадқиқотлар жараёнини кузатиш асосида, тадқиқотчиларнинг Кирополь ўрнига даъво қилаётган «Киропол-Ўратепа» (Негматов Н.Н.), «Киропол-Куркат қишлоғи атрофидаги ёдгорликлар» (Ширин, Чиғмойтепа Грицина А.А) фикрларини инкор этмаган ҳолда, «Киропол-Нуртепа» (Беляева Т.В.) фикрини энг асосланган, деб ҳисоблаймиз ва бу фикрга ўз хайрихоҳлигимизни билдирамиз. Албатта, бизнинг бу фикримиз юқоридаги муҳим муаммо юзасидан билдирилган якуний хулоса эмас. Шундай экан, бу муаммонинг узил-кесил ечимини келажакда ёдгорликларда давом эттирилиши лозим бўлган археологик тадқиқотлар ва муаммонинг махсус ўрганилишига бағишланган изланишларга ҳавола этилади.

3 - шахар. Газа. Тарихий топографик тадқиқотлар жараёнида давомли баҳсларга сабаб бўлиб келаятган навбатдаги муаммолардан бири, ёзма манбаларда тилга олинган Газа шахрининг ўрнини аниқлаш масаласида XIX аср сўнггидан бошланган тадқиқотлар жараёнини кузатар эканмиз, бу масалада тадқиқотчилар томонидан бир қанча мулоҳазалар билдирилганлигини кўришимиз мумкин. Булар «Газа-Жиззах» (В.Томашек, М.С.Андреев), «Газа-Нов атрофи» (Ф.Шварц),

1989.

¹ Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тыс. до н.э. – XIII в. н.э. (археолого-топографическое исследование); АКД.-Самарканд. 1990.с.16.

² Беляева Т.В. К исторической топографии городов Уструшаны. //Древняя и средневековая археология Средней Азии. –Т.;Фан.с.82-84.

³ Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тыс. до н.э.-XIII в.н.э.//АКД.-Самарканд.,1990.с.16. Беляева Т.В. Нуртепа-Кирополь./ Урта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. Тошкент. 2002. Б.40-41.

«Газа-Газан-Дарак» (В.Григорьев, В.В.Бартольд) фикрларидир. XX асрнинг 50-йилларда Н.Н.Негматов бу масала юзасидан юқорида билдирилган фикрларни ўрганар экан, «Газа-Жиззах» ва «Газа-Нов атрофи» фикрларига нисбатан, «Газа-Газан-Дарак» фикрини қувватлаган эди.¹

Тадқиқотчилар ёзма манба маълумотлари таҳлили асосида қўзғолон кўтарган шаҳарларга қарши юришда юнонларнинг йўлидаги илк шаҳар Газа бўлганлигини таъкидлайдилар². Масалани ўрганишда юзага келган вазиятга юқоридаги фикр асосида ёндашиладиган бўлса, ўз-ўзидан олдин билдирилган «Газа-Жиззах» ва «Газа-Газан-Дарак» фикрлари аҳамиятининг камайганлигини кўришимиз мумкин. Чунки ҳар иккала манзил ҳам Хўжанд ўрнига жойлаштирилаётган Чекка Александриядан анча узоқ масофада жойлашгандир. XX асрнинг 70-90 йилларида худуднинг қадимий даври археологик харитасини ўрганиш жараёнида ҳам Газа шаҳрининг жойлашган ўрнини аниқлаш муаммоси тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмаганлигини кўрамыз. Т.В.Беляева қадимий Хўжанднинг қуйи қатламларига оид сопол идишлар комплексининг таҳлили асосида «Газа-Чекка Александрия-Хўжанд» фикрини билдиради³. А.А.Грицина Т.В.Беляеванинг Газани Хўжанд ўрнига жойлаштириш тўғрисидаги фикрини инкор этган ҳолда, уни Нов атрофидан, бу ерда жойлашган икки ёдгорликнинг биридан қидиришни таклиф этади⁴.

Шундай қилиб, бугунги кунда Газа шаҳрининг ўрни масаласида икки хил фикр, Т.В.Беляеванинг «Газа-Чекка Александрия-Хўжанд» ва А.А.Грицина томонидан қувватланаётган биз ҳам ўз хайрихоҳлигимизни билдирган «Газа-Нов атрофидаги ёдгорликлар» фикрлари мавжуддир.

¹ Негматов Н.Н. Усрушана в древности и раннесредневекове. 1957. С.20-21.

² Беляева Т.В. Керамика Ходжента как исторический источник.// Средняя Азия и мировая цивилизация .-Т.;1992.с.25-26.

³ Беляева Т.В. Керамика Ходжента как исторический источник //Средняя Азия и мировая цивилизация»-Т.; 1992. С.25-26

⁴ Грицина А.А. Археологические памятники Сырдаринской области. Ташкент. 1990. С.15-16.

Кўпроқ тахминларга асосланган бу фикрлар, келажакдаги махсус тадқиқотлар натижасида ўз исботини топиши мумкин.

4 - шаҳар. Бага. Ёзма манбаларда номи келтирилган тўртинчи шаҳар Багадир. Бу шаҳарнинг жойлашган ўрнини аниқлаш бўйича ўтказилган изланишлар натижасида тадқиқотчилар томонидан турли фикрлар билдирилган. XX асрнинг 50-йилларига қадар тадқиқотчилар ўртасида бу масала юзасидан «Бага-Зомин» (В.Томашек), «Бага-Фагкат (Вагкат)» (П.С.Скварский, И.Кастанье) фикрлари мавжуд эди. XX асрнинг 50-йилларида Н.Н.Негматов ўзидан олдинги тадқиқотчилар томонидан билдирилган «Бага-Зомин», «Бага-Фагкат (Вагкат)» фикрларини ўрганиб чиқиб, иккинчи фикрга кўшилганлигини билдиради¹. Аммо кейинги йилларда, хусусан ҳудудда янги археологик ёдгорликлар аниқланганидан сўнг ҳам бу муаммо тадқиқотчилар эътиборидан бир оз четда қолганлиги кузатилади. Фақат XX асрнинг 90-йилларига келиб бу муаммо юзасидан Т.В.Беляеванинг билдирилган «Бага – Нов атрофи, аниқроғи Оксувдан чиқарилган қадимий канал бўйида» деган фикри диққатга сазовордир².

5, 6, 7 - шаҳарлар. Қолган уч шаҳарнинг жойлашган ўрни хусусида XX асрнинг 50-60-йилларга қадар олиб борилган тадқиқотлар жараёнини кузатар эканмиз, қуйидаги: «Сабат, Шавкат, Ховас» (В.Томашек); «Сабат, Зомин, шахристон» (В.В.Григорьев); «Нов, Ўратепа оралиғи ва Искандар қишлоғи» (Ф.Шварц); «Беговат, Қизил Лангар, Хитойризо атрофлари» (Н.Н.Негматов)³, деган фикрларни қайд этиш лозим.

XX асрнинг 70-80-йилларида А.А.Грицина археологик манбалар асосида бу шаҳарларнинг энг охиригини Сабат яқинидаги Хонтепа ёдгорлигида жойлашганлиги ҳақида фикр билдиради⁴.

¹ Негматов Н.Н. Усрушана в древности и раннесредневековом. - Сталинабад. 1957

² Беляева Т.В. К исторической топографии городов Уструшаны. / Древняя и средневековая археология Средней Азии.-Т.;Фан.с.82-84.

³ Негматов Н.Н. Усрушана в древности и раннесредневековом. - Сталинабад. 1957. С.22.

⁴ Беляева Т.В. К исторической топографии городов Уструшаны./Древняя и средневековая археология Средней Азии.-Т.;Фан.1986. с.82-84. Грицина А.А. Северная Уструшона в середине I – тыс.до н.э. - нач.XIII в н.э. /АКД. Самарканд

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, узоқ вақт мобайнида тадқиқотчилар томонидан қадимий ва ўрта асрлар Уструшонаси тарихий топографияси муаммолари хусусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, тарих силсилалари остида яшириниб ётган кўплаб сир-синоатлар ўз ечимини топди. Бу хусусда мутахассислар томонидан бир қатор илмий асосли, салмоқли фикрлар билдирилди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Уструшонанинг қадимий даври тарихий топографияси хусусида сўз кетганда юнон-македон кўшинларининг қўзғолончи шаҳарларга қарши юришининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилувчи Чекка Александрия шаҳри ўрнини аниқлаши муаммонинг ечимида муҳим ўрин тутади. Аммо бу масалани ўрганишда асосий таянч нуқта бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган, лекин ҳозирга қадар муаммоли бўлиб келаётган Кирополь шаҳрининг ўрни муаммонинг ечимида алоҳида аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Чунки, ёзма манба маълумотларида юнонларга қарши курашда бошқа шаҳарларга нисбатан кўпроқ маълумот берилган ва асосий мўлжал сифатида тилга олинган шаҳар бу Киропольдир. Шу сабабли, айнан юқоридаги масаланинг ечилиши бошқа шаҳарларнинг ўрнини аниқлашда асосий омил сифатида хизмат қилишига шубҳа йўқдир.

2.3. Уструшонанинг қадимги давр моддий маданияти

Мазкур муаммо даврий сана нуқтаи назаридан милодий эрадан олдинги VII – VI; милодий эранинг IV асрларини ўз ичига олади. Кўриниб турибдики, бўлимнинг қуйи «хронологик рамкаси» илк темир даври билан, яъни Турон заминнинг қадимги жамияти тараққиётидаги муҳим иқтисодий ва сиёсий бурилишлар, ижобий кўтарилишлар даври билан бошланган. Чунки, ушбу давр, оммавий тарзда темир эритишни, ундан меҳнат ва ҳарбий қурол-аслаҳаларни ясашни йўлга қўйилиши билан, иккинчидан, илк сиёсий тузилмалар – давлатларнинг вужудга кела бошлаши билан характерланади.

1990. С. 23. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Штрихи к истории Зааминского района. /Древний Заамин. Ташкент. Фан. 1994. С.86-98.

Темирдан ясалган деҳқончиликка оид меҳнат қуролилари – ооч тишлари, сўқалар, ўроқлар, чалғилар қишлоқ хўжалигини кенг миқёсда ривожлантириб юборди. Бу меҳнат қуролилари ўзининг мустақамлиги, ўткирлиги, ишлатишга қулайлиги билан фойдали иш самарадорлигини бир неча баробарга оширди.

Ҳунармандчиликнинг махсус соҳалари, суякка, ёғочга, терига ишлов бериш ҳам темирдан ясалган меҳнат қуролилари ишлатилиши оқибатида тараққиётга эришди. Ҳарбий қурол-аслаҳалар бўйича ҳам шундай изоҳ бериш мумкин.

Қора металлнинг кашф этилиши, нафақат одамларни амалдаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш, балки жамиятдаги меҳнат тақсимотининг янада такомиллашувига, ишлаб чиқариш соҳалари ўзаро алоқадорлигини янада кучайишига сабаб бўлди. Таъкидлаш лозимки, темирни эритиш ва ундан турли буюмлар яшанинги ўзи, мазкур ҳунармандчилик тизимида бир нечта янги мутахассисликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Ўрта Осиёнинг бир қатор маданий ўлкалари Шимолий Парфия, Марғиёна, Хоразм, Бактрия, Суғд, Чоч, Фарғонада кечган илк темир даври тарихий жараёнларидан, қадимги Уструшона – маданий ўлкаси ҳам четда қолмади. Биз қуйида ўрганилаётган ҳудуднинг қадимий даври (мил.эр. авв. VII - VI - мил. эр. IV асрлари) моддий маданияти ривожланиши масаласига имкон даражасида муаммовий асосда ёндашишга ҳаракат қилдик. «Қадимий Уструшона» ҳудудида олиб борилган доимий тадқиқотлар натижасида, бугунги кунга келиб, ҳудуднинг қадимий даврига оид 30 та археологик ёдгорлик аниқланиб, ундан 11 тасида археологик қазув тадқиқотлари олиб борилган. (5-6-расмлар).

№	Даврлар.	М. эр. авв. VII-м. эр. авв. IV асрлар.			М. эр. авв IV-м. эр. авв. I асрлар.				Мил. эр. I-IV асрлар				
		VII	VI	V	IV	III	II	I	I	II	III	IV	
	Ёдгорликлар												
1	Нуртепа	Хххххххххх			Хххххххххххх								
2	Хўжанд	ххххх			Хххххххххххх				Хххххххххххх				

3	Муғттепа		Хххххххххххх	Хххххххххххх
4	Хонтепа	хххххх	Хххххххххх	
5	Сағанақтепа		Хххххххххх	
6	Сағанақтепа		Хххх	
7	Қалиятепа		Хххххххх	Хххххххххххх
8	Кўрғонтепа (Зомин)		хххххх	Хххххххххххх
9	Хитойтепа	Ххх	хххх	
10	Мунчоктепа		хххх	Хххххххххххх
11	Эски Ховос		хххххххххх	Хххххххххххх

«Қадимий Уструшона» худудида тадқиқотлар олиб борилган археология ёдгорликлари ва уларнинг хронологияси.¹

«Қадимий Уструшона» худуди археологик ёдгорликлари, географик жойлашуви ўрнига қараб, шимолий-шарқий ва жанубий-ғарбий иқтисодий зоналарга ажратилади. Бу ёдгорликларнинг асосий қисми, йирик сув манбалари атрофида тўпланган бир неча гуруҳлардан иборат.

Қадимги Уструшонада илк темир даврига оид еттита ҳарбий қалъа истехкоми қайд этилган. Бу аҳоли маконлари ахамонийлар истибдоди даврида ушбу салтанатни шимолий сарҳадларини муҳофаза қилиш мақсадида қурилган бўлиб, кейинчалик ушбу қалъалар негизида ва ён атрофида шаҳарлар қад кўтарган. Икки қисм, қалъа ва шахристондан иборат шаҳар, уларнинг муҳофаа тизимидан ташкил топган Нуртепа ёдгорлиги Мирзачўлнинг ич томонига чўзилиб кетган баланд тоғлик жойда, мил. эр. авв. VII асрда вужудга келган. Милодий эрадан олдинги VI - V асрларда шаҳарнинг ташқи девори бунёд этилган ва ёдгорликнинг умумий майдони 18га га етган.²

Шунингдек, нарратив ёзма манбаларда Курукада (Киресхат, Кирополь) номи билан зикр этилган қадимги Уструшонанинг яна бир шаҳри ҳақида бир қанча мунозарали фикрлар мавжуд. Ҳозирги Ўратепа шаҳридаги табиий қир устида жойлашган, умумий майдони 6га бўлган Муғтепа

¹ Изоҳ - хххх - белгиси ёдгорликнинг фаолият кўрсатган даври, ажратиб кўрсатилган даври тадқиқот олиб борилган қатламлари.

² Пардаев М.Ҳ. Қадимги Фарғона ва Уструшонанинг моддий маданий алоқалари // Фарғона қадим ва ўрта асрларда. Самарқанд. 1994. Б. 66-71

ўрнида жойлашган, деб эътироф этилаётган Курукада - Кирополь ҳақида айнан юқорида зикр этилган манбалар хабар беради. Бу маълумотларга кўра, шаҳар унча баланд бўлмаган девор (тупрокқўрғон) билан ўраб олинган. Шаҳристон ҳам алоҳида мудофаа деворига эга бўлган. Археология манбалари бўйича Муғтепада ҳаёт милодий эрадан олдинги V асрда бошланган.¹

Уструшона ва Фарғона сарҳадларидаги Сирдарё қирғоғида, ҳозирги Хўжанд шаҳри ҳудудида милодий эрадан олдин VI-V асрларда асос солинган яна бир аҳоли макони аниқланган. Бу ердаги мудофаа истехкомлари, деворлар, меъморий иншоотлар қолдиқлари археологик нуқтаи назардан ўрганилган.² Тадқиқотлардан маълумки, бу шаҳар кейинчалик Александр Македонский томонидан истило қилинган ва милоддан олдинги 329 йилда забт этилган, шаҳар ўрнида Александрия Эсхата қад ростлаган.

Шимолий Уструшонада кейинги йилларда очилган архаик даврларга оид Хонтепа ва Сағанактепа I,II табиий-географик жиҳатдан воҳанинг қадимги ёдгорликлари тизимини тўлдиради ва қурилиш ҳамда фаолият кўрсатиш даврий санаси бўйича (мил. эр. авв. VI - V асрлар) тарихий узвийликни таъминлайди.

Ҳозирги пайтда юқорида қайд этилган қадимги Уструшона аҳоли пунктларининг барчаси маълум археология ёдгорликлари билан боғланган. Булар Ҳоватоғдаги Нуртепа, Куркатдаги Ширин, Ўратепадаги Муғтепа, Хўжанддаги аҳоли макони ва Саватдаги (Шимолий Уструшона) Хонтепа, Сағанактепа I,II ёдгорликларидир.

Қазув тадқиқотлари натижасида юқоридаги ёдгорликлардан олинган моддий маданият намуналарининг даврий санаси Фарғона (Эйлатон маданияти), Тошкент воҳаси (Бурғулук маданияти), милоддан олдинги I минг йилликнинг I ярми ва ўрталарига оид Шимолий Бақтрия ва Марғиёна

¹ Кошеленко Г.А. Уструшана. /Средняя Азия в раннем железном веке. /Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. // Археология СССР. - М.: Наука, 1985. С. 200.

² Негматов Н.Н. О работах СТАКЭ в 1976г. // АРТ (1976). Вып. XVI. – Душанбе: Дониш. 1982. С. 236-237.

ёдгорликлари, чўл маданиятига мансуб Қайроққум маданияти материаллари асосида нисбий равишда даврлаштирилган. Қадимий Уструшона худудида ёйилган маданият тадқиқотчиларни, хусусан Нуртепа ёдгорлигининг очилиши ва ўрганила бошланиши билан ўзига кўпроқ жалб эта бошлади. Сирдарёнинг чап «Уструшона» қирғоғи, жанубда Шаҳристон ва ғарбда Сават яқинидаги манзилгоҳлар (Хонтепа, Сағанактепа, Сағанактепа-1) жойлашган ҳудудда ўзига хос «Нуртепа маданияти» ёйилган.

Дарвоқе, таъкидлаш керакки, милодий эрадан аввал I минг йилликнинг ўрталарида Чуст деҳқончилик маданиятининг бевосита давоми сифатида Фарғона водийсининг ғарбий музофотларида вужудга келган Эйлатон маданияти, Нуртепа маданияти ёдгорликларига ўз маданий таъсирини ўтказган. Эйлатон маданияти нафақат қадимги Уструшонанинг Фарғона билан Хўжабақиргансой водийси каби чегарадош мавзеларига, балки шимолий-ғарбий сарҳадларига ҳам фаол таъсир кўрсатган. Буни Хонтепа ва Сағанактепа I, II ёдгорликларидан олинган кулоллик идишларида кўришимиз мумкин. Ушбу сопол идишлар Эйлатон ва Нуртепа материалларининг айнан ўзини эслатади ва шу асосда милоддан олдинги VI - V асрлар билан даврланади.¹

Энг қадимги ва қадимги давр моддий маданиятини кузатиш мақсадида, нисбатан анча катта ораликни ўз ичига олган бу даврни (мил. эр. авв. VII - мил. IV асрлар), шартли равишда бир неча даврларга ажратиб (мил. эр. авв. VII – IV, мил. эр. авв. IV – мил. I, мил. I – IV асрлар), кўриб чиқиш мақсадга мувоффиқдир.

¹ Грицина А.А. Нуртепинская культура Уструшаны (Локализация и связи). // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. (Ю.Ф.Буряков таваллудининг 60-йиллигига бағишланган илмий анжуман маърузалар баёни). – Самарқанд, 1994й. 30-март. -Самарқанд. 1994б. 30-32.

№	Даврлар.	Мил. эр. авв. VII – мил. эр. авв. IV асрлар.			Мил. эр. авв. IV-мил. эр. авв. I асрлар.				Мил. I-IV асрлар				
		VII	VI	V	IV	III	II	I	I	II	III	IV	
	Ёдгорликлар												
1	Нуртепа	xxxxxxx			xxxxxxxxxxx								
2	Хўжанд	xxxxxx			xxxxxxxxxxx				xxxxxxxxxxx				
3	Каллахона	xxxxxx			xxxxxxxxxxx				xxxxxxx				
4	Чиғмойтепа	xxxxxx			xxxxxxx								
5	Уяс	xxxxxx											
6	Ғончи	xxxxxx											
7	Муғтепа				xxxxxxxxxxx				xxxxxxxxxxx				
8	Хонтепа	xxxxxxxx			xxxxxxxxxxx								
9	Бахмалтепа				xxxxxxx								
10	Сағанақтепа I				xxxxxxxxxxx								
11	Сағанақтепа II				xxx								
12	Ширин				xxxxxxxxxxx				xxxxxxxxxxx				
13	Қалиятепа				xxxxxxxxxxx				xxxxxxxxxxx				
14	Мулчоқтепа				xxxxxxxxxxx				xxxxxxxxxxx				
15	Қўрғонтепа (Зомин)				xxxxxxx				xxxxxxxxxxx				
16	Хитойтепа		xxx		xxxxxxxxxxx				xxxxxxx				
17	Мунчоқтепа				xxxx				xxxxxxxxxxx				
18	Эски Ховос				xxxxxxx				xxxxxxxxxxx				
19	Давлаттепа				xxxx				xxxxxxx				
20	Ойдинсойтепа								xxxxxxx				
21	Дунётепа								xxxxxxx				
22	Шаҳидтепа								xxxx				
23	Қўрғонтепа								xxxxxxx				
24	Чилхужра								xxxxx				
25	Тоштемиртепа								xxxxx				
26	Оқтепа								xxxxx				
27	Пардакултепа								xxxxx				
28	Расулбойкултепа								xxxxx				
29	Дўнгчатепе								xxxxx				
30	Култепа								xxxxx				

«Қадимий Уструшона» хуудии археология ёдгорликлари даврий таракқиети¹.

¹ Изоҳ - xxxx - белгиси ёдгорликнинг фаолият кўрсатган даври.

Бугунги кунга келиб ҳудуднинг энг қадимий даврига (мил. эр. авв. VII – эр. авв. IV) оид 8 та ёдгорлик аниқланган. (Қаранг: 1-6, 8, 16 ёдгорликлар).

Энг қадимги давр ёдгорликларининг барчасини Нуртепа маданияти ўзида мужассам этади. Нуртепа маданияти “Қадимий Уструшона” ҳудудининг моддий ва маънавий маданияти, унинг алоқаларини ўрганишдаги бошланғич нуқтадир. Айни вақтда бу ёдгорликлар ҳудуднинг сиёсий тарихи, хусусан, Александр Македонский ва унинг давомчиларининг Яксарт бўйига чиқиш йўналишлари ҳақида ҳам маълумотлар беради. Шунингдек, қадимий уструшоналикларнинг энг қадимий давр маънавий ҳаётидаги баъзи тушунчалар, жумладан, зардуштийлик динининг бу ерга кириб келиши масалаларига ҳам аниқлик киритади.

«Қадимий Уструшона» ҳудудида мил. эр. авв. IV-I асрларга оид 17 та ёдгорлик аниқлангандир. (Қаранг: 1-4, 7-19 - ёдгорликлар). Бу ёдгорликларнинг асосий қисми илк антик даврга оиддир. Бунга Уструшонада шаҳар ва қишлоқ қурилишининг кейинги босқичи сабаб ва оқибатлари сифатида Александр Македонский истилоси ва кейинги даврларда бу тарихий жараёнлар билан боғлиқ сиёсий воқеаларни келтиришимиз мумкин. Бу даврда шаҳарлар савдо-сотик ва хунармандчилик марказлари бўлиб майдонга кела бошлайди, аҳоли сони ўсади, меъморчиликда маҳобатли бинолар - ҳукмдор саройлари, уйлари қурилади, қурилишлар режаси мураккаблашади. Аҳолининг ўсиши ва бу жараёнларнинг мантиқий маҳсули сифатида қишлоқ маконлари қурилиши ҳам ривожланади. Янги эранинг I асрларида Уструшонанинг чегара мавзеларини ўзлаштириш ишига алоҳида эътибор берила бошлайди. Бу даврда Мунчоктепа каби шаҳар типига қалъалар қурилади. Бу иншоотлар чегарадаги муҳофаза занжирини ташкил қилган бир қанча таянч қалъаларнинг маркази бўлиб фаолият кўрсатади¹. Ўрдатепа (Зомин), Қалиятепа (Жиззах), Қўрғонтепа (Ғаллаорол) каби шаҳар

¹ Пардаев М.Ҳ. Қадимги Фарғона ва Уструшонанинг моддий маданий алоқалари// Фарғона қадим ва ўрта асрларда. Самарқанд. 1994. Б. 66-71.

ёдгорликлари пайдо бўлади. Афтидан, мил. эр. авв. III – II аср бошларида Яксарт орти кўчманчи қабилаларининг силжиши, бир қатор «Қадимий Уструшона» манзилгоҳларида ҳаётнинг тўхташига сабаб бўлади. Бу давр, ҳудуддаги энг йирик, Нуртепа ёдгорлигида ҳаёт даражасининг кўтарилиш даврига тўғри келади.¹ Бу давр «Нуртепа маданияти» ёдгорликлари моддий маданиятида катта ўзгаришлар сезилмайди.

Бугунги кунда Уструшонадаги милодий I – IV асрларга оид 22 ёдгорликда археологик қазув тадқиқотлари ўтказилган. (Қаранг: 2-3, 7, 12-30-ёдгорликлар). Мазкур даврга оид ёдгорликлар сони кўп бўлишига қарамай, бу ёдгорликларнинг асосий қисми кўпқатламли бўлиб, улар ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик. Шу сабабли, биз улардан фақат айримларига тавсиф берамиз. Ушбу ёдгорликларнинг аксарияти III - IV асрларга тўғри келади. Асосий қисмини манзилгоҳ ва қалъалар ташкил этувчи бу ёдгорликлар, ўша даврда Уструшона моддий маданиятида янги давр бошланганлигидан далолат беради. Бу кўчманчи чорвадорлар тўлқинининг Ўрта Осиёга кириб келишининг бошланиши билан боғлиқ сиёсий, иқтисодий, маданий ва этник жараёнлардир.

Демак, милодий эрадан аввал VII - VI асрларда қадимги Уструшонада аҳоли маконлари (қалъалар, шаҳарлар) қурилишининг биринчи босқичини, милодий эрадан аввал VI - I асрларда иккинчи босқичини, милодий эрадан аввал I - IV асрларида учинчи босқичини эътироф этган ҳолда, ўлканинг қадимий даври моддий маданияти тараққиётини бир қанча йўналишлар асосида, хусусан меъморчилик, хунармандчилик, санъат ёдгорликлари асосида кузатишимиз мумкин.

Меъморчилик. “Қадимий Уструшона” моддий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлган меъморчилик, маъмурий, мудофаа, турар жой, ишлаб чиқариш ва диний ибодат меъморчилигини ўзида мужассам этади. Уструшона моддий маданияти ва унинг тараққиётини ўрганишда қадимий шаҳар марказларининг тавсифи катта аҳамият касб этади. Бу

¹ Буряков Ю.Ф. Бассейн Среднего Яксарта в древности и раннем средневековье. // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Античность, раннесредневековье. – Т.: Фан. 1987. С. 33.

йўналишдаги ишлар, асосан, Хўжанд, Муғтепа, Қалиятепа, Мунчоқтепа шаҳристонларида олиб борилди.¹ Нуртепа шаҳристонининг очилиши ва бу ерда олиб борилган қазув тадқиқот ишлари «Қадимий Уструшона» ҳудуди илк шаҳар марказлари муаммоси масаласининг янги қирраларини очиб беришга имконият яратди.² Шаҳарларнинг бир жойда узок даврлар мобайнида ривожланиши, ҳудуднинг қадимий даври шаҳарсозлик анъаналарини тўлиқ қазиш орқали очиб ўрганишга имкон бермайди. Шу сабабли, қадимги давр шаҳар маданиятини ўрганишда Хўжанд, Муғтепа, Қалиятепа шаҳристонларида шурф қазиш орқали қазув тадқиқот ишлари олиб борилди. Мунчоқтепа, Нуртепа шаҳристонлари ҳудудлари эса замонавий иншоотлардан ҳоли бўлганлиги сабабли бу ёдгорликларда тўлиқ қазишмалар олиб бориш имконияти мавжуддир. Шу сабабли, ҳудуднинг қадимий даври шаҳар маданиятини ўрганишда юқоридаги икки ёдгорлик материаллари алоҳида ўрин тутлади.

Энг қадимги давр «Уструшона» ҳудуди шаҳарсозлиги, асосан, Нуртепа ва Хўжанд ёдгорликлари материаллари асосида тадқиқ этилса-да, улар афсуски, ҳали бу давр шаҳарсозлиги тавсифи учун етарли маълумотлар бермайди. Нуртепада бу даврга оид, нисбатан анча катта ҳажмдаги (5х3,5м), усти енгил тўсиқлар ёрдамида ёпилган, турар жой ертўлалари аниқланган. Ёдгорликда бундан ташқари каркас типидagi енгил ер усти иншоотлари ҳам мавжуд бўлган дейиш мумкин. Умуман олганда, Нуртепа меъморчилигида маҳаллий жойнинг микрорельефи, табиий шароитидан кенг миқёсда фойдаланилган. Ёдгорликнинг милoddан олдинги VII-VI асрлардаги ташқи девори қурилишида эни 4,25м, баландлиги 1,2-1,5м бўлган, қирқиб текисланган табиий лёсс кўтармадан

¹ Негматов Н.Н. Из опыта изучения городской жизни Ходжентско-Уструшанского региона. // Средневековые города Средней Азии и Казахстана. - Л., 1970. С. 8-11.

² Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Общий отчет об исследованиях Нуртепе в 1980-1985гг и продолжения работ по дальнейшему изучению и сохранению памятника. // АРТ (1985). Вып. XXV. – Душанбе: Дониш. 1994. С. 23-27., Пардаев М.Х., Убайдуллаев И.Х., Гофуров Ж.И., Холбоев З.Т., Эргашев Б.С., Пардаев Ш.М. Қалиятепа 3-рабодида 2007-2008 йилларда ўтказилган археологик тадқиқотлар хусусида./ Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2007-2008 йиллар. Самарқанд, 2012.

фойдаланилган. Лёсс кўтарманинг ички томонидан унга параллел ҳолатда эни 2,1м бўлган пахса девор қурилган ва бунинг натижасида улар орасида эни 1,4м га тенг тор йўлак-коридор барпо этилган. Нуртепанинг дастлабки босқич қурилишларида асосан пахсадан, милодий эрадан олдинги IV асрдан бошлаб икки хил ўлчамдаги хом ғиштлардан фойдаланилган. Хом ғиштлар квадрат шаклидаги – (33x33x11см) ва тўғри тўртбурчак шаклидаги – (40x28x10; 43x33x11см) қолипларда қуйилган.

Хом ғиштлардан қадимги Хўжанд қурилишларида ҳам кенг фойдаланилган. Хусусан, Хўжанднинг милодий эрадан олдинги V асрга оид мудофаа деворлари қурилишида, ўлчамлари 42x43x32x14-15; 46x26-28x13см, бўлган хом ғиштлар ишлатилган. Бундай қолипдаги ғиштлар Ўрта Осиёнинг архаик даври қурилишлари учун характерлидир.¹ Қадимий даврга оид ёдгорликлар маъмурий меъморчилик иншоотларининг қурилиш тавсифи ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Нуртепа шаҳристонида хом ғишт ва пахсадан қурилган ҳашаматли иншоотларнинг бир неча хоналари очиб ўрганилган бўлса-да, улардан олинган меъморчилик маълумотлари ҳали мил. эр. авв. VI - V асрлар маъмурий иншоотларнинг ички, ташқи кўринишлари, меъморий режалари ҳақида хулоса чиқаришимизга етарли даражада асос бўла олмайди. Нуртепа маданиятига кирувчи Хонтепа, Сағанақтепа I, II ёдгорликларида мил. эр. авв. V - III асрларга оид меъморий иншоотлар аниқланган. Хонтепада яшаш учун ертўла ва ярим ертўлалардан, Сағанақтепада тағзаминига тошлар терилган пахса уйлардан фойдаланилган. Ҳудуднинг кейинги даври маъмурий қурилиш анъаналарини асосан, Мунчоқтепа ёдгорлигида ўрганилган III, IV - V асрларга оид икки иншоот мисолида кузатишимиз мумкин. Аммо бу иншоотлар, биринчидан, бу даврнинг сўнгги даврларига тегишли бўлса, иккинчидан, тарҳи ва кесма чизмалари келтирилмаганлиги сабабли, уларнинг хусусиятларини англаб

¹ Негматов Н.Н. Ходжент. Основные этапы истории. // Исследования по истории и культуре Ленинабада. – Душанбе: Дониш. 1986а. С. 3-4.

етиш имкониятларини чеклайди.¹ Ўрганилаётган даврнинг сўнгги даврларига келиб (милодий III - IV асрлар), меъморчиликда ҳам ижтимоий - иқтисодий ўзгаришлар ўз аксини кўрсатди ва ҳудудда илк қалъалар (Чилхужра, Тоштемиртепа, Оқтепа, Пардакултепа, Расулбойкултепа, Дўнгчатеп ва бошқ.) пайдо бўлади.

Умуман олганда, тадқиқотлар натижасида «Қадимий Уструшона» ҳудуди шаҳарсозлиги меъморчилигининг хронологик тараққиёти маълум бир маънода тикланганлигига қарамай (Нуртепа (мил. эр. авв. VI - V асрлар),/Н.Негматов, Т.Беляева./ Мунчоқтепа (III, IV - V асрлар) /В.Ф.Гайдукевич/), бу тадқиқотлар ҳали том маънода ҳудуднинг қадимий даври иншоотларининг ички ва ташқи меъморий элементларининг хусусиятларини тўла очиб бериш имкониятига эга эмас. Мудофаа иншоотлари шаҳарсозлик тизимининг асосий белгиларидан биридир. «Қадимий Уструшона» ҳудуди ёдгорликларининг мудофаа иншоотлари қолдиқларини ўрганишда бирмунча муваффақиятларга эришилди. Бу йўналишдаги тадқиқотлар, Нуртепа, Хўжанд, Муғтепа, Мунчоқтепа шаҳристонлари материаллари асосида таҳлил қилинади.² Тадқиқотчилар ёдгорликларнинг мудофаа иншоотлари, деворларнинг илк кўринишлари, мудофаа тизимининг режалари, қурилиш материаллари ва қурилиш босқичларини ўргандилар. Мудофаа иншоотлари меъморчилигини ўрганиш жараёнида қадимий уструсоналиклар ҳарбий мудофаа меъморчилиги маданиятининг янги қирралари очилди. Уструшона ҳудудидаги қадимий давр ёдгорликлари турар жой комплекслари қурилиш тавсифи ва тараққиёти тадқиқотчилар олдида ҳали тўлиқ ўз ечимини топмаган масалалардан бири

¹ Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг. // КСИИМК. Вып. XV. - М.-Л: 1947. С. 92-109.

² Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг (Предварительное сообщение). // КСИИМК. Вып. XV. - М.-Л: 1947. С. 92-109., Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Общий отчет об исследованиях Нуртепе в 1980-1985гг и продолжения работ по дальнейшему изучению и сохранению памятника. // АРТ (1985). Вып. XXV. – Душанбе: Дониш. 1994. С. 23-27., Негматов Н.Н. Ходжент. Основные этапы истории. // Исследования по истории и культуре Ленинабада. – Душанбе: Дониш. 1986. С. 3-15.

бўлиб келмоқда. Нуртепа (мил. эр. авв. VII - V асрлар), Хонтепа (мил. эр. авв. V – III асрлар), Қалиятепа (мил. эр. авв. II – I асрлар), Мунчоктепа (мил.эр. авв. I-II асрлар), Қўрғонтепа (мил. эр. авв. I - милодий I асрлар) ёдгорликларида олиб борилган қазув тадқиқотлари жараёнида бу давр турар жой комплекслари меъморчилиги қисман ўрганилгандир.¹ Бу тадқиқотлар қадимий уструсоналикларнинг турар жой комплекслари энг оддий ертўла, ярим ертўла, хом ғишт ва пахсадан қурилган ер усти иншоотларидан иборат бўлганлигидан далолат беради. Нуртепа шаҳристонида аркнинг шимолий қисмида диний ибодат маркази, қадимий давр диний ибодат иншооти - зиккурат мавжуд бўлган.² Лекин бу иншоотнинг меъморий хусусиятлари ҳам ҳозирча тўлиқ ўрганилмаган. Кўриб турганимиздек, «Қадимий Уструсона» меъморчилиги ҳақида маълумот берувчи моддий материаллар жуда ҳам кам, борлари ҳам яхши сақланмагандир. Юқоридагилар, бу йўналишда махсус меъморшунослик нуқтаи назаридаги тадқиқотлар олиб борилиши лозимлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, ўрганилаётган давр ёдгорликларнинг меъморий хусусиятлари, хусусан, маъмурий, мудофаа, ишлаб чиқариш, турар жой ва диний ибодат комплекслари меъморчилигининг умумий белгилари имкон даражасида ўрганилди. Аммо бу материаллар ҳудуднинг моддий маданияти ва унинг тараққиёти хусусида умумий тушунча берса-да, муаммонинг комплекс ҳолатда махсус ўрганилиши учун етарли эмас.

Хунармандчилик. Моддий комплекслар асоси ҳисобланувчи кулоллик, шишасозлик, темирга ишлов бериш, тўқимачилик ва хунармандчиликнинг бошқа соҳалари ҳудуднинг моддий маданиятига баҳо беришда катта аҳамият

¹ Беляева Т.В. О работах Нуртепинского отряда в 1984г. // АРТ (1984). Вып. XXIV. – Душанбе: Дониш. 1993. С. 51-57., Грицина А.А. Археологические исследования в Северной Уструшане. //Я.Гулямов и развитие исторических наук в Узбекистане. - Т.: Фан. 1988. с. 33-35., Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг. // КСИИМК. Вып. XV. - М.-Л: 1947. С. 92-109.

² Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Исследование Нуртепе в 1981г. // АРТ (1981). Вып. XXI. -Душанбе: Дониш. 1988. С. 19-31.

касб этади. Бу топилмалар жамиятнинг ижтимоий - иқтисодий, маданий асосларини белгилаб берувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотлар жараёнида энг кўп учрайдиган топилмалар кулоллик идишлари намуналаридир. Сопол идишлар ёдгорликдаги ҳаётнинг хронологик даврини, тангашуносликдан кейин аниқлаб берувчи асосий манба бўлиб хизмат қилади. Хусусан, ҳали пул бирликлари бўлмаган қадимий асрларни даврлаштиришда сопол идишлар комплексининг хизмати беқиёс. Кулоллик ёдгорликларнинг қайси даврга оидлигини аниқлаб бериш билан бирга, бу ҳудудда яшаган халқларнинг ижтимоий турмуш даражасини, кундалик ҳаёт фаолиятини, моддий маданиятнинг ривожланишини, кўшни ҳудудлар билан моддий алоқаларини ва бошқа кўплаб муаммовий масалаларни ечимини топишда катта аҳамиятга эга.

Қадимги Уструшонанинг мил. эр. авв. VII -. IV асрлардаги кулоллик ҳунармандчилиги ҳақида Нуртепа ёдгорлигидан олинган сопол идишлар комплекси нисбатан батафсил маълумот беради (47,82-расмлар)¹ Нуртепа сополи икки гуруҳга: қўлда ва кулоллик чархида ясалган идишларга ажратилади. Қўлда ясалган сопол идишлар комплекси, асосан, хурмача, коса, қозон ва това-манқолдонларидан ташкил топган. Коса ва хурмачалар сифатли, яхши оби-тобига келтириб ийланган, таркибида бироз майда қум бўлган лойдан ясалган ва хумдонда бир текисда пиширилган. Идишларнинг устки томони силлиқланган ва оқиш, қизғиш ёки тўқ малла рангдаги ангоб билан бўялган. Косаларнинг устки жилосига алоҳида эътибор берилиб, улар ялтираш даражасида силлиқланиб пардозланган. Уларнинг гардиши тўғри ёки хиёл ичкарига, хурмачаларнинг гардиши эса бироз ташқарига қайрилган, унча баланд бўлмаган бўғизи тухумсимон танага, тана эса текис, ясси тагдонга туташган. Қозонларнинг танаси юмалоқ шаклда, гардиши тўғри ёки бир оз ташқарига қайрилган. Қозонларнинг тагдон қисмида кўп ҳолларда

¹ Негматов Н.Н., Беляева Т.В., Мирбабаева А.К. Начало исследований городища Нуртепе. // АРТ (1980). Вып. XX. – Душанбе: Дониш. 1987. С. 310-330.

нотекис мато қолип излари қолган. Идишлар ён, ички ва ташқи томонлардан текисланган. Қозонларнинг гардиш қисмида ёки ундан биров паст елка қисмида «ғурра»симон кулоқлар мавжуд. Манқалдонларнинг ич томони текисланган, гардиш ва ён деворлари вертикал, ясси кўринишда. Аксарият ҳолларда уларнинг гардиши ва тагдони бир хил ўлчамларга эга.

Нуртепа ёдгорлигининг қўлда ясалган сопол идишлари тузилиш шакли ва тайёрланиш техникасига кўра, Қайроққум, Бурғулуқ чўл бронзаси ва Шимолий Бақтрия илк темир даври шаҳарларининг сопол идишлари комплексига яқиндир.

Кулоллик чархида ясалган сопол идишлар комплекси одатда қизил, оқиш ёки пушти рангли ангоб билан қопланган. Йирик ҳажмли шаклдаги идишлар: хум ва хумчаларнинг қалинлашган юқори қисми ташқарига қайрилган. Хумларнинг таг қисми юмалоқ шаклда бўлиб, буларда ҳам мато қолип излари учрайди. Косаларнинг гардиш диаметри кенг, тагдони ясси, силлиқ. Чуқур товоқлар юмалоқ шаклли ва ясси тагли бўлиб, гардиши бир оз ич томонга қайрилган. Ташқи томондан улар баъзан горизонтал кўринишдаги чизиқлар билан безатилган. Бўғиз қисмида бир томонлама ушлагичи бўлган йирик қувачалар ҳам учрайди. Бундан ташқари, Нуртепадан кичик ва тор тагдонли, танаси юмалоқ шаклдаги, гардиши тўғри чиққан қадахлар, баланд тагликли вазалар топилган. Тез айланувчи кулоллик чархида ясалган мазкур Нуртепа сопол идишлари комплексини ушбу даврларга тааллуқли Шимолий Бақтрия кулоллик комплекслари билан таққослаш мумкин.

Нуртепа ёдгорлигидан биров кейинги даврларга оид бўлган Хўжанд, Хонтепа, Сағанактепа I, II ёдгорликларининг қўлда ва кулоллик чархида ясалган сопол комплексларида ҳам юқоридаги ҳолат айнан такрорланади. (48,49,50,51,52-расмлар). Хонтепадан топилган «тасмасимон» усулда ясалган хумлар, «ғуррасимон» дастали қозонлар, мато қолип асосида ясалган идишлар, мил. эр. авв. V - IV асрларга оид Нуртепа идишларининг айнан ўзидир. Умуман бу комплексларнинг бир-бирига жуда ҳам яқинлигини кўришимиз мумкин. Фақат айрим ҳолатларни таъкидлаб ўтмоғимиз лозим. Биринчидан,

Хўжанд ёдгорлигида кўлда ясалган сопол комплекси ва оз бўлса-да рангдор нақшли сопол намуналари учрайди. Иккинчидан, Хўжанд ёдгорлигидаги кўлда ясалган сопол идишлар комплекси намуналарида Фарғонанинг Эйлатон даври комплексига яқинлиги кузатилади.

Милоддан олдинги сўнгги ва милонинг илк асрлари сопол идишлари комплекси ҳақида шу даврга оид Нуртепа, Хўжанд, Муғтепа ёдгорликлари материаллари билан биргаликда улардан бир оз кейинроқ пайдо бўлган Ўрдатепа, Хитойтепа, Мунчоқтепа, Эски Ховос, Қалиятепа, Қўрғонтепа ёдгорликлари материаллари маълумот беради. (53,54,55,56,57,58-расмлар). Биз бу давр кулоллик идишлари комплексини нисбатан тўлиқ ўрганилган Мунчоқтепа ёдгорлиги материаллари асосида кўриб чиқамиз. Бу давр сопол комплекси ҳам асосан, кўлда ва кўл чархида ясалган кулоллик идишларидан иборат. Кўлда ясалган сопол идишлар комплекси, асосан, Ширинсой қабристонини материаллари асосида ўрганилади. Идишларнинг асосий қисми қизғиш ва оқиш ангоб билан қопланган. Кўп ҳолларда улар ялтираш даражасида пардозланган. Кўлда ясалган сопол идишларнинг турлари унча кўп бўлмай, улар асосан, коса, кувача, хумча шаклида учрайди. Идишларнинг асосий қисмини косалар ташкил қилади. Улар кўп ҳолларда бошқа идишларга нисбатан сифатли лойдан тайёрланган. Косалар анча йирик бўлиб, ярим шар шаклида, текис тагдонли. Улар асосан, турли шаклдаги гардишлари билан бир-биридан фарқ қилади. Хурмачалар асосан паст бўйли, кенг ва текис тагликли. Сопол буюмлар нақшланган, нақшлар, асосан, идишларга горизонтал йўналишда бутун айлана бўйлаб берилган тўлқинсимон ва тўғри чизиқлардан иборат. Бу нақшлар идиш ҳали хумдонга кўйилмасдан, намлигида, ўткир учли асбоб билан чизилган. Кувачалар, одатда бир тутқичли, косалардаги каби нақш, чизиқлар билан безатилган. Бу даврда кулоллик маҳсулотлари орасида янги шаклдаги идишлар ҳам учрайди. Булар дастаси иконаграфик шаклда ишланган кўза ва кувачалар, тана қисмининг бир томони текис қилиб ясалган сувдонлардир. Дарҳақиқат, баъзи кувачаларнинг тутқичлари ҳайвон (кўй)

кўринишида ясалган. Бир томони бўртиб чиққан, иккинчи томони ясси, бўғизидан боғлаб юришга мослашган сопол сувдонлар учраса ҳам, улар анча кам сонлидир. Бу сувдонларнинг бўртиб чиққан томони спиралсимон нақшлар билан безатилган.

Кўл чархида ясалган сопол идишларнинг турлари кам сонлидир. Уларнинг ичида кўпроқ учрайдигани ёйсимон шаклда, равон ясалган косалардир. Бу косаларнинг диаметри 27-32см, баландлиги 5,2-5,6см. Уларнинг баъзилари тўқ қизил ёки жигарранг ангоб билан қопланган бўлиб, устидан пардоз берилган. Чархда ясалган идишларнинг яна бир тури юқорига томон кенгайиб борувчи, тор тагликли қадахлардир. Уларнинг баландлиги 6,5-9см, баъзан 12,5см гача бўлиб, тўқ қизил рангли ангоб билан қопланган, яхши пардозланган. Кўл чархида ясалган сополлардан яна бир тури, бир дастатутқичли қувачалардир.

Тадқиқотлар ёдгорликлардан топилган сопол комплекслари таркибини аниқлаш, комплексни турларга бўлиш, шакли, нақшлари ва бошқа белгиларини кузатиш асосида кулолликдаги даврий ўзгаришларни, ривожланиш босқичларини, кўшни маданиятлар билан алоқаларини ва бошқа кўплаб муаммовий масалаларнинг ечимига ойдинлик киритади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Уструшонанинг шимолий-ғарбий сарҳадларида жойлашган Қалиятепадан олинган сопол идишлар комплекси, айниқса, кулоллик чархида ясалганлари, ўзининг ясалиш технологияси, лой таркиби ассортименти жиҳатлари бўйича ўша даврдаги Марказий Суғд кулоллик мактаби маҳсулотларига жуда яқин туради. Бу ердан археологик жиҳатдан бутун топилган тўқ қизил ранг билан бўялган, ён деворлари юпқа қадах ва паймоналарни Суғднинг марказий шаҳри Афросиёбнинг мил. эр. авв. II – I асрларга оид сопол идишлар (84,85,86-расмлар) (Афр. III) билан солиштириб ўрганиш мумкин. Худди шундай ҳолатни Ғаллаоролдаги Қўрғонтепа шаҳар ёдгорлиги кулоллик комплексларида ҳам кўриш мумкин. Эллинлар маданиятининг маҳсули бўлган бу сопол идиш шакллари, албатта, энг аввало,

Суғднинг марказидаги кулол усталари томонидан ўзлаштирилган ва кейинчалик қўшни воҳаларга тарқалган.¹

Шу жумладан, тадқиқотчилар фаолиятида, сопол комплексининг алоҳида олинган йўналишларининг махсус ўрганилиш объекти сифатида тадқиқ этилган ҳолатларини ҳам кузатишимиз мумкин. П.Т.Самойлик Муғтепадан топилган, мил. эр. авв. IV - II, мил. эр. авв. I - милодий I асрларга оид, катта ҳажмдаги идишлар – хумларни алоҳида кузатиш объекти сифатида ўрганди.² У мавжуд сопол комплексларни даврий кетма-кетлик асосида тартибга солиб, бу турдаги идишларнинг шаклидаги, нақшларидаги анъаналарни, даврий ўзгаришлар ва қонуниятларни кузатиб, таҳлил қилиб қўшни худудларда учрайдиган шу турдаги идишлар билан солиштириб хронологик жадвал тузишга муваффақ бўлади. П.Т.Самойлик Уструшона кулоллигидаги алоҳида сопол идишлар турларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан, Уструшона кулоллигининг мил. эр. авв. I минг йилликдан милодий XII асргача бўлган давр оралиғидаги тарихий тараққиётига тавсиф беришга ҳаракат қилади.³

Кулоллик комплексларини ўрганишда, хусусан, унинг таркиби, шакли, сифати, даврий тараққиёти, ёйилиш худуди, бошқа маданиятлар билан алоқалари каби жиҳатларини ўрганишда, сопол комплексининг ишлаб чиқариш марказлари, жумладан, кулоллик хумдонларининг ўрни бекиёсдир. В.Ф.Гайдукевич томонидан милоднинг илк асрларига оид кулолчилик хумдони аниқланиб, унинг тузилиши, иш жараёнлари ўрганилди.⁴ Сопол идишлар комплексларининг таҳлили, кулоллар шаҳар ва қишлоқлар билан бир вақтда чорвадор кўчманчиларни ҳам сопол буюмлари билан таъминлаб турганликларидан далолат беради.

¹ Пардаев М.Х. Комилбоботепа. // ЎММТ. 32-нашри. Самарқанд., 2002. Б. 133-142.

² Самойлик П.Т. Хумы Ура-Тюбе. IV-II вв. до н. э. // ИАН Тадж.ССР. ООН. №: 2 (72). – 1973 а. С. 12-19., Самойлик П.Т. Хумы Ура-Тюбе I в до н. э. - I в н.э. и VII-VIII вв. н.э. // ИАН Тадж.ССР. ООН. -№: 4(74). - Душанбе. 1974. С. 32-40.

³ Самойлик П.Т. Керамисты Уструшаны. // По следам древнейших культур Таджикистана. - Душанбе: Ирфон, 1987. С. 156-167.

⁴ Гайдукевич В.Ф. Керамическая обжигательная печь Мунчактепе. // КСИИМК. Вып. XXVIII. - М.-Л., 1949. С. 77-82.

«Қадимги Уструшона» худуди ёдгорликлари сопол комплекси нисбатан яхши ўрганилган бўлишига қарамай бу йўналишда бир қанча муаммолар ҳам мавжуд. Бугунги кунда тадқиқотчилар олдида Уструшонанинг кулоллик хунармандчилиги учун умумий бўлган ягона даврий хронологик жадвални тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги мазкур масаладаги асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Темирга ишлов бериш, тўқимачилик ва бошқа соҳаларнинг ривожини, хунармандчиликнинг тараққиётида муҳим ўрин тутди. Мунчоқтепа шаҳристонида, қадимий даврга оид бўлган темирга ишлов бериш марказларидан бири, аниқроғи, тақинчоқлар яшаш устахонаси ўрни аниқланиб ўрганилди.¹ Худудда олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган топилмалар ичида темир қуроллар учрашига қарамасдан, бу даврга оид бошқа темирчилик устахонаси марказлари аниқланмаган. Топилмалар ичида кўплаб тўқимачилик қуроллари, хусусан, тош, сопол ва суякдан ишланган урчукбошларнинг учраши, «Қадимий Уструшона» худудида тўқувчилик соҳаси ривожланганлигидан далолат беради. Нуртепа шаҳристонидан топилган сопол идишларга изи тушган тўқима матоларни лаборатория шароитида илмий ўрганиш, уларнинг таркиби, тўқиш услуби, турлари ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Тадқиқотлар уструшоналиклар бу даврда тўқиш дастгоҳларидан фойдаланганликларидан далолат беради.²

Тақинчоқлар. Уструшонанинг архаик даври моддий маданиятида тақинчоқлар деярли қайд этилмаган. Тақинчоқлар, ўрганилаётган худуднинг асосан илк антик даврга оид ёдгорликларида учрай бошлайди. Оилавий тарзда кенг тарқалган мунчоқлар, тақинчоқларнинг асосий қисмини ташкил этади. Фарход каналини қазिश пайтида милодий

¹ Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг (Предварительное сообщение). // КСИИМК. Вып. XV. - М.-Л: 1947. С. 100.

² Фаязова М.М. Отпечатки тканей на керамике из Нуртепе. // Первая конференция молодых историков Средней Азии и Казахстана. - Душанбе: Дониш. 1984. С. 132-133.

эранинг I асрига оид мунчоқлар кўплаб топилган.¹ Бу тақинчоқлар, асосан, ярим қимматбаҳо тошлар - агат, тоғ хрустали, феруза, кварцитсимон феорит, змеевик ва оқ шаффоф рангли шишалардан ишланган. Ярим қимматбаҳо тошларнинг агатдан бошқа барчаси, шу яқин атрофдаги тоғлардан, Фарғона водийси тоғларидан келтирилган.

Шаффоф шиша мунчоқларнинг шакли турли - туман. Улар орасида бурчақлари қирқилган паралилепипед шаклидаги, куб, шар, мўъжаз трубка ҳамда сиртига тилло суви юритилган шарча шаклидаги мунчоқлар учрайди. Шунингдек, бошқа рангли шишалардан ясалган мунчоқлар ҳам мавжуд. Хусусан, узунчоқ шаклдаги малла - яшилтоб рангдаги мунчоқлар. Бу мунчоқларга сариқ тусли шиша парчалари ўрнатилган. Мунчоқлар комплексида куб ва биконик шаклли, яшил рангли шишалардан ясалган, узунчоқ, кўш шарча шаклидаги тўқ кўк рангли шишалардан ясалган, шарча шаклидаги мовий рангли шишалардан ясалган мунчоқлар, жуда кичик ҳажмдаги цилиндр ва ҳалқачалар шаклидаги мунчоқлар, ним яшил рангли шишадан ясалган шокилалар учрайди.

Ярим қимматбаҳо тошлардан ясалган мунчоқлар ҳам алоҳида комплексни ташкил қилади. Унда агатдан сифатли қилиб ясалган эллипс бочкача шаклидаги мунчоқлар, тоғ хрусталидан ясалган нисбатан катта ҳажмдаги шарсимон мунчоқлар, сердоликдан ясалган юлдузчасимон нақшлар туширилган ромб шаклидаги мунчоқлар кенг ўрин олган.

Мунчоқлардан ташқари бу даврда бронзадан ясалган узуклар, қўнғироқчалар, роговик ва змеевикдан ясалган алоҳида тақиладиган тақинчоқлар ҳам учрайди.

Уструшонанинг қадимий даври ёдгорликлари моддий маданияти ва унинг тараққиётини кузатиш, «Қадимий Уструсона» халқлари кўпқиррали моддий маданиятининг қўшни ҳудудлар билан яқин алоқада бўлган ҳолда, ўзига хос йўналишда ривожланганлигидан далолат беради.

¹ Кабанов С.К. Археологические находки на Фархадстрое. // ИАН Уз.ССР. -№ 5. - Т., 1948. С. 71-81.

3 - БОБ. ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА МОДДИЙ МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

3.1. Илк ўрта асрлар Уструшона археологик ёдгорликларини худудлаштириш ва типологиялаш масалалари

Уструшона худудида олиб борилган тадқиқотлар жараёнида, турли даврларга оид археология ёдгорликлари аниқланган. (9,10,11,12-расмлар). Биз Уструшона худудидаги илк ўрта асрлар ёдгорликларнинг умумий мажмуини ирригация ҳавзалари асосида тузиш ва уларни тоифалаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотчилар томонидан бу ёдгорликларни аниқлаш, ўрганиш жараёнида, худуд бир қанча маъмурий ва ирригация районларига ажратилган. Булар: Шахристон воҳаси, хусусан, Шахристонсой, Каттасой, Басмандасой, Оқсув, Исфанасой ва Хўжабақиргансой сув ҳавзаларининг юқори оқимини ўз ичига олувчи шарқий Уструшона. Сирдарёнинг ўрта оқими, Хўжамушкентсой ва бунга туташ худудларнинг чўл қисми (ҳозирги Сирдарё вилояти ва Жиззах вилоятининг айрим туманлари) кирувчи шимолий Уструшона. Жиззах воҳаси ва Сангзор, Зомин сув ҳавзалари кирувчи шимолий-ғарбий Уструшона.

Шарқий Уструшона археологик ёдгорликларини худудлаштиришни, Исфанасой ҳавзасидан бошлаймиз. Исфанасой Уструшонанинг энг шарқий сув манбаи бўлиб, Оқсувга параллел ҳолда, ундан 10-13км шарқда, жанубдан шимолга қараб оқади. Исфанасой ҳавзаси гуруҳи 5 археология ёдгорлигидан иборат. Бу ёдгорликлар Дўнгчатепа ва Қўрғонча қалъа ёдгорликлари атрофида жойлашган.

Дўнгчатепа археология ёдгорлиги, Тожикистон Республикаси Пролетар посёлкасидан 8км жанубда, Исфанасойнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Тўғри томонли тўртбурчак шаклидаги бу қалъа ёдгорлиги III - VIII асрлар билан даврлаштирилади.¹

¹ Негматов Н.Н. Исследования в Северном Таджикистане в 1970г. // АРТ (1970).

Қўрғонча қалъа ёдгорлиги, Қўрғонча қишлоғидан 10-15км жанубда, Исфанасойнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Тўғри томонли тўртбурчак шаклига эга, шимолдан жанубга томон чўзилган тепаликнинг ўлчамлари 64x56м, баландлиги 40м ни ташкил этади. Қўрғонча ёдгорлиги V – VIII асрлар билан даврланган. Ёдгорликка унинг шимолий ва шарқий қисмидаги текисликда жойлашган мустаҳкамланган манзилгоҳ туташиб кетган.¹

Оқсув ҳавзаси гуруҳи 12 та археология ёдгорлигидан иборат. Ҳавза марказида, Каллахона шаҳар ёдгорлиги ва Оқтепа жойлашган.

Оқтепа ёдгорлиги Новдан 10км шимолда бўлган Оқтепа қишлоғи яқинида, Қўнғиротсойнинг (Оқсувнинг куйи оқими) ўнг қирғоғида, Сирдарёга яқин жойда жойлашган. Баландлиги 9м бўлган тепанинг ҳажми, атрофидаги майда тепалар комплекси билан биргаликда қўшиб ҳисоблаганда 1,5га ни ташкил этади. Оқтепа VI - VII асрларда фаолият кўрсатган арк ва шахристони бўлган, йирик қишлоқдан шаҳар даражасига ўтаётган ёдгорликдир.²

Каллахона ёдгорлиги Оқсувнинг ўнг қирғоғида, Тағоёк қишлоғининг рўпарасида, Хўжанд - Ўратепа йўлидан 2км жанубда, сой қирғоғи бўйлаб жойлашган, унинг майдони 4га ни ташкил этади. Шаҳар ёдгорлиги бўлган Каллахонанинг узунлиги 70м бўлган ғарбий девори ва минораси қолдиғи сақланиб қолган. Миноранинг баландлиги 12м, диаметри 16-18м ни ташкил этади. Тепаликнинг юқори қисмидан, 3-5м ли маданий қатлам олиб ташланган ва ғарбий, шимолий

Вып. X. М.: Наука, 1973. с.93-95, Негматов Н.Н. Исследования Северо-таджикистанского археологического отряда в 1973г. // АРТ (1973). Вып. XIII. – Душанбе: Дониш. 1977 а. С. 112-136., Салтовская Е.Д. Здание верхнего горизонта Дунгчатепе (Юго-Восточная Уструшана). // МКТ. Вып. 4. Душанбе: Дониш. 1987. С. 225-250.

¹ Салтовская Е.Д. О работе Западно-Ферганского отряда в 1983г. // АРТ (1983). Вып. XXIII. -Душанбе. Дониш. 1991. С. 35-46.

² Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.225., Пулатов У.П. "Дом огня" в Уструшане. // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. - Душанбе: Дониш. 1977. С. 77-79., Негматов Н.Н. Исследования в Северном Таджикистане в 1970г. // АРТ (1970). Вып. X. М.: Наука, 1973 б. С. 81-82.

томонлари текислаб ўзлаштирилган. Каллахона шаҳар ёдгорлиги илк ва ривожланган ўрта асрлар билан даврланган.¹

Умумий узунлиги 100 км га чўзилган, ўрта оқимида Даҳанасой, қуйи оқимида Ширинсой деб номланувчи Басмандасой, Уструшонанинг йирик сув манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Басмандасой ҳавзаси гуруҳига 33 та археология ёдгорлиги киради. Ҳавза бир қанча мўъжаз воҳаларга (микрооазис) ажратилган бўлиб, уларнинг марказида бир гуруҳ қалъаларни, қуйи оқимда Мунчоқтепа шаҳар ёдгорлигини кўришимиз мумкин.

Қалаи-муғ археология ёдгорлиги, Аччи қишлоғидан 2км шимолда, сойнинг ғарбий қирғоғида, табиий қир-тепаликнинг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, унинг томонлари ғарб-шарқ йўналишида 80м, шимол-жануб йўналишида 70м га тенг, нотўғри кўринишдаги учбурчак шаклга эга. Майдоннинг шимолий-шарқий қисмида томонлари 16x18м бўлган, квадрат шаклидаги асосий қурилиш ядроси - тепа жойлашган. Тепанинг сой сатҳидан баландлиги 40м. ёдгорлик илк ўрта асрлар даврида фаолият кўрсатган.²

Ўртақўрғон (Амбаргаз) археология ёдгорлиги, Мужнун қишлоғидан 12км шимолий шарқда, Кичик Амбаргаз қишлоғининг жанубий қисмида, Ғончи-Калининобод йўли бўйида жойлашган. Жануб томондан энсиз бир тепа орқали тоғ платосига туташган бу ёдгорлик, тўғри томонли тўртбурчакка яқин, ноаниқ шаклга эга тепаликдан иборат. Ўлчамлари 130x60м га тенг тепанинг жанубий-ғарбий бурчагида, баландлиги 25м, томонлари 30x30м бўлган марказий қурилиш иншоотлари қисми жойлашган. Марказий тепадан 10м шарқда, кичик бир тепа жойлашган. Ундан шимолроқда, платформанинг жанубий қисмида диаметри 15м, баландлиги 1,5м бўлган яна бир тепа ўрнашган. Шимолий-шарқий бурчакда, шарқдан ғарбга чўзилган, диаметри 25м, баландлиги 4м бўлган тепа, ундан ғарбда, баландлиги 1,5м

¹ Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.228-229., Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. (МКУ. Вып. 4). -Душанбе: Дониш. 1980. С.81-83.

² Билалов А.И. О работе горного археолого-топографического отряда СТАКЭ в 1974г. // АРТ (1974). Вып. XIV. -Душанбе: Дониш. 1979. С. 356-358.

бўлган, учбурчаксимон тепа жойлашган. Ёдгорлик илк ва ривожланган ўрта асрлар билан даврланган.¹

Ширин қалъа ёдгорлиги, Сирдарё ҳавзасига кириб борувчи тоғ тизмасининг Ширинсойга туташувчи этагида, Куркат-Бекобод йўли бўйлаб жойлашган. Ёдгорликнинг кўриниши шимолдан жанубга томон чўзилган, нотўғри томонли тўртбурчак шаклида бўлиб, унинг воҳа сатҳидан умумий баландлиги 50м, шарқий қисми 23м ни ташкил қилади. Ёдгорликнинг шимолий қисмида – арк, жанубий қисмида шаҳристон жойлашган, уларнинг ҳар бири алоҳида мудофаа деворлари билан ўраб олинган. (38-расм). Ширин қалъа ёдгорлиги V - VIII асрларда фаолият кўрсатган.²

Мунчоқтапа шаҳар ёдгорлиги Бекободдан 7км шарқда, Сирдарё бўйида жойлашган. Тўртбурчак шаклидаги (200x180м) тепанинг бир томони Сирдарёнинг баланд, жарсимон қирғоғи билан туташган бўлиб, қолган уч томони кияликдан иборат. Умумий майдони 4га га яқин бўлган шаҳристоннинг шимолий шарқий қисмида, дарё сатҳидан 24м баланд бўлган тепалик (70x40м) – арк жойлашган. Мудофаа деворлари билан ўраб олинган Мунчоқтапа шаҳар ёдгорлигида ҳаёт милодий эрадан олдинги I асрдан ривожланган ўрта асрларга қадар давом этган.³

Каттасой ирригация ҳавзаси гуруҳини 10 та археологик ёдгорлик ташкил этади. Ҳавзадаги марказий ёдгорлик Муғтепа шаҳар ёдгорлигидир.

Муғтепа ёдгорлиги Ўратепа шаҳри марказида қулай мавқега эга баландликда, сой томондан 65м, қолган томонларидан 18-20м баландликда жойлашган шаҳар арки қолдиғидан иборат. Умумий майдони 6га, томонлари 600x650м бўлган, учбурчаксимон Муғтепа арки, қадимий ёдгорлик харобалари устига қурилган. Ёдгорлик табиий

¹ Билалов А.И. О работе горного археолого-топографического отряда СТАКЭ в 1974г. // АРТ (1974). Вып. XIV. -Душанбе: Дониш. 1979. С. 359-364.

² Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.225-227.

³ Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг (Предварительное сообщение). // КСИИМК. Вып. XV. - М.-Л: 1947. С. 92-109.

кўтарма, қалин пахса девор ва ҳандақлар билан ўраб олинган. Ёдгорликнинг шимолий-ғарбий қисмида мудофаа деворлари, бир неча хоналарни ўз ичига олган, шинаклар билан жиҳозланган минора қолдиқлари жойлашган. Муғтепа ёдгорлигида ҳаёт қадимий даврлардан кеч ўрта асрларга қадар давом этган.¹

Уструшонанинг кўплаб қалъа ва қишлоқ манзилгоҳлари, пойтахт Бунжикант шаҳрини сув билан таъминлаб турган Шаҳристонсойнинг умумий узунлиги 80км ни ташкил этади. Шаҳристонсой ҳавзаси археологик ёдгорликларга бой бўлиб, бу гуруҳга 28 та ёдгорлик киради. Шаҳристон ҳавзасидаги марказий ёдгорликлар, бу Қалаи Қаҳқаҳа I, II, III шаҳар ёдгорлиги комплекси ва унинг атрофида жойлашган бир қатор қишлоқ маконларидан иборат.

Қалаи Қаҳқаҳа I археологик ёдгорлиги Шаҳристон посёлкасидан 0,5км жанубда, Шаҳристонсойнинг тоғ дарасидан чиқиш жойида жойлашган. Ёдгорликнинг шарқий қисми Шаҳристонсой билан, ғарби тоғ қоялари билан туташ, шимол ва жануб томонлари қияликдан иборат. Сой сатҳидан 50м баландликдаги террасада жойлашган, ер рельефидан келиб чиқиб аниқ шакл бермайдиган ёдгорликнинг умумий ҳажми 5га га тенг. Ёдгорликнинг шарқида жойлашган энг баланд нуқтаси 8м ни ташкил этади, уни ҳимоя миноралари ва умумий узунлиги 1000м бўлган мудофаа деворлари ўраб туради.²

Қалаи Қаҳқаҳа II археологик ёдгорлиги ҳам шу террасада, Қалаи Қаҳқаҳа I нинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, уларни ўртадаги чуқур ҳандақ ажратиб туради. Қалаи Қаҳқаҳа II ёдгорлиги, жанубий-ғарбдан шимолий-шарққа томон чўзилган, томонлари 210х230м ташқи кўриниши тўғри тўртбурчак шаклини беради. Ёдгорлик, ўртадаги девор ёрдамида икки нотекис қисмга ажратилган. Унинг жанубий

¹ Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.207-215.

² Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.191-197.

қисмида айлана шаклида баландлиги 3м бўлган тепалик жойлашган.¹

Қалаи Қаҳқаҳа III ёдгорлиги Шаҳристонсойнинг ўнг қирғоғида, Қалаи Қаҳқаҳа I дан 200м пастликда жойлашган. Ёдгорликнинг умумий баландлиги 21м бўлиб, унинг юқори қисмидаги майдоннинг ҳажми 21x21м ни ташкил этади. Икки ярусли бу ёдгорлик, муҳофаа деворлари ва миноралар билан ўраб олинган. Шимолий-ғарбий девор бўйлаб кетган табиий тепаликда сарой харобалари жойлашган. Пайтахт Бунжикент деб ҳисобланадиган Қалаи Қаҳқаҳа I, II, III комплекси (21-расм), илк ва ривожланган ўрта асрларда фаолият кўрсатган.²

Чилхужра ёдгорлиги, Шаҳристон посёлкасидан 2,5км жанубда, Кўлқўтонсойнинг Шаҳристонсойга қуйилиш жойида, тоғ ёнбағридаги баланд тепалик устида жойлашган. Шимолий-шарқдан жанубий-ғарбга томон чўзилган бу ёдгорлик тўртбурчаксимон кўринишига эга, унинг баландлиги 6м, устки ярусидagi майдончанинг ҳажми 22x13м ни ташкил этади. Ёдгорлик шимолий томондаги мустаҳкамланган бино ва унга жанубий-ғарбдан туташган тўртбурчаксимон ҳовлидан иборат. Чилхужра қалъасида олиб борилган тадқиқотлар асосида учта қурилиш даври: IV – VI аср бошлари, VI – VII аср бошлари, VII – IX асрлар билан даврланган.³

Ўртақўрғон археология ёдгорлиги Чилхужрадан 150-180м жанубда, Шаҳристон текислигига кириб боровчи водийга туташ тоғ ёнбағрида, Шаҳристонсойнинг чап қирғоғидаги тепаликда жойлашган. Жанубдан шимолга томон чўзилган, тўртбурчак шаклига яқин бу икки ярусли тепанинг умумий баландлиги 13-16м. Тепанинг усти текисланган, юқори қатламининг баландлиги 7м, ҳажми 40x30м га тенг.

¹ Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.197-199.

² Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.197., Негматов Н.Н., Зеймаль Т.И. Уструшанский замок в Шахристане. // СА. - 1959. - №: 2. С. 205-217., Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахристан. - Душанбе: Дониш. 1966., 76,77-расмлар.

³ Пулатов У.П. Чильхужра. К истории культуры Уструшаны.: АҚД. - М.: 1968., Пулатов У.П. Чильхужра. // МКУ. Вып. 3. - Душанбе. Дониш. 1975. С.7-14. 78-расм.

Ўртақўрғон қалъа ёдгорлиги олиб борилган тадқиқотлар асосида, V - VIII асрлар билан даврланган.¹

Қалаи Сор қалъа ёдгорлиги Шахристон қўрғонидан 12км жанубда, Гургдара ва Қуруқсой дараларининг туташган жойидаги баланд тепалик устида жойлашган. Умумий баландлиги 80м, овал шаклига яқин бўлган бу тепалик рельефи, жанубий-шарқ ва шимол томонларга қараб кўтарилиб боради. Қалаи Сор ёдгорлиги олиб борилган қазув тадқиқотлар асосида VI – VIII; XI - XII асрлар билан даврланган.²

Тоштемиртепа қалъа ёдгорлиги Шахристон текислигининг ғарбий қисмида, Шахристон посёлкасида 9км шимолий-ғарбда, Увоқ қишлоғидан 5км шарқда, Тоштемирсой ва Увоқсойларнинг ҳозирда қуриб қолган ўзанлари оралиғидаги тепаликда жойлашган. Квадрат шаклидаги, умумий майдони 100х100м бўлган ёдгорликнинг марказий қисми баландлиги 8м. Тоштемиртепа ёдгорлигида олиб борилган қазув тадқиқотлар асосида ушбу қалъа III - V асрларда фаолият кўрсатгани аниқланган.³

Уструшонанинг шимолий қисмидан Шахристонсойнинг қуйи оқими, Нижонисой (Шўрбулоқсой), Хўжамушкентсой, Мўғолсой, Тоғобсой, Сармичсой сув манбалари ҳамда Ўрта Осиёнинг азим дарёларидан бири Сирдарё оқиб ўтади. Юқоридаги ирригация ҳавзаларида жойлашган археологик ёдгорликлар тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва таҳлил этилган.

Сирдарё ҳавзасида жойлашган Уструшона археологик ёдгорликлари, ҳозирги кунда дарё бўйидан анча узокда

¹ Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.204., Негматов Н.Н. Работы Ходжентского-Уструшанского отряда в 1958г. // ТИИ АН Тадж.ССР. Т.27.- Сталинабад., 1961. С. 113 - 120., Негматов Н.Н., Пулатов У.П., Хмельницкий С.Г. Уртақурган и Тирмизактепа. -Душанбе: Дониш. 1973. С.7-10.

² Пулатов У.П. Раскопки замка в Калаи Сор в 1976г. // АРТ (1976). Вып.ХVI. - Душанбе: Дониш. 1982. С. 308-317.

³ Негматов Н.Н. Исследования Северо-таджикистанского археологического отряда в 1973г. // АРТ (1973). Вып.ХIII. – Душанбе: Дониш. 1977 а. С. 112-136., Пулатов У.П. Замок Тоштемиртепа. // АРТ (1975). Вып. XV. - Душанбе. Дониш. 1980. С. 303-316.

жойлашган. Маълумки, ўрта асрларда Сирдарё ўзани ҳозирги ўзанига нисбатан анча ғарбдан ўтган. Г.А.Аминовнинг маълумотларига кўра, «дарёнинг чап қўли, баланд қирғоқни ташкил қилувчи Сирнинг эски ўзанини кўрсатувчи поғона-поғона кўтармалар билан чегараланган. Қолгансир (қадимги Сир) номи билан аталувчи бу эски ўзан дарёдан узок масофаларгача ажралиб борган ва қуйи оқимида яна бирлашган ...»¹. Қайд этилган ўзан ўрнида кўплаб кўллар ҳосил бўлган. Табиийки, бу кўлларнинг бир қисми дарёнинг аввалги оқими туфайли вужудга келган. Мазкур ёдгорликлар гуруҳи 11та қадимги турар-жой харобаларидан ташкил топган. Бу ёдгорликларда дастлабки текширув ишлари ЎзР ФА Я.Ғуломов номли Археология институтининг Сирдарё гуруҳи томонидан 1980-йилларда олиб борилган.² Ўрганилган худудларда қадимги даврларда ёдгорликларнинг сони ҳозиргидан бир неча баробар кўп бўлганлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Лекин афсуски, инсон омили ва фаолиятининг салбий таъсири сабабли уларнинг кўпчилиги тағ-туби билан йўқ бўлиб кетган, қолганлари ҳам йўқлик сари юз тутиб бормоқда. Сақланиб қолган ёдгорликларнинг ичида асосийларини келтириб ўтамиз.

Каттақизтепа ёдгорлиги Сирдаё тумани, Н.Йўлдошева хўжалигининг 2-бўлими ерларида жойлашган. Ёдгорлик шимолий қисмида қурилган қалъа-сарой ва унга тутшиб кетган мавзедан иборат. Қалъа - сарой мустаҳкам мудофаа девори билан ўралган, ҳажми 48х60м, баландлиги 5м ни ташкил этади. Каттақизтепа устидан кўплаб сирланмаган сопол идиш бўлаклари, пишган ғишт синиқлари териб олинди. Ёдгорлик даврий санаси аниқланмаган.

Қўрғонтепа ёдгорлиги Сирдарё шаҳрининг чеккасида жойлашган. Унинг ташқи кўриниши тўғри тўрт бурчаксимон кўринишга эга, ўлчамлари 74х97м, баландлиги 3м гача. Ёдгорликнинг шимолий-шарқий бурчагида қалъа-қўрғон жойлашган бўлиб, унинг ўлчамлари 40х45м, баландлиги 10м

¹ Аминов Г.А. Джизако Чиназская Голодная степь и памятники бывшей в ней оседлости // Туркестанские ведомости. 1873. №27. С.107.

² Алимов У.А., Сверчков Л.М. Археологические исследования в Сырдарьинской области. // ИМКУ. Вып.21. – Т.: Фан. 1987. С.132-138.

га тенг. Ёдгорликнинг тепаси ва ён атрофидан олинган топилмалар асосида, уни илк ўрта асрлар билан даврлаш мумкин.

Читтитепа ёдгорлиги «Шўрўзак» хўжалигининг 3-бўлими ерларида жойлашган. Квадратсимон кўринишга эга бўлган бу тепанинг ўлчамлари 63x66м га тенг. Ёдгорликнинг шимолий-ғарб ва жанубий-шарқ бурчакларида турли баландликдаги тепачалар ажралиб туради. Афтидан, бу баландликлар ўрнида миноралар мавжуд бўлган. Читтитепанинг марказида ҳам алоҳида айланасимон тепалик ажралиб чиққан, унинг диаметри 36м, баландлиги 6м га тенг. Ёдгорлик илк ўрта асрлар билан даврланган.¹

Шўрбулоқсой гуруҳига 16 ёдгорлик киради. Уларнинг орасида Эски Ховос ва Оқтепа шаҳар ёдгорликлари марказий ўрин эгаллайдилар.

Эски Ховос шаҳар ёдгорлигининг дастлабки кўринишидан жуда оз қисми сақланиб қолган. Ёдгорликнинг шимолий-ғарб қисмида квадратсимон кўринишдаги қалъа жойлашган. Қалъага бир-биридан кўтарма билан ажратилган иккита мавзе туташиб кетган. Шаҳарнинг умумий майдони 10га дан ортиқ, бундан 2га ни қалъа кўрғони эгаллайди. Ҳозирга қадар қўлга киритилган моддий далилларга асосланиб Эски Ховос шаҳрида ҳаёт милодий эрадан олдинги IV асрдан XX асрга қадар деярли тўхтовсиз давом этган.

Хўжамушкентсой ёдгорликлари гуруҳига 48та тарихий обида киради. Улар орасидаги энг катта ва аҳамиятли ёдгорлик Култтепа шаҳар ёдгорлигидир.

Култтепа шаҳар ёдгорлиги Хўжамушкентсойнинг чап қирғоғида, Сават қишлоғининг жануб томонида жойлашган. Култтепа ёдгорлиги ўлчамлари 110x110м бўлган кўрғон ва унга туташиб кетган, умумий майдони 40-45га бўлган шаҳристондан иборат. Қазилари ишлари даврида олинган ашёвий топилмалар Култтепани IV - XIII асрларда фаолият кўрсатганлигидан далолат беради.

¹ Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т.: Фан. 1992. С.43-45. Грицина А.А., Содиков М. Эски Ховос ва унга қўшни ҳудудлар қадим ва ўрта асрларда. Самарқанд. 2015. Б. 58-62.

Мўғолсой ҳавзаси билан боғлиқ археология ёдгорликлари гуруҳи 9та тепадан иборат. Бу ёдгорликлар орасида Култепа 1 қишлоқ макони етакчи ўрин тутади. Култепа 1 ёдгорлиги номсизтепанинг жануб томонида жойлашган. Ёдгорлик тўғри тўртбурчаксимон шаклда бўлиб, унинг ўлчамлари 76x124м, баландлиги 11м. Култепа 1 ёдгорлиги устидан топилган сопол идишлар X – XII; XIV – XVI асрларга оиддир.¹

Тоғобсой ҳавзаси ва Баландчақир қишлоғи атрофида 30та қадимий макон қолдиқлари аниқланган. Бу ҳудудларнинг ичимлик сув манбалари, нафақат Тоғобсойга, балки кўплаб катта кичик булоқларга ва Шаҳристонсойдан чиқарилган бетон ариқ манбаига ҳам асосланган. Мазкур гуруҳнинг археология ёдгорликлари орасида Қўштепа шаҳар ёдгорлиги етакчи ўрин эгаллайди.

Қўштепа шаҳар ёдгорлиги Чақанд қишлоғининг шимол томонида, Тоғобсойнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ёдгорлик шаҳристондан ва хандақлар билан ажратилган шаҳар кўрғони, ҳамда унга туташиб кетган мавзелардан иборат. Шунингдек, илк ўрта асрларга оид ашёлар топилган яна бир тепалик Чақанд қишлоғигача чўзилиб борган. Бу комплекс Қўштепа шаҳрининг бир қисми ёки шаҳар атрофидаги работлар бўлган. Қўштепа шаҳар харобаларининг умумий майдони 12га ни ташкил қилади. Ёдгорлик ўтказилган қазув тадқиқотлар асосида илк ўрта асрлар билан даврланган.

Сармичсой гуруҳида 8та археологик ёдгорлик мавжуд. Буларнинг ичидаги энг катталари, Қўштепа (илк ўрта асрлар) ва Каттақиртепа (ривожланган ўрта асрлар) ёдгорликлари, афтидан навбат билан ҳавзада марказий қароргоҳ вазифасини ўтаган.

Қўштепа ёдгорлиги илк ўрта асрларга оид шаҳар ёдгорлиги бўлиб Сармич қишлоғида, сойнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Баландлиги 20м бўлган, аниқ кўзга ташланиб турувчи, квадрат кўринишига эга тепадан (арк) ва ўлчамлари

¹ Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т.: Фан. 1992. С.46-47, 51-57., Грицина А.А., Содиков М. Эски Ховос ва унга қўшни ҳудудлар қадим ва ўрта асрларда. Самарқанд. 2015. Б. 64-69.

210x140м бўлган мавзелардан (шахристон) иборат. Ёдгорликнинг шарқий ва жанубий томонларидан мудофаа деворлари қолдиқлари кўзга ташланади.

Каттақиртепа шаҳар ёдгорлиги Қўштепа ёдгорлигидан жанубда, сойнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Квадратсимон кўринишга эга. Ғарбий ва жанубий қисмида мудофаа деворлари қолдиқлари сақланган. Ёдгорликнинг шимолий-шарқий қисмида квадратсимон тепа (арк) жойлашган. У миноралар билан мустаҳкамланган. Жанубий ва шимолий томонлардан дарвоза ўрни кўзга ташланади. Ёдгорликнинг умумий ҳажми 7-8га га тенг. Тасодифан топилган сопол идиш намуналарини X - XIII асрлар билан даврлаш мумкин.¹

Уструшонанинг шимолий-ғарбий ҳудудларидан Зоминсой, Оқбулоқсой, Равотсой сув ҳавзалари ва Сангзор дарёси оқиб ўтади. Бу мавзелар археологик ёдгорликларга бой бўлиб, уларнинг асосий қисми тадқиқотчилар томонидан аниқланиб, харитага туширилган. Зоминсой сув ҳавзаси ҳудуддаги йирик сув манбаларидан бири бўлиб, бу ерда кейинчалик Зомин шаҳрининг асосини ташкил этган, илк ўрта асрларга оид бир қатор ёдгорликлар шаклланган. Улардан асосийларини келтириб ўтамиз.

Қўрғонтепа ёдгорлиги Зомин шаҳарчаси марказида, Зоминсувнинг чап қирғоғида жойлашган. Ҳозирда ёдгорлик замонавий қурилишлар ва мемориал ёдгорлик комплекси остида қолган бўлиб, ўз ташқи кўриниши ва микрорельефини бутунлай йўқотган. 1973 йилда тепанинг баландлиги 14м, ҳажми 100x95м ни ташкил этган. X - XIII асрларда 100га. майдонни эгаллаган Зомин шаҳрининг арки, шахристони Қўрғонтепа ўрнида жойлашган бўлган.²

Оқтепа ёдгорлиги Зомин шаҳарчасида, Зоминсувнинг ўнг қирғоғида, Қўрғонтепа ёдгорлигидан 0,8-1км шарқда жойлашган. Ёдгорлик ўз микрорельефини қисман йўқотган бўлиб, ҳозирда баландлиги 15м, ҳажми 51x52м, кўринишда

¹ Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т.: 1992. С.58-61., Грицина А.А., Содиқов М. Эски Ховос ва унга қўшни ҳудудлар қадим ва ўрта асрларда. Самарқанд. 2015. Б. 74-76.

² Древний Заамин. / – Т.: Фан. 1994. С.30-31.

сақланган. Ёдгорликнинг стратиграфиясида илк ва ривожланган ўрта аср қатламлари мавжуд.¹

Жартепа ёдгорлиги. Зомин шаҳарчасининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, ўрта аср Зоминининг таркибида бўлган. Ёдгорлик жойлашган квадрат шаклидаги бу тепаликнинг 1973 йилдаги баландлиги 3-4м, ҳажми 75х65м, тепаликнинг шимолий-шарқий қисмида ажралиб турувчи қисмининг (арк) баландлиги 6-8м, ҳажми 30х30м ни ташкил қилган.²

Миқ манзилгоҳи комплекси Зоминдан 43км жанубда, денгиз сатҳидан 2000м баландликда, Еттикечувсой ирмоқлари водийсида жойлашган бўлиб, шартли равишда Миқ I (юқори қалъа), Миқ II (пастки қалъа), Миқ III (турар жой ва ишлаб чиқариш қисми) деб номланувчи уч объектдан иборат. Миқ I (VII-VIII аср бош.) баландликда (80м) жойлашган, ҳимоя миноралари билан мустаҳкамланган учбурчак шаклидаги қалъадир. Ёдгорликнинг шакли жой рельефидан келиб чиқиб, унга уйғунлаштириб қурилган. Ёдгорликда 11 хона қазиб ўрганилган. Миқ II (VIII – IX; X - XII асрлар) Миқ Iдан 50м. пастда жойлашган тўғри тўртбурчак шаклидаги (27-30м), икки қаватли иншоотдан иборат. Қалъа мудофаа деворларидан бўртиб чиққан уч мустаҳкам минора ва шинаклар билан мустаҳкамланган. Ёдгорлик тош плиталардан бино қилинган. Бинонинг меъморий композицияси хоч шаклидаги йўлак ва унинг атрофидаги 13 хонадан иборат. Асосан ишлаб чиқариш мавзеси сифатида фойдаланилган Миқ III ёдгорлиги Миқ II дан шимолда, қоянинг пастки қисмида жойлашган. Ёдгорликда бир неча хоналар ўрганилган бўлиб, уларда 3та темирчилик кўраси аниқланган.³

Азлартепа ёдгорлиги Зоминдан 2км жанубий-ғарбда, Қизилсой қишлоғида жойлашган. Ёдгорлик, баландлиги 12м,

¹ Древний Заамин / – Т.: Фан. 1994. С.30-31.

² Немцева Н.Б., Дресвянская Г.Я. Памятники Заamina и его округу (К археологической карте Северной Уструшаны.) // ИМКУ. Вып. 20. – Т.: Фан. 1986. С. 222.

³ Сверчков Л.М. Поселение Мык – источник по истории средневековой истории Уструшаны. АКД. Самарканд. 1991.с.21., Древний Заамин. / – Т.: Фан. 1994. С.49-63.

ҳажми 150x100м бўлган тепаликнинг шарқий қисмида жойлашган арк ва унга жануб томондан туташган ҳовлидан иборат. Ёдгорлик V–VII асрларга оид. Тадқиқотчилар уни «кичкина, аммо яхши ҳимоя қилинган шаҳар ёки қишлоқ жойлардаги кўплаб муҳофаа тизимлари мавжуд бўлмаган қишлоқ маконларини муҳофаа қилиб турувчи манзилгоҳ», деб таърифлайдилар.¹

Кўштепа ёдгорлиги Азлартепадан 200м. ғарбда, Қизилсой қишлоғининг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган. Ёдгорлик шарқдан ғарбга чўзилган, баландлиги 2м бўлган икки тепадан иборат. Ғарбий тепанинг ҳажми 50x20м, шарқий тепанинг ҳажми 24x12м. Кўштепа ёдгорлиги илк ўрта асрларда фаолият кўрсатган зардуштийлар қабристони (наус), деб эътироф этилган.²

Туркмансой – Зомин туманидаги кичик сой ирмоқларидан бири бўлиб, умумий узунлиги 50км ни ташкил этади. Соининг юқори ва ўрта оқими Бешбулоқсой номи билан аталади. Ҳавзада 20 дан ортиқ археологик ёдгорликлар аниқланган, уларнинг барчаси нисбатан йирик Булбултепа ва Маслаҳаттепа шаҳар ёдгорликлари атрофида жойлашган.

Булбултепа шаҳар ёдгорлиги соининг ўнг қирғоғида, Туркман қишлоғининг жанубий қисмида жойлашган. Ёдгорлик узокдан кўзга ташланиб турувчи марказий тепа (арк) ва унинг атрофидаги мавзедан (шаҳристон) иборат. Марказий тепанинг ўлчамлари 45x60м, баландлиги сой сатҳидан 17-18м ни ташкил этади. Умумий ҳажми 1,5га бўлган ёдгорликнинг майдони, яна ҳам каттароқ бўлган бўлиши мумкин. Ёдгорлик тасодифий топилмалар асосида илк ва ривожланган ўрта асрлар билан даврланади.

Маслаҳаттепа шаҳар ёдгорлиги Муллаўзбектепадан шарқда, Муллаўзбексой ва Сарибойсойларнинг қўшилиш нуқтасида жойлашган. Ҳавзадаги энг йирик Маслаҳаттепа шаҳар ёдгорлиги, хандақлар билан ўралган марказий тепа (арк) ва унга ғарб, шимол томондан туташувчи мавзелардан

¹ Немцева Н.Б., Дресвянская Г.Я. Памятники Заамина и его округу //ИМКУ. Вып. 20. – Т.: Фан. 1986. С. 228., Древний Заамин. / –Т.: Фан. 1994. с.30 – 31.

² Древний Заамин / – Т.: Фан. 1994. С.26.

(шахристон) иборат. Марказий тепанинг устки қисми нисбатан текис бўлиб, ғарбга томон пасайиб боради. Шимолий-шарқий қисмида 2м баландликдаги тепа жойлашган. Тепанинг ўлчамлари 35x55м, жанубий томондан баландлиги 8м ни ташкил этади. Марказий тепага туташ мавзенинг умумий майдони 1,5га га тенг. Ёдгорликнинг жанубий қисмида қайд этилган маданий қатламлар, унинг ҳажми яна ҳам каттароқ бўлганлигидан далолат беради. Ёдгорлик тасодифий топилмалар асосида илк ўрта асрлар билан саналанган. Маслаҳаттепа шаҳар ёдгорлиги, ёзма манбаларда сўз юритилган Уструшонанинг тоғ шаҳарларидан бири ҳисобланади.

Номсизтепа 2 ёдгорлиги Маслаҳаттепадан 200-250м жанубда жойлашган. Ноаниқ шакл берувчи тепанинг ўлчамлари 17x20м, баландлиги 2м га тенг. Ёдгорлик илк ўрта асрлар билан даврлаштирилади.

Номсизтепа 3 ёдгорлиги Номсизтепа 2 дан жанубда жойлашган. Ёдгорликнинг жанубий-шарқий қисми бироз бўртиб чиққан. Тепанинг ўлчамлари 20x22м, баландлиги 4м га тенг. Топилган тасодифий топилмалар илк ўрта асрларга оид. Афтидан ҳар иккала Номсизтепа, Маслаҳаттепа шаҳар ёдгорлигининг таркибий қисми ёки унинг атрофидаги деҳқонларнинг турар жойлари бўлган.¹

Култепа ёдгорлиги Маслаҳаттепа шаҳар ёдгорлигининг жанубий-ғарбида жойлашган. Ёдгорликнинг шарқий қисми тоғ ёнбағрига туташган. Тепанинг ўлчамлари 40x40м, баландлиги 4м га тенг. Култепа ёдгорлиги, илк ўрта асрларга оид кичик қишлоқ манзилгоҳи, деб тахмин қилинади.²

Умумий ном билан Оқбулоқсой ирригация райони номи билан аталувчи Жалойирсой, Пишағорсой, Оқбулоқсой, Аччисой, Жонтутсой, Ардасой, Бешбулоқсой сув ҳавзалари ҳам археологик ёдгорликларга бойдир. Юқоридаги ҳавзалар тадқиқотчилар томонидан худуднинг археологик харитасини тузиш йўналишида таҳлил қилинган.

¹ Грицина А.А., Карабаев С.Д. Археолого-этнографические исследования бассейна Туркменская. // ИМКУ. Вып 31. -Самарканд. 2002. С. 182-186.

² Грицина А.А., Карабаев С.Д. Археолого-этнографические исследования бассейна Туркменская. // ИМКУ. Вып 31. -Самарканд. 2002. С. 186.

Пишағарсой – Зомин туманининг ғарбий қисмидан ўтувчи, шимолий - ғарбий Уструшона ҳудудидаги сув ҳавзаларидан бири. Унинг умумий узунлиги 30км ни ташкил этади. Пишағарсой археологик жихатдан бой бўлиб, бу ерда 30дан ортиқ қадимий моддий маданий ёдгорлик мавжуд. Ёдгорликларнинг асосий қисми сойнинг ўрта оқимида, ҳавзадаги энг йирик Бешбулоқтепа шаҳар ёдгорлиги атрофида жойлашган. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

Бешбулоқтепа шаҳар ёдгорлиги Қоратоштепадан 0,5км жанубий-ғарбда, Бешбулоқ қишлоғи яқинида жойлашган. Умумий майдони 4-6га бўлган Бешбулоқтепа ёдгорлиги, баландлиги 4-5м бўлган тўрт тепадан ташкил топган. Булар ёдгорликнинг жанубий-ғарбидаги Қирманжиртепа, шимолий-шарқдаги Қоровултепа, жанубий-шарқдаги Буғдойжиртепа ва Кичик Номсизтепалардир. Тадқиқотчи Л.М.Сверчков Қирманжиртепадан топилган тасодифий топилмаларни милодий эрадан олдинги сўнгги асрлар билан даврлаштиради. А.А.Грицина ёдгорлик даврий санасини ўрта асрлар билан белгилайди.¹

Оқбулоқсой ҳавзаси гуруҳига 20га яқин археологик ёдгорлик киради. Улардан Мачитлитепа ва Қоратепа ёдгорликлари марказий ўрин эгаллайди.

Мачитлитепа (Мозортепа) археологик ёдгорлиги Оқбулоқ қишлоғининг шарқий қисмида жойлашган. Ёдгорлик квадратсимон шаклга эга тепа ва унга туташ майдончадан иборат. Ёдгорликнинг асосидаги ўлчамлари 100x100м, баландлиги 3,5м бўлган тепанинг юқори қисмининг ҳажми 70x65м. Стратиграфик шурф материаллари асосида ёдгорлик V - VIII асрлар билан даврлаштирилади.

Қоратепа шаҳар ёдгорлиги Даштобод шаҳрининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган. (15,16-расмлар). Тепадан ҳозирда қабристон сифатида фойдаланилади. 1974

¹ Грицина А.А. К локализации некоторых горных рустакон Уструшаны. // Ўрта Осиё тарихи ва археологиясининг долзарб муаммолари. -Т., 1995а. с. 26., Грицина А.А. К локализации рустака Бушагар. // ОНУ. – 1996 б. -№ 4-5. С. 101-102., Сверчков Л.М. Средневековый Пшагар и пещера Йеча. // ОНУ.-1999. -№11- 12. С.76- 81.

йилда Н.Б.Немцева томонидан тадқиқотлар олиб борилган.¹ Ёдгорлик V - VIII асрлар билан даврланган.

Сангзор дарёси Уструшонадаги энг йирик сув манбаларидан бири, унинг узунлиги 140 км.га тенг бўлиб, унинг хавзаси археологик ёдгорликларга жуда бой. Шу сабабли, Сангзор дарёси хавзаси шартли равишда уч ирригация районига: юқори, ўрта, қуйи Сангзор кичик воҳаларига ажратилади.

Хавзадаги энг йирик ёдгорликлардан бири Қалиятепа ёдгорлигидир. Жиззах шаҳрининг шарқий қисмида жойлашган, воҳадаги энг йирик ёдгорлик - Қалиятепа шаҳристони: арк, шаҳристон ва беш работдан иборат. (22-расм). Умумий майдони 30га ни ташкил этувчи бу ёдгорликда, ҳаёт айрим узилишлар билан XVII асргача давом этган. (30-расм).

Расулбойкултепа ёдгорлиги Қалиятепа ёдгорлигидан 1,2км ғарбда, баландлиги 10м, ҳажми 60х70м, бўлган тўртбурчак шаклидаги тепаликда жойлашган. (13-расм). Ёдгорлик III-IV; V-VIII асрларда фаолият кўрсатган.²

Пардакултепа қалъа-работи Расулбойкултепа ёдгорлигидан 400м ғарбда жойлашган. Тўртбурчак шаклидаги икки ярусли тепаликнинг умумий майдони 70х80м, баландлиги 8м ни ташкил этади. IV - V; VI - VIII асрлар билан даврлаштирилган бу ёдгорликда, учта қурилиш даври аниқланган.³

Комилбоботепа ёдгорлиги Қалиятепадан 800м ғарбда, Пардакултепадан 950м шимолий-шарқда жойлашган. Ёдгорлик икки ярусли бўлиб, трапеция шаклида, шимолдан жанубга томон чўзилган. Тепаликнинг умумий ҳажми 115х70х45м, баландлиги 7м. (23-расм). Комилбоботепа қалъа-работи VI - VIII асрлар билан даврлаштирилади. (32-расм).⁴

¹ Немцева Н.Б. Отчет по археологическим разведывательным работам в Джизакской области (май-июнь 1974г). // Санъатшунослик институти архиви.

² Пардаев М.Х. Археологические работы на Расулбайкултепа. //ИМКУ, Вып. 26. Ташкент, 1992, с. 108-113.

³ Пардаев М.Х. Шимолий-ғарбий Уструшона қишлоқ қурилиш меъморчилигининг илк ўрта асрлардаги айрим хусусиятлари. // ЎММТ, 28-нашр, Самарқанд, 1997, 142-186 б.

⁴ Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья. АКД. -

Қингиртепа ёдгорлиги Жиззах вилояти, Ғалларорол тумани, Обиз қишлоғи яқинида, Сангзор дарёсининг ўнг қирғоғида, баланд табиий қир устида жойлашган. Тўғри тўртбурчак шаклидаги, икки ярусли бу тепаликнинг умумий баландлиги 20м ни ташкил этади. Ёдгорлик шарқий қисмида жойлашган квадрат шаклидаги (26x26м) қалъа ва ҳовлидан иборат бўлиб, улар умумий муҳофаа девори билан ўраб олинган. Ёдгорликда 3 қурилиш даври (V – VI; VII – VIII; VIII асрлар) аниқланган.¹

Қингиртепа II ёдгорлиги Қингиртепа I ёдгорлигидан 20м жанубий - ғарбда жойлашган. Ёдгорлик умумий баландлиги 2м, ҳажми 8x12м бўлган овал шаклдаги тепаликдан иборат. Қингиртепа II хом ғишт ва пахсадан қурилган, бир неча хоналардан иборат унча катта бўлмаган меъморий иншоот. Тадқиқотчиларнинг фикрича, топилмалар асосида бу ёдгорлик ўрнида мусаллас тайёрланадиган шарбатхона фаолият кўрсатган.²

Алмантепа ёдгорлиги Ғаллаорол тумани, Қашқабулоқ қишлоғи яқинида, Сангзор дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган. Икки ярусли бу ёдгорликнинг умумий баландлиги 12м, ҳажми 40x22м, ғарбдан шарққа томон чўзилган, овал шаклдаги тепалик устида жойлашган.³

Бугунги кунга келиб, ҳудудда олиб борилган тадқиқотлар натижасида, илк ўрта асрлар Уструшонаси археологик ёдгорликлари харитасини яратиш йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилди. Тадқиқотчилар томонидан ҳудуддаги ўрта асрлар ёдгорликлари тавсифи ўрганилди. (18,19,20-расмлар). Уструшона ёдгорликларнинг кўпчилиги кўп қатламли бўлиб, уларнинг вужудга келиш давридаги функцияси билан сўнгги фаолият давридаги функцияси ўртасида тавофутлар ҳам мавжуд. Қадимги яшаш маконлари

Т.: 1995., Пардаев М.Ҳ. Комилбоботепа қалъаси. // ЎММТ, 32-нашр, Самарқанд, 2001, 133-142 бет.

¹ Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АКД. -М., 1985. 12-13.

² Бердимуратов А.Э. Винодельная мастерская в северо-западной Уструшане. // СА. -М., 1986. С. 210-215.

³ Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АКД. -М., 1985. С.14-15.

мураккаб ва айни пайтда бир бутун археологик обида сифатида моддий маданият тарихидан ташқари ўша жамият тузуми мафкурасини ўрганувчи муҳим манба ҳамдир. Шу сабабли, қадимги турар-жойлар ўрни археология ёдгорликларини тоифалаш ва бу орқали уларнинг функциясини аниқлаш археология фанининг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада Ўрта Осиёда, жумладан Уструшонада бир қанча ишлар қилинган. Худуднинг шимолий, шимолий - ғарбий қисми ёдгорликларининг асосий қисми тадқиқотчилар томонидан типологиялаштирилган.¹ Аммо худуднинг шарқий ва жанубий қисми ёдгорликлари бу масалага жалб қилинмаган. Биз жанубий, шарқий, шимолий, шимолий – ғарбий Уструшона худуди археологик ёдгорликлари мажмуини яратиш йўналишидаги тадқиқотлар натижалари, ёзма манба маълумотлари асосида илк ўрта аср Уструшона худуди ёдгорликларини қуйидагича тоифалаш тизимини тавсия қиламиз:

I Шаҳарлар. Илк ўрта аср Уструшона шаҳарлари, Ўрта Осиё шаҳарсозлиги анъаналарини ўзида мужассам этиб, уч қисмдан иборат бўлган. Булар воҳалар марказида, савдо йўллари бўйида жойлашган, қудратли мудофаа иншоотлари бўлган, атрофида қалъа-работлар жойлашган, ҳажми 10-50га бўлган ёдгорликлардир. Қалъаи Қахқаҳа комплекси-10га дан ошиқ, Қалиятепа 50га, Муғтепа (арк-6га), Култепа (Сават) 45га, Қўрғонтепа (арк-10га) (Зомин), Қўрғонтепа (Ғаллаорол) 10га каби шаҳар ёдгорликлари ушбу тоифани ташкил қилади.

II Кичик шаҳарчалар.

1. Асосан чегара зоналарида жойлашган, тўғри тўртбурчак шаклига эга, марказида арк жойлашган, мудофаа деворлари билан ўралган, ҳажми 4га гача бўлган, атрофида қалъа-работлар жойлашган шаҳар ёдгорликлар. (Мунчоктепа-4га, Дунётепа-1га).

¹ Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АҚД. -М., 1985. С.7-11., Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья. АҚД. - Т.: 1995., Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. (Археолого-топографическое исследование). АҚД. - Самарканд, 1990.

2. Савдо йўллари бўйида ёки кичик воҳалар марказида жойлашган, икки поғонали, арк томонларидан бирида бўлган, атрофида қалъа-работлар бўлмаган, ҳажми 4-10га гача бўлган ёдгорликлар. (Кумуштепа-5га, Каллахона-4га, Эски Ховос-10га).

III. Шаҳар типидagi қишлоқ маконлари.

1. 0,3км² ҳудудий ўрамда жойлашган «номсиз шаҳар харобалари» киради. У 5та тепа-ёдгорликдан (ўртада шахристон) иборат бўлиб, бу комплекс умумий мудофаа девори билан ўралмаган. Бундай ёдгорликларни шимолий - ғарбий Уструшонада Култепа ва Кўкгумбазтепа каби ёдгорликлар мисолида кўриш мумкин.¹

2. Тўғри тўртбурчак, квадрат шаклидаги, икки поғонали, «арк» сифатида фаолият кўрсатган иккинчи поғонаси марказда ёки бурчакларидан бирида жойлашган, мустаҳкам мудофаа иншоотига эга бўлган, умумий майдони 1-6га дан иборат ёдгорликлар ташкил қилади. (Оқтепа-1,5га, Маслаҳаттепа-1,5га, Булбултепа -1,5га, Бешбулоқтепа 4-6га).

IV. Ҳарбий қалъалар. Қалъалардан ҳарбий мақсадларда фойдаланилган. Улар муҳим марказий шаҳарларни ҳалқасимон жойлашган ҳолда мудофаа занжири сифатида ўраб турган. Бундан ташқари, сиёсий-иқтисодий жиҳатдан стратегик аҳамиятга эга кичик воҳалар, дараларнинг кириш жойида, баланд тепа ва тоғ ёнбағирларида, савдо йўллари бўйларида жойлашиб, ягона мудофаа тизимини ташкил қилганлар. Ҳарбий қалъалар 2 тоифага бўлинади.

1.Тўғри тўртбурчак кўринишидаги икки поғонали ёдгорликлар. Бу ёдгорликларнинг иккинчи поғонаси, яъни марказий иморати, қалъанинг маълум бир бурчагида жойлашган бўлиб, ҳажми 0,5-1га атрофида. (Пардакултепа, Комилбоботепа, Қалъаи Сор, Ширин, Ўртақўрғон (Амбаргаз).

2.Тўғри тўртбурчак, квадратсимон, айланасимон шаклдаги, икки поғонали, иккинчи поғонаси иншоотнинг ўртасида жойлашган, майдони 0,3-0,4га бўлган ёдгорликлар. (Чилхужра, Расулбойкултепа).

¹ Грицина А.А. Северная Уструшана в середине 1 тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. (Археолого-топографическое исследование). АКД. - Самарканд, 1990. С.7-8.

V. Карвонсаройлар. Карвонсаройлар асосан катта шаҳарлар яқинида, савдо карвонларининг воҳага кириш ва чиқиш жойларида ўрнашган бўлиб, улар шакли ва ўлчамларига қараб 4 тоифага бўлинади.

1. Тўғри тўртбурчак шаклидаги, бир поғонали, кўп қатламли, нисбатан катта ёдгорликлар. (Қизлартепа 1,2га).

2. Квадратсимон шаклдаги, икки поғонали, марказий иморати ўртада жойлашган ёдгорликлар. (Тўрткўлттепа 1,1га).

3. Квадрат шаклдаги, мустаҳкам мудофаа деворлари бўлган, ўртача катталиқдаги ёдгорликлар. (Ропижонттепа 0,2га).

4. Тўғри тўртбурчак, квадратсимон шаклдаги, бир поғонали, устки томонида ҳовузсимон «ботиқ» мавжуд бўлган ёдгорликлар. (Ғиштепа - 0,42га, Сарбозтепа-0,5га, Қўрғонтепа - 0,21га, Номсизтепа - 0,18га).¹

VI. Қалъалар қошидаги кичик иморатлар. Бу иншоотлар мўъжаз ҳажмли, паст бўйли тепачалар кўринишида бўлиб, маълум ёдгорликларнинг ёнида, ундан 20-30м масофа узоқликда, алоҳида жойлашган. Пардақултепа 1, Комилбоботтепа 1, Очилтепа каби ёдгорликлар, ўз пайтида мазкур қалъаларга қарашли хўжалиқ иморатлари – молхона, отхона, оғилхона бўлиб фаолият кўрсатган.²

VII. Қишлоқ маконлари.

1. Тўғри тўртбурчак ва айлана шаклидаги, мудофаа девори билан ўралган, майдони 0,2-1га бўлган ёдгорликлар. (Ғор тепа, Лапактепа, Алмантепа I, II).

2. Ташқи кўриниши айнан 1-тоифага ўхшаш, ҳудудий жиҳатдан катта (0,7-2,25га), мудофаа девори билан ўралмаган, баландлиги 1,5-2,5м бўлган ёдгорликлар (Маслаҳаттепа, Мозортепа).

VIII. Алоҳида жойлашган иморатлар. Эгизтепа, Қозоқўлгантепа, Сигиртепа, Тоштепа ва б. Бу хилдаги ёдгорликлар асосан айлана шаклида, воҳанинг чўл - дашт мавзелари чегарасида, оқар сув манбаидан анча йироқда

¹ Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья. АКД. - Т.: 1995. С.9.

² Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья. АКД. - Т.: 1995. С.9.

жойлашган бўлиб, уларнинг майдони 0,07-0,26га ни ташкил этади.¹ Улар қоровултепа вазифасини ўтаган.

IX. Кузатиш маконлари. Бундай ёдгорликлар маълум воҳанинг кириш жойларида, стратегик нуқтаи назардан қулай, баланд мавзеларда қурилган.

1. Квадрат, учбурчак, овалсимон - айлана шаклидаги, бир ва икки поғонали, ҳажми 0,2га гача бўлган ёдгорликлар. (Қалаимуғ -0,1га).

2. Учбурчак, айланасимон, бир поғонали, ҳажми 0,1га гача бўлган ёдгорликлар. (Номсизтепа-0,06га, Ўртақўрғон-0,1га, Тирмизактепа-0,02га).

X. Қўрғонлар. Айлана шаклидаги, диаметри 2,5-90м гача, баландлиги 1-12м бўлган якка ва гуруҳ ҳолида жойлашган ёдгорликлар. (Улкансойлик-диаметри 90м, баландлиги 12м, Шох қўрғон, Учтепа, Фулбо).

3.2. Уструшонанинг ўрта асрлар тарихий топографияси (рустоклар, шаҳар, қалъа ва манзилгоҳлар ўрни)

Хозирги кунда Уструшона тарихий топографияси масаласидаги асосий муаммо ўрта асрларда мавжуд бўлган рустоклар, шаҳар, қалъа ва манзилгоҳлар ўрнини аниқлашдир. Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили асосида билдирилган фикрларни жамлаш ва бир тизимга солиш муаммонинг илмий ечимини топишда муҳим ўрин тутди.

Уструшонанинг ўрта асрлардаги ҳудуди ва чегаралари. Уструшона тарихий топографиясини ўрганишдаги муаммолардан бири – унинг ҳудуди ва чегаралари масаласидир. Ўрта аср ёзма манбалари (хитой, суғд, форс, араб) ва моддий ёдгорликлар, шунингдек чегарадош ҳудудларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари бу масалада асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ёзма манбалардаги мавжуд ноаниқлик ва мавҳумликлар бу масалада баъзи чалкашликларни келтириб чиқаради. Бу ҳол кўпроқ хитой манбаларига тааллуқлидир. Уструшона тарихий

¹ Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья. АКД. - Т.: 1995. С.9.

топографияси масалаларини ёзма манбалар асосидаги тадқиқини Н.Я.Бичурин, А.Г.Малявкин, Л.А.Боровковаларнинг хитой манбаларини ўрганишга бағишланган асарларида кузатишимиз мумкин¹. Аммо бу тадқиқотлар натижалари бизга тарихий топография муаммолари юзасидан аниқ маълумот беради, деб айтишимиз қийиндир. Чунки бу манбаларда кўплаб чалкашликлар учрайди; масалан жой номларининг хитойча таржималари, хитой тилига мослаштирилган транскрипциялардаги ноаниқликлар ёки маълумотларда асосий мезон бўлиб хизмат қилувчи узунлик ўлчови бўлган — «ли» бирлигининг турли даврларда турли ўлчамдаги масофани кўрсатганлиги буларга мисол бўлиши мумкин. Л.А.Боровкова ўз тадқиқотларида тарихий топография масалаларини ўрганар экан «ли» ўлчов бирлигининг айнан шу жиҳатига, яъни унинг, турли даврларда ҳар хил масофани билдириб ўзгариб турганлигига асосланади. Лекин тадқиқотчи бу узунлик ўлчамига механик нуқтаи назардан ёндашиб, хитой манбалари кўп ҳолларда тахминларга қараб олинганлигини эътиборга олмайди. Хитой маълумотларидаги чалкашликлар, юқорида таъкидлаганимиздек, соҳа мутахассисларининг кўп ҳолларда тахминларига таяниб, ўзидан олдинги тарихчиларнинг асарларидан фойдаланиб ёки оғзаки маълумотлар асосида ёзилганлиги натижасида жой номларининг таржималаридаги ноаниқ шаклларнинг пайдо бўлиши ҳам масаладаги чалкашликларни тўлиқ ечимини топишга монелик қилади. Аммо бу манбалардан кам фойдаланилаётганлигининг асосий сабаби, уларнинг тадқиқотчилар томонидан етарли даражада ўрганилмаганлиги сабабли деб биламиз.

IX-XII асрлар араб ва форс тилли муаррихлар ва географлар маълумотларида ҳам қатор ноаниқликлар учрасада, бу маълумотлар бўйича олиб борилган чуқур тадқиқотлар натижасида Уструшона худуди ва чегаралари

¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. -М.-Л., Изд. АН СССР. 1950. -333с.; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. - Новосибирск. Наука. 1988; Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э.-VII в. н.э. (Историко-географический обзор по древнекитайским источникам). -М.:Наука.1989.с.-180.

масаласига бир қадар ойдинликлар киритилган. Ўрта аср ёзма манбалари маълумотлари асосида ўз даврида В.В.Бартольд, И.Крамерс, К.В.Тревер, М.Е.Массон, П.П.Иванов, О.И.Смирновалар юқоридаги муаммолар юзасидан бир қатор фикрлар билдиришган. Хусусан, О.И.Смирнованинг Уструшона ҳудуди ҳақида берган таърифи ўзининг аниқлиги ва мукамаллиги билан ажралиб туради¹.

Н.Н.Негматов ушбу муаммога бағишланган ўз илмий ишларида юқоридаги тадқиқотчилар фикрларини жамлаб, ёзма манбалар маълумотлари билан тўлдириш асосида Уструшонанинг VII-X асрлардаги чегарасининг яхлит тасвирини беришга ҳаракат қилди. Уструшона шарқда Фарғонадаги Асбара билан, шимолий - шарқда Хўжанд атрофидаги ҳудудлар билан чегарадош бўлган. Бу ерда чегара Хўжабақиргансойнинг ғарбий қисмидан, Асбаникатни ҳам ўз ичига олиб, шимолга Дихмой кишлоғига қадар (Хўжанддан 15 км ғарбда) ва шу тариқа Сирдарёга қадар чўзилган. Шимолда Мирзачўлни ҳам ўз ичига олиб, Чоч билан чегарадош бўлган. Уструшонанинг ғарбий чегаралари илк ўрта асрларда беқарор бўлиб, баъзи рустоклари баъзан Суғдга, баъзан Уструшона тасарруфига кириб турган. Жанубда Уструшона Туркистон ва Ҳиссор тизмалари билан чегараланган². Уструшона ҳудуди ва чегаралари ҳақида маълумот берувчи бу таъриф кенг илмий омма томонидан қабул қилиниб, ҳозирга қадар қўлланиб келинмоқда³. Юқорида берилган таъриф асосан ёзма манбалар маълумотлари таҳлили негизида билдирилган бўлиб, кейинги йилларда моддий ёдгорликларда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар натижасида бу мулоҳазалар тўла тасдиқланмоқда ва янада тўлдириб борилмоқда. Уструшонанинг шарқий қисмида археологик тадқиқотлар олиб борган Г.А.Брыкинанинг фикрлари бунга яққол мисол бўлиб, у юқоридаги таърифга маълум ўзгартиришлар киритилишига

¹ Смирнова О.И. Археологические разведки в Усрушане 1950г. // МИА. т.37.1953.с. 142

² Негматов Н.Н Усрушана в древности и раннем средневековье.- Сталинабад. 1957. -С.26-28

³ Гафуров Б.Г. - Таджики. -Душанбе. Ирфон. 1989. -С.366

сабаб бўлиши мумкиндир¹. Тадқиқотчи Уструшонанинг шарқий чегарасидаги Асбаникат рустоқи маркази хусусидаги Н.Негматовнинг «Асбаникат-Исфана» фикрига қарши, «Асбаникат-Қорабулок» тахминини олға суради. Бу эса Уструшона чегарасини янада шарқ томон силжишига олиб келиши мумкин. Кўп ҳолларда давлатлар ўртасидаги чегараларни табиий тўсиқлар (тоғ, дарё) ташкил этишини эътиборга олсак, Уструшонанинг шарқий чегарасини Хўжабақиргансой сойидан ўтган бўлиши мумкин деган, фикрни тахмин қилишимиз мумкин.

Бу йилларда Уструшонанинг бошқа чегара ҳудудларида, хусусан, ғарбий, шимолий – ғарбий (А.Бердимуродов, М.Ҳ.Пардаев), шимолий (А.А.Грицина) қисмларида ҳам археологик тадқиқот ишлари олиб борилган. Аммо ҳудуднинг тоғли ўлка бўлган жанубий қисмининг (Юқори Зарафшон - Буттам вилояти) археолог тадқиқотчилар назаридан четда қолаётганлиги бу масалада мавжуд муаммолардан биридир.

Ёзма манбалар ва моддий маданиятнинг ўрганилишига бағишланган тадқиқотлар таҳлили асосида Уструшонанинг ўрта асрлардаги чегараси ва ҳудуди замонавий маъмурий харита бўйича қуйидаги кўринишни олади. Демак, ўрта асрларда Уструшона ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг Жиззах, Сирдарё вилоятлари, қисман Тошкент вилоятининг Бекобод тумани, Тожикистон Республикаси Ленинобод вилоятининг Пролетар, Нов, Ўратепа, Шаҳристон, Айний туманлари, Қирғизистон Республикасининг Лайлак тумани ҳудудларини ўз ичига олган.

Уструшонанинг ўрта асрлар тарихий топографияси ва Буюк ипак йўли. Уструшона тарихий топография масаласи муаммоларининг ўрганилишида савдо йўллари йўналишларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўрта аср ёзма манбаларида топографияга оид маълумотлар асосан карвон йўлларини тасвирлаш жараёнида қайд этилган. Н.Негматов ҳам ўз асарида бу масалага мурожаат этар экан, кўпроқ рустоқ ва шаҳарлар орасидаги масофаларга таянганлигини таъкидлаш лозим. Аммо унинг фикрлари кўп

¹ Брыкина Г.А. Карабулак. М.: Наука.1974. С.115.

холларда умумлашган шаклда, моддий манбалар билан изоҳланмаган тахминларга асосланганлигини кўришимиз мумкин.

XX асрнинг 80-йиллари сўнгида ЮНЕСКО ташаббуси билан бошланган «Буюк ипак йўли – халқларнинг мулоқот йўли» мавзусидаги кўп йиллик халқаро илмий тадқиқотлар дастури Марказий Осиё, шу жумладан Уструшона ўлкаси савдо йўллари тармоқларининг ўрганилишига ҳам катта таъсир кўрсатди. Шу даврда ёзилган А.Асқаров ва Ю.Ф.Буряковларнинг мақолалари археологик тадқиқотлар асосида Буюк ипак йўлининг, Марказий Осиёнинг бир қисми бўлган Ўзбекистон, шу жумладан Уструшона ҳудудидан ўтган тармоқлари, карвон йўллари бўйида жойлашган шаҳар ва манзилгоҳлар ўрнини аниқлашга қаратилган эди¹. Шу билан бирга бу даврда бир неча тадқиқотчилар мақолаларида бевосита Уструшона ҳудудидан ўтган тармоқлар алоҳида ўрганилиш мавзуси бўлиб келди. Жумладан, А.А.Грицина ўлканинг шимолий ҳудудларидан ўтган савдо тармоқлари, Н.Н.Негматов ва Н.Т.Рахимовлар томонидан Уструшона - Хўжанд йўналиши шахобчаларининг ўрганилиши бунга мисол бўла олади².

Бунжикент – Уструшонанинг ўрта асрлар даври пойтахти. Ёзма манбалар Бунжикент шаҳри Уструшонанинг пойтахти бўлганлиги ҳақида маълумот берадилар. Бунжикент шаҳрининг жойлашган ўрни масаласи тадқиқотчилар ўртасида узоқ вақт тортишувларга сабаб бўлган баҳс мавзуси бўлиб келди. XIX аср сўнгида бошланган бу тортишувлар натижасида тадқиқотчилар ўртасида икки хил қараш юзага

¹ Асқаров А.А. Буряков Ю.Ф. Археологические работы 1989 года в Узбекистане и задачи исследований по программе “Шелковый путь - путь диалога народов” // ОНУ.- 1990.:№5.-с.37-45; Буряков Ю.Ф. Исследования 1989 года по программе Великого Шелкового пути / ИМКУ. Вып.25. -Ташкент. Фан. 1992. с.178-186; Буряков Ю.Ф. Заамин и Великий Шелковый путь // Древний Заамин. -Ташкент. Фан. 1994. с.8-19

² Грицина А.А. К сложению городов и поселений на древних путях Северной Уструшаны // На среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути. -Ташкент. Фан. 1990. с.94- 95; Грицина А.А. Археологические памятники Сырдаринской области. -Ташкент. Фан. 1992; Негматов Н.Н., Рахимов Н.Т. Уструшанско-ходженский узел Великого шелкового пути. // Формирование и развитие трас Великого шелкового пути в древности и средневековье.-Ташкент. Фан. 1990. с.118-120.

келган эди. В.В.Бартольд, И.Крамер, А.А.Семёнов, А.Е.Маджи, Б.Г.Гафуровларнинг фикрича, Бунжикент шаҳрининг ўрни – Шаҳристон харобалари; В.Томашек, С.Биль, И.Кастанье, С.Айний, В.Чейлытко, Е.Хорцфилдларнинг фикрича – Ўратепадаги Муғтепа шаҳристони ўрни, деган тахминлар билдирилди. Юқоридаги тадқиқотчилар фикрларини таҳлил этган Н.Негматов ҳам иккинчи гуруҳ тадқиқотчилари фикрига қўшилади¹. Аммо кейинчалик у Қалаи Қаҳқаҳа шаҳристонида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига суянган ҳолда, Бунжикентни Шаҳристон ўрнига жойлаштирган тадқиқотчилар фикрини қувватлайди². Ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларини ўрганиш мавзусида тадқиқотлар олиб борган О.Г.Большаков эса сўнгги йилларда ҳам Бунжикентни Қалаи Қаҳқаҳа шаҳристонига жойлаштиришга шубҳа билдириб, уни Ўратепа атрофида жойлашганлиги ҳақидаги фикрни давом эттиради³.

Қалаи Қаҳқаҳа шаҳристони комплексида XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб олиб борилаётган археологик тадқиқотлар натижасида ёдгорликнинг моддий маданияти - ҳашаматли маъмурий, диний, мудофаа иншоотлари меъморчилиги, ҳунармандчилиги, санъати ва бошқа йўналишлари тадқиқотчилар томонидан ҳар томонлама ўрганилди⁴. Аммо бу ерда ҳозирга қадар йирик турар жой мавзелари аниқланмаган. Ваҳоланки, ёзма манбаларда Бунжикент 20 минг (ёки 10 минг) эркак аҳолига эга бўлган шаҳар сифатида таърифланиши,

¹ Негматов Н.Н. Усрушана в древности и раннесредневековье. 1957. С.30-31.

² Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахристан. -Душанбе. Дониш. 1966.- С.191-199

³ Большаков О.Г. Города Средней Азии в конце VII - нач. XIII вв. АКД.-М.: 1974. - С.12.

⁴ Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахристан. 1966; Негматов Н.Н. Государство Саманидов (Мавераннахр и Хорасан в IX-Xвв). -Душанбе. 1977; Авзалов Р.З. О работах на городище Калаи Кахкаха I в 1977году// АРТ XVII (1977). -Душанбе. Дониш. 1983.-С.244-255; Авзалов Р.З. Раскопки на городище Калаи Кахкаха I в 1980 году. //АРТ (1980). Вып. XX.-Душанбе. Дониш. 1987. С.359-370., Негматов Н.Н., Мамаджонова С.М. Бунжикат-средневековая столица Усрушаны. //Градостроительство и архитектура. -Т.: Фан. 1989. С. 91-99 ва бошқалар.

тадқиқотчилар ўртасида бу масалада ягона фикрга келишга монелик қилмоқда.

Биз Бунжикентни Қалаи Қаҳқаҳа шаҳристони комплексига жойлаштириш ҳақидаги фикрларни инкор этмаган ва хайрихоҳ бўлган ҳолда, бу масаланинг фанда ҳамон очик қолаётганлигини ва келажакда бу ёдгорликда археологик тадқиқотларни янада кенг кўламда олиб бориш натижасида ишончли далиллар олиниши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Уструшонанинг рустоқлари, уларнинг жойлашиши ва археологик ёдгорликлар. Уструшона тарихий топографиясини ўрганишда тадқиқотчилар олдида турган асосий муаммо унинг маъмурий тузилиши тарихини яратишдан иборат эди. Бу масала асосан ёзма манбалар маълумотлари асосида ўрганилди. Ёзма манбалар Уструшона ўрта асрларда анча обод ва ривожланган ўлка бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Бу масала юзасидан В.В.Бартольд, М.Е.Массон, О.И.Смирнова ва яна бир қатор муаллифлар фикр билдирган бўлсада, мукамал хулосавий фикр Н.Н.Негматов томонидан берилди. Бу муаллиф ўрта асрлар муаррихлари маълумотларининг таҳлили асосида Уструшона рустоқлари сонини ва номларини аниқлашга ҳаракат қилди. Тадқиқотчининг фикрича, Уструшона рустоқларининг сони 18 та бўлиб, улардан Бунжикент, Сабат, Зомин, Бурнамад, Харакана, Фағнон, Ховос, Шавкат, Фагкат рустоқлари текисликда жойлашган. Минк, Асбаникат, Бискар, Бангам, Вакр, Шагар, Масча, Буттам ва Бургар рустоқлари ўлканинг тоғли ҳудудларида жойлашган¹. Н.Негматовнинг рустоқлар сони ва номланиши масаласида билдирган фикрлари ҳозирга қадар фанда ўзгаришсиз қабул қилиниб келинмоқда. Аммо унинг рустоқ ва шаҳарларнинг жойлашиш ўрни масаласидаги мулоҳазалари сўнгги йилларда тадқиқотчилар ўртасида баъзи тортишувларга сабаб бўлиб келганлигини кузатишимиз мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, Уструшона рустоқларининг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳудудида жойлашган эди. Шу нуқтаи назардан биз Уструшона

¹ Негматов Н.Н. Уструшона в древности и раннем средневековье. -Сталинабад. 1957. с.34-35.

рустокларининг тарихий топографияси йўналишидаги тадқиқотлар жараёнининг ўрганилишини энг чекка ҳудуд шимолий-ғарбий Уструшонадан (Жиззах вилоятига кирувчи ҳудудлар) бошлашни лозим кўрдик.

Фағнон рустоқи. Ёзма манбалар кўчманчи чорвадорлар яшаган чўл - «ўғизлар юрти» билан чегарадош бўлган Фағнон рустоқи ва унинг асосий шаҳри Дизак ҳақида маълумот берадилар. Бу рустокнинг жойлашиш ўрни масаласида барча тадқиқотчилар ўртасида ягона фикр, унинг ҳозирги Жиззах шаҳри атрофидаги ҳудудларни ўз ичига олган, деган мулоҳазалар устунлигини кузатишимиз мумкин¹.

Воҳадаги энг катта (50 га) ва нисбатан яхши ўрганилган ёдгорлик Қалиятепада ўтказилган қазув тадқиқот ишлари натижаларига кўра, А.Э.Бердимуродов уни IV-XV асрлар билан даврлаштириб, Дизак шаҳри ўрнини ушбу ёдгорлик билан боғлайди².

XX асрнинг 90-йилларида Қалиятепа шаҳристони стратиграфик қирқимларида тозалаш ишларини ўтказган тадқиқотчи М.Ҳ.Пардаев А.Э.Бердимуродов фикрини тасдиқлайди. Муаллиф Дизак шаҳри ўрнига «даъвогарлик» қилаётган Қалиятепа шаҳристони (IX асрга қадар ва қисқа узилишлар билан XV-XVI асрлар), унга туташ Қизлартепа ёдгорлиги (X-XII асрлар) ва Ўрда шаҳар харобаси (XII-XIX асрлар) ёдгорликларида тадқиқотларни кенгайтириш лозимлигини таъкидлайди³. Кейинчалик, яъни 1990 йил ўрталарида М.Пардаев томонидан Қалиятепа шаҳристонининг шарқий ва жанубий дарвозаларига яқин ҳудудда стратиграфик қазув тадқиқотлари ўтказилади. Бу қазув ишлари натижасида Қалиятепада IX – XIII аср маданий қатламлари мутлақо мавжуд эмаслиги аниқланади. Натижада, тадқиқотчи Фағнон

¹ Негматов Н.Н. Историко-географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в.н.э./МИА.37.-М.: 1953.

² Бердимуродов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса.: АКД.-М.: 1985. С.12.

³ Пардаев М.Х. Буюк Ипак йўли ёқасидаги "Дизак" шаҳри ўрни хусусида. //Буюк Ипак йўли ёқасидаги Марказий Осиё шаҳарлари. -Самарқанд. 1994. Б.49-50; Пардаев М.Х., Пардаев А.Х. Жиззах ўтмишини ўрганишда //Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Республика ёш тарихчи олимлари анжумани баёни. Самарқанд. 1992. Б.55-56.

рустоқининг бош шаҳри Дизак араб истилосидан кейин Қалиятепадан 6 км шимолий-ғарбда жойлашган Ўрдага кўчган, деган хулосага келади.¹ Ёзма манбалар муҳим стратегик аҳамиятга эга ҳудудда жойлашган Фағнон рустоқида ҳарбий мудофаа аҳамиятига эга бўлган кўплаб қалъа-работлар мавжуд бўлганлигини маълум қилади. Тадқиқотчилар томонидан аниқланган работларнинг баъзиларида сўнгги йилларда тадқиқот ишлари олиб борилди (Ёқубботепа, Пардакултепа, Комилбоботепа ва б).² Шундай работлардан яна бири, яъни манбаларда «...Мовароуннаҳрнинг энг улкан ва кўркам работларидан» деб таърифланган Худайсар работи IX асрнинг I чорагида Уструшона афшини Ковуснинг ўғли Хайдар томонидан курдирилган бўлиб, у Дизак шаҳридан 1 фарсах (6-8 км) масофада жойлашган эди. М.Пардаев Худайсар работини Қалиятепанинг шимол тарафидан (7 км) ўтган Ўрикисой қирғоғидаги Кўк равот ёдгорлиги ўрнига жойлаштиради³. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, сўнгги йилларда Фағнон рустоқи, унинг бош шаҳри Дизак ва бу ерда жойлашган работлар ўрнини аниқлаш йўналишида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Аммо шунга қарамай, бу масаладаги кўплаб муаммолар ечимида келажакдаги тадқиқотлар қатта аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

Харакана рустоқи. Ўрта аср муаллифлари «Уструшона шаҳарларидан бири» бўлган Харакана шаҳри ва унинг работини «Дизакдан 5 фарсах (тахм. 35км), Зоминдан 9 фарсах (тахм. 63км) масофада жойлашганлиги ҳақидаги маълумотлар

¹ Пардаев М.Х. Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратиграфисига доир айрим мулоҳазалар. // ЎММТ, 31-нашр, Самарқанд, 2000., Пардаев М.Х., Пардаев А.Х., Пардаев Ш.М. Жиззах воҳасида шаҳар маданиятининг падо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (ёзма ва археологик манбалар асосида). Ўзбекистон археологияси. №1, Самарқанд, 2014. Б. 15-38.

² Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И. Ёқубботепа ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар ҳусусида// Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2012 йил. Самарқанд, 2013.

³ Пардаев М.Х. К археологическому изучению замков-рабадов Джизакского оазиса. // Города и караван-сарайи на трассах ВШП. -Ургенч. 1991. с.64-66; шу муаллиф. Санғзар ҳавзасининг илк ва ўрта асрлар қалъа-работлари // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Республика ёш тарихчи олимлари анжумани маъруза баёнлари. 1992, Б.62-63.

билан чекланадилар. Н.Негматов Харакана шаҳрини Галлаорол ва Куропаткино темир йўл станциялари атрофига жойлаштиради¹. Умуман олганда, тадқиқотчи рустокнинг тахминий ўрнини кўрсатиб берган бўлса ҳам, бу фикр ёлғиз ёзма манбалар маълумотларига таянган ҳолда, ҳудудни археологик жиҳатдан ўрганилмасдан билдирилган тахмин эди. Ёзма манбалар Харакана шаҳридан 2 фарсах (тахминан 15км) масофада жойлашган Нужкент шаҳри ҳақида маълумот беради. Н.Негматов Нужкентни қайси рустокқа оид эканлиги масаласини очиқ қолдириб, уни Харакананинг жанубий-шарқида, Бурнамад рустоқининг жанубида Муғол ва Бахмал қишлоқлари атрофига жойлаштиради². А.Бердимуродов Нуджкент шаҳрини Қўрғонтепа ёдгорлигидан 15-18км. масофа жанубда жойлашган Нушкент қишлоғи ўрнига жойлаштиришни таклиф этади³. Бу масалада тадқиқотчиларнинг фикри бир-бирига мос тушганлиги кузатилса ҳам ёдгорликда тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги сабабли Нужкент шаҳрининг ўрни ва мавқеи қайси рустокқа оид эканлиги ва унинг жойлашиш ўрни узил-кесил ҳал этилмаган масала бўлиб қолмоқда. Бизнинг фикримизча эса Нужкент юқорида қайд этилган Нушкент қишлоғининг шарқий қисмида жойлашган ўрта аср ёдгорлиги Бўзтепа ўрнида бўлган.

А.Э.Бердимуродов томонидан XX асрнинг 80-йилларида олиб борилган изланишлар натижасида, бу ерда йирик ёдгорликлар қолдиқлари аниқланмади. Тадқиқотчи ҳудуддаги археологик ёдгорликларни ҳисобга олиш ишлари натижасида рустокнинг маркази Харакана шаҳрини – Қўрғонтепа I ёдгорлиги, работни Қўрғонтепа II ёдгорлиги ўрнига жойлаштиришни таклиф этади⁴. Қўрғонтепа ёдгорлиги илк

¹ Негматов Н.Н. Усрушона в древности и раннем средневековье. -Сталинабад. 1957. С.39.

² Негматов Н.Н. Усрушана в древности и раннесредневековье. - Сталинабад. 1957. с.40

³ Бердимуродов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АКД.- М.: 1985. с.12.

⁴ Бердимуродов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса.: АКД.-М.:1985. с.11-12

маротаба Э.Б.Қодиров томонидан ўрганилган эди¹. Ю.Ф.Буряков Буюк ипак йўли тармоқларини ўрганар экан, бу ёдгорликни савдо йўлидаги Катвондиз манзилгоҳи билан, унга яқин Жувоқ қишлоғи яқинидаги ёдгорликни эса Хушуфағн манзилгоҳи билан боғлайди². Келажакда бу ёдгорликларнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши, бу шаҳар ва манзилгоҳларнинг географик ўрнини аниқлаб беради. Айни вақтда худуднинг умумий археологик харитасини тузиш жараёнида кўплаб ёдгорликларнинг аниқланиши ва уларнинг бир қанчаларида (Қинғиртепа I, Қинғиртепа II, Алмантепа) олиб борилган изланишлар³ Харакана рустоқи ҳақидаги жуда ҳам чекланган маълумотларимизни бойитиб, унинг ўрта асрларда аҳоли зич жойлашган, бой моддий маданиятга эга худудлардан бири бўлганлигини кўрсатиб беради ва шу билан бирга тадқиқотчилар олдига ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммоларни кўяди.

Бурнамад рустоқи. Юқорида таъкидлаганимиздек, Н.Негматов Бурнамад рустоқини Нужикат шаҳрининг шимолига жойлаштиради. Бу эса ҳозирги Равотсой ирмоқларини ўз ичига олувчи Кўрпа, Қудуқча ва Равот қишлоқлари атрофидаги тоғ ва тоғолди худудидир⁴. Ю.Ф.Буряков ғарбий Уструшонадан ўтган карвон йўллари тармоғини ўрганар экан, Равот қишлоғи яқинидаги шаҳристон ўрнига ўрта асрларда фаолият кўрсатган Бурнамад қишлоғини жойлаштиради⁵. А.А.Грицина ҳам Бурнамад рустоқи Равотсой ҳавзасида бўлган, деб эътироф этади⁶.

Ёзма манбаларда жуда кам маълумот берилган бу рустоқ худудидаги ёдгорликлар бир қатор тадқиқотчилар томонидан

¹ Қодиров Э.Б. Разведки в Джизакской области // АО. 1977г. М.: Наука. 1979. с.553.

² Буряков Ю.Ф. Исследования 1989 года по программе ВШП. // ИМКУ. Вып.25. – Т.: Фан. 1992. С.178-189.

³ Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АКД.-М., 1985.с. 21.

⁴ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. Сталинабад.1957.с.24.

⁵ Буряков Ю.Ф. Исследования 1989 года по программе ВШП //ИМКУ. Вып.25. - Ташкент. Фан. 1992. с.178-189.

⁶ Грицина А.А. Уструшанские были. -Ташкент. 2000. с.149-153.

ҳисобга олинган бўлишига қарамасдан, кенг археологик қазув тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Зомин рустоқи. Ўрта асрлар Уструшонаси ҳақида маълумот берувчи ёзма манбаларнинг деярли барчасида (Ибн Ҳавқал, Макдисий, Истаҳрий, Ёкут ва бошқ.) Суғддан Фарғона ва Шошга олиб борувчи карвон йўлларини тасвирлаш жараёнида Зомин (Сарсанда, Сабза) шаҳри ва рустоқи ҳақида берилган атрофлича маълумотларни учратишимиз мумкин. Зоминнинг иккинчи номини Ибн Ҳавқал (X аср) – Сарсанда¹, Ёкут эса (XIII аср) – Сабза², деб келтиради. Ибн Ҳавқалнинг маълумотига кўра, Зоминнинг ёнида IX-X асрларда аҳоли томонидан ташлаб кетилган эски шаҳар (исломдан олдинги даврга оид – Т.Б.) бўлган. Шаҳарнинг ҳар иккала қисми унча катта бўлмаган кўприклар ёрдамида қўшилган. Бозорлар шаҳарнинг ҳар иккала қисмида ҳам мавжуд бўлиб, жума масжиди Самарқандга олиб борувчи йўлнинг ўнг томонида жойлашган. Янги шаҳар девор билан ўралмаган бўлиб, бу ердан Суғддан Фарғонага борувчи йўловчилар учун тўхташ жойлари мавжуд бўлган. Шаҳарда оқар сув, боғлар, узумзорлар ва экинзорлар мўл бўлиб, унинг орқа томони Уструшонадан тоғларга, олд томони чўлга, ғузлар юртига қараган³. Н.Негматов Зомин рустоқини ёзма манбалар ва ҳудуднинг ҳозирги номини эътиборга олиб, Зоминсувнинг куйи оқимида, шу номдаги туман ҳудудига жойлаштиради ҳам шаҳарнинг аниқ ўрни масаласини очиқ қолдиради⁴.

М.Аминжонова шимолий – ғарбий Уструшонанинг археологик ёдгорликларини аниқлаш ишлари жараёнида, Зомин рустоқининг марказини Зоминсувнинг тоғдан чиқиш жойидан қидиришни таклиф этади⁵. Ёзма манбаларда тилга олинган эски шаҳарни А.Э.Бердимуродов Даштобод шаҳри яқинидаги VI-VIII асрлар билан даврланган Қоравултепа

¹ Бетгер Е.К. Извлечение из книги "Пути и страны "Абу-л-Касима ибн Хаукаля. // Тр САГУ. Вып. CXI / -Ташкент. 1957 .с.21.

² Хикматуллаев Х., Шоисломов Ш. Ёкут Ҳамафий. -Ташкент. 1965. с.26.

³ Бетгер Е.К. Извлечение из книги "Пути и страны" Абу-л Касима ибн Хаукаля. //ТСАГУ. Вып. CXI. -Т., 1957. с.21

⁴ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. С.40.

⁵ Аминжонова М. Археологические разведки в Зааминском районе. //ИМКУ. Вып.8. -Ташкент. Фан. 1969. с.139-142.

ёдгорлиги ўрнида бўлган деб ҳисоблайди¹. Сўнгги йилларда тадқиқотчилар томонидан худуднинг археологик харитасини тузиш жараёнида аниқланган кўплаб ёдгорликлар билан бир қаторда, ҳозирги Зомин шаҳри ўрнида ҳам мавжуд бўлган бир неча ёдгорликлар (Қўрғонтепа, Ўрдатепа, Оқтепа, Жартепа) кўрсатиб ўтилади². XX асрнинг 90-йилларида бу ёдгорликларда доимий археологик тадқиқот ишларини олиб борган А.А.Грицина мўғуллар босқини арафасида 100 гектардан ортиқ худудни ташкил этган ўрта асрлар Зоминининг тарихий ўрнини аниқлаш юзасидан ўз фикрларини билдиради. У шаҳар арки жойлашган «янги шаҳар» (X-XII асрлар) – Сарсандани Қўрғонтепа (Ўрда тепа) ва Жартепа ёдгорликлари ўрнига, илк ўрта асрлар арки жойлашган «эски шаҳар»ни Оқтепа ёдгорлиги ўрнига жойлаштиришни таклиф этади³. Зомин шаҳри ўрнини аниқлаш йўналишидаги тадқиқотлар бирмунча олға силжиган бўлишига қарамай, унинг топографияси, тузилиши, моддий маданият муаммоларини ўрганиш ҳамон ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Шағар (Бушағар) рустоқи. Ёзма манбалар Уструшонанинг тоғли рустоқлари, шу жумладан Шағар (Бушағар, Бешағар) ва Минк рустоқларини йирик шаҳарлари йўқ, ўтиш қийин бўлган тоғ мавзеда, совуқ иқлимли худудда жойлашганлиги ҳақида маълумот беради. Н.Негматов ҳозирда Пишағор номи билан юритилувчи қишлоқ номига суянган ҳолда, бу рустоқни Шаудар тоғларининг шимолий ёнбағирларига жойлаштиради⁴. Аммо муаллиф томонидан келтирилган харитада Шағар рустоқи Туркистон тизмасидан

¹ Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. Дис... к.и.н.-М.: 1985.с.96.

² Немцева Н.Б., Дресвянская Г.Я. Памятники Замина его округе. (К археологической карте Северной Уструшаны). // ИМКУ. Вып. 20. -Ташкент. Фан. 1986. с. 221-229.

³ Грицина А.А. К локализации и исторической топографии Замина.// Средняя Азия и мировая цивилизация. -Ташкент. Фан. 1992. С.43-44.

⁴ Грицина А.А. К локализации и исторической топографии Замина.// Средняя Азия и мировая цивилизация. -Ташкент. Фан. 1992. С.43-44.

шимолда, Сангзор воҳасининг юқори оқимида, яъни Пишағор кишлоғидан анча жанубда кўрсатилади¹.

XX асрнинг 70-80 йилларда Н.Б.Немцева, Г.Я.Дресвянская, А.Э.Бердимуродовлар томонидан ҳудуднинг археологик харитасини тузиш жараёнида Пишағорсой ва Аччисой ҳавзаларида ўрта асрларга оид қатор ёдгорликлар ўрни аниқланади (Қоровултепа, Оқтепа ва бошқалар) А.Э.Бердимуродов рустоқ марказини ҳудуддаги ягона йирик ёдгорлик бўлган Қоровултепа ёдгорлиги ўрнига жойлаштиради².

А.А.Грицина XX асрнинг 90-йилларида ҳудудни қайта ўрганиш натижасида Шағар рустоқини Пишағорсойнинг ўрта оқимида, унинг марказини эса Бешбулоқтепа ёдгорлиги ўрнига жойлаштиради³. Тадқиқотчининг табиий тўсиқлар ва ягона мудофаа тизими билан ҳимоя қилинган бу митти воҳани Шағар рустоқининг ўрни, деган фикри ҳақиқатга анча яқин бўлса ҳам, бу ҳудудда доимий қазув тадқиқот ишларининг олиб борилмаганлиги бу масаланинг ечими ҳанузга қадар тўлиқ тадқиқ этилмаган, деб ҳисоблашга асос бўлади.

Минқ рустоқи. Минқ рустоқи ва Марсманда шаҳри ўрта аср ёзма манбаларининг деярли барчасида эслатиб ўтилса ҳам, уларнинг жойлашиш ўрни масаласи тадқиқотчилар ўртасида тортишувларга сабаб бўлиб келаётган муаммолардан биридир. Бунинг асосий сабаби, шубҳасиз, Уструшона тоғли ҳудудларининг яхши ўрганилмаганлиги ва моддий манбаларнинг етарли эмаслигидандир. Бу масала юзасидан ўз вақтида В.Томашек, В.В.Бартольд, Дж.Ле Стренж, П.П.Иванов, М.Е.Массонлар ўртасида тортишувлар бўлиб ўтган эди.

¹ Негматов Н.Н. Усрушана в древности и раннесредневековье. -Сталинабад. 1957. С.85.

² Бердимуродов А.Э. О работах Джизакского отряда. //АО 1983. -М. Наука. 1985. С.523-524; Бердимуродов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса./ Дис. ... к.и.н -М.: 1985. с.97. Немцева Н.Б., Дресвянская Г.Я. Памятники Заamina и его округу (К археологической карте Северной Уструшаны.) //ИМКУ. Вып. 20. – Т.: Фан. 1986. С. 221-229

³ Грицина А.А. К локализации рустака Бушагар.// ОНУ. 1996. №3-4. С.101-102. шу муаллиф. Рустак Бушагар. // Уструшанские были. -Ташкент. 2000. с.165-167.

Н.Негматов юқоридаги тадқиқотчилар фикрларини ўрганиб, Минк рустоқи ва Марсманда шахрини Сулукта, Зомбарич, Хитой қишлоқлари ҳудудига, унинг марказини эса Исфанасой ҳавзаси ўрнига жойлаштиради¹. Кейинчалик Н.Негматов Ў.П.Пўлатов билан биргаликда янги археологик манбаларга суяниб, юқоридаги фикрини инкор этади ва бу масала юзасидан бошқа фикрни, яъни Минк рустоқини Дахкат дарасига жойлаштиришни таклиф этади.

Тадқиқотчилар жой номларининг лингвистик нуқтаи назардан бир-бирига яқинлиги (Марсманда – Басманда, Минк – Метк) ва ҳудуднинг фойдали қазилмаларга бойлигини эътиборга олиб Марсманда шахрини Барбар (Ҳайбар, Ҳайдар, Калаи Кофар) шахристони ўрнидан, Минк рустоқи марказини Хожаметк қишлоғи атрофидан (Дахкатсойнинг юқори оқими) қидириш фикрини олдинга сурадилар². Бу масала хусусида Зоминсувнинг юқори оқимидаги Миқ манзилгоҳида қазув тадқиқот ишларини олиб борган Л.М.Сверчков бутунлай янги мулоҳазалар билдиради.

Минк қалъаси илк бор илмий адабиётларда О.И.Смирнова томонидан тилга олинади³. Н.Негматов бу маълумотларга асосланиб, ёдгорликни ёзма манбаларда кўрсатиб ўтилган Вакр рустоқининг маркази сифатида эътироф этади⁴. XX асрнинг 70-80-йилларнинг I ярмида (1977, 1988 й) ҳудуднинг археологик харитасини тузиш ишлари жараёнида бу ёдгорлик тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб қилади⁵. XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида бу ёдгорликда доимий қазув тадқиқот ишларини олиб борган Л.М.Сверчков соҳа мутахассислари эътиборидан четда қолган

¹ Негматов Н.Н. Усрушана в древности и раннеесредневековье. 1957. С.44-46.

² Негматов Н.Н., Пулатов У.П./ АРТ XXIV.- 1993. С.75-90.

³ Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики Верхнего Зарафшана. МИА.Т.15. -М.-Л., 1950. с.61

⁴ Негматов Н.Н. Историко-географический очерк Усрушаны с древнейших времен по X в.н.э. //МИА. №37. -М.-Л., 1953. с.247.

⁵ Исхаков М. Отчет о рекогносцировочных работах исследованиях в горной полосе в Зааминском районе Джизакской области в июле-августе 1977г. // Архив Общества охраны памятников истории и культуры. 1977.-с.4; Ртвеладзе Э.В., Исхаков М., Маликов О.С. Исследования в Сурхандаринской и Джизакской областях. // АО 1977. -М.: Наука. 1978. -С. 536-537; Алимов У.,Сверчков Л.М. Работы в Джизакской области. // АО 1984г. -М.: Наука. 1986. - С.454-455.

манба, Идрисий маълумотларига таяниб, Минкни географик жиҳатдан ўлканинг маъмурий ва иқтисодий марказлари Бунжикент ва Зоминга яқин мавзеда жойлашганлигини ҳисобга олиб ва қазув тадқиқотлари натижасида топилган моддий ашёларга суяниб, Минк рустоқининг марказини айнан шу Миқ ёдгорлиги ўрнига жойлаштиради. Марсманда шаҳрини эса Санзор ва Зоминсувнинг юқори оқимидан кидиришни таклиф этади¹.

Сабат рустоқи. Шимолий Уструшонанинг пасттекислик қисмида жойлашган Сабат рустоқининг маркази Суғддан Фарғонага ва ундан Хитойга олиб борувчи катта савдо йўлида Зоминдан кейинги йирик манзилгоҳ эди. Ўрта аср тарихчи, географлари томонидан Сабат рустоқи ҳақида анча кенг маълумотлар берилганлиги, бу манзилнинг савдо йўлидаги муҳим аҳамиятидан далолат беради. Муаррихларнинг бир қисми (Истаҳрий, Ибн Хавқал, Ёқут) Сабатни шаҳарлар қаторида санаб ўтса, иккинчи бир қисми (Муқаддасий, Қудом) уни йирик қишлоқ, деб атайдилар.

Ўрта асрлардаги Сабатнинг жойлашиш ўрни масаласига илк маротаба XIX асрда (1896й.) П.С.Скварский тўхталиб, уни ҳозирги Сават қишлоғининг 10км шимолда жойлашган Эски Сават ўрнига жойлаштириш фикрини билдиради². Шундан бери моддий манбалар асосида исботланмаган бу маълумот қатор илмий адабиётларда, шу жумладан шимолий-ғарбий Уструшонага бағишланган тадқиқотларда ҳам такрорланиб келинди³.

1974 йил шимолий Уструшонада олиб борилган археологик кидирув ишларидан сўнг тадқиқотчи Н.Б.Немцева томонидан ўрта асрлар Сабатини ҳозирги Сават қишлоғининг шимолидан эмас, балки унинг жанубидаги Култепа шаҳристони ҳаробалари ўрнидан кидириш таклифини ўртага

¹ Сверчков Л.М. Поселение Мык–источник по истории средневековой истории Уструшаны. /АКД. Самарканд. 1991. С.17-20.

² Негматов Н.Н. Историко–географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в.н.э. //МИА. №37. -М.-Л., 1953. с.248.

³ Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АКД. -М.:1985. С.12.

ташлади¹. Бу тахмин XX асрнинг 80 - йилларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган моддий манбалар асосида тасдиқланиб, ўрта асрлар Сабати айнан шу ёдгорлик ўрнига жойлаштирилди². А.А.Грицина томонидан давом эттирилган тадқиқотлар араб босқинидан кейин «эски шаҳарда» ҳаёт бирмунча вақт тўхтаганлигини ва фақат XI-XII асрларга келиб, унинг «янги» шаҳарга туташ бир қисмида ҳаёт қайта жонланганлигини кўрсатди³. Сабат рустоқини Хўжамушкентсой ҳавзасига ва унинг марказини Култепа қишлоғи ўрнига жойлаштириш, ҳозирги Сабат номининг сақланиб қолганлиги археологик манбалар асосида мустаҳкамланган фикр бўлиб, ёзма манбаларда кўрсатилган Бунжикент ва Зомин шаҳарлари оралиғидаги масофаларга мос тушиши ҳам бу фикрни исботлайди.

Вакр рустоқи. Бу рустоқ манбаларда тоғ рустоқларидан бири сифатида санаб ўтилади. Илк марта рустоқнинг географик ўрнини аниқлашга уринган Н.Негматов уни ҳеч бир асоссиз Зоминсувнинг юқори оқимига жойлаштиришни таклиф этади⁴. Кейинчалик А.Э.Бердимуродов ҳам бу фикрни такрорлаган⁵. Сўнги йилларда бу масала юзасидан бошқа фикрлар ҳам пайдо бўлмоқда. А.А.Грицина ва Л.М.Сверчковлар Тоғобсой ҳавзасидаги Варқин қишлоғи ва Варқинариқ номларига асосланиб, бу рустоқни археологик ёдгорликлар зич жойлашган, географик жиҳатдан кичик бир

¹ Немцова Н.Б. Отчет по археологическим разведочным работам в Джизакской области. (май-июнь 1974г.) // Санатшунослик институти архиви. 1974. С.10-11.

² Грицина А.А. Археологические исследования в Северной Уструшане. Я.Гулямов и развитие исторической науки в Узбекистане. -Ташкент. Фан. 1988. С. 34-35; Буряков Ю.Ф., Грицина А.А., Тихонин М.О., Пардаев М.Х. Работы Чач-Уструшанской экспедиции. // АО 1986г. -М.: Наука. 1988. С.494-495; Грицина А.А. Средневековый Сабат. // К проблеме планировки и динамики развития городской территории. -Ташкент. Фан. 1989. С.124-125; Грицина А.А., Сверчков Л.М. Археологические исследования в Сырдаринской области. // ИМКУ. Вып. 23. - Ташкент. 1990.С.114-121

³ Грицина А.А. К локализации и исторической топографии Заамина.// Средняя Азия и мировая цивилизация. -Ташкент. 1992. С.43-44; Грицина А.А. Култепа - городище средневекового Сабата. // Древний Заамин. -Ташкент. Фан. 1994. С.40-49.

⁴ Негматов Н.Н. Историко-географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в.н.э. //МИА. №37. -М.-Л., 1953. С.247.

⁵ Бердимуродов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. (Севера-западная Уструшана V-X вв. н.э.).Дис ...к.и.н. -М.: 1985. с.98.

табий воҳани (микрооазис) ташкил этган Тоғобсой воҳасига жойлаштириш фикрини олдинга суради¹. Жой номлари ва унинг этимологияси жиҳатдан олинса, ушбу фикрлар бошқа эътирофларга қараганда асослидир.

Лекин ушбу фикрлар моддий манбалар билан асосланганда эди Вақр рустоқининг географик ўрни тўлиқ аниқланди деб ҳисоблаш мумкин бўларди.

Ховос рустоқи. Уструшонанинг текислик-чўл рустоқларидан бири бўлган Ховос рустоқи ва унинг маркази ёзма манбаларда асосан карвон йўлларининг кесишган жойида жойлашган манзилгоҳ сифатида эслатиб ўтилади. Ҳозирги Ховос тумани маркази яқинида жойлашган Эски Ховос ёдгорлиги илк маротаба М.Е.Массон томонидан кўрсатиб ўтилади². Н.Негматов Ховосни Уструшона шаҳарлари қаторига қўшиб, бу ёдгорликни айнан шу манзилгоҳ ўрнида жойлашган деб ҳисоблайди³.

Ховос рустоқининг маркази, деб талқин қилинаётган, карвон йўллари туташувчи муҳим нуқтада жойлашган Эски Ховос ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, бу ерда ҳаёт илк антик асрларидан бошлаб узлуксиз давом этиб келаётганидан далолат беради⁴.

Жой номининг ҳозирга қадар сақланиб қолганлиги ва археологик тадқиқотлар натижалари Ховос рустоқининг марказини айнан шу ёдгорлик билан боғлаш фикрини қувватлаган ҳолда, келажақда ёдгорликда доимий тадқиқотларни давом эттириш бу масаланинг исботини янада мустаҳкамлайди.

¹ Грицина А.А., Сверчков Л.М. Археологические исследования в Сырдаринской области. // ИМКУ. №23. -Ташкент. Фан. 1990. с.114-121.

² Массон М.Е. Проблемы изучения цистерн сардобо. -Ташкент. 1935. с.16.

³ Негматов Н.Н. Уструшана в древности раннеесредневековье. Сталинабад. 1957. с.41.

⁴ Грицина А.А., Пардаев М.Х. Археологическое изучение Кизилинского массива. //Археологические работы на новостройках Узбекистана. -Ташкент. Фан. 1990. с. 177-178; Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. (Археолого-топографическое исследование). /: АКД. - Самарканд, 1990. С.12., Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр ва Великом шелковом пути. Самарканд-Бишкек. 2006. С. 158.

Шимолий Уструшонада олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида кўплаб ёдгорликлар, қўрғонлар аниқланди¹. Улардан бири Уструшонани Шош билан чегарадош ҳудудида жойлашган Нурота шахристониدير. Бу ёдгорлик илк мартаба В.Ф.Караваев томонидан қайд этилган². Кейинчалик М.Е.Массон ёзма манбаларда тилга олинган христиан қишлоғи – Винкерд ўрнини аниқлаш масаласида уни эслатиб ўтади³. Нурота ёдгорлигида илк тадқиқотлар XX асрнинг 60-йилларида В.А.Нильсен томонидан бошланган бўлиб, ёдгорлик кейинчалик 70-йилларда Ю.Ф.Буряков томонидан ҳам кўздан кечирилади⁴. XX асрнинг 80-йилларида Нурота ёдгорлигида илмий изланишлар олиб борган А.А.Грицина IX-XI асрларга оид деб топилган бу ёдгорликни Хушқат шахрининг ўрни, деб тахмин қилади⁵. Уструшона рустоқларидан энг йириги деб ҳисоблаш мумкин бўлган Ховос рустоқи ҳудудида кўплаб ёдгорликлар аниқланган бўлиб, Нурота шаҳар ёдгорлиги ушбу ёдгорликлардан биридир. Бу ёдгорликларнинг катта қисми ҳақида ёзма ва археологик манбалар маълумотлари етарли эмас. Шу сабабли, ўрта асрлардаги Ховос рустоқи бўйича маълумотлар бугунги кунда жуда ҳам чеклангандир.

Шавкат рустоқи. Ёзма манбалар марказий шаҳри Шавкат номи билан юритилувчи яна бир рустоқ ҳақида маълумот беради. Тадқиқотчилар марказий шаҳар номидан келиб чиқиб, рустоқ номини ҳам айнан шу ном билан аташни таклиф қиладилар. Ёзма манбаларда рустоқ ҳудудида жойлашган Шавкат (Хўжанддан 1 кунлик, Сабатдан 2 кунлик масофада), Куркат (Курдакат), Урқанд (Сабат ва Шавкат оралиғида, ҳар иккисидан 1 кунлик масофада) шаҳарлари ва

¹ Грицина А.А. Археологические памятники Сырдаринской области. 1992.

² Караваев В.Ф. Голодная степь в ее прошлом и настоящем. Пг.1914.

³ Массон М.Е. Проблемы изучения цистерн сардабо. -Ташкент. 1935. С.18.

⁴ Нильсен В.А. Стоновление феодальной архитектуры Средней Азии. (V-VIII в.в.). - Ташкент. Фан. 1966. с.213.

⁵ Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. (Археолого-топографическое исследование). : АҚД. - Самарканд, 1990. С.22; Грицина А.А. Археологические памятники Сырдаринской области. Ташкент. Фан. 1992. С.39-41; Грицина А.А. Городища Нурата. //ИМКУ. Вып. 27. –Самарканд. 1996. С. 82-92

Гулукандоз қишлоғи (Куркатдан 3 фарсах, Хўжанддан 4 фарсах, Сабатдан 6 фарсах масофада) ҳақида маълумотлар берилди.

В.Томашек Шавкат шаҳрини Ховосдан шимолга, Чочга олиб борувчи йўлга жойлаштиради. Н.Негматов бу фикрни инкор этиб, уни Нов ва Куркат оралиғига жойлаштиришни таклиф этади. Тадқиқотчи Куркат шаҳрини ҳозирги Куркат қишлоғи яқинига, Урканд шаҳри ўрнини очик қолдириб, Гулукандозни Пролетар ҳудудидаги Гулукандоз қишлоғи ўрнига жойлаштиради. Шу йўсинда ўрта асрлардаги Шавкат рустоқини тахминий ўрни, чегаралари ва археологик жойлашиши кўрсатилади. Демак, Н.Негматов фикрича Шавкат рустоқи Оқ-сув (Тағояк-сой) дарёси воҳасида жойлашган бўлиб, у Бекобод яқинидаги Куркат ва Қизили қишлоқлари, шарқда Дихмой ва Хитойреза қишлоқлари, шимолда Сирдарё, жанубда Қизили қишлоғига қадар бўлган ҳудудларни ўз ичига олган¹.

Юқорида кўрсатилган ҳудуд, яъни шимолий Уструшонанинг археологик харитасини тузиш жараёнида аниқланган ёдгорликларнинг бир қисмида (Мунчоқтепа, Ширин, Оқтепа) сўнгги йилларда тадқиқотчилар томонидан археологик қазув ишлари олиб борилди. Хусусан, Бекобод шаҳридан 7 км шарқда, Ширинсойнинг дарёга қуйиладиган ҳудудда жойлашган Мунчоқтепа ёдгорлигида 1943-1944 йилларда В.Ф.Гайдукевич қазув ишларини ўтказди². Куркат қишлоғи яқинида жойлашган Ширин шаҳристони илк бор Фарход археология экспедицияси томонидан аниқланган бўлиб³, кейинчалик унинг батафсил тавсифи О.И.Смирнова томонидан ҳам қайд қилинди⁴. Ёдгорликда доимий қазув ишлари XX асрнинг 70-80-йиллари давомида Н.Негматов,

¹ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. С.41-43.

² Гайдукевич В.Ф. Работы Фарходской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944гг. (Предварительное сообщение). //КСИИМК. Вып. XV. - М: 1947. С.92-109.

³ Гайдукевич В.Ф. Работы Фарходской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944гг. (Предварительное сообщение). //КСИИМК. Вып. XV. - М: 1947. С.98-99.

⁴ Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г.// МИА. Т 37. 1953. С. 225-227.

А.К.Мирбобоевлар томонидан олиб борилди¹. Оқтепа ёдгорлиги (Нов тумани) фанда XIX аср охирларидан маълум бўлса ҳам, бу ерда доимий қазув-тадқиқот ишлари 1965-1969 йилларда ўтказилди. Ҳимоя миноралари ва ер ости йўлларида иборат мудофаа тизими билан муҳофаза қилинган бу қудратли қалъа атрофи кейинчалик ҳашаматли иншоотлар билан ўраб олиниб, унинг марказида диний маросим ўтказиладиган оташкада - «оловхона»га айлантирилган². Илк ўрта асрларга оид бу ноёб ёдгорлик қадимий уструшона иншоотларининг мудофаа тизимлари, аҳолининг «ислом»дан олдинги давр диний эътиқодларини ўрганишда жуда катта аҳамият касб этади.

Бу ёдгорликлар ёзма манбалардаги бирор бир жой номи билан боғланган эмас. Бу иншоотлар Куркат-Ширин шаҳристони билан Уструшонанинг шимолий чегараларини ҳимоя қилиб турган ягона мудофаа тизими сифатида кўплаб шаҳар ва қишлоқлар мавжуд бўлган Шавкат рустоқи шимолий чегараларини ҳам ҳимоя қилиб турган. Тадқиқотчилар Куркатни Ширин шаҳристони ўрнига жойлаштирадилар, аммо Гулукандоз қишлоғи локализацияси бўйича бу ном учун «даъвогарлик» қилаётган бирор бир ёдгорлик ўрганилмаган. Шу жумладан Урканд шаҳрининг ўрни масаласи ҳам ҳозирга қадар очик қолган муаммолардан биридир.

Фагкат рустоқи. Ёзма манбалар муаллифлари бу рустоқ ҳақида жуда чекланган маълумотлар бериб, фақат унинг ҳудудида жойлашган икки шаҳар – Фагкат ва Газак шаҳарлари ҳақида тўхталиб ўтадилар. Фагкат шаҳрини ўз даврида П.С.Скварский, В.В.Бартольд ҳозирги Вагат қишлоғи ўрни

¹ Негматов Н.Н. Исследование в Северном Таджикистане в 1970.// АРТ.(1970). Вып. X. -М.: 1973. С.95; Негматов Н.Н., Мирбобоев А.К., Абдурасулов М.А. Начало раскопок городища Ширин (Предварительное сообщение).// АРТ. (1976). Вып. XVI.-Душанбе. Дониш. 1982. С.291-307; Негматов Н. 1982. С.239; Негматов Н.Н. О работах СТАКЭ в 1977 г.// АРТ (1977). Вып. XVII. -Душанбе. Дониш. 1983. С.227-235; Негматов Н.Н. Полевые исследования СТАКЭ в 1980г. //АРТ (1980). Вып. XX. - Душанбе.: Дониш. 1987. С.305-306 ва бошқ.

² Негматов Н.Н. Исследования в Северном Таджикистане 1977 г.// АРТ. (1970). Вып. X. -М.: Наука. 1973. С.81-82; Пулатов У.П. "Дом огня" в Уструшане. // Ранняясредневековая культура Средней Азии и Казахстана. -Душанбе. Дониш. 1977. С.77-79.

билан, Газак шахрини эса В.В.Григорьев ва В.В.Бартольдлар ҳозирги Газан-Дарак қишлоғи номи билан боғлайдилар. Н.Негматов бу маълумотларга ва улар ўртасидаги масофаларга асосланиб, Фагкат рустоқини Басмандасой дарёсининг қуйи оқими воҳасига, яъни Итарчи қишлоғидан бошлаб, Боёвут ва Уяс қишлоқларига қадар бўлган ҳудудга жойлаштиришни таклиф этади¹. Кейинчалик Н.Негматов ва Н.Т.Раҳимов илмий ишларида Вагкат (Фагкат)ни Ўратепа билан боғлаш ҳақидаги фикрлар ҳам берилган².

Шу ўринда Муғтепа ёдгорлигининг ўрганилиш тарихига эътиборимизни қаратамиз. Муғтепа ёдгорлиги илмий адабиётларда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тилга олиниб келинаётган бўлса ҳам, бу ерда қазув тадқиқот ишлари XX асрнинг 50-йилларидан ТАЭ (Тожикистон археологик экспедицияси)нинг Уструшона гуруҳи томонидан бошланган³. Кейинчалик бу тадқиқотлар Шимолий Тожикистон отряди томонидан давом эттирилади. 1981-1989 йиллари Н.Т.Раҳимов раҳбарлигидаги ШТАКЭ (Шимолий Тожикистон археологик комплекс экспедицияси)нинг Ўратепа гуруҳи томонидан ёдгорликнинг ривожланиш тарихи даврлари моддий манбалар асосида ўрганилди⁴.

Хулоса сифатида юқоридаги тадқиқотчиларнинг Вагкат шахрини Уструшонанинг қадимий шаҳри Баганинг ўрнида жойлашган, деган фикрларига асосланиб ва Ўратепа ўрнидаги Муғтепа ёдгорлигининг қадимийлигини эътиборга олиб Вагкат (Фагкат) айнан Ўратепа (Муғтепа) ўрнида жойлашган, деган фикрга келишимиз мумкин.

Бунжикент рустоқи. Ўрта аср муаррихлари бу рустоқ масаласида пойтахт Бунжикент ҳақидаги маълумотлар билан чекланиб, рустоқ ҳақида ҳеч бир маълумот бермайдилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу рустоқнинг жойлашган

¹ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. С.21-22, 43.

² Негматов Н.Н., Рахимов Н.Т. Уструшано-Ходженский узел ВШП.// Формирование и развитие трасс ВШП в древности и средневековье.- Ташкент. Фан. 1990. С.118-120.

³ Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.189-230.

⁴ Рахимов Н.Т. История Ура-Тюбе по археологическим данным. /: АКД.- Самарканд. 1989. -17с.

ўрни масаласи ўз даврида кўпчилик тадқиқотчилар ўртасидаги баҳс-мунозара мавзуси бўлиб келган¹. Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида тадқиқотчилар ўртасида Бунжикент рустоқини Шаҳристон водийсига жойлаштиришга мойиллик кучайган². Шаҳристонсой хавзасидаги Шаҳристон водийси ҳар томондан тоғ тизмалари (Туркистон тизмаси) ва адирлар билан ўраб олинган ҳудуд бўлиб, у тор тоғ дараси орқали Сават, Ховос ва Ўратепа текислиги билан, доvon орқали юқори Зарафшон билан боғланади. Шаҳристон водийси археологик нуқтаи назардан энг гавжум ва яхши ўрганилган ҳудуд ҳисобланади.

Шаҳристон водийси археологик ёдгорликларининг баъзилари XIX аср сўнггида В.Ф.Кастанье, П.С.Скварский, В.В.Бартольд ва бир қатор бошқа тадқиқотчилар томонидан ўрганилади ва илк бор илмий муомалага киритилади. А.Ю.Якубовский раҳбарлигидаги ТАЭ (Тожикистон археология экспедицияси) таркибидаги 1949-1950 йилларда иш олиб борган О.И.Смирнова бошчилигидаги Уструшона отряди ҳудуддаги археологик ёдгорликларни аниқлаш ва унинг харитасини тузиш ишига асос солган³. Уструшонада мавжуд археологик ёдгорликларда XX асрнинг 60-90-йилларда Хўжанд-Уструшона, Шимолий Тожикистон отряди (1974 йилдан Шимолий Тожикистон археологик комплекс экспедицияси) гуруҳлари таркибида иш олиб борган бир қатор етакчи тадқиқотчилар томонидан узлуксиз равишда изланишлар олиб борилди. Бу давр мобайнида ҳудуднинг археологик харитасини тузиш жараёнида аниқланган ёдгорликларнинг бир қисмида (Қалъаи Қахқаҳа I, II, III комплекси, Чилхужра, Тирмизактепа, Ўртақўрғон, Тоштемиртепа, Қалъаи Сор қалъалари, Чилдухтарон, Хон Яйлов манзилгоҳлари) кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

¹ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. С.29-34.

² Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахристан. Душанбе. 1966. С.191-197; Негматов Н.Н., Мамажоновна С.М. Бунжикат - средневековая столица Уструшаны. //Градостраительство и архитектура. -Тошкент. Фан. 1989. С.91-99.

³ Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.189-230

Худуддаги нисбатан тўлиқ ўрганилган ёдгорликлардан бири Қалъаи Қаҳқаҳа шаҳар комплексидан кейинги ёдгорликлардан яна бири Чилхужра қалъаси бўлиб, бу қадимий қишлоқ макони 1960-1966 йиллар давомида Шимолий Тожикистон гуруҳининг Ў.П.Пўлатов раҳбарлигидаги археологик жамоаси томонидан ўрганилди¹. Қалъаи Қаҳқаҳа шаҳристони комплексидан 1 км шимолий-ғарбда жойлашган Тирмизактепа ёдгорлигида 1956-1957, 1960 йиллар Хўжанд-Уструшона отрядининг Ў.П.Пўлатов раҳбарлигидаги Ленинобод тарихий-ўлкашунослик музейи гуруҳи томонидан қазув тадқиқот ишлари олиб борилди². Шаҳристон қишлоғидан 3 км масофада жойлашган Ўртақўрғон ёдгорлигида Н.Негматов раҳбарлигидаги Хўжанд - Уструшона отряди томонидан 4 йил (1958, 1960, 1961, 1963 й.) давомида қазув тадқиқот ишлари олиб борилди³. Шаҳристон посёлкасидан 9км шимолий-ғарбда, Увоқ қишлоғидан 5км шарқда, Тоштемирсой ва Увоқсойнинг қуриб қолган ўзанлари оралиғида жойлашган Тоштемиртепа ёдгорлигида Шимолий Тожикистон отрядининг Ў.П.Пўлатов раҳбарлигидаги гуруҳи 1968, 1973-1975 йиллар давомида қазув тадқиқот ишларини давом эттирди⁴.

Шаҳристон водийсида қазув тадқиқот ишлари якунланган яна бир ёдгорлик Шаҳристон посёлкасидан 12 км жанубда, Чилхужра ёдгорлигидан 9км, Қули Қутон қишлоғидан 2км жанубда, Туркистон тизмасининг Гургдара ва

¹ Пулатов У.П. Чильхужра. К истории материальной культуры Уструшаны.: АКД. - М.: 1968. -28с.; Пулатов У.П. Чильхужра. //МКУ. Вып. 3. - Душанбе. Дониш. 1975. -187с.

² Негматов Н.Н. АРТ. О работах Ходжакентко-Уструшанского отряда в 1957 г.// АРТ.Вып. V (1957).Тр.АН Тадж.ССР Т.СШ. -Сталинабад. 1959.С. 95-107; Негматов Н.Н., Зеймаль Т.И. Роскопки на Тирмизактепе.//ИАН Тадж. ССР. ООИ. Вып.1(24). 1961.С.67-83; Негматов Н.Н., Пулатов У.П., Хмельницкий С.Г. Уртақурган и Тирмизактепе. -Душанбе. Дониш. 1973.

³ Негматов Н.Н. Работы Ходженского – Уструшанского отряда в 1958г. // АРТ. Вып.6 (1958). // Тр. АН Тадж.ССР Т.27. -Сталинабад. АРТ. VI (1958).-1961.С. 113-120; Негматов Н.Н., Салтовская Е.Д. О работах Ходженского-Уструшанского отряда в 1960г.// ТИИ Тадж.ССР.Т. XXXIV.-Душанбе. АРТ. VIII (1960).-1962. С.69-89; Негматов Н.Н. Пулатов У.П. Хмельницкий С.Г. Уртақурган и Тирмизактепе. 1973.

⁴ Негматов Н.Н. Исследования в Северном Таджикистане в 1970г. //АРТ (1970). Вып. X. М.: Наука, 1973. С. 79-105.

Қуруксой дараларининг кириш қисмида 80м баландликда жойлашган Қалаи Сор қалъаси ва унга туташ манзилгоҳ Шимолий Тожикистон археологик комплекс экспедицияси (ШТАКЭ)нинг Ў.П.Пулатов бошчилигидаги гуруҳи томонидан 1976-1978, 1981-1983 йиллар давомида ўрганилди¹. Қалъаи Қаҳқаҳа комплекси яқинида жойлашган тош иншоотлардан иборат Чилдухтарон манзилгоҳи комплексида 1960-1962 йиллар давомида Н.Негматов раҳбарлигидаги Хўжанд-Уструшона (1961 йилдан Шимолий Тожикистон) отряди қазув тадқиқот ишлари олиб борди². Шахристон посёлкасида 22 км жанубда, Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида, Оқтанги дарасининг тўридаги Таган деб аталувчи текисликда Хон-Яйлов номли йирик манзилгоҳ ўрни 1955 йилда Хўжанд-Уструшона отряди томонидан аниқланди.³ Бу манзилгоҳда Н.Н.Негматов томонидан 1963-1967 йилларда олиб борилган қазув тадқиқот ишлари 1985-1986 йиллар мобайнида М.Д.Мамажонова раҳбарлигидаги Шимолий Тожикистон археологик комплекс экспедициясининг Оқтанги гуруҳи томонидан давом эттирилди⁴.

Шахристон водийсида олиб борилган археологик кидирув ва қазув тадқиқотлари таҳлили натижасида ушбу изланишларнинг хулосаси сифатида, қуйидаги фикрларни билдиришимиз мумкин:

¹ Пулатов У.П. Раскопки замка в Калаи Сор в 1976 г. // АРТ XVI (1976). - Душанбе. Дониш. 1982. С. 308-317; Пулатов У.П. Раскопки Калаи Сор в 1977 г. // АРТ XVII (1977). - Душанбе. Дониш. 1983. С.236-243; Пулатов У.П. АРТ XVIII (1978).-1984. С.323-325; Пулатов У.П. Раскопки на Калаи Соре в 1981г. // АРТ (1981). Вып. XXI. - Душанбе. Дониш. 1988. С. 97-106. Пулатов У.П. Раскопке на Калаи Соре в 1982г. // АРТ (1982). Вып. XXII. - Душанбе. Дониш. 1990. С.19-28.; Пулатов У.П. Раскопки Калаи Соре в 1983г. // АРТ (1983). Вып. XXIII. - Душанбе. Дониш, 1991. С. 47-57.

² Негматов Н.Н. АРТ VIII (1960).-1962. С.83-85; Негматов Н.Н. АРТ IX (1961).-1964. С. 34-44; Негматов Н.Н. АРТ X (1970).-1973. С.73.

³ Негматов Н.Н. О работах Ходжентско-Уструшанского отряда в 1955г. // ТИИ АН Тадж. ССР. Т.63. – Сталинабад., 1956. С.61-69.

⁴ Негматов Н.Н. Исследования в Северном Таджикистане в 1970г. // АРТ (1970). Вып. X. М.: Наука, 1973 б. С. С.80; Негматов Н.Н. К проблеме компактных селений Уструшаны и Ходжентской области в средние века. // МКТ. Вып.3. – Душанбе.: Дониш. 1978. с. 152; Негматов Н.Н. Исследования в Северном Таджикистане в 1985г. // АРТ (1985). Вып. XXV. - Душанбе.: Дониш. 1994. С. 11.; Негматов Н.Н., Мамаджанова М.Д., Рахимов Н.Т., Умаров Х.Х., Эшонкулов У. Работы Северотаджикской экспедиции. // АО 1986. - М.: Наука. 1988. с. 515-516.

1) Ўз даврида турли функцияларни бажарган қурилиш иншоотлари бўлган бу ёдгорликларнинг географик жиҳатдан қулай тоғ даралари, сув ирмоқлари бўйларида яхлит қурилиш-меъморий тизимни ташкил этган ҳолда ягона иқтисодий, сиёсий ва маъмурий марказ Қалъаи Қаҳқаҳа шаҳристони атрофида зич жойлашгани ва ўзига хос мўъжаз маданий воҳа сифатида фаолият кўрсатиши Бунжикент рустоқини айнан шу ерда жойлашганини амалда тўлиқ исботлайди.

2) «Қалъаи Қаҳқаҳа» ёдгорлигида ўтказилган қазув тадқиқотлари натижасида қайд этилган меъморий комплекслар, моддий маданият намуналари, тасвирий санъат ва маънавий ҳаёт ашёлари илк ва ўрта асрларда бу ерда Уструшона мамлакатининг ҳукмдорлари – афшинларнинг бош шаҳри – пойтахт Бунжикент жойлашганлигини кўрсатади.

Асбаникат рустоқи. Уструшонанинг тоғли ҳудудидаги рустоқлар ҳақидаги ёзма манбалар маълумотига кўра, Асбаникат (Арсубаникат, Арсаникат, Исбаскат) ҳам шундай рустоқлардан бири бўлган. В.В.Бартольд бу рустоқни Уструшонанинг шарқий қисмига, Фарғона билан чегарадош ҳудудга жойлаштиради¹. Уструшона тарихий топографияси билан шуғулланган Н.Негматов Асбаникатни ҳозирги Исфана посёлкаси ўрнидаги шаҳар ёдгорлиги билан локализациялайди.² Аммо бу ёдгорликда 1957 йил Ю.А.Заднепровский томонидан олиб борилган қазув-тадқиқот ишлари бу ерда XIV-XV асрлардан қадимги маданий қатлам йўқлигини кўрсатди³. Г.А.Брыкина юқоридаги фикрларга таяниб, Асбаникатни Исфана яқинидаги Қорабулоқ шаҳристони ўрнига жойлаштиради⁴. Агар тадқиқотчининг бу фикрини қабул қиладиган бўлсак, у ҳолда Уструшона чегараси Фарғона билан Хўжабақиргонсой томон сурилади. Асбаникат рустоқи чегараларини Қорабулоқ шаҳристони атрофида зич

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч., т. 1.- М., 1963. С.224.

² Негматов Н.Н. Историко-географический очерк Уструшаны. МИА.№37. 1953. С.243.

³ Заднепровский Ю.А. Археологические памятники южных районов Ошской области.-Фрунзе,1960. с.163.

⁴ Брыкина Г.А. Карабулак. -М.:Наука, 1974. С.115.

холомда жойлашган бир қатор ёдгорликлар ҳақиқатан ҳам ушбу мавзеда муайян бир русток, хусусан Асбаникат жойлашгани ҳақидаги фикрни исботи учун хизмат қилади.

Бискар (Бискун) рустоқи. Уструшонанинг тоғ рустокларидан бири бўлган бу русток манбаларда ҳар доим Асбаникат рустоқи билан ёнма-ён тилга олинади. Шу сабабли, XX асарнинг 50-йилларида Н.Н.Негматов томонидан бу русток Асбаникат рустоқи яқинига, Басмандасой ва Даҳкатсойларнинг юқори оқимиға жойлаштирилади¹.

Гончи туманининг жанубида жойлашган Даҳкат дараси археологик жиҳатдан илк бор 1957 йилда О.И.Смирнова томонидан ўрганилиб, дарадаги Қалаи Кофар ёдгорлигининг батафсил тавсифи тузилган.² Археологик ёдгорликларға бой бўлган бу ҳудуддаги йирик ёдгорлик Қалаи Кофарда 1983-1984 йиллар ШТАКЭнинг Ў.П.Пўлатов раҳбарлигидаги гуруҳи томонидан казув-тадқиқот ишлари олиб борилди³. Ў.П.Пўлатов тадқиқотлар натижаси асосида Даҳкат дарасига Минк рустоқини жойлаштиради ва бу борада юқорида тўхталиб ўтган эдик. Шундай қилиб, Басмандасой ҳавзаси ва Даҳкат дараси ҳудудиға юқоридаги рустокларнинг қай бирини жойлаштириш масаласи бугунги кунда ўз ечимини топмаган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда А.А.Грицина томонидан Бискун рустоқини Зомин туманидаги Бешкуби қишлоғи ўрниға жойлаштириш таклиф этилмоқда⁴. Биз юқоридаги фикрларнинг ҳеч бирини инкор этмаган ҳолда, бу масала бўйича жойлардаги табиий ресурслар, тоғ-кон саноати тарихи бўйича тадқиқотларни янада мукамал ўрганиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, Минк рустоқи тоғ-кон саноати бўйича ўрта асрларда етакчи ўринни эгаллаган.

Бангам рустоқи. Тоғ рустокларидан бири бўлган бу рустокнинг географик ўрни XX асрнинг 50-йилларида Н.Н.Негматов томонидан Шаҳристон атрофи, Шаҳристонсой,

¹ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. С.46.

² Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С. 219-220.

³ Пулатов У.П. Работы Дахкатской группы в 1984г. //АРТ (1984). Вып. XXIV. - Душанбе.: Дониш. 1993. С. 75-90

⁴ Грицина А.А. Уструшанские были.-Ташкент. 2000. С.187.

Басмандасойнинг юқори оқими ҳавзаларини ўз ичига олувчи ҳудудга жойлаштирилган эди¹. Аммо XX асрнинг 60-70-йилларида Шахристондаги Қалъаи Қаҳқаҳа комплексида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, Н.Н.Негматов юқоридаги фикрларни инкор этиб, бу ҳудудга Бунжикат рустоқини жойлаштиради². Шундай қилиб, Бангам рустоқининг жойлашган ўрни ҳам фанда бугунги кунда ўз ечимини топмаган масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Масча рустоқи. Ўрта аср муаллифлари Туркистон тизмасининг жануби ва Ҳисор тизмасининг оралиғида жойлашган, Уструшона таркибидаги тоғли ўлка Буттам вилояти ҳудудида Масча, Бургар ва Буттам рустоқлари жойлашганлиги ҳақида маълумот берадилар. Ўз даврида Буттам вилояти О.И.Смирнованинг юқори Зарафшон тарихий топографиясига бағишланган мақоласида таҳлил қилинган эди³. Кейинчалик, Н.Н.Негматов бу тадқиқотлар ва ёзма манбалар таҳлили асосида юқоридаги рустоқларнинг географик ўрнини аниқлашга ҳаракат қилади. 1980-йилларда Зомин - Жиззах оралиғидаги Аччисой ҳавзасида тадқиқотлар олиб борган А.Э.Бердимуратов бу ерда Бангам рустоқи жойлашган бўлиши мумкин деган тахминни билдиради⁴. Тадқиқотчи Н.Негматов Масча рустоқини жанубдан Зарафшон, шимолдан Туркистон тизмалари оралиғидаги, шарқдан ғарбга Оббурдон қишлоғига қадар чўзилган узун ва тор воҳадан иборат ҳудудга жойлаштиради.

Бургар (Паргар, Фальгар) рустоқининг номи ва жойлашган ўрни хусусида В.Л.Вяткин, М.Е.Массон, С.А.Волин ва бошқалар томонидан билдирилган фикрлар О.И.Смирнова томонидан тўпланган ва бир тизимга солинган⁵. Н.Н.Негматов тўпланган маълумотлар ва ёзма манбалар

¹ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. С.46.

² Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахристан. - Душанбе.: Дониш. 1966. С. 191-199.

³ Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики Верхнего Зарафшана. МИА.Т.15. -М.-Л., 1950. С.56-66.

⁴ Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса (Севера-западная Уструшана V-Хвв.н.э.) дис....к.и.н.-М.:1985.с.98.

⁵ Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики Верхнего Зарафшана. МИА.Т.15. -М.-Л., 1950. С.56-66.

хабари асосида бу рустоқни Масча рустоқининг ғарбига, Фан дарё водийси, Искандаркўл атрофи ва Зарафшон водийсидаги Оббурдон қишлоғидан Муғ тоғидаги қалъага қадар бўлган ҳудудга жойлаштиради.

Буттам рустоқи. Н.Негматов Буттам рустоқини Яғноб дарёси водийсига, Зарафшон тизмасининг шарқий қисми ва Ҳисор тизмаси оралиғига жойлаштиришни таклиф этади¹. Уструшонанинг тоғли ҳудудларида кенг камровли тадқиқотлар олиб борилмаганлиги сабабли, бу йўналишдаги тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар бугунги кунда анча чекланган кўринишдадир. Ёзма манбаларда Уструшона ҳудудида жойлашган, лекин қайси рустоққа ёки манзилга оид эканлиги номаълум бўлган бир қанча шаҳарлар - Йеча, Шиблия, Хашт ҳақида маълумотлар бор. Н.Негматов бу масалага бағишланган ўз асарида В.В.Бартольд ва М.Е.Массон томонидан билдирилган фикрлари таҳлили асосида, Йеча шаҳрини Яғноб дарёси ҳавзасига, Шиблияни Шаҳристон атрофига, Хаштни эса Уструшонанинг тоғли ҳудудларига жойлаштиради.² Лекин ушбу масала бўйича Н.Негматовнинг билдирган фикрларида бир қатор мунозарали ўринлар мавжуд. Шундай экан мазкур масала бўйича изланишлар давом этади.

Сўнгги йиллардаги ўрта асрлар Уструшоноси тарихий топографиясини ўрганиш йўналишидаги тадқиқотлар натижасида бир қатор муҳим муаммолар ўз ечимини топди. Хусусан, текисликда жойлашган Бунжикент, Зомин, Фағнон, Харакана, Бурнамад, Шағар, Сабат, Ховос, Шавкат, Фалгар, Асбаникат рустоқлари ва Бунжикат, Зомин, Дизак, Харакана, Бурнамад, Нужкат, Сабат, Ховос, Хушкат Фалгар, Куркат, Асбаникат шаҳарларининг географик ўрни юзасидан олдинги билдирилган фикрлар тадқиқотчилар томонидан комплекс археологик тадқиқотлар натижалари асосида қайта кўриб чиқилди ва билдирилган мулоҳазалар кўп ҳолларда ўз тасдиғини топди. Уструшонанинг тоғли ҳудудларида кенг кўламдаги археологик тадқиқотлар олиб борилмаганлиги сабабли, бу ҳудудда жойлашган рустоқларнинг ўрнини

¹ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. С.47-48

² Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. С. 48-49.

аниқлаш масаласида бир қадар ноаниқликлар мавжуд¹. Юқорида таъкидлаганимиздек, Минк, Бискар, Бангам рустоклари ва Марсманда шахрининг жойлашган ўрни масаласидаги бўйича ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар бугунги кунда тадқиқотчилар зиммасида қолмоқда.

3.3. Уструшонанинг илк ўрта асрлар моддий маданияти

Қадимдан бир қанча маданий ўлкалар чорраҳасида жойлашган Уструшона ўлкаси халқлари моддий ва маънавий маданияти ўзига хос серқирра ва бой бўлиб келган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу ўлкада асосий археологик тадқиқотлар XX асрнинг 40-50-йилларидан бошланиб, ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Тарихан қисқа вақт ичида бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилди. Ушбу тадқиқотлар натижасида Уструшонада қайд этилган ва мажмуи тузилган археология ёдгорликларининг 60-65-фоизини илк ўрта асрларга оид қадимий маконлар ташкил этиши аниқланди. (8-расм). Аниқланган ёдгорликларнинг бир қисмида доимий стационар тадқиқотлар олиб борилди (7-расм). Бу ёдгорликларда ўтказилган археологик тадқиқотлар, Уструшонанинг илк ўрта асрлар даври моддий маданияти тараққиётини кузатиш имконини беради.

Қадимий Уструшона ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон Республикаларининг муайян ҳудудларида шаклланган ва фаолият кўрсатган. Уструшонанинг илк ўрта аср ёдгорликлари моддий маданиятининг ўрганилиш жараёнига шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, собиқ совет тузуми даврида, Ўрта Осиё бир нечта республикаларга бўлиниб кетиши сабали тадқиқотчилар Уструшонани бевосита бир неча ҳудудларга бўлиб ўрганганлар. Булар: 1. Шарқий ва жанубий – шарқий Уструшона. 2. Шимолий - ғарбий Уструшона. 3. Шимолий Уструшона.

¹ Тўйчибоев Б.Б. Ўрта асрлар Уструшонаси тоғ рустокларининг жойлашиши хусусида./ Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. VI тўплам. Тошкенти 2015. Б. 80-87.

1. Шарқий ва жанубий – шарқий Уструшона. Уструшона моддий маданияти тараққиётини ўрганишда муҳим аҳамият касб этувчи Шахристон воҳаси, жумладан, Шахристонсой, Катгасой, Басмандасой, Оқсув, Исфанасой сув ҳавзалари (шарқий ва жанубий – шарқий Уструшона), Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари ҳудудларига киради. Илк ўрта асрлар Уструшонаси бу қисмининг археологик харитаси ишлаб чиқилиб, ҳозирга қадар Қалаи Қахқаҳа комплекси (I, II, III), Муғтепа, Чилхужра, Тирмизактепа, Ўртақўрғон, Тоштемиртепа, Қалаи Сор каби қалъа ва манзилгоҳларда илмий тадқиқотлар олиб борилди.¹

2. Шимолий – ғарбий Уструшона. Илк ўрта асрлар Уструшонасининг нисбатан яхши ўрганилган яна бир қисми шимолий – ғарбий Уструшона номи билан юритилувчи Зомин, Пишағор, Равотсой, Сангзор сув ҳавзаси ва Жиззах воҳаси ҳудудларидир. Тадқиқотчилар томонидан турли йилларда шимолий – ғарбий Уструшона илк ўрта асрлар археология ёдгорликларини ҳисобга олиш, археологик харитасини тузиш, моддий маданияти ва унинг тараққиётини ўрганиш йўналишида илмий изланишлар олиб борилди. Шимолий-ғарбий Уструшона ҳудудида кенг кўламдаги қазилар ишлари олиб борилиб, илк ўрта асрларга оид Қинғиртепа, Қинғиртепа II, Алмантепа, Қалиятепа, Расулбойқултепа, Пардақултепа, Комилбоботепа, Ёқуббоботепа, Қизлартепа ва бошқа ёдгорликлар моддий маданияти ўрганилди. Шимолий – ғарбий Уструшонанинг илк ўрта асрлар ёдгорликлари мисолида ўлкадаги кўчманчи чорвадорларнинг ўтроқлашув жараёнлари, шаҳар ва қишлоқ ҳаёти тараққиёти масалалари тадқиқ этилди.²

¹ Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахристан. - Душанбе: Дониш. 1966., Негматов Н.Н., Пулатов У.П., Хмельницкий С.Г. Уртақурган и Тирмизактепа. - Душанбе: Дониш. 1973., Пулатов У.П. Чилхужра. // МКУ. Вып. 3. - Душанбе. Дониш. 1975., Рахимов Н.Т. История Ура-Тюбе по археологическим данным. АКД.-Самарканд. 1989., Пулатов У.П. Замок Тоштемиртепа. // АРТ (1975). Вып. XV. - Душанбе. Дониш. 1980. С. 303-316., Пулатов У.П. Раскопки Калаи Соре в 1983г. // АРТ (1983). Вып. XXIII. - Душанбе. Дониш, 1991. С. 47-57.

² Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АКД. -М., 1985., Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья. АКД. - Т.: 1995.

3. Шимолий Уструшона. Географик нуқтаи назардан шимолий Уструшона, деб аталаётган Уструшонанинг шимолий қисми, Шаҳристонсойнинг қуйи оқими, Хўжамушкентсой ҳавзалари ва худуднинг текислик чўл қисми (Сирдарё вилояти), археологик жиҳатдан ҳозирга қадар энг кам ўрганилган маданий воҳа сифатида қолмоқда. Бу худудда ўрганилган Мунчоктепа шаҳристони ва унинг атрофида олиб борилган кидирув ишлари Уструшона тарихининг ўрганилишида катта аҳамият касб этади.¹ Шимолий Уструшона худудида илк ўрта асрларга оид юздан зиёд ёдгорликлар аниқланиб, харитага туширилди.² Худудда ўрганилган Миқ манзилгоҳи, Култепа, Эски Ховос, Қўрғонтепа (Зомин) шаҳристонлари, Қўштепа ёдгорликлари илк ўрта асрлар Уструшоноси моддий маданиятининг кўплаб муаммовий масалалари ҳақида қимматли маълумотлар берувчи ноёб ёдгорликлар ҳисобланади.³

Уструшонода бугунги кунга қадар илк ўрта асрларга оид 27 та ёдгорликда стационар тадқиқотлар олиб борилган.

№	Даврлар.	IV – VI асрлар			VII – VIII асрлар	
		IV	V	VI	VII	VIII
1	Қалаи Қаҳқаҳа	xxxxxxxxxx			XXXXXXXXXXXXXXXXXX	
2	Мугтепа	XXXXXXXXXXXXXXXXXX			XXXXXXXXXXXXXXXXXX	
3	Чилҳужра	XXXXXXXXXXXXXXXXXX			XXXXXXXXXXXXXXXXXX	
4	Тоштемиртепа	XXXXXXXXXXXXXXXXXX			XXXXXXXXXXXXXXXXXX	
5	Кинғиртепа	XXXXXXXXXXXXXXXXXX			XXXXXXXXXXXXXXXXXX	
6	Октепа	XXXXXXXXXXXXXXXXXX			XXXXXXXXXXXXXXXXXX	

¹ Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг. // КСИИМК. Вып. XV. - М.-Л: 1947. С. 92-109.

² Аминжанова М. Археологическая разведка в Зааминском районе. // ИМКУ. Вып.8. –Т.: Фан.1969. С.137-142., Ртвеладзе Э.В., Исхаков М.Х., Маликов О.С. Исследования в Сурхандарьинской и Джизакской областях. // АО 1977г. М.: Наука, 1978. С. 536-537., Грицина А.А. Северная Уструшана в середине 1 тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. АКД. - Самарканд, 1990. С.23.

³ Грицина А.А. Северная Уструшана в середине 1 тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. (Археолого-топографическое исследование). АКД. -Самарканд, 1990, Сверчков Л.М. Поселение Мык – источник по истории средневековой истории Уструшаны. АКД. Самарканд. 1991., Древний Заамин / – Т.: Фан. 1994.

7	Ширин	Хххххххххххххххх	Хххххххххххххххх
8	Пардакултепа	Хххххххххххххххх	Хххххххххххххххх
9	Қалиятепа	Хххххххххххххххх	Хххххххххххххххх
10	Расулбойкултепа	Хххххххххххххххх	Хххххххххххххххх
11	Дўнгчатепа	Хххххххххххххххх	Хххххххххххххххх
12	Култепа	Хххххххххххххххх	Хххххххххххххххх
13	Эски Ховос	Хххххххххххххххх	Хххххххххххххххх
14	Азлартепа	хххххххххх	Хххххххххххххххх
15	Оқтепа (Зомин)	хххххххххх	Хххххххххххххххх
16	Жартепа	хххххххх	Хххххххххххххххх
17	Мунчоқтепа	Хххххххххххххххх	Хххххххххххххххх
18	Қўрғонтепа (Зомин)	Хххххххххххххххх	Хххххххххххххххх
19	Қўрғонча	хххххххххх	Хххххххххххххххх
20	Комилбоботепа	хххххххх	Хххххххххххххххх
21	Миқ		Хххххххххххххххх
22	Тирмизактепа		Хххххххххххххххх
23	Ўртақўрғон		Хххххххххххххххх
24	Қингиртепа		Хххххххххххххххх
25	Алмантепа		Хххххххххххххххх
26	Қалаи Сор		Хххххххххххххххх
27	Ёқуббоботепа	ххх	хххххххххххххххх

**Илк ўрта асрлар Уструшона археология ёдгорликлари
даврий тараққиёти¹.**

Қуйида биз худуднинг илк ўрта аср моддий маданияти тараққиётини юқоридаги, тадқиқотлар олиб борилган ёдгорликлар меъморчилиги, хунармандчилиги ва бошқа соҳалари асосида кўриб чиқамиз.

Меъморчилик. Уструшона меъморчилиги бир неча йўналишларда ривожланган. Бунга шаҳарсозлик, хашаматли иншоотлар, тураржой, бинокорлиги ва мудофаа тизимлари меъморчилиги киради.

Маълумки, тарихий Уструшона худуди тоғ, тоғ-олди ва текислик худудларда жойлашган. Шу сабабли, Уструшона

¹ Изоҳ - хххх - белгиси ёдгорликнинг фаолият кўрсатган даври.

меъморчилиги турли қурилиш материалларидан: воҳа ва текислик қисмида хом ғишт ва пахсадан (25,26,27-расмлар), тоғли ҳудудларда тошдан кенг фойдаланилган (Қалаи Сор, Минк). Кўпгина иншоотлар аксарият ҳолларда баландлиги 2-3 м ли платформалар устида пахса ва хом ғиштан, кўп ҳолларда эса фақат пахсадан қурилган. Баъзан бу пахса деворларга бир ёки икки қатор хом ғишт билан қўшимча қўшилган. Айрим деворлар фақат ғиштлардан қурилган. Шу билан бирга, баъзи ҳолларда пахса ва хом ғиштлар билан аралаш урилган қурама деворлар ҳам учрайди. Бундай деворларда хом ғишт турли усулларда теришиб, ўзига хос бадий безак ҳам ҳосил қилинган (36-расм).

Эшик ва дераза пештоқлари, «арча» кўринишида териб ҳосил қилинган арка (гумбазсимон) усулида қурилган (42-расм). Бундай арксимон эшик пештоқлари хом ғиштларни турли усулда терилишидан ҳосил қилинган бир қанча шакллари учрайди. Шу билан бирга ёғоч-пештоқли эшик ўринлари ҳам қурилишда кўп қўлланилган. Эшик учун тошдан ясалган «ошиқ-мошиқ»лардан фойдаланилган (91-расм).¹

Баъзи Уструшона қалъаларида турли шаклдаги: тўртбурчак, юмалоқ, трапеция ва бошқа кўринишдаги ёруғлик кириб турувчи ва ҳаво алмаштириб турувчи шинак-туйнуклар мавжуд бўлган. Эшикларнинг уст қисмида жойлашган, ёруғлик тушиб турувчи туйнукларда ёғоч панжаралар ҳам бўлган.

Уструшонада биноларни кубба, гумбаз шаклида ёпиш кенг тарқалган. Хом ғиштни турли усулларда теришдан ҳосил қилинган гумбазларнинг бир қанча шакллари мавжуд бўлган. Шу билан бирга ёғоч ёрдамида, текис қилиб ёпилган иншоотлар ҳам кўплаб учрайди (46-расм). Бу иншоотларда ёғочнинг устидан қамиш ёпиб, лой босилган ва сомон сувоқ қилинган. Одатда, устун ва вассалар ўйма безаклар билан безатилган. Хона шифтлари айрим ҳолларда “рузани” усулида ёпилиб уларнинг марказида ёруғлик тушиб турувчи туйнуклар

¹ Пардаев М.Х. Шимолий-ғарбий Уструшона қишлоқ қурилиши меъморчилигининг илк ўрта асрлардаги айрим хусусиятлари. // ЎММТ. 28-нашри. -Самарқанд. Суғдиёна, 1997. Б. 142-148.

ҳосил қилинган. Баъзи бинолар шифтларидаги вассалар безалиб бутун бир бадий композицияни ҳосил қилган.

Уструшона биноларида учрайдиган пандуслар, асосан, икки тур, оддий ва мураккабга бўлинади. Оддий пандуслар икки ёки уч бурилишли, юқорига кўтарилиб борувчи йўлак кўринишидадир (Ўртақўрғон, Тирмизактепа) (39-расм). Мураккаб пандусларнинг бир неча турлари учрайди. Уларнинг бири (Қалаи Қаҳқаҳа II) икки томони паҳса деворли, олти бурилишли пандус, иккинчиси (Чилхужра) бурчакдаги минорада жойлашганлиги сабабли, спиралсимон айлана шаклидадир. Бу пандуслар, мустаҳкамлигини ошириш мақсадида марказга томон интилувчи, қиясимон қилиб қурилган ва ёруғлик тушиб турувчи туйнуқлар билан жиҳозланган.

Меъморий иншоотларнинг барчасида тантаналар, турар жой, хўжалик хоналари ва ҳатто баъзи каридорлар қурилиши таркибида хом ғиштдан қилинган супалар мавжуд бўлган. Улар одатда хона ва йўлак деворларига туташ қилиб қурилган. Тантаналар хоналари ва йўлаклардаги баъзи супалар ҳажмининг кенглиги ёки баландлиги ҳисобига ажралиб туради. Айримлари зиналар билан жиҳозланган. Қимматбаҳо гиламлар билан тўшалган бундай баланд супалар, ёғоч ва металл тиргакли гулдор, қимматбаҳо чодирлар ва деворлардаги бой тасвирий санъат намуналари, хоналарнинг тантанавийлик руҳини янада кучайтирган. Бундай безакли супалар Ўртақўрғон, Чилхужра ва Қалаи Қаҳқаҳа I саройларида учрайди.¹

Умуман олганда, Уструшона қурилиш меъморчилиги, бадий ўймакорлик, тасвирий ва халқ амалий санъатлари билан уйғунлашиб кетган. Уструшона бинокорлигида қўлланилган меъморий усуллар ўрта асрларда Уструшона меъморчилигининг юксак бадий ва муҳандислик даражасидан, қўшни ўлкалар меъморчилик мактаблари билан яқин ҳамкорлик алоқаларидан далолат беради.

¹ Негматов Н.Н. Уструшанский компонент среднеазиатской культуры раннего средневековья.// Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. – Душанбе. 1977 б. С. 12-19.

Шаҳарсозлик. Илк ўрта асрларда Уструшона шаҳарсозлиги тараққиётини, асосан, Қалъаи Қаҳқаҳа (I,II,III) шаҳристони комплекси, Муғтепа, Қалиятепа, Ўрдатепа, Култепа, Оқтепа (Нов) ёдгорликлари материаллари асосида кузатишимиз мумкин. Илк ўрта аср шаҳарсозлигининг хусусиятли жиҳатларидан бири – шаҳарнинг қишлоқдан собит ажралиб чиқа бошлашидир. Агар қадимда шаҳарлар деҳқончилик вилоятларининг марказларигина бўлган бўлса, илк ўрта асрларга келиб улар хунармандчилик ва савдо марказларига ҳам айлана бошлади. Шаҳарларда моҳир хунарманд, савдогар, зодагонлар, диний ва дунёвий ҳокимиятнинг юқори табақа вакиллари, ҳукмдорлар, қишлоқ, қалъа ва кўрғонларда эса деҳқон, чорвадор, феодал аристократия, қишлоқ хунармандлари жойлашган.¹ Уструшона шаҳарсозлигининг илк ўрта асрлардаги яна бир хусусиятли томони, шаҳар ва қишлоқлар тараққиётидир. Айрим йирик қишлоқ манзилгоҳларининг аста-секинлик билан шаҳар даражасига кўтарилиб бориши, ёки айри қалъа ва майда манзилгоҳларнинг шаҳардаги сарой ва турар жойлар каби жиҳозлана бошлагани бунга мисол бўлади. Шунингдек, бу даврда чорвадорлар «ўртоқлашув»ининг оммавий тарзда амалга ошуви натижасида, деярли барча сувли воҳалар ўзлаштирилади. Бунинг натижасида битта йирик марказий шаҳар атрофида ўн ва ундан зиёд қишлоқ маконлари вужудга келади.² Ўрта Осиё меъморчилигининг қадимий анъаналарининг илк ўрта асрлар Уструшона меъморчилигида

¹ Негматов Н.Н. Уструшанский компонент среднеазиатской культуры раннего средневековья.// Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. – Душанбе. 1977 б. С. 12-19., Пардаев М.Ҳ. Уструшона аҳолисининг шаҳарлашув тарихига оид айрим мулоҳазалар (мил. эр. ол. VII - VI асрлардан – мил. IX - XII асрларга қадар). // Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихининг ўрганилиши. Гулистон. 2007. Б. 5-7.

² Негматов Н.Н. К проблеме компактных селений Уструшаны и Ходжентской области в средние века.// МКТ. Вып.3. –Душанбе: Дониш. 1978. С. 146-164. Негматов Н.Н., Пулатов У.П., Хмельницкий С.Г. Уртакурган и Тирмизактепа. - Душанбе: Дониш. 1973., Пулатов У.П. Чильхуджра. // МКУ. Вып. 3. - Душанбе. Дониш. 1975., Пардаев М.Ҳ., Убайдуллаев И.Ҳ. Қизлартепа ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар хусусида. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2010-2011 йиллар. Самарқанд, 2012.

сақланиб келганлиги шаҳарсозликдаги яна бир хусусиятли томонидир (35,41,43,45-расмлар).

Асримиз бошида В.В.Бартольд томонидан «Острушанада шаҳар ҳаёти кам ривожланган эди»¹ деб билдирилган фикри кейинги йиллардаги тадқиқотлар натижасида ўз исботини топмади. Тадқиқотчилар Уструшона шаҳарсозлиги худуддаги йирик шаҳарлар меъморчилиги ва ҳаёт кечириш қулайликлари (даражаси) нуқтаи назаридан бу даврда Марказий Осиёнинг бошқа вилоятлари (Чоч, Фарғона, Хоразм) шаҳарсозлигининг ривожланиши даражасига етмаса ҳам ўзига хос салмоққа эга бўлганлигини таъкидлайдилар.²

Қалъа мудофаа меъморчилиги. Ёзма манбалар маълумотларига кўра Уструшона «кенг ва муҳим ўлка»лардан бири бўлиб, унинг «тўрт юз қалъа-работи» бўлган.³ Ўрта аср муаллифлари Уструшонани тўғридан-тўғри «қалъа-работлар мамлакати» деб эътироф этишган. Шу сабабли, Уструшона худудида кўплаб қалъаларнинг моддий маданияти ўрганилган. Бу қалъалар асосан географик жиҳатдан қулай, ягона иқтисодий тизимни ташкил этувчи кичик воҳалар марказида ёки уларнинг ҳарбий нуқтаи назардан асосий стратегик нуқталарда, хусусан чегара мавзеларида жойлашгандир. Бу қалъаларнинг баъзилари, кейинчалик шаҳар марказларига

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. // Соч. Т. I. – М.: Наука. 1963. С.222., Тўйчибоев Б.Б., Гулбоев Б. Илк ўрта аср Уструшона шаҳарсозлигининг ўрганилиш тарихи хусусида. “Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика VII илмий конференциясининг материаллари. Тошкент 2015. Б. 250-353.

² Негматов Н.Н., Мамаджонова С.М. Бунжикат - средневековая столица Уструшаны. // Градостроительство и архитектура. - Т.: Фан. 1989. С. 91-99., Грицина А.А. О средневековых городах Северной Уструшаны.// Социально-пространственные структуры в социальной характеристике культурно-исторического процесса. ТД международной конференции.- М., 1992. с.152-153. Пардаев М.Х., Пардаев А.Х., Пардаев Ш.М. Жиззах воҳасида шаҳар маданиятининг падо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (ёзма ва археологик манбалар асосида). Ўзбекистон археологияси. №1, Самарқанд, 2014. Б. 15-38., Тўйчибоев Б.Б. Уструшонада урбанизацион жараёнлар ва давлатчилик тизимининг шаклланиши хусусида. /“Уструшона Буюк ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий анжумани материаллари. Гулистон.2016. Б-170-174.

³ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. С.34-35.

айланган, йирик қишлоқларнинг асосини ташкил этган (Нов яқинидаги Оқтепа ёдгорлиги).

Уструшона ҳудудида, Кушон империяси таназзулидан кейин, асосан, илк ўрта асрларга келиб аҳоли кенг кўламда ўтроқлаша бориб, турар жой сифатида шаҳар ташқарисида кўплаб қалъа-работлар қурила бошланди.¹ Ҳудуддаги илк қалъа-работлар қурилиши, ривожланиш жараёнлари, меъморчилик анъаналари ва режалаштириш усуллари давомийлигини юқоридаги ёдгорликлар моддий маданияти асосида кузатишимиз мумкин.

Уструшона қалъа меморчилигининг таҳлили уларни бир неча турларга ажратиш имконини беради. 1. Ўзида тантаналар зали, турар жой, ибодатхона, хўжалик хоналари, йўлаклар, бой безаклар (деворий тасвир, ёғоч ўймакорлиги), қудратли мудофаа тизимини мужассам этувчи, мураккаб режали қалъалар (Чилхужра, Ўртақўрғон) (39-40-расмлар). 2. Бадиий безакларсиз, ички режаси унча мураккаб бўлмаган «тароксимон йўлак» усулида қурилган қалъалар (37-расм) (Қинғиртепа, Ширин, Тирмизактепа, Алмонтепа I).

Илк ўрта аср Уструшона қалъа-работлари қурилишининг илк босқичига оид асосий ёдгорликлар режаси, тароксимон йўлак ҳамда марказдан ўтувчи асосий каридор усулида бўлган. Марказдан ўтувчи умумий тор йўлак ва унинг икки томонидаги қарама-қарши жойлашган хоналар турли функцияларни бажарган. Кейинги даврларда бу режалаштириш усули анъанавий тарзда давом этиб, муваффақиятли ўзгаришларни қабул қилган. Хусусан, қалъа работлар меъморчилигида марказий йўлак сақланган ҳолда, барча хоналарни ўраб олувчи айланма йўлак пайдо бўлган ва бу билан иморат ички мудофаа қудрати янада кучайтирилган. Жиззах воҳасидаги Комилбобатепа, Алмантепа II ёдгорликларини ушбу тоифага киритиш мумкин.² Араб истилоси арафасида Уструшонанинг қурилиш меъморчилигида

¹ Работ-шаҳарнинг учинчи узвий қисми, хунурмандлар маҳалласи, савдо жойи. Работ-мудофаа мақсадида (турли жойларда) қурилган ҳарбий иншоат.

² Пардаев М.Х. К вопросу об эволюции планировки замков рабатов в Северо-западной Уструшане.// Я.Гулямов и развитие исторической науки в Узбекистане. - Т., 1988. С. 72-73.,

«тароқсимон йўлаклар» комплекси кенг тарқалиши билан бирга, бу усулнинг анча мураккаблашган кўринишлари ҳам пайдо бўлган.¹

Умуман олганда, бу йўналишдаги тадқиқотлар, мутахассислар олдига янгидан-янги муаммовий масалаларни кўймоқда. Ўзида бетакрор ҳашаматли тасвир ва бадиий санъат намунасини мужассам этган илк ўрта асрдан Уструшона қалъа иншоотлари, чуқур ўйлаб, мушоҳада қилинган меъморий усуллар ва шакллар асосида яратилгандир. Улар ўз даври маънавий ҳаётининг ижодий маҳсулини акс эттириш билан бирга Уструшона меъморий мактабининг қадимий анъаналарининг тараққиёт қонуниятларини ҳам очиб беради. Уструшона қалъа меъморчилиги тараққиётида, Суғд, Чоч, Тоҳаристон, Фарғона меъморчилиги илдизлари билан бирга, Мовароуннаҳр меъморчилигининг қадимий илдизларига бориб тақалувчи ўзига хос Уструшона меъморчилиги мактаби яратилганлигини кўришимиз мумкин. Бу йўналишда фаолият кўрсатган тадқиқотчиларнинг фикрлари ва хулосалари, ҳар бири алоҳида олинган мураккаб қурилиш-меъморчилик тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Илмий изланишлар, тадқиқотчилар олдига бу муаммоларнинг ечимига кенг ва атрофлича ёндашиш билан бир вақтда, келажакда Уструшона меъморчилик мактабининг Марказий Осиё ва умуман Шарқ халқлари меъморчилигида тутган ўрни ва аҳамияти масалаларига алоҳида эътибор билан қараш каби вазифаларни юклайди. Илмий тадқиқотлар натижалари, илк ўрта асрлар Уструшона қурилиш анъаналарининг IX-XII асрлар қалъа-қўрғон меъморчилигида собит сақланиб қолганлиги ва ривожлантирилиб борганлигини кўрсатади. Уструшона мудофаа меъморчилиги, тадқиқотчилар томонидан алоҳида олинган айрим ёдгорликларда нисбатан яхши ўрганилганлигига қарамасдан, бу тадқиқотлар ҳудуднинг умумий яхлит мудофаа меъморчилиги хусусиятларини тўла очиб бериш имкониятига эга эмас. Бу масалада ўз ечимини

¹ Пардаев М. Сангзар ҳавзасининг илк ва ўрта асрлар қалъа-работлари. / Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. // Республика ёш тарихчи олимлари анжумани маъруза баёнлари. 16-17 март. - Самарқанд. 1992. б. 62-63.

кутаётган муаммовий масалалар мавжуд бўлиб, бу муаммолар алоҳида мавзу сифатида ўрганишни талаб қилади.

Уструшонанинг илк ўрта аср ҳунармандчилиги. Уструшона хўжалигининг, хусусан, деҳқончилик, чорвачилик ва фойдали қазилмалар қазиб олишнинг ривожланиши, ҳунармандчиликнинг тараққиёти учун ҳам кенг йўл очиб берди. Ҳунармандчилик, бир томондан, моддий ишлаб чиқариш маҳсулоти сифатида халқ эҳтиёжини қондирса, иккинчи томондан халқнинг ўша даврдаги маънавий маданиятини белгилаб берувчи омил ҳисобланади. Шу жиҳатдан, ҳунармандчилик фанда халқнинг ўша давр моддий ва маънавий маданияти ҳақида маълумот берувчи муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Уструшона ҳунармандчилигида энг кенг тарқалган соҳа, бу кулоллик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлган.

Кулоллик комплекси. Сопол идишлар археологик қазувтадқиқотлари жараёнида энг кўп қайд этиладиган оммавий ашёвий топилмадир. Баъзи ҳолларда маълум ёдгорлик ва комплекслар даврий санасини белгилашда сопол идишлар намуналари каби муқобил моддий-маданият ашёларни топиш мушкул. Шунинг учун, сопол идишларни турларга бўлиб, тоифаларга ажратиб ўрганиш ва бунинг натижасида, даврийлик мезонларини аниқлаш археологик тадқиқотларда энг муҳим методик вазифалардан биридир.

Уструшона кулоллик комплекси тараққиётини бир неча йўналишларда кузатишимиз мумкин. 1.Кулоллик ҳунармандлиги марказлари. 2.Сопол идишлар комплекси.

1. Илк ўрта аср кулоллик ҳунармандлиги марказлари Уструшонанинг бир неча мавзеларида аниқланган. Булар Галатепа (Калининободдан шимолий-ғарбда), Сои Гургхона (Шаҳристоннинг жанубий – шарқий қисмида) ва Сари Кубурдан (Ўратепа) аниқланган кулолчилик хумдонлари (80-расм), сополсоз усталарнинг ишлаб чиқариш марказлари ва синиқ, яроқсиз ҳолга келган идишлар ташланадиган ўралардан иборат.¹

¹ Самойлик П.Т. Обжигательные печи Ура-Тюбе и Шахристана. // ТД сессии, посвященной итогам полевых археологических исследований в 1972г. в СССР. - Т.:

Уструшона кулоллик марказлари бирор бир соҳага (масалан, Шаҳристон кулоллари сутни қайта ишлашга мўлжалланган идишлар, кўчма ўчоқлар ишлаб чиқаришга) ихтисослашгандир. Бу манзилгоҳлар маълум бир маънода илк ўрта аср Уструшона кулоллик марказлари тараққиёти даражасини кўз ўнгимизда тиклаб, шаҳар (Сари Кубур, VII-VIII асрлар, Сои Гурхона VIII-XI асрлар) ва қишлоқ (Галатепа, V-VI асрлар) кулоллари маҳсулотлари ҳақида маълумот беради.

2. V-VI асрларга келиб янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, феодал ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши ва шакллана бориши сабабли хўжалиқда туб бурилишлар юз берди. Илмий адабиётлар бу даврда Ўрта Осиё худудига янги этник гуруҳларнинг кела бошлаши таъкидланади. Сопол ишлаб чиқаришда катта ўзгаришлар юз беради (60,62,65,72,73,74,75,76-расмлар), кўлда ясалган идишлар кўпаяди. Ангобнинг сифати ўзгаради унга бўлган талаб тушиб, ангоб билан қопланган идишлар сони камаяди. Бу вақтга келиб баланд тагликли қадахлар йўқолиб, кружкалар кенг муомалага киради. Илк ўрта асрларга оид кулоллик хумдонлари (Галатепа) юмалоқсимон режали, икки бўлмадан иборат.¹ Хумдонларда кулоллик чархида ясалган идишлар билан бир вақтда, кўлда ясалган идишлар ҳам пиширилган.

Сопол идишлар ангоб қопламасининг йўқолиши асосан VI-VIII асрларга хосдир. Уларнинг ўрнига идишлар сув билан осон ювиладиган қизил рангга бўялган (93-расм). Бу даврда косалар шаклининг кескин ўзгариши кузатилади. Олдинги чуқур косалар ўрнига унча чуқур бўлмаган, ён девори энли ва ясси косалар кенг ёйилади (89,90-расмлар). Бу даврда ҳам кўлда ясалган сопол идишлар кўп учрайди.

Умуман олганда, Уструшона кулоллиги тараққиёти маълум бир даврлар асосида тикланган (59,61,63,64,66-71,77-

Фан. 1973. с. 165-166., Самойлик П.Т. Обжигательная керамическая печь из Галатепа. // МКТ. Вып. 3. -Душанбе: Дониш. 1978. С. 203-207., Самойлик П.Т. обжигательные печи Бунжиката (IX–XI вв). // АРТ (1979). Вып. XIX. –Душанбе: Дониш. 1986. С.404-412.

¹ Самойлик П.Т. Обжигательная керамическая печь из Галатепа. // МКТ. Вып. 3. - Душанбе: Дониш. 1978. С. 203-207.

расмлар). Ўрта Осиёда феодал муносабатлар қарор топган V–VI асрларда Уструшона иқтисодий ҳаётида кўтарилиш юз берди. Шаҳарлар маълум бир туман, рустокнинг сиёсий ва иқтисодий маркази сифатида майдонга чиқади ва яқин атрофдаги деҳқончилик воҳаларини бирлаштиради. Бу эса араб истилоси олдидан бошланган феодал тарқоқликнинг бир кўриниши эди.

Уструшона моддий ёдгорликларида аниқланган сопол идишлар намуналарининг илмий таҳлили, бу комплексларни даврлашда бирмунча мураккабликларни келтириб чиқаради. Мураккабликнинг биринчи сабаби, мазкур регион сопол идишлари учун даврларни белгиловчи хронологик жадвалнинг йўқлигидир. Бундан ташқари, Уструшонанинг ўтроқ деҳқончилик воҳалари Ўрта Сирдарё кўчманчилари билан чегара мавзелари, турли хусусиятли моддий-маданиятларнинг учрашув жойи, «чорраҳа»си бўлганлиги сабабли, бу ҳудудда маданиятларнинг ўзаро таъсир ва қоришув даражасининг юқори эканлигидир.

Илк ўрта асрлар Уструшона ҳунармандчилигининг яна бир йўналиши бу темирга ишлов бериш соҳасидир. Уструшонада ишлаб чиқарилган темир маҳсулотларнинг узок ўлкаларда ҳам машҳур бўлганлиги ва темир қуроллар четга олиб чиқиладиган асосий экспорт маҳсулот эканлиги ҳақида ёзма манбаларда кўплаб маълумотлар учрайди. Ёдгорликларда олиб борилган қазув тадқиқотлар натижасида топилган кўплаб темир, жез, мис (ҳарбий ва меҳнат қуроллари, асбоблар, хўжалик буюмлари, тақинчоқлар) топилмалари, тадқиқотчилар томонидан моддий комплексининг ажралмас таркибий қисми сифатида илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб келинган. Олиб борилган қазув тадқиқот ишлари натижасида кўплаб темирдан ясалган деҳқончилик ва ҳарбий қуроллар, ҳунармандчилик асбоблари, жез ва мисдан ясалган хўжалик ва заргарлик буюмлари топилди. Бу топилмаларни тадқиқотчилар юксак даражада ишлов берилган санъат асари сифатида эътироф этишган. Темирга ишлов бериш марказлари масаласи тадқиқотчилар ўртасида узок вақтлардан бери тортишувларга сабаб бўлиб келаётган муаммолардан биридир.

Миқ қалъасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган янги маълумотлар, Уструшона темирчилиги, хунармандчилиги соҳасидаги мавжуд муаммовий масалаларга маълум даражада ойдинлик киритишга имкон берди.¹

Металл комплекси топилмалари археолог тадқиқотчилар томонидан илмий жиҳатдан ўрганилган бўлсада, заргарлик соҳасидаги топилмалар санъатшунослик нуқтаи назаридан махсус ўрганилмаган соҳадир

Илк ўрта асрлар Уструшона дафн ёдгорликлари. Ўрта Осиёнинг тарихий - маданий ҳудудлари дафн ёдгорликлари ва улар билан боғлиқ диний таълимотлар, қатор йиллар давомида тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб келаётган долзарб мавзулардан бири. Кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида уструшоналикларнинг илк ўрта асрлар дафн ёдгорликлари ва диний таълимотлари ҳақида маълумот берувчи кўплаб ёдгорликлар аниқланиб, ўрганилди.

Илк ўрта асрларда уструшоналиклар диний тасаввурлари ҳақида кенгроқ маълумот олиш мақсадида олиб борилган илмий изланишлар натижалари, тадқиқотчилар олдига бир қанча муаммоларни қўйди.

Таниқли археолог тадқиқотчи М.М.Дьяконов «Уструшона қадимдан деҳқончилик ҳудуди бўлган ва бу ерда кўчманчи чорвадорлар маданияти қолдиқларини қидиришга асос йўқ» деган фикрни билдирган эди.² Аммо кейинчалик Н.Н.Негматов, Е.Д.Салтовская, Т.П.Кияткина, Р.З.Авзалов, П.Т.Самойлик, А.А.Грицина, М.Ҳ.Пардаев, Ф.Тошбоевлар томонидан Тепаи Пиримуҳаммад, Майдонсой, Кўрпасой, Гулбо, Моргузор қабристонлари ва мозорқўрғонлари мажмуасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўчманчи чорвадор қабилаларга оид бир қатор қабрлар ўрганилиб,

¹ Сверчков Л.М. Поселение Мык - источник по истории средневековой Уструшаны.: Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. - Самарканд, 1991. -120с. // Г 4(2) 457. С. 67. Номер печати 4824., Сверчков Л.М., Папахристу О.А. Традиции ножевщиков Средней Азии. // ОНУ. - 1990. - № 7. С. 46-53.

² Дьяконов М.М. Перспективы археологического изучения Таджикистана. Тр АН ТаджССР, т. XXIX. Сталинабад., 1951. С.23.

юқоридаги фикрлар рад этилди. Тадқиқотчилар томонидан бу ёдгорликлардаги қабр шакллари, турлари, тузилиши таҳлил қилинди.¹

Илк ўрта асрларда шимолий-ғарбий Уструшона худудида кўчманчи чорвадорлар маданиятининг таъсири кучаяди.²

Дафн ёдгорликлари, чорвадорлар ва зироатчилик билан шуғулланувчи маҳаллий аҳоли ўртасидаги муносабатларни ўрганиш билан бир вақтда худуднинг умумий иқтисодий, сиёсий-ижтимоий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, бу муаммо, кўпгина сир-синоатларга ҳаққоний жавоб берувчи масала сифатида махсус ўрганилиш лозим бўлган долзарб вазифадир.

Манбаларнинг таҳлили, худудга ислом дини кириб келишдан олдин уструсоналиклар, шартли равишда маҳаллий маздаизм, деб номланувчи зардуштийликнинг ўзига хос Ўрта Осиё шаклига топинганлигини кўрсатмоқда.³ Фикримизча, хум ва мумтоз остадонлар, қоя даҳмалари (Куркат қишлоғи яқинидаги Ширин шаҳристони қабристони – 94,95,96-расмлар) - бунга ёрқин мисол бўла олади. Қоя даҳмаларда жасадни, даҳмага кўйиш, кўмиш билан бирга, устихондан тозаланган суякларни хум остадонларга солиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу манбалар уструсоналикларнинг серқирра маънавий ҳаёти, диний тасаввурлари ҳақида маълумот бериб, кўмиш усулларида турли хил анъаналар бўлганидан далолат беради (101-104-расмлар).⁴ 1980 йилда Қўрғонтош (Шаҳристон

¹ Негматов Н.Н., Салтовская Е.Д., Кияткина Т.П. Изучение погребальных памятников, кочевников на территории Уструшаны. // ТИИ АН Тадж. ССР. Т. XXVII.-Сталинабад., 1961. С. 137 - 146., Авзалов Р.З., Самойлик П.Т. Майдансайское погребение. // АРТ (1976). Вып. XVI. - Душанбе. Дониш. 1982. С. 328 - 330., Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И. Шимолий - ғарбий Уструшонада зардуштий қавмлар излари. // Ўзбекистон Археологияси. №(2)3, Самарқанд, 2011.

² Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья. АКД. - Т.: 1995. С.16.

³ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. С.73-78.

⁴ Авзалов Р.З., Самойлик П.Т. Майдансайское погребение. // АРТ (1976). Вып. XVI. - Душанбе. Дониш. 1982. С. 328 - 330., Гайдукевич В.Ф. Могильник близ Ширинсая в Узбекистане. // СА. - 1952. - №: XIV. С. 331-359., Самойлик П.Т. Погребения в хумах у селения Паши и Расравут. // АРТ (1970г). Вып.10. -Душанбе. Дониш. 1973. С. 293-294., Самойлик П.Т. Новые пункты захоронений в хумах и оссуариях на территории Уструшаны. // Материалы юбилейной конференции молодых ученых АН. Тадж.ССР. (ООН). - Душанбе. Дониш. 1976. С. 140-143., Пулатов У.П. "Дом

яқинида), деб аталувчи жойда аниқланган даҳма (наус)лар ҳам, юқоридаги фикримизни исботлайди.¹

Уструшона худудида ўрганилган турли шакл ва кўринишдаги дафн ёдгорликлари уструшоналиклар диний дунёқарашидаги ранг-барангликдан далолат бериб, келажакда бу йўналишдаги тадқиқотлар янада чуқурроқ ва кенгроқ олиб борилиши лозимлигини кўрсатади.

Дафн ёдгорликлари ва бошқа иншоотларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида уструшоналиклар дунёқарашидаги тотемистик тушунчалар ҳақида маълумот берувчи кўплаб топилмалар аниқланган. Ҳайвон образига, хусусан ит, бўри, қуён, отга сиғиниш билан боғлиқ топилмалар кейинги йилларда бу масаланинг ўрганилишига сезиларли ойдинлик киритди.²

Уструшоналиклар илк ўрта асрларда зардуштийликнинг ўзига хос маҳаллий, Ўрта Осиё шаклидаги кўринишига ва бошқа диний таълимотларга топинганлиги ҳақидаги ёзма хабарлар археология топилмалари билан тасдиқланган. Дафн ёдгорликлари қолдиқлари ва топилмалари географик жиҳатдан тоғ, тоғ олди ва текислик ҳудудларни ўз ичига олган Уструшонада кўчманчи чорвадорлари ва ўтроқ зироаткорлари, нафақат иқтисодий, балки маънавий жиҳатдан ўзаро яқин алоқада бўлганлигидан ва бу алоқалар ўлканинг умумий маданияти шаклланишида катта аҳамият касб этганлигидан далолат беради.

огня" в Уструшане. // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. - Душанбе: Дониш. 1977. С. 77-79., Пулатов У.П. Раскопки Калаи Сора в 1977г. // АРТ (1977). Вып. XVII. - Душанбе: Дониш. 1983. С. 236-243., Мирбабаев А.К. О работах Куркатского отряда в 1978г. // АРТ (1978). Вып. XVIII. - Душанбе. Дониш. 1984. С. 326-334., Пардаев М.Х. Зардуштийлик ва унинг илк ислом давридаги айрим кўринишлари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар (ОНУ). – 1995. - № 5-6-7-8. - Б. 36-41., Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр ва Великом шелковом пути. Самарканд-Бишкек. 2006. с.121-129.

¹ Джумаев В.К. Изучение погребальных сооружений в районе Шахристана. // АРТ (1983г). Вып. XXIII. - Душанбе: Дониш. 1991. С. 58-61.

² Гайдукевич В.Ф. Могильник близ Ширинсая в Узбекистане. // СА. - 1952. - №: XIV. С. 334., Авзалов Р.З. Культурный комплекс жилого квартала Бунжиката. //ТД Ресубликанской конференции молодых ученых и специалистов (сектор истории и педагогики). - Душанбе., 1977. с.44., Пардаев М.Х. Кўй ва бўри рухига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар (ОНУ). - 1995е. -№:1,2,3. Б. 42-46. 97-расм.

Уструшона ёдгорликларидан топилган халқ амалий санъати намуналари, деворий суратлар, ҳайкалчалар, тақинчоқлар ва қимматбаҳо буюмлар (99,100-расмлар) қадимий уструшоналиклар моддий маданиятининг тасвирий санъат соҳаси тараққиётини очиб беради.

Илк ўрта асрлар Уструшонаси моддий маданияти ва унинг тараққиётини ўрганиш жараёнини таҳлил қилиш асосида, қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

1. Сўнгги маълумотларга кўра, Уструшона ҳудудида илк ўрта асрларга оид 450 дан ортиқ ёдгорлик аниқланиб, уларнинг яхлит археологик харитаси тузишга имконият яралди. Бу эса қисман бўлсада, Уструшонанинг V – VIII асрлардаги қишлоқ ва шаҳар маданияти ҳудудларини, ўзлаштирилган воҳаларнинг даврийлик хусусиятларини аниқлашда, урбанизация, демография масалаларини тасаввур қилишга имконият яратади.

2. Мунчоқтепа, Қалаи Қаҳқаҳа (I,II,III) шаҳар ёдгорликлари, Тирмизактепа, Ўртақўрғон, Чилхужра, Тоштемиртепа, Қинғиртепа, Алмантепа I-II, Пардакултепа, Комилбоботепа, Дўнгчатепа қалъалари ва Мик манзилгоҳларида қазув тадқиқот ишлари якунланиб, бу ёдгорликларнинг Уструшона иқтисодий, ижтимоий ва моддий маданияти борасидаги тарихи илмий муомалага киритилди. Қалиятепа, Култепа, Зомин, Эски Ховос ёдгорликларида тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

3. Ҳудуднинг тарихий топографияси, моддий маданияти, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳаёти муаммоларига қаратилган бу тадқиқотлар, илк ўрта асрлар моддий маданияти тараққиётини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади;

4. Илк ўрта асрларда Уструшона шаҳарсозлиги ҳудуддаги йирик шаҳарлар меъморчилиги ва ҳаёт кечириш қулайликлари (даражаси) нуқтаи назаридан бу даврда Марказий Осиёнинг бошқа вилоятлари (Чоч, Фарғона, Хоразм) шаҳарсозлиги ривожланишига ўхшаб тараққий этди ва Ўрта Осиё икки дарё оралиғида катта салмоққа эга бўлди.

5. Уструшонанинг илк ўрта асрлар қурилиш меъморчилик маданияти, бадий ўймакорлик, тасвирий ва халқ амалий

санъатлари билан уйғунлашиб кетгани аниқланди. Қўлланилган меъморий элементлар, Уструшона қурилиши бунёдкорлигини юксак бадий ва муҳандислик даражасидан, қўшни ўлкалар меъморий бунёдкорлик мактаблари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлигини кўрсатади.

6. Уструшона хўжалигининг, хусусан, деҳқончилик, чорвачилик ва фойдали қазилмалар қазиб олишнинг ривожланиши ҳунармандчиликнинг тараққиёти учун ҳам кенг йўл очиб берди. Уструшона ҳунармандчилигида кенг тарқалган соҳа, кулоллик тараққиёти илк ўрта асрнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлари уйғун тарзда содир бўлгани аниқланди. Ўрта Осиёда феодал муносабатлар қарор топган V-VI асрларда Уструшона иқтисодий ҳаётида кўтарилиш юз берди. Шаҳарлар маълум бир туман, рустокнинг сиёсий ва иқтисодий маркази сифатида майдонга чиқди ва яқин атрофдаги деҳқончилик воҳаларини бирлаштирди.

7. Уструшона моддий ёдгорликларида аниқланган сопол идишлар намуналарининг илмий таҳлили, бу комплексларни даврлашда бирмунча мураккабликлар келтириб чиқарар эди. Ушбу муаммога шимолий-ғарбий Уструшонанинг илк ўрта асрлар ёдгорликларидан топилган сопол идишлар намуналари асосида аниқликлар киритилди. IV-VIII асрга оид сопол идишларнинг турлари, тоифалари, амалда қўлланиш хусусиятлари ишлаб чиқилди ва илмий муомалага киритилди.¹

8. Уструшонанинг тоғ, тоғ олди ҳудудида жойлашган археология ёдгорликларида олиб борилган қазув тадқиқотлари натижасида топилган кўплаб темирдан ясалган деҳқончилик ва ҳарбий қуроллар, ҳунармандчилик асбоблари, жез ва мисдан ясалган хўжалик ва заргарлик буюмлари (қуроллар, асбоблар, хўжалик буюмлари, тақинчоқлар) ўзининг юксак даражада ишлов берилган санъат асари сифати билан, ўлкада қора металлургия, заргарлик, мискарлик, бронза қуйиш каби

¹ Пардаев М., Пардаев А. Жиззах воҳасининг IV-VI асрлардаги кулоллик идишлари. //ЎММТ. 29-нашри. -Самарқанд.: Суғдиёна, 1998. Б. 58-69., Пардаев М.Х. Жиззах воҳасининг VII-VIII асрлардаги куллолик идишлари. // ЎММТ. 30-нашри. Самарқанд. 1999. Б. 145-151.

ишлаб чиқариш соҳаларини манбаларда таъкидланганидек юксак тараққиётга эришгани ўз тасдиғини топди¹;

9. Уструшона аҳолисининг ёзма манбаларда таъкидланган диний тасаввурлари, хусусан зардуштийликнинг ўзига хос маҳаллий шакли маздаизм, тотемизм, христианлик каби диний тасаввурлар ҳақидаги маълумотлар археологик топилмалар орқали тасдиқланди; Дафн ёдгорликлари қолдиқлари ва топилмалари географик жиҳатдан тоғ, тоғ олди ва текислик ҳудудларни ўз ичига олган Уструшонада кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ зироаткор аҳолининг ўзаро яқин алоқада бўлганлигидан, баъзи ҳолларда ягона динга сиғинганидан ва бу алоқалар ҳудуд моддий ва маънавий маданияти шаклланишида катта аҳамият касб этганидан далолат беради.

10. Уструшона ёдгорликларидан топилган халқ амалий санъати намуналари, деворий суратлар, ҳайкал ва ҳайкалчалар, тақинчоқлар ва қимматбаҳо асори атиқа буюмлар, қадимий уструшоналиклар моддий маданиятида тасвирий санъатни илк ўрта аср тараққиётини кўрсатади. Тарихий санъатшунослик нуқтаи назаридан ёндашилган тасвирий лавҳалар таҳлили, Ўрта Осиё, жумладан, Уструшона маданиятида маҳаллий суғдий ва туркий халқларнинг катта амалий фаолиятини ҳамда Эрон, Ҳинд ва Рим афсоналарининг таъсирини, улар орасидаги мавжуд маданий алоқаларни илмий жиҳатдан асослайди. Бу тасвирлардаги илоҳий ва афсонавий образлар қадимий уструшоналиклар маънавий ҳаётининг асосий жиҳатларини намоён қилади.

¹ Allan, J. Persian Metal Technology, London. 1979., Thila Rehren, Olga Papachristou, Bochum, 2003, Similar Like White and Black: a Comparison of steel-making Crucibles from Central Asia and the Indian Subcontinent. // Der Anschnitt, Beiheft 16, Bochum p. 399-404.

4 - БОБ. УСТРУШОНАНИНГ СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ

(мил. эр. авв. VII - мил. VIII асрлар)

Милодий эранинг III-IV асрларига келиб Марказий Осиё худудида юзага келган ижтимоий-тарихий вазият натижасида Кушон империяси, Давон ва Қанғ давлатлари кўчманчиларнинг доимий ҳужумлари сабабли заифлашиб, бора-бора парчаланиб кета бошладилар. Бу эса ўз навбатида, аста-секинлик билан Ўрта Осиёнинг табиий жихатдан қулай бўлган сув ирмоқлари атрофида жойлашган воҳалари негизида, қадимдан шаклланган тарихий маданий воҳаларда ўтроқ деҳқончиликка асосланган майда, мустақил давлатчаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ана шундай Ўрта Осиё давлатчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий тузулмалардан бири IV-V асрларда шаклланган Уструшона давлатидир. Асосан тоғ, тоғолди текислик ва чўл худудларини ўз ичига олган, халқаро карвон йўллари устида, табиий жихатдан қулай сиёсий-иқтисодий худудда жойлашган Уструшонада бу даврда ўзига ҳос серқирра маданият шаклланди. Уструшона давлатчилиги тизимида ўзига ҳос маҳаллий асосларга эга сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт йўлга қўйилди.

Сиёсий ҳаёт. Юқоридаги бобларда таъкидлаб ўтганимиздек бу худуд қадимда қандай ном билан аталганлиги номаълум. Худудда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари «Қадимий Уструшона» худуди сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёти ҳақидаги ёзма манбалар маълумотларидаги бўшлиқларни тўлдириб, масаланинг умумий ягона тарихий тасвирини яратишга имкон беради. Қадимги Эрон эпиграфик манбалари, юнон ва рим муаллифларининг асарлари, милoddан олдинги 546-539 йиллар оралиғида Аҳамонийлар давлатининг ҳукмдори Кир II (эр. авв. 558-529 й) Ўрта Осиёнинг Сирдарё ҳавзаларигача бўлган худудларни, шу жумладан, «Қадимий Уструшона» ўлкасини ҳам босиб олганлиги ҳақида маълумотлар беради. Афтидан, «Қадимий Уструшона» худуди, Марказий Суғднинг

таркибий қисми сифатида Аҳамонийлар империясининг XII сатраплиги тасарруфида бўлган.¹ XII сатраплик «бактрияликлардан то Эглар еригача» бўлган ҳудудни ўз тобелигига олган.² Эглар (Птолимей бўйича аугалар) Сирдарё жанубида яшаган қабилалар бўлиб, В.В.Струве уларни тоғлик уструсоналикларнинг аждоди, деб тарифлайди. А.Н.Бернштам уструсоналикларни париканлар ва «сак тиграхауда»лар билан биргаликда X сатраплик тасарруфида бўлган, Кирополь сатрапликнинг бош шаҳри сифатида фаолият кўрсатган, деган фикрни билдирган. Лекин ушбу фикр илмий жамоатчилик орасида кенг миқёсда муомалага кирмаган. Чунки, Давоннинг (париконлар) Аҳамонийлар салтанатига кўшиб олингани ҳақида аниқ фикр йўқ. Бундан ташқари, кўзғолон кўтарган 7 шаҳарнинг бири Жиззах ўрнида бўлган, деган тахминий қараш ҳам ўтган асрда мавжуд эди. Дарҳақиқат, ёзма манбалар Кир II томонидан империянинг шимолий чегараларини мустаҳкамлаш мақсадида 7 та шаҳар қурдирганлиги ҳақида маълумот беради. Уларда бу шаҳарлардан фақат иккитасининг номи, Кир номи билан аталган, ҳудуддаги энг йирик Кирополь шаҳри ва Газанинг номларигина келтирилади. Аммо археологик тадқиқотлар натижасида ҳудудда аниқланган бу даврга оид ёдгорликлар сонининг бирмунча кўплиги сабабли, тадқиқотчилар, муаррихлар томонидан фақат асосий, йирик шаҳарлар тилга олинган, деб ҳисоблайдилар.³

Милоддан олдинги 329 йилда «Қадимий Уструсона» ҳудуди Александр Македонский томонидан забт этилиб, унинг

¹ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. – Сталинабад. 1957. С.127-128., Литвинский Б.А. Саки которые за согдом. // ТИИ АН. Тадж.ССР. Т. СХХ . - Душанбе. 1960. С. 91-92., Беляева Т.В. К исторической топографии городов Уструшаны. // Древняя и средневековая археология Средней Азии. – Т.: Фан. 1990. С. 85., Грицина А.А. Древнеуструшанский компонент в интеграции согдийской культуры. // Культура древнего и средневекового Самарканда в исторической связи Согда. ТД советско-французского колоквиума. Самарканд, 25-30 сентября 1990г. -Т.: Фан. 1990 в. с. 39-40.

² Геродот. История. Перевод и примечания Г.А.Стратановского. (В 9 кн). –М.: «Ладомир». 2002. С.209.

³ Беляева Т.В. К исторической топографии городов Уструшаны. // Древняя и средневековая археология Средней Азии. – Т.: Фан. 1990. С. 76-85., Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т.: Фан. 1992. С.6.

империясига қўшиб олинади. Асосан, шу юришлар билан боғлиқ тарихий воқеалар тасвирини ўз ичига олувчи Ёзма манбалар маълумотлари тадқиқотчилар олдига бир қанча муаммоларни қўяди. Хусусан Александрнинг Сирдарё қирғоқларига қадар кириб келган йўл, бу ҳудуддаги «тоғликлар» билан бўлган жанг, Чекка Александрия – Александрия Эсхата шахрининг жойлашган ўрни, «уструшоналик»ларнинг юнонларга қарши қўзғолон кўтарган шахарлар билан боғлиқ воқеалар шулар жумласидандир. Александр Суғднинг юраги - Мароқандни (Самарқанд) деярли жиддий жангларсиз эгаллагач, аҳамонийлар империясининг шимолий чегараси, Танаис(Сирдарё) қирғоқлари йўналишида ҳарбий ҳаракатларни бошлайди. Ёзма манбалар бу йўлда Александр «тоғликлар»нинг шиддатли қаршилигига учраганлиги ҳақида маълумот беради. Афтидан, Мароқандни жангсиз топширилганлигидан норози бўлган бир қисм сўғдликлар босқинчиларга зарба бериш мақсадида бу ерга қочиб келишиб, «тоғликлар» деб номланаётган, «қадимий уструшоналиклар»нинг қабилалар иттифоқи билан юнонларга қарши жангга ҳозирлик кўрадилар. Аммо бу жангнинг айнан қаерда бўлганлигини аниқлаш учун, юнонларнинг Мароқанддан Танаис–Сирдарёга қайси йўл орқали борганликларини аниқлаш лозим. Тадқиқотчилар ўртасида муаммо бўлиб келаётган айнан шу масала хусусида бир қанча қарашлар мавжуд. Улардан бири, «Темир дарвоза» ва Жиззах орқали, иккинчиси, ҳозирги Равотсой, Ўсман, Шайбек, Бахмал қишлоқлари орқали, учинчиси, Моргузардаги Чубар давонини ошиб ўтиб Кўрпасой ва Равотсой орқали. Баъзи тадқиқотчилар биринчи ва иккинчи йўлларда бу даврларга оид ёдгорликларнинг учрамаганлиги сабабли, учинчи йўлга кўпроқ мойиллик билдирадилар. Ўз фикларининг исботи учун бу ерда аниқланган мил эр. авв. IV асрларга оид ёдгорлик(Кўрғонтепа)ни далил қилиб келтирадилар.¹ Лекин кейинги йилларда Жиззах шаҳри ҳудудидаги Қалиятепада олиб борилаётган стратиграфик тадқиқотларда милодий

¹ Грицина А.А. Уструшанские были. -Т.: Изд. Нар. наследия им. А. Кадири. 2000. С.148.

эрадан олдинги II - I асрларга оид моддий-маданият намуналари топилмоқда. Стратиграфик шурф ҳозирча материккача қазиб тушилгани йўқ. Бу эса янада қадимгирок материалларни топиш имконияти даражасини оширади. Мантиқан олганда ҳам Самарқанддан Жиззах орқали ўтган йўл қадимда ва ўрта асрларда энг қулай ва яқин йўл ҳисобланган. У ёки бу даврга тааллуқли археологик ёдгорликларнинг қайд этилиши ёки этилмаслиги бу алоҳида масаладир. Юнон қўшинларининг олдинда келаётган фуражер – разведкачилари отряди «тоғликлар» томонидан кириб ташлангач, улар томонидан қўлланилган ҳарбий хийла натижасида тор дарага алдаб олиб кирилган асосий қўшинга зарба берилади. Юнон лашкари катта талофат кўриб, кўпчилиги яраланади. Александрнинг ўзи ҳам Ўрта Осиёда илк маротаба айнан шу ерда жароҳатланади. Аммо талофатларнинг кўплигига қарамай, босқинчиларнинг сон жиҳатдан устунлиги «ушрусоналик»ларнинг мағлубиятига сабаб бўлади. Ёзма маълумотларга кўра «30 минг» деб кўрсатилган «тоғликлар»дан тирик қолганларининг асосий қисми ўзларини баланд қоялардан ташлаб ҳалок бўладилар ва фақат «8 минг нафари асир олинади».

Александр Танаис – Сирдарё кирғоқларига чиқади. Бу ерда «дарё орти саклари» билан элчилар алмашиш ва музокаралар олиб бориши натижасидаги келишувга кўра дарё табиий чегара сифатида қабул қилинади. Аммо бу вақтда юнонларнинг орқа тарафида, Сирдарё ҳавзасидаги шаҳарлар аҳолиси, босқинчиларга қарши кўзғолон кўтариб, бу ердаги македонияликлар гарнизонларини кириб ташлайдилар. Александр кўзғолончи шаҳарларга қарши юриш бошлайди. У кўзғолончиларнинг бирлашишига имкон бермаслик мақсадида ўлкадаги энг йирик, мустаҳкамланган шаҳар Киропольни ўраб олиб қамал қилиш учун у ерга Кратер бошчилигида қўшин жўнатади. Александрнинг ўзи эса кўзғолончиларнинг юнонлар лагерига энг яқин жойда жойлашган «унча баланд бўлмаган тупроқ деворлар билан ўралган Газа шаҳри»га ҳужум қилади. Кўзғолончиларнинг қаҳрамонона қаршилиги, юнонларнинг мунтазам пиёда ва отлик қўшинларининг қамал машиналари

ёрдамидаги шиддатли ҳужуми натижасида синдирилади. Мудофаачилар кириб ташланиб, шаҳар аҳолиси асирга олинади ва қул қилинади. Газа шаҳри Александрнинг буйруғига кўра вайрон қилинади. Худди шу куни кўзғолончи шаҳарлардан яна бири Багада ҳам юқоридаги воқеа айнан такрорланади. Иккинчи куни босқинчилар томонидан кўзғолончи шаҳарларнинг учинчиси ҳам босиб олинди. Юнон отлик аскарлари томонидан ўраб олинган қолган икки шаҳар ҳам шу куни забт этилади ва аҳолиси қул қилинади. Бу шаҳарларнинг жойлашган ўрнини аниқлашда, сўнгги йилларда аниқланган худуднинг қадимий даврига оид ёдгорликлар (Каллахона, Чифмойтепа, Мулчоқтепа, Бахмалтепа, Уяс ва бошқалар) муҳим ўрин тутаяди.¹ Шундай қилиб, Александр икки кун ичида беш шаҳарни эгаллаб, Кратер томонидан камал қилинаётган Киропольга етиб келади. Ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Эрон шоҳи Кир томонидан барпо этилган, деб ҳисобланадиган бу шаҳар, нисбатан анча баланд, мустаҳкам деворлар билан ҳимоя қилинган эди. Шаҳар деворлари яқинига камал машиналари катапульталар ўрнатилиб, шиддатли ҳужум бошланади. Шаҳар деворлари тагидан ўтган, қуриб қолган ўзан ўрнини аниқлаган Александр, мудофаачиларнинг қарши томонда жанг қилаётганидан фойдаланиб, ўз кўриқчилари ва ўқчилар билан ушбу қуруқ ўзан орқали шаҳарга киради. Бу ерга яқин дарвозалардан бирининг ички кўриқчилари кириб ташланиб, ташқарида ҳозир бўлиб кутиб турган қўшин ичкарига киритилади. Шаҳар майдонларининг бирида бўлган жанг вақтида Александр бу сафар бўйни аралаш бошидан яраланади. Юнонлар шаҳарни тўла эгаллаганларидан сўнг, мудофаачилар шаҳар аркига чекинишга мажбур бўлади. Шаҳар вайрон қилинади. Кирополь забт этилгач, охири еттинчи шаҳар йўл-йўлакай босиб олинади. Бу шаҳарнинг ўрни тадқиқотчилар томонидан Сават яқинидаги ёдгорлик

¹ Беляева Т.В. К исторической топографии городов Уструшаны. // Древняя и средневековая археология Средней Азии. – Т.: Фан. 1990. С. 76-85., Буряков Ю.Ф., Грицина А. Мавераннахр ва Великом шелковом пути. Самарканд-Бишкек. 2006. 208 с.

(Хонтепа) ўрнига жойлаштирилади.¹ Сирдарё хавзаси шаҳарларидаги кўзғолон, юнонлар томонидан босиб олинган бошқа ҳудудларда ҳам халқ ғалаёнлари кўтарилишига туртки бўлади. Александр Спитамен томонидан қамал қилинган Мароқандга кўшин жўнатиб, дарё бўйига қайтади. Бу ерда 17 кун (баъзи манбаларда 20 кун) ичида мамлакатнинг шимолий сарҳадларини мустаҳкамлаш ва дарё орти сакларига қарши курашда таянч нуқтасини барпо этиш мақсадида Чекка Александрия – Александрия Эсхата шаҳри қуриб битказилади.

Чекка Александриянинг жойлашган ўрнини аниқлаш мақсадида узоқ йиллар мобайнида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, унинг Сирдарё бўйидаги олдиндан мавжуд бўлган кишлоқ манзилгоҳи (ҳозирги Хўжанд) ўрнида тикланган, деган фикр айтиб келинмоқда. Бу фикр, бизнингча бугунги кунда ушбу йўналишдаги энг асосланган илмий фикрлардан биридир.²

Бу вақтга келиб юнонлар томонидан қурилаётган шаҳардан хавфсираган саклар дарё ортида тўплана бошлайдилар. Дарёнинг чап қирғоғида юнон кўшинлари томонидан қурилаётган шаҳарда ўз озодлигига солинаётган хавфни ҳис этган саклар, қурилишни нариги қирғоқдан туриб ўққа тутадилар. Юнон кўшинларидан 2000 киши, тош отар машиналар ҳимояси остида дарёдан кечиб ўтиб, жангга киришадилар. Мағлубиятга учраган саклар, Александрдан кечирим сўраш учун ўз элчиларини жўнатадилар.³

Ёзма манбаларда Александр Македонскийга қарши чиққан кўзғолончи шаҳарлар аҳолиси ҳақида фикр юритилар

¹ Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т.: 1992. С.22.

² Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Раскопки на цитадели Ленинабада и локализация Александрии Эсхаты. // АО 1976. -М., 1977. с.568., Негматов Н.Н. Ходжент. Основные этапы истории. // Исследования по истории и культуре Ленинабада. – Душанбе: Дониш. 1986а. С. 5-7., Беляева Т.В. Архаический, античный и раннесредневековый Ходжент по данным письменных и археологических источников. // Исследования по истории и культуре Ленинабада. -Душанбе: Дониш. 1986. С. 82-100., Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый Путь. / Энциклопедический справочник: // Древность и раннее средневековье. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». 1999. С.181.

³ Литвинский Б.А. Саки которые за согдом. // ТИИ АН. Тадж.ССР. Т. СХХ . - Душанбе. 1960. С. 94-96.

экан, уларнинг асосий қисмини ташкил этган «кучли мамакенлар қабиласи» ҳақида сўз кетади. А. А. Грицина ҳам манбалардаги бу маълумотларни таҳлил этар экан, кўзғолончи «варварлар» - қадимги уструшоналикларни, дарё орти саклари ва суғдликлардан ажратиб кўрсатилганликларини таъкидлайди.¹ Бу фикр билан баҳслашиш мумкин. Нима учун энди суғдликлар билан уструшоналиклар (XII сатраплик аҳолиси) ажратилиб кўрсатилиши керак. Антик муаллифлар бутун Ўрта Осиё аҳолисини «варварлар» деб атаган, сакларни ҳам, суғдларни ҳам. Мамакен ёки мамаценлар Уструшона худудидаги энг кучли қабила сифатида муаллифлар томонидан эътироф этилган. Эҳтимол, жамият бошқаруви айнан ушбу қабила кўлида бўлган. Юқоридагилар эса бу даврда «Қадимий Уструшона» худудида кечган мураккаб этник жараёнлардан ва бу ерда яшаган халқлар ижтимоий тараққиётнинг қабилалар иттифоқига бирлашиш босқичида бўлганлигидан дарак беради.

Мароқандда қолдирилган гарнизоннинг мағлубиятидан хабар топган Александр, саклар билан сулх тузиб, Чекка Александрияда юнон гарнизонини қолдирганидан сўнг, асосий кўшин билан жадал у ерга қайтади. У Ўрта Осиёни тўла босиб олиш учун 3 йил кураш олиб боради. Мил. эр. авв. 323 йилда А.Македонскийнинг вафотидан кейин, унинг империяси учга бўлиниб кетди. Ўрта Осиё Салавкийлар давлати таркибига киради. Юқорида таъкидланганидек, Суғднинг таркибида бўлган, деб тахмин қилинаётган «Қадимий Уструшона» ўлкасини Салавкийлар давлати таркибига кирган ёки кирмаганлиги ҳақида аниқ фикр айтиш қийин. Демодамонтнинг (Салавкий Антиох I нинг саркардаси) дарё орти сакларига қарши юриши ҳақидаги маълумотларидан (Плиний) келиб чиққан ҳолда, афтидан, унинг Салавкийлар давлатига боғлиқ бўлганлиги тахмин қилинади.²

¹ Грицина А.А. Нуртепинская культура Уструшаны (Локализация и связи). // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. (Ю.Ф.Буряков таваллудининг 60-йиллигига бағишланган илмий анжуман маърузалар баёни). – Самарқанд, 1994й. 30-март. -Самарқанд. 1994б. б. 30-32., Грицина А.А. Уструшанские были. -Т.: Изд. народного наследия им. А. Кадири. 2000. С.90-96.

² Грицина А.А. Уструшанские были. -Т.: Изд. народного наследия им. А. Кадири.

Тадқиқотларнинг кўрсатилишича мил. эр. авв. III - II асрларга келиб «Қадимий Уструшона» ҳудудининг баъзи ёдгорликларида (Нуртепа, Хонтепа) шимолдан кириб келган кўчманчи қабилаларнинг таъсири ва табиий шароитнинг ўзгариши туфайли (сувнинг камайганлиги) ҳаёт тўхтаган ва аҳолиси бошқа қулай ерларга кўчган. Суғд ва шу жумладан Уструшона ҳудудида ҳам кушонлар даврига оид тангаларнинг кам тарқалганлиги, монументал тасвирий санъат асарларининг умуман, учрамаслиги ва бу даврдаги сопол комплексининг таҳлили асосида унинг мустақил ривожланганлигини ва ушбу фикрдан келиб чиққан ҳолда бу ҳудуднинг Кушонлар империяси таркибига кирмаганлигини тахмин қилишимиз мумкин.¹ Бундай ҳолатда эса «Қадимий Уструшона» ўлкасини Суғд каби Қанғ конфедерацияси таркибида бўлганини эътироф этмоқ лозим.

Уструшонанинг сўнги антик ва илк ўрта асрларга оид сиёсий тарихи ҳам ёзма манбаларда жуда кам ёритилган. Сўнги антик даврда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган кудратли давлатлар Кушон ва Қанғуйнинг парчаланиши оқибатида Уструшона мустақилликка эришади. Бу ҳақда 435 йил тарихий воқеаларини баён қилган хитой йилномаси «Бэйши»да маълумот бор. Уструшона V аср охиридан VII асргача аввал эфталитлар, сўнгра Ғарбий Турк ҳоконлиги тасарруфида бўлади. Бу даврда Уструшона ўзининг ички автономиясини сақлаб қолади. Мамлакатни ўз подшоҳлари - афшинлар бошқаради. Уструшонанинг пойтахти Бунжикент (Шаҳристон яқинидаги Қалаи Қаҳқаҳа ёдгорлиги) шаҳри давлатнинг сиёсий, иқтисодий, маъмурий марказларидан бири бўлиб, табиий жиҳатдан қулай, атрофи «сўлим боғлар, серсув дала ва экинзорлар, кўшк ва уйлар билан ўралган» ҳудудда жойлашган. Бунжикант «катта, аҳолиси зич жойлашган ва кўп

2000. С.95-98., Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр ва Великом шелковом пути. Самарканд-Бишкек. С. 102-106.

¹ Массон М.Е. К вопросу о северных границах государство "Великих Кушан". // Центральная Азия в кушанскую эпоху. -М.: Наука. 1975. С. 44., Беляева Т.В. Архаический, античный и раннесредневековый Ходжент по данным письменных и археологических источников. // Исследования по истории и культуре Ленинабада. - Душанбе: Дониш. 1986. С. 96.

сонли(20, баъзи манбаларда 10 минг эркак аҳолиси бўлган)» шаҳар бўлиб, уни «шаҳарни кесиб ўтувчи Сарин дарёси ва Буржан, Маджан, Самкаджан, Руйжан, Санбукжан каналлари» сув билан таъминлаб турган. «Уларнинг ёқасида эса ўнлаб тегирмонлар ишлаб турган». Қалаи Қахқаҳа ёдгорлиги сув таъминотини ўрганган А.И.Билалов, бу ерда ўндан ортик қадимий каналлар қолдиқларини аниқлайди.¹ Афтидан ўрта аср муаррихлари фақат асосий каналларни санаб ўтган бўлсалар керак. Шаҳар уч қисмдан - арки аъло, шаҳристон (ички шаҳар), рабод (хунармандлар мавзелари)дан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири шаҳарнинг умумий мудофаа тизимини ташкил этувчи алоҳида ҳимоя деворлари ва сув тўлдирилган хандақ билан ўраб олинган. Шаҳристонга «юқори» ва «шаҳар дарвоза»лари, деб номланувчи икки дарвоза орқали, рабодга эса «Зомин, Марсманда, Нуджкент ва Қахлабод», деб номланувчи тўрт дарвоза орқали кирилган. Арки аълода ҳашаматли сарой, кейинчалик жомъе масжидига айлантирилган ибодатхона ва бошқа маъмурий ва ҳарбий аҳамиятга эга иншоотлар жойлашган.² Айни вақтда Бунжикентни душман ҳужум қилиши мумкин бўлган томонлари, стратегик жиҳатдан қулай нуқталарда, маҳобатли ва қудратли қалъалар, қоровул тепалари ўраб турган. Бу марказга бўйсунувчи, ягона ҳарбий - мудофаа тизимлар мажмуаси, унинг мудофаа қобилятини янада оширган.

Уструшона давлати «афшин» нисбаси билан номланувчи ҳукмдорлар сулоласи томонидан бошқарилган. Ҳукмдорлик отадан болага мерос сифатида ўтган. Бугунги кунда бу ҳукмдорларнинг икки сулоласига тегишли 14 та вакилининг номлари аниқланган.³ Афшинларнинг биринчи сулоласи вакиллари: Чирдмиш, Сатачари I, Раханч I, Сатачари II, Сатачари III, Раханч II, Раханч IIIларнинг номлари

¹ Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. (МКУ. Вып. 4). -Душанбе: 1980. с.22.

² Негматов Н.Н. Историко-географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в.н.э. // МИА. №37. -М.-Л., 1953. С. 242., Негматов Н.Н., Мамаджонова С.М. Бунжикат - средневековая столица Уструшаны. // Градостроительство и архитектура. -Т.: Фан. 1989. С. 91-99.

³ Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр ва Великом шелковом пути. Самарканд-Бишкек. 2006. С. 138-139.

нумизматик манбалар асосида аниқланган. (81-расм).¹ Асосан 600-720 йиллар оралиғида ҳукмронлик қилган, деб тахмин қилинаётган бу сулола вакилларининг ҳукмронлик қилган аниқ саналари бизга маълум эмас. Ёзма манбалар улардан фақат биттасининг 618 - 626 йиллар оралиғида ҳукмронлик қилганлиги ҳақида маълумот беради.² Айни вақтда бу афшинлар ҳукмронлиги даврий кетма-кетлиги ҳам кўпроқ тахминларга асосланади. Ёзма манбалар 720 йилдан бошлаб ҳукмронлик қилган афшинларнинг иккинчи сулоласи Харабуғро (720-738), Ханахара (738-800), Ковус (800-825), Ҳайдар (825-840), ва Ҳасан ҳақида³, нумизматик манбалар эса сўнги икки «афшин»- Абдуллоҳ ва Сайр ибн Абдуллоҳ ҳақида маълумотлар беради. Айни вақтда бу нумизматик манбалар сўнги Уструшона афшини 893 йилга қадар ҳукмронлик қилганлигини ҳам тасдиқлайди.⁴ Тарихий манбаларнинг таҳлиliga кўра (лингвистик таҳлилга кўра - Т.Б.), бу сулола туркий асосга эга. Чунки 720 йилда ҳокимият тепасига келган Уструшона афшини (ҳукмдори) Харабуғронинг (Қора буғро) номи ҳам, унинг туркий илдизга эга эканлигидан далолат беради. Тарихдан маълумки, бу даврда кўпгина Ўрта Осиё ҳукмдорлари турклар билан яқин муносабатда бўлиб, кўп ҳолларда улар билан қариндош, уруғчилик алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилар эдилар. Ёзма манбаларда маълумотлар сақланиб қолган Уструшона афшинларидан яна бири Ҳайдар ибн Ковус ўз ўғли Ҳасанни, халифа Муътасимнинг турк лашкарбошиси Ашнаснинг қизи Утрунжойга уйлантирганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.⁵ Шу ўринда, балки юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, Шаҳристондан топилган

¹ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. - М.: Наука, 1981.с. 324-335.

² Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т.II. -М.-Л., Изд. АН СССР. 1950. С.138., Гафуров Б.Г. Таджики. (Древнейшая, древняя и средневековая история.) - М.: Наука, 1989. С.366.

³ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. – Сталинабад. 1957. С.129-140., Грицина А.А. Уструшанские были. -Т.: Изд. народного наследия им. А. Кадири. 2000. С.38-55.

⁴ Древний Заамин / – Т.: Фан. 1994. С.72.

⁵ Негматов Н.Н. Предварительный отчет о работах Ходжентского отряда в 1954г. // ТИИ АН Тадж. ССР. Т. XXXVII. -Сталинабад., 1956. С. 34.

«икки гўдакни эмизаётган она бўри» тасвирини (105-расм) ҳам шу афшинлар сулоласи шажараси билан боғлаш мумкин бўлар.

VIII аср бошларига келиб, Ўрта Осиё ҳудудига араб босқинчилари кириб кела бошладилар. Афшин Харабуғро ҳақидаги илк ёзма маълумотлар уни 737 йилда турк хоқони ва кўшни давлатлар ҳукмдорлари билан арабларга қарши тузилган навбатдаги ҳарбий иттифоқ муносабати билан тилга олинади. Бу ҳарбий иттифоқ мағлубиятга учраганидан кейин, 738 йилда, Уструшона тахтига унинг ўғли Ханахара келади. Ўз навбатида, у ҳам отаси каби мустақил сиёсат юритиш учун ҳаракат қилади. Жумладан, 738 йилда Наср ибн Сайёр, 795 йилда Фадл ибн Яхёлар бошчилигидаги араб лашкарлари ҳужумлари даврида, сиёсий музокаралар ёрдамида, маълум миқдордаги солиқ эвазига, афшинлар Уструшонада ўз ҳокимиятини сақлаб қолади. Афшин Ханахара 752 йилда хитойликлардан арабларга қарши ёрдам сўраб мурожаат қилади, аммо рад жавобини олади. Бу даврда Уструшона араб босқинчиларига ва исломга қарши кучларнинг қаршилиқ кўрсатиш марказига айланади. Юқоридагиларнинг барчаси афшин Ханахара даврида уструшоналикларнинг ўз эрки ва озодликлари учун босқинчиларга қарши тўхтовсиз кураш олиб борганликларидан далолат беради. Уструшонанинг навбатдаги афшини Ковус ҳақида ёзма манбалар маълумотлари анча чеклангандир. Ковуснинг ўғиллари Ҳайдар ва Фадл ўртасида тахт учун юзага келган низо Фадл фойдасига ҳал бўлгач, бундан норози бўлган Ҳайдар араблар томонига ўтади. Бир томондан аламзада, иккинчи томондан, арабларга қарши курашнинг бефойда эканлигини, яъни бутун Мовароуннаҳрда ўз озодлигини сақлаб келаётган Уструшона ҳам эртами, кечми забт этилишини тушуниб етган Ҳайдар арабларни номаълум тоғ йўллари орқали мамлакат пойтахти Бунжикат шаҳрининг орқа томонидан олиб келади. Натижада, араблар узоқ вақтлардан бери ўз ҳукмронлигини ўрната олмай келаётган Мовароуннаҳрдаги сўнгги ўлка - Уструшона ҳам 822 йилда улар томонидан забт этилади.¹ Бунжикент деб талқин

¹ Негматов Н.Н. Уструшана в борьбе с арабским нашествием (конец VII - первая

қилинаётган Шахристон яқинидаги Қалъаи Қаҳқаҳа ёдгорлиги харобаларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларида бу ерда аниқланган турли ҳажмдаги тош ядролар (палаҳмон тоши) билан тўлдирилган ва тегинилмаган омбор - аслаҳахоналар ўрни ва ёдгорлик атрофида ягона мудофаа тизимини ташкил этувчи стратегик аҳамиятга эга қалъаларнинг култепага айланган қолдиқларидан топилган кўплаб қимматли ашёлар, шаҳарнинг кутилмаган ҳужум натижасида босиб олинганлигини тасдиқлайди.¹ Арабларга Бунжикат шаҳрини олишда ёрдам берган Ҳайдар ибн Ковус ўз тарафдорлари билан аббосий халифа ал-Маъмун (815-833), кейинчалик ал-Муътасим саройида хизмат қилади ва катта муваффақият қозонади.² Кейинчалик, у расман Уструшона ҳукмдори этиб тайинланган бўлса ҳам, аслида бу вазифани унинг номидан ўғли Ҳасан ибн Ҳайдар бажаради. Ҳайдар ибн Ковуснинг қисқа, лекин ёрқин умри 842 йилда, ўз ватанидан узокда, Бағдод яқинидаги Самара шаҳрида ниҳоя топади. Бу йиллар давомида Уструшона Ҳайдарнинг ўғли Ҳасан тарафидан бошқарилди. Ҳайдарнинг қамоққа олиниши билан Ҳасан ҳам қўлга олинади. Унинг кейинги тақдири ва ундан кейинги афшинлар ҳаёти ҳам бугунга қадар бизга номаълумдир. Фақат Уструшонанинг сўнги афшини Сайр ибн Абдуллоҳ ҳақида 893-894 йилларга оид нумизматик манбалар маълумот беради. Шу маълумотларга асосланиб афшинлар сулоласи давом этганлиги, Ҳасандан кейин Абдуллоҳ ва ундан кейин Сайр ибн Абдуллоҳ ҳукмронлик қилганлигини тахмин қилишимиз мумкин. 893-894 йиллар Уструшона Сомонийлар давлати таркибига қўшиб олинади³.

Ижтимоий ҳаёт. «Қадимий Уструшона» худудида сўнги бронза ва илк темир даврига келиб ўзида шаҳар белгиларини мужассам қилувчи йирик манзилгоҳлар барпо

половина IX вв). // ИАН Тадж. ССР. ООИ. Вып.5. 1954. С. 117-135.

¹ Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахристан. - Душанбе: Дониш. 1966. С.195-196.

² Тўйчибоев Б.Б. Сўнги афшин./ Тафаккур. -№3. Тошкент. 2003. 94б., Тўйчибоев Б.Б. Уструшона афшинлари. / GulDU AXBOROTNOMASI. 2012-YIL 3-4-SON б. 77-80.

³ Тўйчибоев Б.Б. Уструшонанинг қадимий ва илк ўрта асрлар даври сиёсий ҳаёти хусусида мулоҳазалар (мил. ол.–VII мил. VIII асрлар)./ GulDU AXBOROTNOMASI. 2014. № 4 б 78-85.

этила бошланади. Мил. эр. авв. I минг йилликнинг I ярмининг сўнгги даврларига келиб, Ўрта Сирдарё хавзасида (Нуртепа) ўтроқ турмуш тарзига ўта бошлаган кўчманчи қабилалар, вақт ўтиши билан эса секин-секин, «Қадимий Уструшона» ҳудудининг бошқа қисмларига, хусусан тоғ олди ҳудудларига (Хонтепа, Қўрғонтепа) ҳам ёйила бошлади. Ҳудудда жойлашган археологик ёдгорликларда (Нуртепа, Хонтепа ва бошқалар) аниқланган меъморий иншоотлар: ертўла, ярим ертўла ва ер усти иншоотлари ҳам сўнгги бронза, илк темир даврларида бу ерда кўчманчи аҳолининг ўтроқлашув жараёнидан далолат беради. Деҳқончилик ва яйлов чорвачилиги билан шуғулланувчи қадимий уструшона жамоаларида илк темир даврининг сўнгги босқичлари ва антик даврларга келиб, табақаланиш жараёнлари кучайиб боради. Бу жараённи, хусусан, ёдгорликларнинг марказий муҳофаза қобилиятларининг мустаҳкамланиши, шаҳар аркининг ва унинг марказий қисмида жойлашган диний марказ - оташкада, зиккуратнинг барпо этилиши, сунъий сув иншоотларининг қурилиши ва бошқаларда яққол кўришимиз мумкин. Юқоридагилар, бу даврга келиб табақаланиш жараёнидан, хусусан, ҳукмрон қатламнинг ва қоҳинларнинг мавқеи анча ортганидан далолат беради. Фикримизча, ҳарбий демократия босқичида бўлган қўшни дарё орти саклари¹ ва Суғднинг таъсири натижасида, қадимий уструшоналиклар жамоаси ҳам ҳарбий конфедерациянинг сўнгги босқичи даражасида бўлган бўлиши мумкин. Юнонларга қарши курашда қабилалар иттифоқидаги «мамакенлар» қабиласининг етакчи мавқеи ҳам бундан далолат бериши мумкин. Бундан ташқари, юнон босқинчиларига қарши кўзғолоннинг келишилган вақтда бошланиши, сак қўшинларининг дарё ортида тўпланиши ва ниҳоят, Мароқанддаги Спитамен бошчилигидаги қаршилик ҳаракатлари, буларнинг барчасининг айна бир вақтда содир бўлиши бежиз эмас. Бу воқеликлар бавосита бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ундан қадимий уструшоналиклар ижтимоий тузуми, бошқарув тизими, қўшни ҳудудлар билан

¹ Литвинский Б.А. Саки которые за согдом. // ТИИ АН. Тадж.ССР. Т. СХХ . - Душанбе. 1960. С. 96.

якин алоқалари ҳақидаги маълумотлардаги бўшлиқларни тўлдириш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилишимиз мумкинки, бизнингча, ҳудудда бу даврда мавжуд бўлган шаҳар ва манзилгоҳлар, ривожланган суғориш тизими, ижтимоий меҳнат тақсимоти, хусусан, деҳқончиликдан ҳунармандчилик ва савдонинг ажралиб чиқиши, ижтимоий табақаланишдан далолат беради. Иккинчи тарафдан қўл меҳнатидан фойдаланилмаганлигини кўрсатувчи йирик ва мураккаб ирригация иншоотлари тизимининг, катта ҳажмдаги майдонларда қишлоқ хўжалиги экинзорларининг мавжудлиги ҳақида маълумотларнинг йўқлиги эса ҳудуднинг ягона марказлашган сиёсий ҳокимиятга бўйсунганлигини шубҳа остига қўяди. Ўлканинг кейинги даврида, юнонлар ва кейинчалик славийлар давридаги ижтимоий ҳаётда, эллин маданияти ва юнонча элементлар муҳим ўрин тута бошлаган. Эҳтимол, эллин маданияти ёйилган бошқа ўлкаларда бўлгани каби,¹ бу ҳудудда, жумладан Александрия Эсхатада ҳам юнон полислари шаклидаги бошқарув тартиби ўрнатилганлигини тахмин қилиш мумкиндир. Милодий эрадан олдинги сўнгги асрлар ва милонинг илк асрларига келиб, Уструшонада ижтимоий тузумнинг шаклланиши ўз ниҳоясига етади. Бу даврга оид ёдгорликларда (Мунчоқтепа, Қалиятепа ва бошқалар) ўрганилган марказлашган мустаҳкам ҳарбий мудофаа тизимлари, мухташам маъмурий иншоотлар қолдиқлари ва бошқа кўплаб топилмалар ҳам юқоридагиларни тасдиқлайди. Хусусан, Мунчоқтепа ёдгорлиги яқинида топиб ўрганилган қабрлардан (милонинг илк асрлари) олинган бой, қимматбаҳо топилмалар, сержило безаклар билан ишланган ҳашаматли маъмурий бинолар (III аср) ҳам ҳудудда яшаган халқларнинг ижтимоий таркиби ҳақидаги маълумотларимизни бойитади.

Уструшонанинг илк ўрта асрлардаги маъмурий бошқарув тизими тўла аниқ эмас. Ёзма манбалар, фақатгина «афшинлар саройининг бошқарувчиси (қаҳрамон) Тарадис» ҳақида, ёки рустоқлар ҳокимлари - «Заминч нисбали шахс» (Зомин

¹ Кошеленко Г.А. Греческий полис на эллинистическом Востоке. -М., 1979. С.222-249.

рустоқининг бошқарувчиси) ҳақидаги маълумотлар билангина чекланади.¹ Бу маълумотлар бошқа рустоқлар ҳам шу тахлитда бошқарилганлигини тахмин қилишимизга имкон беради. Археологик тадқиқотлар натижасида аниқланаётган, ҳудуд бўйлаб жойлашган маҳаллий аслзодалар - деҳқонларга тегишли кўплаб қалъа-работлар ҳам давлат маъмурий бошқарувида муҳим ўрин тутган бўлиши керак. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда илк ўрта асрларда Уструшонанинг маъмурий бошқарув тизими кўшни ҳудудлар (Суғд, Чоч, Паркана) бошқарувига ўхшаш бўлиб, қуйидаги тартибда: Уструшона афшинлари, сарой амалдорлари - рустоқ ҳокимлари - маҳаллий аслзодалар (деҳқон) - қишлоқ оқсоқоллари (қадҳудо) шаклида бўлганлигини тахмин қилишимиз мумкин.

Уструшона давлати ўрта асрларда бир қанча рустоқларга бўлинган, бу рустоқларнинг ёзма манбаларда келтирилган номлари асосида уларнинг сонини 18 та бўлган, деб тахмин қилинади. Булардан 9 таси, текисликда жойлашган Бунжикент, Сабат, Зомин, Бурнамад, Харакана, Фағнон, Ховос, Шавкат, Фағкат (Вағкат) рустоқлари бўлиб, уларнинг ҳар бирида бир қанча шаҳарлар (рустоқ марказларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) ва кўплаб қишлоқ манзилгоҳлари бўлган. Қолган 9 таси тоғ рустоқлари: Минк, Асбаникант, Бискар, Бангам, Вакр, Шағар, Масча, Буттам ва Бургар номи билан аталиб, афтидан улардан фақат Минк рустоқи ҳудудида бир қанча шаҳарлар бўлиб, қолганларида, асосан, кўплаб қишлоқ манзилгоҳлари жойлашгандир². Ўрта аср тарихчи-географлари Уструшонани «400 қалъали ўлка» сифатида тилга оладилар.³ Уструшона ҳудудида олиб борилган археологик қидирувлар натижасида аниқланган кўҳна иншоот мажмуалари ва ўрганилаётган кўплаб археологик ёдгорликлар бу

¹ Негматов Н.Н. Уструшана в борьбе с арабским нашествием (конец VII - первая половина IX вв). // ИАН Тадж. ССР. ООИ. Вып.5. 1954. С. 125., Древний Заамин / – Т.: Фан. 1994. С.94.

² Тўйчибоев Б.Б. Ўрта асрлар Уструшонаси тоғ рустоқларининг жойлашиши хусусида./ Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. VI тўплам. Тошкенти 2015. Б. 80-87.

³ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. С.243.

маълумотларни тасдиқлайди. Бу қалъалар ўлканинг кўплаб мўъжаз воҳалари (микрооазис) негизда ташкил топган рустоқларни ҳимоя қилиш мақсадида, стратегик жиҳатдан қулай бўлган нуқталарга қурилиб, ўзига хос мустаҳкам ҳарбий - мудофаа тизимини ташкил этган. Бу қалъа ва қўрғонларнинг асосий қисми илк ўрта асрларга оиддир. Кўпроқ мудофаага, яна ҳам аниқроғи алоҳида воҳалар ва воҳачаларнинг мустақил мудофаасига асосланган бу ҳарбий - мудофаа тизими ҳам илк ўрта асрларда бутун Ўрта Осиёни қамраб олган умумий жараён, феодал тарқоқлик бу даврда Уструшонани ҳам ўз қаърига тортганлигидан далолат беради. Бу даврдаги Ўрта Осиё давлатлари ҳукмдорлари ўртасидаги қарама-қаршилиқлар, феодал тарқоқликни Уструшона ҳудудида ҳам (масалан, Уструшона афшинлари ва Суғд ихшидлари) кўришимиз мумкин.¹

Иқтисодий ҳаёт. Милоддан эрадан олдинги I минг йилликнинг ўрталарида ва ундан кейинги даврларда «Қадимий Уструшона» ҳудудида яшаган халқлар турмуш тарзининг иқтисодий негизини суғорма ва лалмикор деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик каби соҳалар ташкил этган. Археологик ёдгорликларда аниқланган кўплаб топилмалар (тош ёрғўчоқлар, йирик хумлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қолдиқлари) ҳам суғорма деҳқончилик иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради. «Қадимий Уструшона» ҳудудида сунъий суғориш тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши илдизлари, қўшни маданий ўлкалар (Фарғона, Зарафшон) каби, мил эр. авв. II - I минг йилликларда булоқлар, тоғ ирмоқлари сувлари ёрдамида мавсумий суғориш ва лалми деҳқончиликка асосланган. Аста - секинлик билан қадимий уструшоналик деҳқонлар оддий суғоришга асосланган сув бўйидаги суғориш усулидан, сув манбаларидан узоқ пастликда жойлашган кўриқ ерларни ва дельта оралиғидаги ҳудудларни тозалаб ўзлаштиришга ўта бошлаганлар. Афтидан мил. эр. авв. I минг йилликлардан

¹ Сверчков Л.М. К вопросу о взаимоотношениях ихшидов Согда и афшинов Уструшаны. // ТД советско-французского коллоквиума "Культура древнего и средневекового Самарканда и исторические связи Согда". -Т., 1990. с. 89-91.

бошлаб қадимий уструсоналиклар тоғ дарёлари оқимларини тозалаш, улардан тўғри каналлар чиқариш, сув олиб чиқишга мослаштирилган содда иншоотлар ва унча мураккаб бўлмаган ирригация тизими тармоқларини ташкил қилиш ёрдамида доимий сунъий суғоришга ўта бошлаганлар. Хусусан, милоддан олдинги I минг йиллик ўрталаридан бошлаб ҳудуддаги шаҳар ва манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши ҳам бу мулоҳазаларни тасдиқлайди. Тадқиқотчилар томонидан ҳудуднинг қадимий даврига оид ёдгорликларда ўрганилган кўп тармоқли суғориш тизими қолдиқлари «Қадимий Уструсона» халқларининг жой рельефидан келиб чиққан ҳолда қўлланилган юксак даражада ривожланган ирригация техникасига эга бўлганликларидан далолат беради.¹

Мисол учун ҳудуддаги энг йирик ёдгорликлардан бири - Нуртепа ёдгорлиги аҳолиси, мил. эр. авв. V – III асрлар давомида Шаҳристонсойдан чиқарилган, 4 километр масофани ташкил этувчи сунъий канал ёрдамида, 800 гектарга яқин ерни, умумий узунлиги 14 километрни ташкил қилувчи майда тармоқлар ёрдамида суғорганлар.² Милоддан олдинги сўнгги асрлар ва милоднинг илк асрларига оид ёдгорликларда (Мунчоктепа, Қалиятепа ва бошқалар) олиб борилган тадқиқотлар, қадимий уструсоналик ирригаторлар фаолиятида анъаналарнинг давомийлигини кузатиш имконини беради. Хусусан, антик давр ва илк ўрта асрларда Қалиятепа ва унинг атрофидаги қалъа-кўрғонлар оралиғидаги 1000га дан ортиқ ер, Сангзор дарёсидан чиқарилган Қалия, Қанғли номли шоҳ ариқлар ёрдамида суғорилган.³

Ёдгорликларда (Нуртепа, Хонтепа) олиб борилган тадқиқотлар натижасида қайд этилган топилмалар, жумладан, кўплаб ёввойи ва уй ҳайвонлари суяклари, қадимий

¹ Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. (МКУ. Вып. 4). -Душанбе: Дониш. 1980. Беляева Т.В. К исторической топографии городов Уструшаны. // Древняя и средневековая археология Средней Азии. – Т.: Фан. 1990. С. 76-81.

² Беляева Т.В. О раскопках на Нуртепа и в Ходженте. // АРТ (1985). Вып. XXV.- Душанбе. Дониш. 1994. С. 20-21.

³ Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг (Предварительное сообщение). // КСИИМК. Вып. XV. - М.-Л: 1947. С. 100. Пардаев М., Суюнов С. Шимолий-ғарбий Уструсонаинг суғорилиш тарихидан. // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Самарканд. 1993. Б. 49-53.

уструшоналиклар иқтисодий ҳаётида овчилик ва чорвачилик, хусусан, яйлов чорвачилиги муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради.¹ Айни вақтда ҳудуднинг кўчманчи чорвадор аҳолига қўшни бўлганлиги, уларнинг секинлик билан бўлса-да, доимий равишдаги ўтроқ турмуш тарзига ўтиб бориши ва ҳудуднинг қулай табиий шароити кейинги даврларда ҳам бу соҳанинг кенг кўламда тараққий қилиб боришига имкон яратиб келди. Таъкидлаб ўтганимиздек, мил. эр. авв. I минг йилликнинг I ярми ва ўрталарида жамиятда юз берган ижтимоий меҳнат тақсимооти натижасида ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиқа бошлади. Хусусан, бу соҳада меъморчилик тармоғи муҳим ўрин тутиб келди. Турар - жойлар вазифасини бажарувчи ертўла ва қисман хом ғиштдан фойдаланиб бунёд қилинган ярим ертўлалар, табиий тепаликларни кесиш, хом ғишт ва пахса билан мустаҳкамлаш ёрдамида бино этилган мудофаа деворлари, хашаматли иншоотлар (диний ва маъмурий бинолар, саройлар), улардаги ўзига хос услуб ва режалар, меъморий безаклар бу даврда меморчиликнинг ривожланганлигидан далолат беради. (Нуртепа, Хонтепа, Хитойтепа, Мунчоктепа, Қалиятепа ва бошқалар)². “Қадимий Уструшона” ҳудуди ёдгорликларидан олинган, қўлда ва кулоллик чархида ясалган сопол идишлар комплексининг таҳлили шимолдаги чорвадор қабилалар билан яқин муносабатлар, жумладан, савдо-хўжалик алоқалари, жанубдаги деҳқончилик ҳудудларининг таъсири натижасида шаклланган ва маҳаллий элементларнинг устунлиги сезилиб турган ўзига хос маданият - «Нуртепа маданияти»нинг юзага

¹ Беляева Т.В. Исследование Нуртепе в 1981г. // АРТ (1979). Вып. XXI. - Душанбе: Дониш. 1988. С. 31., Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. АКД. - Самарканд, 1990. С.11.

² Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Общий отчет об исследованиях Нуртепе в 1980-1985гг и продолжения работ по дальнейшему изучению и сохранению памятника. // АРТ (1985). Вып. XXV. - Душанбе: Дониш. 1994. С. 23-27., Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. (Археолого-топографическое исследование). АКД. - Самарканд, 1990. С.11., Древний Заамин / -Т.: Фан. 1994. С.35. Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг (Предварительное сообщение). // КСИИМК. Вып. XV. - М.-Л: 1947. С. 103-107., Пардаев М.Х. Шимолий-ғарбий Уструшона қишлоқ қурилиши меъморчилигининг илк ўрта асрлардаги айрим хусусиятлари. // ЎММТ. 28-нашри. -Самарканд. 1997. Б. 142-148.

келганлигидан далолат беради. (Нуртепа, Хонтепа, Хитойтепа).¹ Ёдгорликлардан (Мунчоктепа) топилган турли даврларга оид сопол хумдонларнинг топилиши ҳам Уструшопада кулолликнинг маҳаллий илдизларга асосланган ҳолда доимий равишда, изчил ривожланиб келганлигини кўрсатади.²

Худудда аниқланган металл эритувчи печ (Нуртепа), заргарлик қолиплари (Мунчоктепа), турли ҳарбий ва хўжалик куроллари (қилич, пичоқ, темир ўроқ, жездан ясалган ёй учлари ва бошқалар), тақинчоқлар қадимий уструшоналик темирчи ва заргарларнинг антик даврларда маъданга ишлов бериш соҳасида муайян билим ва кўникмаларга эга эканлигидан далолат беради. Сопол идишларидаги мато парчалари қолдиқлари ва излари, ёдгорликлардан топилган кўплаб ип йигирув ва тўқув куроллари, хусусан, сопол, тош ва суякдан ясалган урчукбошлар, посангилар қадимий уструшоналикларнинг тўқув дастгоҳларидан кенг фойдаланиб, турли даражадаги жун, ипак ва эҳтимол, пахта матолар ишлаб чиқарганликларини кўрсатади.³ Худуднинг табиий жиҳатдан қулай ўрни ва бу ердан топилган, бошқа ўлкалардан келтирилган кўплаб топилмалар (тангалар, қимматбаҳо буюмлар, хўжалик моллари) бу даврда қадимий уструшоналиклар савдо фаолиятининг ривожланганлиги ҳақида маълумот беради. Айни вақтда, бу топилмалар худуднинг ички ва ташқи савдо муносабатларидан, уларнинг негизида эса савдо йўлларининг ривожланганлигидан дарак беради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, худуддаги қадимий йўллар Александр Македонский юришларидан анча олдин,

¹ Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Исследование Нуртепе в 1981г. // АРТ (1981). Вып. XXI. - Душанбе: Дониш. 1988. С. 25-26., Грицина А.А. Нуртепинская культура Уструшаны (Локализация и связи). // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. (Ю.Ф.Буряков таваллудининг 60-йиллигига бағишланган илмий анжуман маърузалар баёни). – Самарқанд, 1994й. 30- март. -Самарқанд. 1994б. б. 30-32.

² Гайдукевич В.Ф. Керамическая обжигательная печь Мунчактепе. // КСИИМК. Вып. XXVIII. - М.-Л., 1949. С. 77-82.

³ Фаязова М.М. Отпечатки тканей на керамике из Нуртепе. // Первая конференция молодых историков Средней Азии и Казахстана. - Душанбе: Дониш. 1984. С. 132-133.

маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар шаклида фаолият кўрсатган. Мил. эр. авв. II асрга келиб, бу йўллар Хитой ва Ўрта Осиё давлатлари орасидаги сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг йўлга кўйилиши натижасида пайдо бўлган Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоқлари шахобчалари сифатида шаклланди. Худуднинг қадимий даврига оид кўплаб ёдгорликларнинг аниқланиши бу даврда Суғддан Сирдарё бўйларига қадар мавжуд бўлган савдо йўллари йўналишларини аниқлашга имкон беради.¹ Милодий эрдан олдинги III асрлардан кейин «Қадимий Уструшона» ёдгорликларининг бир қисми юнонлар томонидан вайрон этилгач, худуддан ўтган савдо йўллари Туркистон тизмалари бўйлаб бироз шимолга кўчган.² Асосан тоғ, тоғолди адирлик, текислик ва чўл худудларини ўз ичига олган ўрта асрлар Уструшонаси иқтисоди деҳқончилик, чорвачилик ва фойдали қазилмалар олишга асосланган эди. Ёзма манбалар муаллифлари Уструшонанинг қулай ўрни, ҳосилдор ерлари, табиий бойликлари ҳақида маълумотлар берар экан, қўшни худудлар ва давлатлар билан яқин алоқаларини ҳам таъкидлаб ўтадилар.³ Уструшона худуди Ўрта Осиёнинг қадимий зироаткор воҳаларида жойлашганлиги сабабли, деҳқончилик унинг иқтисодидаги устувор соҳалардан бири саналган. Асосан табиий ва сунъий суғориш тизимларига асосланган деҳқончилик, худуддаги кўплаб сув манбалари: булоқлар, тоғ ирмоқлари, сойлар (Сангзор, Аччисой, Хўжамушкентсой, Шахристонсой, Каттасой, Басмандасой, Оқсув, Исфанасой) ва улардан чиқарилган сунъий сув иншоотлари: каналлар ва коризларнинг мураккаб тармоқларига асосланган. Деҳқончилик қишлоқ хўжалиги учун қулай бўлган марказий, жанубий - шарқий қисмлардаги тоғ, тоғолди адир ва текислик худудлари билан бир вақтда, унинг шимолий, шимолий-

¹ Грицина А.А. К сложению городов и поселений на древних путях Северной Уструшаны. // На среднеазиатских трассах ВШП. –Т.: Фан. 1990 б. С. 18-22., Негматов Н.Н., Рахимов Н.Т. Уструшано-Ходжентский узел ВШП. // Формирование и развитие трасс ВШП в древности и средневековье. – Т.: Фан. 1990. с. 118-120.

² Древний Заамин / – Т.: Фан. 1994. С.8-19.

³ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. 1957. С.103-109.

ғарбий қисмларидаги чўл, ярим чўл ҳудудларида ҳам ривожланган. Уструшонлик зироаткорлар ҳудуднинг табиий шароитига қараб ихтисослашиб, шимолдаги Сирдарё бўйи ҳудудларида пахта, тоғ, тоғолди адир, текисликларда бошоқли экинлар (буғдой, арпа ва ҳ.к.) экиш, боғдорчилик, узумчилик ва полизчилик билан шуғулланганлар. Археологик тадқиқотлар натижасида топилган кўплаб меҳнат қуроли, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қолдиқлари ҳам бу маълумотларни тасдиқлайди.¹ Уструшонликлар хўжалигидаги муҳим соҳалардан бири бўлган чорвачилик асосан тоғ, тоғолди ҳудудларидаги серўт яйловларда ва чўл, ярим чўл ҳудудларда ривожланган. Уструшоннинг ўтроқ аҳолиси ва ёзма манбаларда «ғузлар» ёки «тўққиз ўғизлар» номи билан юритилувчи ҳудуднинг шимолий, асосан чўл қисмларида яшаган кўчманчи чорвадор аҳоли аксарият от, туя, майда ва йирик бошли уй ҳайвонларини боқишга ихтисослашган. Аҳолининг ёрдамчи хўжалиги чорвачиликка асосланган бир қанча ёдгорликларда (Хон Яйлов, Қорабулоқ, Култепа, Қалаи Сор ва бошқалар) олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида чорва учун мўлжалланган махсус иншоотлар (Хон Яйлов), кўчманчи чорвадорларга оид дафн ёдгорликлари (Култепа, Тепаи Пирмуҳаммад) турли уй ҳайвонларига тегишли суяк қолдиқлари бу фикрлар тўғрилигини яна бир қарра исботлайди.

Уструшона замини табиий захираларга бой бўлиб, бу ерда қадим ва ўрта асрларда ер ости бойликларини қазиб олиш, тоғ-кончилик соҳаси ривожланиб келган. Ёзма манбалар маълумотларига кўра, Уструшонада олтин, темир, қалай, нашатир ва бошқа қазилма бойликлари олиниб, улардан кундалик турмушда қўлланиладиган турли маҳсулотлар, жумладан деҳқончилик, хўжалик ва ҳарбий қуроли, уй рўзғор буюмлари, турли тақинчоқлар ясалган. Археологик тадқиқотлар натижасида аниқланиб, ўрганилган тоғ-кончилик марказлари, уларга ишлов бериладиган қуюв цехлари ва

¹ Тўйчибоев Б.Б. Қадим ва илк ўрта асрлар Уструшона аҳолисининг иқтисодий муносабатлари ҳақида айрим мулоҳазалар./ Ўзбекистон археологияси №2 (7). Самарқанд 2013. 7-136.

устахоналар (Мик комплекси, Чилдухтарон) ўрта асрларда Уструшона хўжалигининг бу соҳасининг яхши ривожланганлигидан далолат беради. Зотан хўжаликдаги деҳқончилик, чорвачилик ва тоғ кончилиги соҳалари Уструшона хўжалигининг собит ривожланиши учун барқарор замин яратган. Уструшона ҳунармандчилиги кўп тармоқли соҳа бўлиб, ўзида темирчилик, меъморчилик, кулоллик, тўқимачилик ва бошқа кўплаб соҳаларни мужассам этган. Ҳунармандчиликнинг темир, жез ва қимматбаҳо металлларга ишлов бериш марказлари, асосан, Бунжикент ва унинг атрофи (Чилдухтарон), Минқ рустоқларида аниқланганлигига қарамай, бу соҳалар Уструшонанинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг тарқалган. Уструшона ҳунармандлари томонидан ясалган деҳқончилик, ҳунармандчилик ва ҳарбий қуроқлар, жез ва мисдан ясалган идиш-товоқлар, уй-рўзғор буюмлари, турли тақинчоқлар кенг муомалада бўлган. Шунингдек Уструшонанинг Минқ рустоқида тайёрланган темир хомашё сифатида Фарғона, хусусан Ахсикент темирчилик устахоналарига «экспорт» қилинган.¹

Ўз фаолиятини шаҳарсозлик ва қалъа меъморчилиги, ҳашаматли ва хўжалик аҳамиятига эга бинолар, мудофаа ва сув иншоотлари қурилишида акс эттирган Уструшона меъморчилиги, ҳунармандчиликда алоҳида аҳамият касб этганини кўришимиз мумкин. Муаррихлар томонидан «400 қалъали» ўлка сифатида тилга олинган Уструшона ҳудудида сўнгги йилларда археолог ва меъморшунос мутахассислар томонидан ўрганилган маҳобатли қалъалар (Чилхужра, Мик, Ўртақўрғон 44,45-расмлар) ва муҳташам кўшклар (Қалаи Қаҳқаҳа II. 43-расм), сержило диний ибодат иншоотлари (Нов яқинидаги Оқтепа - «оловхона»си, Қалаи Қаҳқаҳа- «кўп устунли зал») бу маълумотларни тўла тасдиқлайди. Шу билан бирга ҳунармандчиликнинг яна бир қанча соҳалари: кулоллик, тўқимачилик ва бошқалар ривожланган. Уструшона кулоллари томонидан ясалган кўплаб сопол буюмлар: турли ҳажмдаги хум ва хумчалар, идиш-товоқлар, кўчма ўчоқлар, турли

¹ Папахристу О.А. Кузнечное дело и сельскохозяйственные орудия жителей горной Уструшаны середины XII вв. // ОНУ. 1992. №1. С. 39-42.

хўжалик ва маиший турмушда қўлланиладиган буюмлар ўзининг маҳаллий хусусиятларга эгаллиги, оммавий тарқалганлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, ёдгорликлардан топилган кўплаб ашёлар (масалан, сопол қувурлар, 98-расм) Уструшона шаҳар ва қишлоқларида яшаган аҳолининг юксак даражадаги иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзидан ҳам далолат беради.

Археологик тадқиқотлар натижасида топилган сопол, тош, суюк ва темирдан ясалган кўплаб тўқимачилик қуроллари ва ёзма манбалар маълумотлари, бу ерда пахта, ипак, жун матолар ишлаб чиқаришга асосланган тўқимачиликнинг ривожланганлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари, ёзма манбаларда тилга олинган Бунжикент шаҳридаги дарё ва каналлар бўйларида ишлаб турган ўнлаб тегирмонлар, Жиззах воҳасида аниқланган мусаллас ишлаб чиқарувчи устахона (Кинғиртепа II), Марсманда темирчилари ва бошқа топилмалар, ўрта асрлардаги уструшоналиклар ҳунармандчилигининг аҳоли турмуш тарзи даражасига катта, ижобий таъсир кўрсатганини англатади.

Халқаро савдо қарвон йўллари устида жойлашган Уструшонанинг қулай табиий ўрни, бу ердаги ички ва ташқи савдонинг ривожланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Савдо пул ва товар айрибошлаш ёрдамида амалга оширилган. Ички савдо кўп ҳолларда асосан ўтроқ деҳқон ва кўчманчи чорвадор аҳоли ўртасидаги алоқаларга асосланган. Уструшоналиклар турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: ҳўл ва қуруқ мевалар, дон-дун, ва чорвачилик маҳсулотлари, ҳунармандчилик моллари, жумладан, хўжалик ва ҳарбий қуроллар, тақинчоқлар, сопол ва идишлар, тўқимачилик буюмлари ва ҳоказоларни кўшни ҳудудларга ва айни вақтда бошқа ўлкаларга ҳам чиқарганлар. Хусусан Минқ рустоқидан олинган темирдан ясалган ҳарбий қуроллар Бағдодга қадар узоқ ўлкаларда жуда машҳур бўлган.¹ Бу даврда Уструшонанинг баъзи шаҳар ва рустоқлари савдо-сотик учун маълум бир соҳаларга ихтисослашганликларини кўришимиз мумкин. Масалан, Жиззахда жун матолар, Минқда қурол

¹ Негматов Н.Н. Уструшона в древности и раннем средневековье. 1957. С.95.

аслахалар, Бунжикент атрофида заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган махсус ишлаб чиқариш марказлари бўлган. Савдо асосан бозорларда олиб борилиб, улардан энг йириги Марсманда шаҳридаги бозор ҳисобланган. Ёзма манбалар маълумотига кўра, бу ерда ҳар ойнанинг бошида бир марта бозор бўлиб, бу бозор бир кун давом этган ва унда 100 минг динорлик савдо бўлган. Бундан ташқари ёзма манбалар Сабатдаги усти ёпиқ тим, бозор ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Маънавий ҳаёт. «Қадимий Уструшона» ёдгорликларидан топилган ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган маҳобатли диний иншоот зиккурат қолдиқлари, афтидан диний дунёқарашлар билан боғлиқ бўлган одамларни қурбонлик қилишнинг ўзига хос усуллари, остадонларга қўйилган одам суяклари (Нуртепа), қабрлар ва хум остадонларда учровчи ит бош чаноклари қолдиқлари (Хонтепа, Мунчоқтепа), турли шаклдаги бутлар (Нуртепа, Зомин) тош долмен ва қурбонгоҳ (Қулфи Сор) қадимий Уструшона халқлари диний дунёқарашлари ҳақида маълумотлар беради. Шу билан бирга, юқоридагилар турли маданиятлар чорраҳасида жойлашган ҳудудда яшаган Уструшона халқларининг серкирра маънавий ҳаётининг қадимий илдизларига эга эканлигини кўрсатади. Юқоридаги топилмалар ҳудудда бу даврда зардуштийлик дини шаклланишининг илк босқичларидан далолат беради. Айни вақтда ҳудуддан топилган, аммо афсуски, ҳамон ўқишга эришилмаган сопол парчасига туширилган, афтидан оромий ёзувига асосланган қадимий ёзув намунаси ҳам (Нуртепа)¹ уструшоналиклар маънавий дунёқарашини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шимолий Уструшонадаги Мунчоқтепадан топилган кушон - юнон ёзуви, деб талқин қилинаётган ёзув,² уструшоналиклар маънавий ҳаёти ҳақида маълумот бериш билан бир вақтда, ҳудуднинг бошқа ўлкалар билан яқин алоқаларидан ҳам далолат беради. Шунингдек Нуртепа,

¹ Беляева Т.В. О работах Нуртепинского отряда в 1984г. // АРТ (1984). Вып. XXIV. – Душанбе: Дониш. 1993. С. 51-57.

² Кабанов С.К. Археологические находки на Фархадстрое. // ИАН Уз.ССР. -№ 5. – Т., 1948. С. 71-81.

Мунчоктепадан топилган кўплаб санъат буюмлари¹, қадимий уструсоналикларнинг юксак даражада ривожланган санъатидан хабар беради. Ўрта асрлар Уструсонасининг ўзига хос ривожланган санъати, асосан, археологик манбалар асосида баҳоланади. Археологик топилмалар уструсоналиклар санъатининг халқ амалий (заргарлик, ўймакорлик, наққошлик ва ҳ.к.), тасвирий, мусиқа ва бошқа соҳалари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Чилдухтарон, Қалаи Қаҳқаҳа, Култепа ва бошқа ёдгорликлардан топилган олтин, мис, жез ва бошқа нодир металллардан куйиш, зарб қилиш орқали турли хил нақшлар, афсонавий образлар ва сюжетларнинг комплекс тасвирларини ўзида мужассам қилган маҳсулотларнинг нодир намуналари – қимматбаҳо узук ва сирғалар, чироқ ва шамдонлар, тамға ва патнислар, идиш - товоқлар, ўчоқлар, ёғоч ва ганч ўймакорлиги намуналари Уструсона ҳунарманд ва заргарларининг амалий санъатини юксак даражада баҳолаш учун ҳақли равишда асос бўла олади.²

Уструсона санъатининг асосий тури бўлган, асосан Қалаи Қаҳқаҳа шахристонидан топилган тасвирий санъатнинг 70дан ортиқ композициялари, жумладан «Икки гўдакни эмизаётган она бўри», «Кўп қўлли худо тасвири», «Уч отлик жангчи», «Жанг аравасидаги жангчи», «Уч кўзли афсонавий образ», «Уч бошли ва тўрт қўлли худо», «Қанотли жангчи», «Қуш ва аждарҳо», «Отини даволаётган жангчи», «Арфа чалаётган аёл» ва бошқалар, бу санъатнинг етук даражаси ҳақида батафсил, бой маълумотлар беради. Бу тасвирлардаги сержило ранглар, ўзига хос услуб уструсоналикларнинг ҳар томонлама етук маънавий дунёқарашининг чуқур илдизлари, анъаналари, кўшни халқлар, давлатлар (Суғд, Тоҳаристон ва бошқалар) шу жумладан умуман Шарқ (юнон, рим, хитой) халқлари маънавий ҳаёти билан яқин алоқаларидан далолат беради.

¹ Кабанов С.К. Археологические находки на Фархадстрое. // ИАН Уз.ССР. -№ 5. – Т., 1948. С. 71-80.

² Кильчевская Э.В., Негматов Н.Н. Находки ювелирных изделий из Шахристана. // СА. -1964. -№3. С.238-246., Бердимуродов А.Э. Гемма инталия из Алмантепа. // ОНУ. -1984. -№4. С.63-65.

Археологик топилмалар уструсоналиклар бадий санъатининг яна бир тури - мусиқа санъати ҳақида ҳам маълумотлар бериб, буларнинг ичида «Арфа чалаётган аёл» (Қалаи Қаҳқаҳа) тасвири ва мусиқа асбобларининг қолдиқлари (Чилхужра) алоҳида илмий аҳамият касб этади.

Кўриб турганимиздек, Уструсона ўзининг тарихий воқеаларга бой сиёсий ҳаёти, сертармоқ иқтисодиёти, кўпқиррали маънавий ҳаёти билан ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг юксак тараққий этган ўлкаларидан бири бўлганлигини яққол исботлайди. Хусусан, унинг юксак моддий ва маънавий маданияти Ўрта Осиё халқларининг кейинги даврлардаги тақдирида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, юқоридаги тадқиқотлар қадимдан аҳоли томонидан ўзлаштирилган бу ҳудуд, Ватанимиз ўтмишидаги муҳим тарихий воқеалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, Ўрта Осиё халқлари тарихининг муҳим узвий қисмини ташкил этганини кўрсатади. Уструсонада яшаган аجدодларимизнинг иқтисодий ҳаёти, маданий турмуш тарзидаги серқирра анъаналар ва умуминсоний қадриятлар бугунги мустақил Ўзбекистон жамиятининг бу кўхна дунёнинг қадим даврлари қаъридан келаётган маънавий сарчашмаларининг бир кўринишидир.

ХУЛОСА

Қадимги Уструшонода архаик даврдан – мил. эр. авв. VII - VI асрлардан бошлаб чорвадор қабилаларнинг ўтроқлашув жараёни кузатилади. Мудофаа истехкоми мавжуд дастлабки яшаш маконлари мил. эр. авв. VII-VI асрларда вужудга келган. Бу маконлар оқар сув манбалари ҳавзасида қурилган бўлиб, аҳолининг иқтисодий ҳаёти, турмуш тарзи, аста-секин сунъий суғориш тармоқларига асосланган қишлоқ хўжалигига ихтисослашиб борган. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, Уструшоно моддий маданияти маълум бир тизим асосида доимий равишда ривожланиб борган. Ушбу тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда Уструшонанинг қадимий ва илк ўрта асрлар моддий маданияти тараққиётини, қуйидагича хулосалаймиз.

Уструшонода шаҳар қурилишининг биринчи босқичи ахамонийлар истибдоди даврида ушбу ҳудуднинг шимолий сарҳадларини муҳофаза қилиш мақсадида қурилган (ёзма манбаларда еттита) ҳарбий қалъа-истехкомлар бунёд этилганлиги билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик худди шу қалъалар негизида ва унинг ён теварагида шаҳарлар қад кўтарган. Трансоксиананинг ўша даврдаги улкан аҳоли пунктларидан бири – Кирэсхата (Курукада) ўз атрофидаги қишлоқ маконлари учун маъмурий марказ бўлиб майдонга келган ва Уструшонанинг кейинги даврлари маданияти учун ўзига хос «ядро» бўлиб хизмат қилган. Дарҳақиқат, арк ва шаҳристондан иборат Нуртепа (18 га) ёдгорлиги, мил. эр. авв. VI - V асрларда ташқи деворлар билан ўраб олиниб, мукамал шаҳар мақомини олади. Хўжабақиргансой дельтасида жойлашган Хўжанд ўрнидаги қишлоқ макони (мил. эр. авв. VII - VI асрлар), Ўратепа ўрнидаги Муғтепа (6га) ёдгорлиги (мил. эр. авв. V асрлардан бош.) Шимолий Уструшонодаги Хонтепа, Сағанақтепа I, II (мил. эр. авв. V - IV асрлар) қадимий ёдгорликлар тизимини тўлдириб, даврий сана бўйича, узвийликни таъминлайди ва энг асосийси мил. эр. олдинги I минг йилликнинг ўрталарида «Қадимги Уструшоно» худудида шаҳар қурилиши соҳасида, моддий маданият ва ижтимоий

хаёт борасида сезиларли юксалиш бўлганлигидан далолат беради. Лекин таъкидлашимиз жоизки, «Қадимий Уструшона» худуди шаҳарсозлиги, маъмурий иншоотлари ривожланиш этаплари тикланганди. Лекин тўпланган маълумотлар ҳали том маънода худуднинг қадимий давр (мил. эр. авв. I минг йиллик) маъмурий иншоотларнинг ички ва ташқи меъморий элементларининг хусусиятларини тўла очиб бериш имкониятини бера олмайди. Қадимий уструшоналиклар турар жой комплекслари ривожланиш босқичлари, асосан энг оддий ертўла, ярим ертўла, хом ғишт ва пахсадан қурилган ер усти иншоотларидан иборат бўлган. Бундай оддий яшаш маконлари бир қарашда ҳаёт учун ўта жўн, содда ва ҳатто шаҳар ҳаёти учун хусусиятли эмасдек бўлиб кўриниши мумкин. Лекин шу даврга оид юнон полисларидаги шаҳарларда ҳам ертўла ва ярим ертўлалардан яшаш маконлари сифатида фойдаланилганини ҳисобга олсак, бу табиий жараёндир. Умуман олганда, бу ёдгорликлар, «Қадимий Уструшона» моддий маданиятининг меъморий хусусиятлари, хусусан маъмурий, мудофаа, ишлаб чиқариш ва турар жой комплекслари меморчилигининг умумий белгиларини очиб беради. Буларнинг барчаси Сирдарёнинг ўнг оқими ҳавзасида шарқдан Фарғона, ғарбда Суғдиёна, шимолда Чоч сарҳадларигача бўлган худудда «Нуртепа маданияти» номи билан аталаётган мустақил, ўзига хос, маҳаллий маданият намуналари вужудга келганлигини яна бир бор исботлайди.

Уструшонада шаҳарсозлик урбанизациясининг навбатдаги этапи, Александр Македонский истилоси даврида Сирдарё ўрта оқими ҳавзасида бунёд этилган ҳарбий қалъалар қурилиши билан боғлиқ. Ҳозирги Хўжанд шаҳрининг пайдо бўлиши ҳам, мутахассислар томонидан айнан ушбу қалъалар қурилиши билан боғланиб, даврий санаси мил. эр. ол IV асрнинг охириги 30-йиллари билан белгиланган.

Қадимги ёзма ва археологик манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, архаик ва антик даврларда Уструшона сиёсий жиҳатдан Суғдиёна таркибига кирган бўлсада, унинг моддий маданиятида, аҳолининг таркибида ўзига хослик ва маҳаллийлик хусусиятлари тўла ҳукмрон бўлган. Нуртепа

шаҳар харобаларидан топилган сопол идиш сиртига битилган оромий ёзувига ўхшаш номалум ёзувлар ҳам шундан далолат беради.

Моддий маданиятдаги умумий ўхшашлик, кўп жиҳатлардаги бир хиллилик, ушбу воҳада мил эр. авв. V - III асрларда «Нуртепа маданияти», ҳаёт тарзининг барча жабҳаларида устувор бўлганлигини кўрсатади. Шунингдек, бу даврларда бошқа ҳудудларда бўлгани каби Уструшолада ҳам зардуштийлик дини ва мафкурасининг тарқалиши кузатилади. Хусусан Нуртепада очиб ўрганилган қабрларда зардуштийликнинг кўмиш билан боғлиқ маросим, урф-одат изларини кўриш мумкин. Саватдаги Хонтепа қишлоқ маконидан эса хумга солиб кўмилган ит қолдиқлари топилди. Айтиш жоизки, сопол, хум тобутда кўмиш зардуштийликнинг асосий маросимларидан бири, у нафақат Уструшолада, балки бутун Ўрта Осиё минтақаси учун характерли бўлиб, бу одат илк ўрта асрларда ҳам давом этган. Баъзи ҳолларда масалан, шимолий-ғарбий Уструшоладаги Комилбоботепа қалъасида, Зоминдаги Қўштепада қайд этилгани каби, Мовароуннаҳр халқлари орасида ислом дини тўла-тўқис қабул қилингандан кейин ҳам аҳолининг айрим, кичик қатламлари орасидаги зардуштий қавмлар ўзининг эски диний фаолиятидан воз кечмаган.

Нуртепа маданиятига оид топилмалар орасидаги тошдан ясалган асбоб ускуналар алоҳида диққат этиборга молик. Булар - қўл тегирмон, тош сандон, сопқонтош, қирғич, қайроқ ва турли меҳнат қуроллар бўлиб, уларнинг кўпчилиги кейинги даврларда ҳам кенг фойдаланилган.

Нуртепа маданияти ривожининг навбатдаги босқичида унинг таъсир доираси шимолий-ғарбий Уструшо воҳаларига қадар етиб борган. Бу даврда (мил. эр. авв. II - I асрларда) Уструшонанинг шимоли ва шимолий - ғарбий ҳудудларида Ховос туманидаги Эски Ховос, Хитойтепа, Зоминдаги Қўрғонтепа қишлоқ маконлари, Жиззахдаги Қалиятепа, Ғаллаоролдаги Қўрғонтепа шаҳар ёдгорликлари бунёд этилган. Кейинги йилларда ўтказилган археологик қазув тадқиқотларини шаҳодат беришича Жиззах, Зомин ва Ховос

Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарлари қаторидан ўрин олади. Мазкур аҳоли маконларининг вужудга келиши ва келгусидаги раванқида, уларнинг «Буюк ипак йўли»га нисбатан географик жиҳатдан қулай ҳудудда жойлашуви ҳам асосий омил бўлган. Қалиятепанинг илк антик давр моддий маданиятида Сўғднинг фаол таъсири сезилиб туради. Милодий эрадан аввалги III - II асрларга тааллуқли сопол идишлар, хусусан паймоналар, ясалиши технологияси ва шаклига кўра Афросиёб II, Афросиёб III қатламларидан чиққан паймоналарнинг айнан ўзидир. Юпқа деворли, калта, ғовак тагдонли, қизғиш ангоб билан бўялган ушбу идишларни Қалиятепа I (ҚТ I) атамаси билан илмий муомалага киритамиз. ҚТ I маданий қатламини ҳозирча шартли деб олиш мақсадга мувофиқдир, чунки ёдгорликнинг стратиграфияси тўлиқ ўрганилгани йўқ. Келгусидаги тадқиқотлар янада қадимгироқ материалларни бериши мумкин. Сўнги антик давр ва илк ўрта асрлар Қалиятепа меъморчилигида Сўғд усуллари тўла сақланиб қолиб, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида «чўл маданияти» таъсирининг катта устинлиги кўриниб туради. Бундай аҳволни шимолий-ғарбий Уструшонада кейинги босқичда бунёд этилган бошқа шаҳарлар моддий маданиятида ҳам кузатиш мумкин.

Бу даврда шаҳарлар деҳқончилик ҳамда савдо сотиқ ва хунармандчилик марказлари бўлиб майдонга келади, маъморчиликда ҳукмдорлар саройи ва феодал деҳқонлар уйлари режаси мураккаблашади, ҳашамдорлиги ошади. Шунингдек, аҳоли сони ўсди ва бунинг мантиқий давоми сифатида қишлоқ уй-жойлари қурилиши ҳам ривожланади. Янги эранинг I асрларида чегара зоналарида Мунчоктепа (Шимолий Уструшона) каби шаҳар типигадаги ҳарбий қалъалар қурилади. Бу иншоот, ягона мудофаа занжирини ташкил қилган бир қанча таянч қалъаларини маркази ҳисобланади. Бу даврда Уструшона иқтисодиётида қишлоқ хўжалигини ўрни янада кучаяди, лалми ва сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ерлари кенгаяди.

Мил. эр. авв. I минг йиллик ўрталарида Уструшона кулоллигида туб бурилиш юз беради. Бу давр кулоллик

идишлари асосан қўлда ва кулоллик чархида ясалган идишларга бўлинади. Кўпроқ ошхона ва маҳсулот сақлашга мўлжалланган идишлар қўлда ясалган. Кулоллик чархининг пайдо бўлиши билан, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, ижтимоий табақаланиш натижасида юз берган меҳнат тақсимооти сабабли, сопол идишлар ишлаб чиқариш аёллар қўлидан эркаклар қўлига ўта бошлайди. Кулолчилик чархи, сони ва сифати юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон беради. Кулолчилик жамоа хўжалигидан ажралиб шаҳарга кўчади.

Ҳунармандчиликнинг кулоллик соҳасида Суғднинг таъсири олдинги ўринга ўтади. Уструшона ана шу даврдан эътиборан Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида вужудга келган кўчманчилар маданияти характеридаги «Қовунчи маданияти» таъсири остига тушиб қолганлиги кузатилади.

Милодий эрадан олдинги сўнгги асрларда кулоллик техникаси ривожланиб, катта ҳажмдаги идишлар яшаш имконини берувчи кулолчилик чархлари пайдо бўлди. Сопол идишлар ассортиментини кўпайтириб бориб, янги шакллар, масалан, баланд тагликли қадахлар пайдо бўлади. Сопол идишлар яшаш техникаси такомиллашади. Бу даврда идишлар анғоб билан бўялиши кенг тарқалди.

Уструшона ҳудудидиги I – IV асрларга оид дафн ёдгорликларидан топилган сопол комплексида бўғизидан ип билан эгар қошига боғлаб юришга мўлжалланган, бир томони текис, иккинчи томони бўртиб чиққан сопол сувдонлар учрайди (Мунчоктепа). Бу эса ўтроқ аҳоли билан кўчманчилар ёки қўшни чорвадор аҳоли билан яқин савдо-маданий алоқалардан далолат беради. Бу даврда ўзининг асосий белгиларини сақлаб қолган ҳолда, айрим қисмлари ўзгарган ёки маълум бир маънода янги шакл олган сопол идишлар пайдо бўлади. Идишларнинг асоси, гардиши, таглиги, дасталари ўзгариб боради.

Кушонлар даврида Уструшона ҳудуди кулоллик буюмлари орасида қизил анғоб билан бўялиб, сирти силлиқланган идишлар кенг тарқалган. Бу эса кулолликда Суғднинг марказий шаҳарларида дунёга келган янги

технологияни Уструшона ҳудудига кириб келганлигидан далолат беради. Барча даврларда бўлгани каби антик даврда ҳам Уструшона ҳудуди бир қанча маданият намуналари учун учрашув макони - чорроҳа вазифасини ўтаган.

Антик давр учун хулоса қилиб айтиш мумкинки, Уструшона ҳудуди мунтазам равишда яқин ва йироқ қўшнилар билан маданий ва иқтисодий алоқада бўлиб келган. Ҳудудда топилган моддий маданият комплекси намуналари, хусусан сопол идишлар алоқа доирасининг аниқ географиясини белгилайди. Илк антик даврдаги Уструшонанинг Чоч, Фарғона, Суғд билан мустақкам маданий алоқаси, ўрта Сирдарё ҳавзасида милодий III - IV асрларда ҳам давом этади. Бу ҳудуддан топилган моддий маданият комплекси, дафн ёдгорликлари ва маросимлардаги ўхшашлик билан ифодаланади.

Илк ўрта асрларда (V - VIII), айниқса, унинг сўнгги даврларида иқтисодий масалалар, шаҳар ва қишлоқ қурилишида асосий ҳаракатлантирувчи омил бўлиб қолади. Шунингдек, бу даврда Уструшона чегаралари тўла-тўқис аниқланади ва том маънодаги мустақил давлат сифатида тарих саҳнасидан ўрин олади. Уструшонанинг бош шаҳри – Бунжикент мамлакатнинг маъмурий, сиёсий ва ишлаб чиқариш маркази сифатида шаклланди. Уструшонанинг Зомин, Дизак, Сабат, Ховос каби рустоқлари маъмурий ва иқтисодий марказлари атрофида қишлоқлар тизими, савдо - сотиқ билан боғлиқ иншоотлар, транзит йўллар вужудга келди. Бу даврда қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликнинг раванқ топиши давом этади. Шунингдек, бу даврдаги муҳим тарихий жараён, чорвадор ва деҳқончилик воҳаларида яшовчи халқлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ва этник яқинлашув, келгусидаги уларнинг муштараклигига асос бўлиб хизмат қилади.

Чўл мавзелари билан чегарадош жойларда янги шаҳар ва қишлоқ турар жойлар вужудга келди. Шимолий-ғарбий Уструшонанинг илк ўрта аср шаҳар ва қишлоқларидаги археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, меъморчиликда қадимги анъаналар ва классик усуллар давом этсада, кулоллик

махсулотларининг сифати ва структурасида чўл маданиятининг таъсири ошганлиги яққол кўринади.

Уструшона хўжалигининг, хусусан деҳқончилик, чорвачилик ва фойдали қазилмалар қазиб олишнинг ривожланиши, хунармандчиликнинг тараққиёти учун ҳам кенг йўл очиб берди. V - VI асрларга келиб, янги ижтимоий муносабатлар, феодал ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши ва шакллана бориши билан хўжаликда туб бурилиш юз берди. Илмий адабиётлар бу даврда Ўрта Осиё ҳудудига янги этник гуруҳларнинг кириб кела бошлашини таъкидлайдилар. Сопол ишлаб чиқаришда катта ўзгаришлар юз беради. Қўлда ясалган идишлар кўпаяди. Ангобнинг сифати тушиб бориб, ангоб билан қопланган идишлар сони кескин камаяди. Бу вақтга келиб баланд тагликли қадахлар йўқолиб, кружкалар кенг муомалага киради. Бу даврга оид кулоллик хумдонлари (Галатепа) юмалоқсимон режали, икки бўлмадан иборат бўлган. Хумдонларда кулоллик чархида ясалган идишлар билан бир вақтда, қўлда ясалган идишлар ҳам пиширилган.

Сопол идишлар ангоб қопламасининг йўқолиши VI - VIII асрларга хосдир. Уларнинг ўрнига идишлар сув билан осон ювиладиган қизил ранг билан бўялган. Бу даврда косалар шаклининг кескин ўзгариши кузатилади. Олдинги чуқур косалар ўрнига унча баланд бўлмаган, энли ва ясси косалар кенг ёйилади. Бу даврда ҳам қўлда ясалган сопол идишлар учрайди.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, Ўрта Осиёда феодал муносабатлар қарор топган V - VI асрларда Уструшона иқтисодий ҳаётида юксалиш кузатилади. Шаҳарлар маълум бир туман, рустокнинг сиёсий ва иқтисодий маркази сифатида майдонга чиққан ва яқин атрофдаги деҳқончилик воҳаларини бирлаштирган. Бу эса араб истилоси олдидан бошланган феодал тарқоқликнинг бир кўриниши эди.

Археологик ёдгорликлардан топилган амалий санъат намуналари, деворий суратлар, ҳайкалчалар, тақинчоқлар ва қимматбаҳо буюмлар қадимий уструшоналиклар моддий маданияти санъатшунослик нуқтаи назаридан тараққиётидан гувоҳлик беради. Тасвирий лавҳаларда, Ўрта Осиё, жумладан

Уструшона санъатида Эрон, Ҳинд ва Рим афсоналарининг таъсири кузатилади, улар орасидаги мунтазам алоқалар борлигидан далолат беради. Ушбу илоҳий ва афсонавий образлар орқали қадимий уструсоналикларнинг маънавий қиёфаларини тасаввур қилишимиз мумкин.

Ҳудудда ўрганилган дафн ёдгорликлари, уструсоналиклар маънавий ҳаётини кўрсатиши билан бирга, уларнинг илк ўрта асрларда зардуштийликнинг ўзига хос маҳаллий кўринишига ва бошқа диний таълимотларига топинганлиги ҳақидаги маълумотлар тасдиқлайди. Дафн ёдгорликлари географик жиҳатдан тоғ, тоғ олди ва текислик ҳудудларни ўз ичига олган Уструшонада кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ деҳқонларнинг диний дунёқарашининг бир хил бўлганлигидан ва ўзаро яқин алоқада бўлганлигидан далолат беради.

Илк ўрта асрлар Уструшона тарихий топографияси муаммоларига бағишланган тадқиқотлар натижасида бир қатор муҳим муаммолар ўз ечимини топиб бормоқда. Хусусан, текисликда жойлашган шаҳарларининг географик ўрни юзасидан олдин билдирилган фикрлар, сўнги археологик тадқиқотлар натижалари асосида қайта кўриб чиқилиб, моддий манбалар негизида изоҳланиб борилиши натижасида ўз тасдиғини топмоқда. Уструшонанинг тоғли ҳудудларида кенг кўламдаги археологик тадқиқотлар олиб борилмаганлиги сабабли, бу ҳудудда жойлашган рустоқларнинг ўрнини аниқлаш масаласида бир қадар ноаниқликлар учрайди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида қадимги ва илк ўрта асрлар Уструшонаси бўйича қуйидаги хулосаларни алоҳида таъкидлаймиз:

1. Ўрганилаётган ҳудудни қадимги жамоалар томонидан ўзлаштирилиши, илк қишлоқ маконлари ва шаҳарларнинг вужудга келиши, архаик замонлардан бошланиб, бу жараёнларда ўлканинг географик шароити: иқлими, сув таъминоти, ер хусусияти ва маҳаллий рельефлар катта роль ўйнаган.

2. Археология ёдгорликларининг мажмуаси, уларни ҳудудлаштириш ва тоифалаш натижаларига кўра ўлкани

ўзлаштириш асосан «юқоридан пастга» йўналишда содир бўлган, яъни, аввало тоғ ва тоғ ён бағридаги серсув ҳудудлар, кейинчалик эса текисликдаги ҳудудлар ўзлаштирилган.

3. Моддий маданият намуналарини таҳлили, хунармандчиликнинг Турон заминга хос бўлган барча соҳалар - кулолчилик, темирчилик, заргарлик ва ҳ.к. кўшни ўлкалардан кам бўлмаган ҳолда ривожланганини, кундалик эҳтиёж буюмлари талаб қилинган миқёсда маҳаллий усталар томонидан ишлаб чиқарилгани, уларнинг шакли ва ясаиш технологияси Суғд, Фарғона, Чоч минтақаси хунармандчилиги намуналари билан муқоясавийлашиб кетганлиги исботланди.

4. Илмий тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, Уструшонада барча тарихий давр ва замонларда ўтроқ деҳқон жамоалари билан кўчманчи чорвадор қабилалар ўртасида ўзаро иқтисодий ва моддий маданий хамкорлик тизимлари йўлга қўйилган. Аксарият ҳолларда деҳқончилик жамоалари ҳаёт тарзи ва маданияти таъсирига тушиб қолган кўчманчилар оммавий тарзда ўтроқлашган.

5. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, Уструшонадаги урбанизация жараёни, иқтисоднинг кўтарилиши, хунармандчиликнинг тараққиёти ва ихтисослашиши, қишлоқ ва шаҳар қурилиши, демографияси, янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва ўтроқлашув жараёнларини тўрта катта босқичга ажратиш мумкин.

а) милодий эрадан олдинги VII - IV асрлар тоғолди ҳудудларида бир қатор аҳоли яшаш маконларининг қурилиши;

б) милодий эрадан олдинги III - I асрлар текислик ва дашт мавзеларда қишлоқ ва шаҳарларнинг вужудга келиши;

в) милодий I - IV асрлар шаҳар ва қишлоқларнинг кўпайиши, янги воҳаларнинг ўзлаштирилиши;


г) милодий V - VII асрлар жамиятнинг феодаллашуви, маҳаллий аҳоли демографияси, кўчманчи аҳолининг ўтроқлашуви жараёнининг кучайиши, янги воҳаларнинг кенгайиши, қишлоқ маконлари ва шаҳарларнинг ўсиши.

6. Уструшона мил. эр. авв. VII асрдан мил. VIII асрларгача, яъни бир ярим минг йиллик тарихий даврда минтақада ҳаёт муттасил, узлуксиз давом этган.


7. Аҳолининг турмуш тарзи ва ишлаб чиқариш тараққиётининг маҳаллий қонуниятлари асосида вужудга келган бўлсада, у Суғд, Чоч, Фарғона каби қадимий воҳалар маданий таъсирида, ўзига хос кўринишда ривожланиб борганлигидан далолат беради.

Қадимги ва илк ўрта асрлар Уструшонси ўзининг тарихий воқеаларга бой сиёсий ҳаёти, сертармоқ иқтисоди, кўпқиррали маънавий ҳаёти билан ўрта асрлар икки дарё оралиғи - Мовароуннаҳр тарихида ўзига хос аҳамият касб этиб келган. Хусусан унинг юксак моддий ва маънавий маданияти Ўрта Осиё халқларининг кейинги даврлардаги тараққиётида ҳам муҳим тағзамин бўлиб хизмат қилган.


ИЛОВАЛАР




1-расм. VII-IX асрлар Уструшона сийсий харитаси.



4-расм. Илк ўрта асрлар Уструшона рустоклари.




5-расм. Қадимий Уструшона хуудли археологик ёдгорликлари харитаси.




7-расм. Уструшона худудида тадқиқотлар олиб борилган илк ўрта асрларга оид ёдгорликлар.




8-расм. Илк ўрта асрлар Уструшона худуди археологик ёдгорликлар харитаси.




9 - расм. Шимолий Уструшона археологик ёдгорликлари (А.А.Грицина бўйича).




10 - расм. Шимолий Уструшона (Янгиобод тумани) археологик ёдгорликлари харитаси (А.А.Грицина бўйича).




11-расм. Шимолий-ғарбий Уструшона археология ёдгорликлари.




12 - расм. Шарқий Уструшона археологик ёдгорликлари
(А.И.Билолов архиви).




13 - расм. Расулбойкултепа (шимолий - ғарбий Уструшона)
қалъасининг шимол томондан умумий кўриниши.




14-расм. Қалиятёпа (шимолий - ғарбий Уструшона)
шаҳристонининг ғарб томондан умумий кўриниши.




15 - расм. Қоратепа. Шахристон.




16 - расм. Қоратөпа. Аркнинг умумий кўрinishи.




17-расм. Қадимий даврга оид ёдгорликлар
топографик планлари.
Нуртепа, Хонтепа, Сағанақтепа I, II.




18-расм. Шаркий Уструшона ўрта асрлар
ёдгорликлари топографик планлари. Чилхужра,
Ўртақўрғон, Қалаи Сор, Вахмтепа.



19-расм. Шимолий Уструшона ўрта асрларга оид ёдгорликлар топографик планлари.




20 - расм. Шимолий - ғарбий Уструшона ёдгорликлари топопланлари.




21-расм. Қалаи Қаҳқаҳа I, II, III шаҳристони комплекси
ёдгорликлари топографик планлари. (1. Қалаи Қаҳқаҳа I.
2. Қалаи Қаҳқаҳа II. 3. Қалаи Қаҳқаҳа III).



22 - расм. Қалиятепа комплекси топоплани.




23 - расм. Комилбоботепа (Шимолий - ғарбий Уструшона) қалъаси топоплани.



24-расм. Ėкubbоботепа топоплани.
(Шимолий-гарбий Уструшона).



25 - расм. Пардакултепа. (Шимолий - ғарбий Уструшона). IV - VI асрларга оид ярим айлана шаклидаги минора.




26-расм. Пардакултепа. (Шимолий - ғарбий
Уструшона). IV - VI асрга оид хона қолдиқлари.




27-расм. Пардакултепа. (Шимолий - ғарбий Уструшона).
Марказий иморатнинг мудофаа девори.




28-расм. Комилбоботепа. (Шимолий - ғарбий Уструшона). 4-хонадаги ўчоқ қолдиғи.




29-расм. Хонтепа. (Шимолй Уструшона).
ёдгорлик қирқими. А.А.Грицина буййича.




30-расм. Қалиятёпа. (Шимолӣй - ғарбӣй Уструшона).
2-работ. Стратиграфик шурф қирқими.




31-расм. Ёкубоботепа. (Шимолий-гарбий Уструшона).
 1 - чим қатлам. 2-оқиш ғовақли қатлам.




32-расм. Комилбототепа қаласи. (Шимолий-ғарбий Уструшона).
Стратиграфик шурф қирқими.




33-расм. Октепа ёдгорлиги (Шимолій Уструшона). Шўрбулоксой хавзаси.
Стратиграфик шурф киркими.




34 - расм. Хўжанд. (Шарқий Уструшона). Ёдгорликнинг стратиграфик қатламлари қирқими (А.И.Билолов, Т.В.Беляева).





35 - расм. Пардакултепа хоналари режаси
(Шимолий - ғарбий Уструшона).




36 - расм. Пардакултепа (Шимолий - ғарбий Уструшона). Ёдгорлик кесмаси.




37 - расм. Ширин ёдгорлиги режаси.
(Шимолий - шарқий Уструшона).




38 - расм. Ширин. (Шимолий - шарқий Уструшона).
Ёдгорлик қирқими.




39 - расм. Ўртақўрғон. Ёдгорлик режаси.
(жанубий Уструшона).




40-расм. Чилхужра. Ёдгорлик режаси.
(Шарқий Уструшона).




41-расм. Дўнгатепе. Ёдгорлик режаси
(Жанубий-шарқий Уструшона).




42-расм. Ўртақўрғон, Дўнгчатепа. Ёдгорлик қирқими
(Жанубий ва шарқий Уструшона).




43 - расм. Қалаи Қахқаха II қалъаси илк ўрта асрларда (С.Г.Хмельницкий).




44-расм. Чилхужра қаласи илк ўрта асрларда (У.Пулатов бўйича).




45-рaсм. Үргaкүрғон қaлaси илк үргa асрлaрдa (Н.Негмaтов бүйичa).




46-расм. Қалаи Қаҳқаҳа II қаласи кесмаси (Жанубий Уструшона).




47-расм. Нуртепа. Мил. ол. V - II асрлар сопол комплекси намуналари
(Т.В.Беляева архиви).




48-расм. Хўжанд (Шарқий Уструшона). мил. ол. V - IV асрларга оид кулолчилик комплекси (Т.В.Беляева архиви).




49-расм. Хўжанд (Шарқий Уструшона). Мил. ол. III - I асрларга оид кулолчилик комплекси (Т.В.Беляева архиви).




50-расм. Хўжанд (Шарқий Уструшона). I - III асрларга оид кулолчилик комплекси (Т.В.Беляева архиви).




51-расм. Хонтепа (Шимолий Уструшона).
 Мил. ол. IV - III асрларга оид сопол комплекси (А.А.Грицина буйича).



52-расм. Сағанақтапа (Шимолий Уструшона).
 Мил. ол. IV-III асрларга оид сопол комплекси. (А.А.Грицина бүйича).




53-расм. Кўрғонтепа (Шимолий Уструшона).
Мил. ол. Ш-П асрлар сопол комплекси. (А.А.Грицина бўйича).




54-расм. Кўрғонтепа (Шимолий Уструшона).


Мил. ол. III-II асрлар сопол комплекси. (А.А.Грицина бўйича).




55-расм. Қўрғонтепа (Шимолий Уструшона).
 Мил. ол. Ш - П асрлар сопол комплекси (А.А.Грицина бўйича).



56-расм. Хитойтепа (Шимолий Уструшона). Мил. ол. II - I асрлар сопол комплекси.




57-расм. Қалиятепа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
 2-работ. Стратиграфик шурф. Мил. ол. I - II асрлар
 кулоллик комплекси.




58 расм. Қалиятепа (Шимолий - ғарбий
Уструшона). 2-работ.


I - III асрлар кулоллик комплекси.




59-расм. Ёкубоботепа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
1-курилиш даври. III - IV асрлар.




60-расм. Ёқуббоботепа (Шимолй - ғарбий Уструшона).
1 - курилиш даври. Ш - IV асрлар.




61-расм. Ёқубботтепа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
1-курилиш даври. Ш - IV асрлар.




62-расм. Ёқубботтепа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
2-курилиш даври. IV - VI асрлар.




63-расм. Ёкуббототепа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
2-курилиш даври. IV - VI асрлар.




64-расм. Мугтепа (Ўратепа. Жанубий Уструшона). Сопол комплекси.




65-расм. Қалиятепа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
 2-работ. Стратиграфик шурф.
 IV-VI асрлар кулоллик комплекси.




66-расм. Қалиятепа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
V-VI асрлар кулолик комплекси.




67 - расм. Қалиятепа (Шимолий - ғарбий Уструшопа).
VI - VII асрлар кулоллик комплекси.




68 - расм. Қалиятепа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
 VI - VIII асрлар кулоллик комплекси.




69 - расм. Қалиятапа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
VI - VII асрлар кулоллик комплекси.




70 - расм. Қалиятпа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
VI - VII асрлар кулоллик комплекси.



71 - расм. Қалиятёпа (Жанубий - ғарбий Уструшона).
 VI - VII асрлар кулоллик комплекси.




72-расм. Шўрбулоксой хавзаси (Шимолий Уструшона). Октепа ёдгорлиги кулоллик комплекси.




73-расм. Азлартепа (Зомин) (Шимоллий Уструшона).

VII - VIII асрлар сопол комплекси.




74-расм. Оқтепа (Шимолий Уструшона).


Илк ва ривожланган ўрта асрлар сопол комплекси.




75-расм. Маслахаатгепа ва Култапа (Шимолий Уструшопа, Туркмансой).
 V - VIII асрлар сопол комплекси. (А.А.Грицина).




76 - расм. Қалаи Қаҳқаҳа (Шарқий Уструшона). Илк ўрта асрлар сопол комплекси (Н.Негматов бўйича).




77 - расм. Қалаи Қахқаха (Шарқий Уструшона).
 Илк ўрта асрларга оид сопол комплекси
 (Н.Негматов бўйича).




78-расм. Чилхужра (Жанубий Уструшона).
Сопол комплекси намуналари (Н.Негматов буйича).



79 – расм. Дўнгчатеп (Жанубий-шарқий Уструшона).
Сопол комплекси намуналари.



80 - расм. Сопол хумдон (Калининобод кишлоғи. Шарқий Уструшона).
Режа ва кесмаси.



81-расм. Уструшона афшинлари (1-3 Раханч, 4-10 Сатачари) тангалари (О.И.Смирнова буйича).




82-расм. Каллахона (Шарқий Уструшона).
Мил. ол. VII - VI асрларга оид сопол қозон (Т.В.Беляева архиви).




83-расм. Каллахона (Шарқий Уструшона). Мил. ол.
VII - VI асрларга оид тамғали хом ғиштлар.



84 - расм. Қалиятепа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
2 - работ. Мил. ол. II - I асрларга оид паймона (қадах).



85 - расм. Қалиятепа (Шимой - ғарбий Уструшона).
2 - работ. Мил. ол. II - I асрларга оид паймона (қадах).



86 - расм. Қалиятепа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
2 - работ. Мил. ол. II - I асрларга оид паймона (қадах).



87-расм Ёқубботтепа (Шимолий-ғарбий Уструшона). III-V асрларга оид сопол комплекси намуналари.



88-расм. Ёқубботепа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
III - V асрларга оид сопол комплекси намуналари.




89-расм. Пардакултепа. (Шимолӣ - ғарбӣ Уструшона).

IV - VI асрларга оид сопол идишлар намунаси.




90-расм. Қинғиртепа (Ғаллаорол. Шимолий - ғарбий Уструшона).
VIII асрга оид косагул идишлар.



91-расм. Пардакултепа (Шимолий-ғарбий Уструшона).
IV - VI асрларга оид тошдан ясалган эшик «ошиқ-
мошиғи».




92-расм. Пардақултепа (Шимолій - ғарбий Уструшона).
IV - VI асрларга оид чироғдонлар.



93 - расм. Пардакултепа (Шимолий - ғарбий Уструшона).
IV - V асрларга оид қизил рангли сув кўза.



94-расм. Куркат дахмалари (Шимолий - шарқий Уструшона). V – VI асрлар.



95-расм. Куркат дахмалари (Шимолий - шарқий Уструшоно). V – VI асрлар.




96-расм. Куркат дахмалари (Шимолий - шаркий Уструшона). V – VI асрлар.



97-расм. Қўрғонтепа (Ғаллаорол. Шимолий -
ғарбий Уструшона). V - VIII асрларга оид шохли
қўчқор ҳайкалчаси.




98-расм. Илк ўрта асрларга оид сопол қувур.




99-расм. Куркат (Шимолй - шарқий Уструшона).


I - II дахмалар. Металл буюмлар. V - VI асрлар.




100-расм. Куркат (Шимолий - шарқий Уструшона).
 I - II дахмалар. Тақинчоқлар. V – VI асрлар.




101-расм. Ширинсой қабристон
(Шимолий Уструшона). Қабр режаси.




102-расм. Ширинсой кабрисони (Шимолий Уструшона). Кабр режаси.



103-расм. Майдонсой кабристони. Кабр режаси ва киркими. (Шаркий Уструшона).



104-расм. Калининобод қишлоғи. Хумга кўмилган ёш бола қабри.



105-расм. Болаларни эмизётган она бўри тасвири. Қалаи Қаҳқаҳа.

ҶОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998, 21 б.
2. Абаев В.И. Среднеазиатский политический термин Афшин. //ВДИ, 1959, № 2 (68), 112-116 с.
3. Абдукаримохунова Р., Бердимуродов А., Дермина С., Кадиров Э. Раскопки на Кингиртепа. //АО, 1978. – М.: Наука, 1979, 542 с.
4. Авзалов Р.З. Культурный комплекс жилого квартала Бунджиката. //ТД Ресубликанской конференции молодых ученых и специалистов. – Душанбе, 1977, 44 с.
5. Авзалов Р.З. О квартальной структуре Бунджиката. // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. – Душанбе: Дониш, 1977, 81-83 с.
6. Авазов Р.З. Раскопки на городище Калаи Кахкаха I в 1976 году. //АРТ. XVI (1976). -Душанбе: Дониш, 1982, 318-327 с.
7. Авзалов Р.З. О работах на городище Калаи Кахкаха I в 1977 году. //АРТ XVII (1977). -Душанбе: Дониш, 1983. 244-255 с.
8. Авзалов Р.З. Раскопки объектов V и VI городища Калаи Кахкаха I в 1978 году. // АРТ (1978). Вып. XVIII. –Душанбе: Дониш, 1984, 348-363с.
9. Авзалов Р.З. Раскопки на городище Калаи Кахкаха I в 1980 году. // АРТ (1980). Вып. XX. –Душанбе: Дониш, 1987, 359-370 с.
10. Авзалов Р.З., Самойлик П.Т. Майдансайское погребение. // АРТ (1976). Вып. XVI. – Душанбе: Дониш, 1982, 328 – 330 с.
11. Абу Джафар ат-Табари. История ат-Табари. –Т.: Фан, 1987, 210 с.
12. Альбаум Л.И. Буддийский храм в долине Сангзар. // ДАН УзССР. –Т.:, 1955, 57-59 с.
13. Алимов У.А., Сверчков Л.М. Работы в Джизакской области. // АО 1984г, –М: Наука, 1986, 454-455 с.
14. Алимов У.А., Сверчков Л.М. Археологические исследования в Сырдарьинской области. // ИМКУ. Вып.21. – Т.: Фан, 1987, 132-138 с.

15. Аминжанова М. Археологическая разведка в Зааминском районе. // ИМКУ. Вып.8. –Т.: Фан,1969, 137-142 с.
16. Аминов Г.А. Джизако Чиназская Голодная степь и памятники бывшей в ней оседлости. // Туркестанские ведомости. 1873, №27, 107 с.
17. Арриан Флавий. Анабасис Александра или история паходов Александра Великого. Пер. с древнегреч. М.Е.Сергеенко. –М,-Л., Изд. АН СССР, 1962, 384 с.
18. Ахунбабаев У.Г. Рустаки, селения Самарканда на пути в Шаш и Ферганы. /Буюк Ипак йўлидаги М.О. шаҳарлари. Самарқанд, 1994, 16-19 б.
19. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. // Соч. Т.1. – М.: Наука, 1963, 585 с.
20. Баруздин Ю.А., Брыкина Г.А. Археологические памятники Баткена и Ляйляка (Юго-Западная Киргизия). –Фрунзе, 1962, 170 с.
21. Беленицкий А.М. О домусульманских культах Средней Азии. // КСИИМК. Вып. 28. - М.- Л., 1949, 83-85 с.
22. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. -Л.: Наука, 1973, 392 с.
23. Беляева Т.В. К открытию древнего поселения на территории Ленинабада. /История и археология Средней Азии.- Ашхабад.: Ылым, 1978, 47-48 с.
24. Беляева Т.В. О работе Ленинабадского отряда в 1976г. // АРТ (1976), Вып. XVI, Душанбе, Дониш, 1982, 264-282 с.
25. Беляева Т.В. Архаический, античный и раннесредневековый Ходжент по данным письменных и археологических источников. //Исследования по истории и культуре Ленинабада. –Душанбе, Дониш, 1986, 82-100 с.
26. Беляева Т.В. О работах Ходжентского отряда в 1980г. // АРТ (1990). Вып. XX. -Душанбе: Дониш, 1987, 252-357 с.
27. Беляева Т.В. Исследование Нуртепе в 1981г. // АРТ (1979), Вып. XXI, -Душанбе: Дониш, 1988, 19-31 с.
28. Беляева Т.В. Исследование Нуртепе в 1982г. // АРТ (1982). XXII, –Душанбе: Дониш, 1990, 72-96 с.

29. Беяева Т.В. К исторической топографии городов Уструшаны. // Древняя и средневековая археология Средней Азии. –Т.: Фан, 1990, 76-85 с.
30. Беяева Т.В. Исследование Нуртепе в 1982г. // АРТ (1982). Вып. XXII, –Душанбе: Дониш, 1990, 19-31 с.
31. Беяева Т.В. Нуртепа - городище древней Уструшаны. //АРТ (1983). Вып. XXIII, –Душанбе: Дониш, 1991, 21-28 с.
32. Беяева Т.В. Керамика Ходжента как исторический источник. // Международная конференция «Средняя Азия и мировая цивилизация». –Т, 1992, 25-26 с.
33. Беяева Т.В. О работах Нуртепинского отряда в 1984г. //АРТ (1984). Вып. XXIV. –Душанбе: Дониш, 1993, 51-57 с.
34. Беяева Т.В. О раскопках на Нуртепа и в Ходженте. // АРТ (1985). Вып. XXV.-Душанбе, Дониш, 1994, 19-22 с.
35. Беяева Т.В. Нуртепа - Кирополь. / Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. // Халқаро илмий конференция материаллари. -Т, 2002, 40-41 б.
36. Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абу-л Касима ибн Хаукаля. // ТСАГУ. Вып. CXI. -Т, 1957, 13-40 с.
37. Бердимуродов А.Э. О работе Джизакского отряда. // АО 1983. -М.: Наука, 1985, 523-524 с.
38. Бердимуродов А.Э. Гемма инталия из Алмантепа. // ОНУ. 1984, №4, 63-65 с.
39. Бердимуродов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. Автор. дис. ...канд. ист. наук.. -М., 1985, –23 с.
40. Бердимуродов А.Э. Винодельная мастерская в северо-западной Уструшане. // СА. –М, 1986, 210-215 с.
41. Бердимуродов А.Э. Пардаев М.Х. Замок Кингиртепе. // ИМКУ. Вып.22, –Т.: Фан, 1988, 66–75 с.
42. Бердимуродов А.Э., Пардаев М.Х. Раскопки верхнего здания Алмантепа. // ИМКУ. Вып. 23, –Т, Фан, 1990, 147-159с.
43. Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726 г). // ВДИ. 1952, №1 (39), 187-195 с.
44. Буряков Ю.Ф. Бассейн Среднего Яксарта в древности и раннем средневековье. // Городская культура Бактрии-

- Тохаристана и Согда. Античность, ранеесредневековье. –Т.: Фан, 1987, 32-37 с.
45. Буряков Ю.Ф. Исследования 1989 года по программе ВШП. // ИМКУ. Вып.25, –Т.: Фан, 1992, 178-186 с.
46. Буряков Ю.Ф. Связи Согда с Чачем и Ферганой на трассах ВШП. // Формирование и развитие трасс ВШП в Центральной Азии в древности и средневековье. // ТД маждународного семинара ЮНЕСКО. Самарканд 1-6 октября. –Т.: Фан, 1990, 52-54 с.
47. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Античные памятники Северной Уструшаны. // ОНУ, 1989, №:7, 41-45 с.
48. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. К открытию античного ядра Заамина. // ОНУ, 1994, №:8, 63-66 с.
49. Буряков Ю.Ф., Ростовцев О.М., Перевозчиков И.В., Ходжайов Т.К., Халилов Х. Могильник Утурлик Тепе (Информация и хроника). // УСА. Вып. №:4, -Л.: Наука, 1979, 91 с.
50. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А., Пардаев М.Х., Тихонин М.Р. Работы Чач-Уструшанской экспедиции. // АО 1986г. -М.: Наука, 1988, 493-496 с.
51. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр ва Великом шелковом пути. Самарканд-Бишкек, 2006, 208 с.
52. Билалов А.И. К истории орошения Уструшаны (бассейн Басмандасая). // ИАН Тадж. ССР. ООН, 1973, №2 (72), 31-37 с.
53. Билалов А.И. Памятники деревного орошения бассейна Шахристансая. // МКТ, Вып. 3, -Душанбе, 1973, 165-178 с.
54. Билалов А.И. Памятники древней ирригации в районе поселка Калининабад. // АРТ (1971), Вып. XI, -Душанбе, Дониш, 1975, 169-178 с.
55. Билалов А.И. Каризы Уструшаны. // Материалы по археологии и истории Таджикистана. -Душанбе, 1977, 43-55 с.
56. Билалов А.И. Изучение памятников ирригации бассейна Аксу в 1973г. // АРТ (1973). Вып. XIII, -Душанбе: Дониш, 1977, 219-230 с.
57. Билалов А.И. Древнее орошение в окрестностях Бунжиката. // По следам древних культур Таджикистана. – Душанбе, 1978, 143-155 с.

58. Билалов А.И. О работе горного археолого-топографического отряда СТАКЭ в 1974г. // АРТ (1974), Вып. XIV, -Душанбе: Дониш, 1979, 356-364 с.
59. Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. (МКУ. Вып. 4), -Душанбе: Дониш, 1980, 191 с.
60. Билалов А.И., Беляева Т.В. Исследование цитадели Ходжента в 1975г. // АРТ (1975), Вып. XV, -Душанбе: Дониш, 1980, 281-294 с.
61. Большаков О.Г. Город Средней Азии в конце VIII - начале XIII вв. // АДД. -М., 1974, 26 с.
62. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. -М.-Л, Изд. АН СССР, 1950, 333 с.
63. Бойназаров Ф Ёрта Осиёнинг антик даври. -Т.: Ўқитувчи, 1991, 470 б.
64. Брыкина Г.А. Карабулак. - М.: Наука, 1974, 126 с.
65. Брыкина Г.А. Юго-Западная Фергана в первой половине I тысячелетия нашей эры. -М.: Наука, 1982, 200 с.
66. Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. - VII в. н.э. (Историко-географический обзор по древнекитайским источникам). – М.: Наука, 1989, 180 с.
67. Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг (Предварительное сообщение). // КСИИМК. Вып. XV, - М.-Л: 1947, 92-109 с.
68. Гайдукевич В.Ф. Керамическая обжигательная печь Мунчактепе. // КСИИМК. Вып. XXVIII, -М.-Л, 1949, 77-82 с.
69. Гайдукевич В.Ф. Могильник близ Ширинсая в Узбекистане. // СА. 1952, №: XIV, 331-359 с.
70. Гафуров Б.Г. Таджики. (Древнейшая, древняя и средневековая история.) -М.: Наука, 1989, 382 с.
71. Геродот. История. Перевод и примечания Г.А.Стратановского. (В 9 кн). –М.: «Ладомир», 2002, 740 с.
72. Гулямов Я.Г. Кладбище Кулпи-Сар. // ИМКУ, Вып.2, -Т.: Фан, 1961, 92-96 с.
73. Грицина А.А. Археологические исследования в Северной Уструшане. //Я.Гулямов и развитие исторических наук в Узбекистане. -Т.: Фан, 1988, 33-35 с.

74. Грицина А.А. Средневековый Сабат. // К проблеме планировки и динамики развития городской территории. -Т.: Фан, 1989, 124-125 с.
75. Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. - начале XIII в н.э. (Археолого-топографическое исследование). Автор. дис. ...канд. ист. наук, -Самарканд, 1990, 24 с.
76. Грицина А.А. К сложению городов и поселений на древних путях Северной Уструшаны. // На среднеазиатских трассах ВШП. -Т.: Фан, 1990, 18-22 с.
77. Грицина А.А. Древнеуструшанский компонент в интеграции согдийской культуры. // Культура древнего и средневекового Самарканда в исторической связи Согда. ТД советско-французского коллоквиума, Самарканд, 25-30 сентября 1990г, -Т.: Фан, 1990, 39-40 с.
78. Грицина А.А. К формированию древних и средневековых путей Северной Уструшаны. // Формирование и развитие трасс ВШП в Центральной Азии в древности и среднавековье. ТД маждународного семинара ЮНЕСКО. Самарканд, 1-6 октября. - Т.: Фан. 1990. с.94-95.
79. Грицина А.А. О средневековых городах Северной Уструшаны. //Социально-пространственные структуры в социальной характеристике культурно-исторического процесса. ТД международной конференции.- М., 1992, 152-153 с.
80. Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. -Т.: Фан, 1992, 68 с.
81. Грицина А.А. К локализации и исторической топографии Заамина. //ТД маждународный конференции «Средняя Азия и мировая цивилизация». -Т.: Институт искусствознания МК РУз. 1992, 43-44 с.
82. Грицина А.А. Античная ядро Заамина. / ОНУ, 1994, № 8, 63-64 с.
83. Грицина А.А. Нуртепинская культура Уструшаны (Локализация и связи). // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. (Ю.Ф.Буряков таваллудининг 60-йиллигига

- бағишланган илмий анжуман маърузалар баёни). Самарканд, 1994. 30-32 б.
84. Грицина А.А. К локализации некоторых горных рустакон Уструшаны. // Ўрта Осиё тарихи ва археологиясининг долзарб муаммолари. -Т, 1995, 26 с.
85. Грицина А.А. К истории Заamina и Зааминского района. // Археология и художественная культура Центральной Азии. Кн. 2. -Т., 1995, 20-22 с.
86. Грицина А.А. Ал-Афшин Великий. // Сырдарьинская правда. 1995, 27 июля.
87. Грицина А.А. Закат Афшинов. // Сырдарьинская правда. 1995, 29 августа.
88. Грицина А.А. Городища Нурата. // ИМКУ. Вып. 27. – Самарканд: Регистан, 1996, 82-92 с.
89. Грицина А.А. К локализации рустака Бушагар. // ОНУ. – 1996, № 4-5, 101-102 с.
90. Грицина А.А. Изучение курганов в Сырдарьинской области. // ЎММТ (ИМКУ). Вып.28, Самарканд: Суғдиёна. 1997, 73-78 с.
91. Грицина А.А. Об оссуарном обряде в Уструшане. // ОНУ. - 1998, №1, 89-94 с.
92. Грицина А.А. К вопросу о местонохождении караван-сарая Худайсара. // Археология, нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. Материалы научной конференции посвященной 60-летию со дня рождения д.и.н. Б.Д.Кочнева. Самарканд, 2000, 70-73 с.
93. Грицина А.А. Уструшанские были. -Т.: Изд. народного наследия им. А. Кадыри. 2000, 244 с.
94. Грицина А.А. Некоторые общие черты в духовной культуре древней Бактрии и Уструшаны. // Термиз шахрининг жахон цивилизациясида тутган ўрни. -Т.: Фан, 2001, 98-99 б.
95. Грицина А.А., Содиқов М. Эски Ховос ва унга қўшни худудлар қадим ва ўрта асрларда. Самарқанд, 2015, 158 б.
96. Грицина А.А., Пардаев М.Х. Археологическое изучение Кизилинского массива. // Археологические работы на новостройках Узбекистана. –Т.: Фан, 1990, 163-179 с.

97. Грицина А.А., Сверчков Л.М. Археологические исследования в Сырдарьинской области. // ИМКУ. Вып. 23, Т.: Фан, 1990, 114-121 с.
98. Грицина А.А., Карабаев С.Д. Археолого-этнографические исследования бассейна Туркменсая. // ИМКУ. Вып 31. Самарканд, 2002, 181-194 с.
99. Джумаев В.К. Изучение погребальных сооружений в районе Шахристана. // АРТ (1983г). Вып. XXIII. Душанбе: Дониш, 1991, 58-61 с.
100. Древний Заамин (История, археология, нумизматика, этнография). / Отв. ред. Н. Ш. Умаров. –Т.: Фан, 1994, 124 с.
101. Дьяконов М.М. Перспективы археологического изучения Таджикистана. Тр АН ТаджССР, т. XXIX. Сталинабад, 1951, 23 с.
102. Заднепровский Ю.А. Археологические памятники южных районов Ошской области. –Фрунзе, 1960, 160 с.
103. Ибн Хордадбек. Книга путей и стран. /Перевод с арабского коментари, исследовании, указатели Н. Велихановой. Баку, Элм, 1986, 180 с.
104. Исхоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. - Т.: Фан, 1992, 42 б.
105. История Узбекистана в источниках. / Составитель Б.В.Луниин. - Т.: Фан, 1984, 182 с.
106. Кабанов С.К. Археологические находки на Фархадстрое. // ИАН Уз.ССР. -№ 5. –Т., 1948, 71-81 с.
107. Кадыров Э.Б. Разведки в Джизакской области. // АО 1978г. -М.: Наука, 1979, 553 с.
108. Касымов М.Р. Археологические работы в Узбекистане. // АО 1967 г. -М.: Наука, 1968, 326-332 с.
109. Квинт Курций Руф. «История Александра Македонского». Сохранившиеся книги. Под ред. В.С.Соколова. -М., 1963, 200 с.
110. Кильчевская Э.В., Негматов Н.Н. Находки ювелирных изделий из Шахристана. // СА. -1964, -№3, 238-246 с.
111. Кияткина Т.П. Могильник Мачитли. // МКТ. Вып. 4. - Душанбе: Дониш, 1987, 251-279 с.

112. Кияткина Т.П. Антропологические работы в Таджикистане (1971-1980 гг). // АРТ (1980). Вып.20. – Душанбе, Дониш, 1987, 403-415 с.
113. Кошеленко Г.А. Греческий полис на эллинистическом Востоке. -М., 1979, 279 с.
114. Кошеленко Г.А. Уструшана. /Средняя Азия в раннем железном веке. /Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. // Археология СССР. - М.: Наука, 1985, 200-201 с.
115. Кошеленко Г.А. Уструшана. /Средней Азия в античную эпоху. /Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. // Археология СССР. - М.: Наука, 1985, 293-296 с.
116. Литвинский Б.А. Саки которые за согдом. // ТИИ АН. Тадж.ССР. Т. СХХ . – Душанбе, 1960, 91-96 с.
117. Маллаева З.А. О раскопках на объектах VII и VIII Каллаи Кахкаха I в 1977-1979гг. // АРТ (1979). Вып. XIX. – Душанбе: Дониш, 1986, 398-403 с.
118. Маллаева З.А., Самойлик П.Т. К назначению жилищно производственного комплекса гончаров Бунжиката. // Республиканская научно-теоретическая конференция молодых ученых и специалистов Тадж.ССР. Секция общественных наук: История, философия. -Душанбе, 1982, 28 с.
119. Мамажонова С.М. Традиции зодчества Уструшаны VI-X вв. // Первая конференция молодых историков Ср. Азии и Казахстана. – Душанбе: Дониш, 1984, 71-72 с.
120. Мамажонова С.М. Вопросы реконструкции архитектурных памятников Уструшаны (на примере замка Чильхуджра). // МКТ. Вып.4. – Душанбе, 1987, 280-298 с.
121. Мамажонова С.М. Храм и мечеть Бунжиката на Калаи Кахкаха I. // МКТ. 4 -Душанбе: Дониш, 1987, 177-210 с.
122. Массон М.Е. Проблемы изучения цистерн сардоба. –Т.: Изд. Комитета Наук при СНК УзССР, 1935, 43 с.
123. Массон М.Е. К вопросу о северных границах государства «Великих Кушан». // Центральная Азия в кушанскую эпоху. - М.: Наука, 1975, 42-49 с.
124. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. –Новосибирск, Наука, 1989, 220 с.

125. Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. I. -М.: Наука, 1973, 124 с.
126. Материалы по истории туркмен и Туркмении. -М.-Л.; Т.1-2, 1939, 450 с.
127. Мирбабаев А.К. К вопросу о погребальных обрядах в Уструшане. // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. -Душанбе: Дониш, 1977, 80-81 с.
128. Мирбабаев А.К. Северо-Уструшанский античный комплекс Ширин. // Всесоюзное научное совещание «Античная культура Ср. Азии и Казахстана». – Т., 1979, 99-101 с.
129. Мирбабаев А.К. Раскопки Куркатских склепов. //АРТ (1975). Вып. XV. - Душанбе. Дониш, 1980, 295-303 с.
130. Мирбабаев А.К. О работах Уструшанского отряда в 1976г. // АРТ (1976). Вып. XVI. –Душанбе, Дониш, 1982, 283-291 с.
131. Мирбабаев А.К. О работах Куркатского отряда в 1977г. // АРТ (1977). Вып. XVII. – Душанбе, Дониш, 1983, 256-262 с.
132. Мирбабаев А.К. О работах Куркатского отряда в 1978г. // АРТ (1978). Вып. XVIII. –Душанбе, Дониш, 1984, 326-334 с.
133. Мирбабаев А.К. Тридцать лет Северно-Таджикистанской археологической комплексной экспедиции (СТАКЭ). // АРТ (1984). Вып. XXIV. –Душанбе: Дониш, 1993, 11-34 с.
134. Мухаммаджанов А.Р. К этимологии топонимов «Сабат» и «Рабат». // К изучению работ на торговых путях. Города и караван-сарай на трассах ВШШ. –Ургенч, 1991, 61-64 с.
135. Мухаммаджонов А.Р. Сирли тошлар изидан. // Фан ва турмуш. 1957. № 1, 16-18 б.
136. Мухаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи (V аср - XVI аср боши). -Т.: Ўқитувчи, 1994, 319 б.
137. Мухамедов Х. Қадимий мудофаа деворлари. (эрамиздан олдинги III асрдан бошлаб X асргача). - Т.: Уз.ФА нашри, 1961, 103 б.
138. Негматов Н.Н.Усрушана в VII-X вв. : Автор. дис. ...канд. ист. наук.. -М.-Л., 1952, 28 с.

139. Негматов Н.Н. Историко–географический очерк Усрушаны с древнейших времен по X в.н.э. // МИА. №37. -М.-Л., 1953, 180 – 247 с.
140. Негматов Н.Н. Уструшана в борьбе с арабским нашествием (конец VII - первая половина IX вв). // ИАН Тадж. ССР. ООИ. Вып.5, 1954, 117 – 135 с.
141. Негматов Н.Н. Предварительный отчет о работах Ходжентского отряда в 1954г. // ТИИ АН Тадж. ССР. Т. XXXVII. -Сталинабад, 1956, 33-41 с.
142. Негматов Н.Н. О работах Ходжентско-Уструшанского отряда в 1955г. // ТИИ АН Тадж. ССР. Т.63, -Сталинабад, 1956, 61-69 с.
143. Негматов Н.Н. К вопросу об этнической принадлежности населения Уструшаны. // КСИИМК. Вып. 61. Т. 1. XI.-М., 1956 б. С. 29-38.
144. Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннесредневековье. – Сталинабад. 1957. –161с.
145. Негматов Н.Н. Географы IX-XII вв. о Ходженте и его области.- ИАН Тадж.ССР. Вып.8. 1957. С.103-109.
146. Негматов Н.Н. О работах Ходжентско-Уструшанского отряда в 1956г. // ТИИ АН Тадж.ССР. Т. ХСІ. Сталинабад., 1959а. с. 115 - 127.
147. Негматов Н.Н. О работах Ходжентско-Уструшанского отряда в 1957г. // ТИИ АН Тадж. ССР. Т. СШ. – Сталинабад., 1959б. С. 95 - 107.
148. Негматов Н.Н. Работы Ходжентского-Уструшанского отряда в 1958г. // ТИИ АН Тадж.ССР. Т.27.- Сталинабад., 1961. С. 113 - 120.
149. Негматов Н.Н. О работах Северо-Таджикистанского отряда в 1961г. // ТИИ АН Тадж.ССР. Т.42. -Сталинабад, Изд.АН Тадж.ССР. 1964. С. 34-44.
150. Негматов Н.Н. К истории средневекового скотоводческо-земледельческого хозяйства горной Уструшаны. // Проблемы археологии Средней Азии. - Л., 1968. С. 56-58.
151. Негматов Н.Н. Раскопки уструшанской столицы Бунжиката. // Средневековые города Средней Азии и Казахстана. -Л., 1970. С. 45 - 49.

152. Негматов Н.Н. Из опыта изучения городской жизни Ходжентско-Уструшанского региона. // Средневековые города Средней Азии и Казахстана. - Л., 1970. С. 8-11.
153. Негматов Н.Н. Открытия в Уструшане. // ТД сессии, посвященной итогам полевых археологических исследований 1972г. в СССР. – Т.: Фан. 1973. с. 26-28.
154. Негматов Н.Н. Исследования в Северном Таджикистане в 1970г. // АРТ (1970). Вып. X. М.: Наука, 1973. С. 79-105.
155. Негматов Н.Н. Раскопки в Северном Таджикистане. // АО 1972г. - М.: Наука. 1973. с. 489-491.
156. Негматов Н.Н. Эмблема Рима в живописи Уструшаны и древневосточная мифологическая традиция. // ИАН Тадж. ССР. ООИ. -№ 1 (71). 1973. С. 3-10.
157. Негматов Н.Н. Исследования в Северном Таджикистане в 1971г. // АРТ (1971). Вып. XI.-Душанбе: Дониш. 1975. С. 143-168.
158. Негматов Н.Н. Работы Северо-таджикистанского археологического отряда в 1972г. // АРТ (1972). Вып. XII. - Душанбе: Дониш. 1976. С. 103 -132.
159. Негматов Н.Н. Исследования Северо-таджикистанского археологического отряда в 1973г. // АРТ (1973). Вып. XIII. – Душанбе: Дониш. 1977 а. С. 112-136.
160. Негматов Н.Н. Уструшанский компонент среднеазиатской культуры раннего средневековья. // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. – Душанбе. 1977 б. С. 12-19.
161. Негматов Н.Н. Государство Саманидов (Мавераннахр и Хорасан в IX-X вв.) - Душанбе. Дониш 1977 в. –280с.
162. Негматов Н.Н. К проблеме компактных селений Уструшаны и Ходжентской области в средние века. // МКТ. Вып.3. –Душанбе: Дониш. 1978. С. 146-164.
163. Негматов Н.Н. Некоторые итоги и перспективы археологии Северного Таджикистана в связи с созданием СТАКЭ. Краткие результаты работ 1974г. // АРТ (1974). Вып. XIV. – Душанбе: Душабе 1979. С. 313-342.

164. Негматов Н.Н. Античные веяния в культуре Уструшаны. // Проблемы античной истории и культуры. – Ереван. 1979. С. 198-204.
165. Негматов Н.Н. Характер и уровень материальной культуры Уструшаны. // УСА. Вып.4. Л.: Наука, 1979. С. 10-17.
166. Негматов Н.Н. Об исследованиях СТАКЭ в 1975г. // АРТ (1975). Вып. XV. – Душанбе: Дониш. 1980. С. 265-280.
167. Негматов Н.Н. Об эллинистических элементах в культуре Уструшано-Ходжентско-Западноферганского региона Средней Азии. // ТД Всесоюзного симпозиума по проблемам эллинистической культуры на Востоке. – Ереван. 1980. с. 54-56.
168. Негматов Н.Н. О работах СТАКЭ в 1976г. // АРТ (1976). Вып. XVI. – Душанбе: Дониш. 1982. С. 235-242.
169. Негматов Н.Н. Таджикистан на пути к урбанизации. // Культура первобытной эпохи Таджикистана. – Душанбе. 1982. С. 80-92.
170. Негматов Н.Н. Древняя Бактрия и историко-культурные области среднеазиатского междуречья. // Древнейшие культуры Бактрии. – Душанбе. 1982. С. 51-53.
171. Негматов Н.Н. О работах СТАКЭ в 1977г. // АРТ (1977). Вып. XVII. – Душанбе. Дониш. 1983. С. 227-235.
172. Негматов Н.Н. Полевые исследования СТАКЭ в 1978г. // АРТ (1978). Вып. XVIII. – Душанбе: Дониш. 1984. С. 275-281.
173. Негматов Н.Н. Полевые исследования СТАКЭ в 1979г. // АРТ (1979). Вып. XIX. – Душанбе: Дониш. 1986. С. 353-358.
174. Негматов Н.Н. Ходжент. Основные этапы истории. // Исследования по истории и культуре Ленинабада. – Душанбе: Дониш. 1986а. С. 3-15.
175. Негматов Н.Н. Раннесредневековый этап урбанистической культуры Уструшаны. // «Городская среда и культура Бактрии-Тохаристана и Согда» (IV в. до н.э. - VIII в. н.э.). – Т.: Фан. 1986. с. 69-71.
176. Негматов Н.Н. Некоторые проблемы археологии Северного Таджикистана и Средней Азии. // АРТ (1980). Вып. XX. - Душанбе: Дониш. 1987 а. С. 281- 301.

177. Негматов Н.Н. Полевые исследования СТАКЭ в 1980г. // АРТ (1980). Вып. XX. - Душанбе: Дониш. 1987 б. С. 303-309.
178. Негматов Н.Н. Исследование СТАКЭ в 1981г. // АРТ (1981). Вып. XXI. - Душанбе: Дониш. 1988. С. 11-18.
179. Негматов Н.Н. Сако-сагдийский синтез на средней Сырдарье. // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. - Алма-Ата.: Наука. 1989. С. 292-301.
180. Негматов Н.Н. Исследования СТАКЭ в 1983г. // АРТ (1983). Вып. XXIII. - Душанбе: Дониш. 1991. С. 9-14.
181. Негматов Н.Н. Исследования СТАКЭ в 1984г. // АРТ (1984). Вып. XXIV. - Душанбе: Дониш. 1993. С. 35-39.
182. Негматов Н.Н. Исследования в Северном Таджикистане в 1985г. // АРТ (1985). Вып. XXV. - Душанбе: Дониш. 1994. С. 9-16.
183. Негматов Н.Н. Уструшана. /Средняя Азия в раннем средневековье. /Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. // Археология. - М.: Наука. 1999. С. 114-130
184. Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Роскопки на цитадели Ленибада и локализация Александрии Эсхаты. // АО 1976. - М., 1977. с.568.
185. Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Проблема начального этапа урбанизации Уструшаны (По материалам Нуртепе). // Археология Средней Азии и Ближнего Востока: II Советско-американский симпозиум. - Т., 1983. С. 73-77.
186. Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Исследование Нуртепе в 1981г. // АРТ (1981). Вып. XXI. - Душанбе: Дониш. 1988. С. 19-31.
187. Негматов Н.Н., Беляева Т.В. Общий отчет об исследованиях Нуртепе в 1980-1985гг и продолжения работ по дальнейшему изучению и сохранению памятника. // АРТ (1985). Вып. XXV. - Душанбе: Дониш. 1994. С. 23-27.
188. Негматов Н.Н., Беляева Т.В., Мирбабаева А.К. Начало исследований городища Нуртепе. // АРТ (1980). Вып. XX. - Душанбе: Дониш. 1987. С. 310-330.
189. Негматов Н.Н., Мамаджонова С.М. Бунжикат - средневековая столица Уструшаны. // Градостроительство и архитектура. - Т.: Фан. 1989. С. 91-99.

190. Негматов Н.Н., Мирбабаев А.К., Абдурасулов М.А. Начало раскопок городища Ширин (Предварительное сообщение). // АРТ (1976). Вып. XVI. – Душанбе: Дониш. 1982. С. 292-307.
191. Негматов Н.Н., Мамаджанова М.Д., Рахимов Н.Т., Умаров Х.Х., Эшонкулов У. Работы Северотаджикской экспедиции. // АО 1986. - М.: Наука. 1988. с. 515-516.
192. Негматов Н.Н., Рахимов Н.Т. Уструшано-Ходжентский узел ВШП. // Формирование и развитие трасс ВШП в древности и средневековье. – Т.: Фан. 1990. с. 118-120.
193. Негматов Н.Н., Пулатов У.П., Хмельницкий С.Г. Уртакурган и Тирмизактепа. -Душанбе: Дониш. 1973. -145с.
194. Негматов Н.Н., Зеймаль Т.И. Уструшанский замок в шахристане. // СА. - 1959. - №: 2. С. 205-217.
195. Негматов Н.Н., Зеймаль Т.И. Раскопки на Тирмизактепе. //ИАН Тадж.ССР. ООН. Вып. 1(24). -1961. С.67-83.
196. Негматов Н.Н., Салтовская Е.Д. О работах Ходжентского-Уструшанского отряда в 1960г. // ТИИ АН. Тадж. ССР. Т. XXXIV. - Душанбе. Дониш. 1962. С. 69-89.
197. Негматов Н.Н., Салтовская Е.Д. Материальная культура кушанского времени в Уструшане и Западной Фергане. / Центральная Азия в Кушанскую эпоху. Т. II. - М.: Наука. 1975. С. 258-266.
198. Негматов Н.Н., Салтовская Е.Д., Кияткина Т.П. Изучение погребальных памятников, кочевников на территории Уструшаны. // ТИИ АН Тадж. ССР. Т. XXVII. -Сталинабад., 1961. С. 137 - 146.
199. Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый шахристан. - Душанбе: Дониш. 1966. -200с.
200. Немцева Н.Б., Дресвянская Г.Я. Памятники Заamina и его округу (К археологической карте Северной Уструшаны.) // ИМКУ. Вып. 20. – Т.: Фан. 1986. С. 221-229.
201. Нильсен В.А. Становление феодальной архитектуры Средней Азии (V-VIII вв). – Т.: Фан. 1966. –332с.
202. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). Тошкент. Янги аср авлоди. 2008. Б-240.

203. Пардаев А.Х. Жиззахнинг сўнги ўрта аср тарихий географиясига оид дастлабки мулоҳазалар. (ёзма манбалар ва археологик маълумотлар асосида). // ЎММТ. 33-нашри. –Т.: Фан. 2002. Б. 262-268.
204. Пардаев М.Х. К вопросу об эволюции планировки замков рабатов в Северо-западной Уструшане. // Я.Гулямов и развитие исторической науки в Узбекистане. - Т., 1988. С. 72-73.
205. Пардаев М.Х. К археологическому изучению замков-рабадов Джизакского оазиса. // Города и караван-сарай на тарассах ВШП. – Ургенч. 1991. с. 64-66.
206. Пардаев М. Сангзар ҳавзасининг илк ва ўрта асрлар қалъа-работлари. / Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. // Республика ёш тарихчи олимлари анжумани маъруза баёнлари. 16-17 март. - Самарқанд. 1992. б. 62-63.
207. Пардаев М.Х. Археологические работы на Расулбойкултепе. // ИМКУ. Вып. 26. - Т.: Фан. 1992. С.108-113.
208. Пардаев М.Х. Шимолий-ғарбий Уструшона суғорилиши тарихидан. /Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. – Самарқанд.1993. Б. 49-53.
209. Пардаев М.Х. Сангзор ҳавзасининг ва илк ва ўрта асрлар қалъа-работлари. // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Республика ёш тарихчи олимлари анжумани маъруза баёнлари. 16-17 март. –Самарқанд. 1993 б. Б. 62-63.
210. Пардаев М.Х. Тош ядролар хусусида. // Бактрия-Тохаристон қадимда ва ўрта асрларда. –Самарқанд. 1993 в. Б. 54-56.
211. Пардаев М. Қадимги Фарғона ва Уструшонанинг моддий-маданий алоқалари. // Фарғона қадим ва ўрта асрларда. – Самарқанд. ЎЗР ФА АИ нашри. 1994. Б. 66-71.
212. Пардаев М.Х. Буюк Ипак йўли ёқасидаги «Дизак» шаҳри ўрни тўғрисида. // Буюк Ипак йўли ёқасидаги Марказий Осиё шаҳарлари. Самарқанд. 1994й. 30 март. -Самарқанд. 1994. Б. 49-50.
213. Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья. АКД. - Т.: 1995. -21с.

214. Пардаев М.Х. Зардуштийлик ва унинг илк ислом давридаги айрим кўринишлари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар (ОНУ). – 1995. - № 5-6-7-8. - Б. 36-41.
215. Пардаев М.Х. Шимолий-ғарбий Уструшонанинг антик ва илк ўрта аср шаҳар маданият босқичлари. // Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. -Самарқанд. ЎЗР ФА АИ, 1995 в. Б. 87-89.
216. Пардаев М.Х. Қўй ва бўри рухига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар (ОНУ). -1995е. -№:1,2,3. Б. 42-46.
217. Пардаев М.Х. Шимолий-ғарбий Уструшона қишлоқ қурилиши меъморчилигининг илк ўрта асрлардаги айрим хусусиятлари. // ЎММТ. 28-нашри. -Самарқанд. Суғдиёна, 1997. Б. 142-148.
218. Пардаев М.Х. Илк ўрта асрларда чўл маданиятини Жиззах ва Бухоро воҳасига таъсири. // ОНУ. -1998, -№4-5. Б. 68-71.
219. Пардаев М.Х. Жиззах воҳасининг VII – VIII асрлардаги куллолик идишлари. // ЎММТ. 30-нашри. Самарқанд. 1999. Б. 145-151.
220. Пардаев М.Х. Қалиятепа қалъа работларида ўтказилган археологик ишлар тўғрисида. / Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар - 2001й. -Т., 2002. Б. 122-126.
221. Пардаев М.Х. Қалиятепа стратиграфиясини ўрганишга доир. // ЎММТ. 31-нашри. Самарқанд., 2001. Б. 112-147.
222. Пардаев М.Х. Комилбоботепа. // ЎММТ. 32-нашри. Самарқанд., 2002. Б. 133-142.
223. Пардаев М.Х. Уструшона аҳолисининг шаҳарлашув тарихига оид айрим мулоҳазалар (мил. эр. ол. VII - VI асрлардан – мил. IX - XII асрларга қадар). // Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихининг ўрганилиши. Гулистон. 2007. Б. 5-7.
224. Пардаев М., Пардаев А. Жиззах ўтмишини ўрганишда. // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Самарқанд., 1992. Б. 55-56.

225. Пардаев М., Пардаев А. Жиззах воҳасининг IV-VI асрлардаги кулоллик идишлари. // ЎММТ. 29-нашри. - Самарқанд.: Суғдиёна, 1998. Б. 58-69.
226. Пардаев М.Х., Пардаев А.Х., Пардаев Ш.М. Жиззах воҳасида шаҳар маданиятининг падо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (ёзма ва археологик манбалар асосида). Ўзбекистон археологияси. №1, Самарқанд, 2014. Б. 15-38.
227. Пардаев М., Суюнов С. Шимолий-ғарбий Уструшонаинг суғорилиш тарихидан. // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Самарқанд. 15-16 март. Самарқанд. 1993. Б. 49-53.
228. Пардаев М.Х., Суюнов С.С., Пардаев А.Х. Шимолий-ғарбий Уструшонада суғорма деҳқончилик маданиятининг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари. // ЎММТ. 30-нашри. Самарқанд. 1999. Б. 226-236.
229. Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И. Шимолий - ғарбий Уструшонада зардуштий қавмлар излари. // Ўзбекистон Археологияси. №(2)3, Самарқанд, 2011.
230. Пардаев М.Х., Убайдуллаев И.Х. Қизлартепа ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар хусусида. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2010-2011 йиллар. Самарқанд, 2012.
231. Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И. Ёқубоботепа ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар хусусида// Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2012 йил. Самарқанд, 2013.
232. Пардаев М.Х., Убайдуллаев И.Х., Ғофуров Ж.И., Холбоев З.Т., Эргашев Б.С., Пардаев Ш.М. Қалиятепа 3-рабодида 2007-2008 йилларда ўтказилган археологик тадқиқотлар хусусида./ Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2007-2008 йиллар. Самарқанд, 2012.
233. Папахристу О.А. Кузнечное дело и сельскохозяйственные орудия жителей горной Уструшаны середины XII вв. // ОНУ. 1992. №1. С. 39-42.
234. Панфилов О.И. Поиски и фиксации наскальных изображений Северного Таджикистане в 1976-1979гг. // АРТ (1979). Вып. XIX. - Душанбе. Дониш. 1986. С. 432-447.
235. Поляков С.П. Могильник Калаи Сар. // АРТ (1977). Вып. XVII. - Душанбе. Дониш. 1983. С. 298-313.

236. Пулатов У.П. Деревянные изделия из Чил-Худжры. // МКТ. Вып. 1. - Душанбе. 1968. С. 162-172.
237. Пулатов У.П. Чильхуджра. К истории культуры Уструшаны.: АКД. - М.: 1968. -28с.
238. Пулатов У.П. Чильхуджра. // МКУ. Вып. 3. - Душанбе. Дониш. 1975. -187с.
239. Пулатов У.П. «Дом огня» в Уструшане. // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. - Душанбе: Дониш. 1977. С. 77-79.
240. Пулатов У.П. Замок Тоштемиртепа. // АРТ (1975). Вып. XV. - Душанбе. Дониш. 1980. С. 303-316.
241. Пулатов У.П. Раскопки замка в Калаи Сор в 1976г. // АРТ (1976). Вып. XVI. - Душанбе: Дониш. 1982. С. 308-317.
242. Пулатов У.П. Раскопки Калаи Сора в 1977г. // АРТ (1977). Вып. XVII. - Душанбе: Дониш. 1983. С. 236-243.
243. Пулатов У.П. К этимологии топонима Румон - пригорода Ходжента. // Исследования по истории и культуре Ленинабада. - Душанбе. Дониш. 1986. С. 18-27.
244. Пулатов У.П. Раскопки на Калаи Соре в 1981г. // АРТ (1981). Вып. XXI. - Душанбе. Дониш. 1988. С. 97-106.
245. Пулатов У.П. Раскопке на Калаи Соре в 1982г. // АТР (1982). Вып. XXII. - Душанбе. Дониш. 1990. С.19-28.
246. Пулатов У.П. Раскопки Калаи Соре в 1983г. // АРТ (1983). Вып. XXIII. - Душанбе. Дониш, 1991. С. 47-57.
247. Пулатов У.П. Работы Дахкатской группы в 1984г. // АРТ (1984). Вып. XXIV. - Душанбе: Дониш. 1993. С. 75-90.
248. Пулатов У.П., Джумаев В. К. К изучению фортификации Калаи Сора. // АРТ (1978). Вып. XVIII. - Душанбе. Дониш. 1984. С. 323-325.
249. Пьянков И.В. Среднеазиатские сатрапии Ахамединов в конце V в. до н.э. // ВДИ. -1965. -№2. С.35-50.
250. Пьянков И.В. Список восточных сатрапий державы Ахеменидинов у Ктесия. /МКТ. Вып.2. -Душанбе. 1975. -191с.
251. Пьянков И.В. Александрия Крайняя в известиях античных авторов. /Исследования по истории и культуре Ленинабада. - Душанбе. 1986. С.77- 92.

252. Ранов В.А. Салтовская Е.Д. О работах Уратюбинского отряда в 1959г. // ТИИ АН Тадж. ССР. Т. 34. - Душанбе. 1961. С. 108-128.
253. Рахимов Н. К истории археологического изучения Ура-Тюбе. // Первая конференция молодых историков Средней Азии и Казахстана. - Душанбе. Дониш. 1984. с. 53-54.
254. Рахимов Н.Т. Терракотовая статуэтка с городища Мугтепа. // ИАН Тадж.ССР. ООИ. № 3(121). - Душанбе. Дониш. 1985. С. 24-28.
255. Рахимов Н.Т. История Ура-Тюбе по археологическим данным. Автор. дис. ...канд. ист. наук.-Самарканд. 1989. –17с.
256. Рахимов Н.Т. О работах на городище Мугтепа в 1983г. // АРТ (1983). Вып. XXIII. - Душанбе: Дониш. 1991. С. 29-34.
257. Рахимов Н.Т. О работах на Мугтепа в 1984г. (К изучению фортификации Мугтепа). // АРТ (1984). Вып. XXIV. - Душанбе. Дониш. 1993. С.68-74.
258. Рахимов Н.Т. Исследования в гончарном центре Бунжиката в 1984г. // АРТ (1984). Вып. XXIV. – Душанбе: Дониш. 1993. С. 91-98.
259. Рахимов Н.Т. Раннесредневековый Вагкат. /Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. - Самарканд. 1995. с.91-92.
260. Рутковская А.М. Бронзовая статуэтка из Беговата. // СА. - 1986. - № 1. С. 255-259.
261. Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый Путь. / Энциклопедический справочник: // Древность и раннее средневековье. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». 1999. –200с.
262. Ртвеладзе Э.В., Исхаков М.Х., Маликов О.С. Исследования в Сурхандарьинской и Джизакской областях. // АО 1977г. М.: Наука, 1978. С. 536-537.
263. Салтовская Е.Д. О раскопках Дунгчатепе. // АРТ (1977). Вып. XVII. - Душанбе. Дониш. 1983. С. 263-277.
264. Салтовская Е.Д. О двух находках на Дунгчатепе (Юго-Восточная Уструшана). // ИАН. Тадж.ССР.ООИ. №: 1(115). - Душанбе. Дониш. 1984. С. 7-12.

265. Салтовская Е.Д. Раскопки Дунгчатепе в 1978г. // АРТ (1978). Вып. XVIII. - Душанбе. Дониш. 1984. С.314-322.
266. Салтовская Е.Д. Здание верхнего горизонта Дунгчатепе (Юго-Восточная Уструшана). // МКТ. Вып. 4. – Душанбе: Дониш. 1987. С. 225-250.
267. Салтовская Е.Д. Раскопки поселения Дунгчатепе в 1981г. // АРТ (1981). Вып. XXI. – Душанбе: Дониш. 1988. С.88-96.
268. Салтовская Е.Д. О работе Западно-Ферганского отряда в 1983г. // АРТ (1983). Вып. XXIII. Душанбе. Дониш. 1991. С. 35-46.
269. Салтовская Е.Д. Раскопки на поселении Дунгчатепе в 1984г. // АРТ (1984). Вып. XXIV - Душанбе. Дониш. 1993. С. 58-67.
270. Салтовская Е.Д., Пулатов У.П. Городище Калаи Кофар. // АО 1984. - М.: Наука. 1986. С. 482-483.
271. Самойлик П.Т. Хумы Ура-Тюбе. IV-II вв. до н. э. // ИАН Тадж.ССР. ООИ. №: 2 (72). – 1973 а. С. 12-19.
272. Самойлик П.Т. Погребения в хумах у селения Паши и Расравут. // АРТ (1970г). Вып.10. - Душанбе. Дониш. 1973 б. С. 293-294.
273. Самойлик П.Т. Обжигательные печи Ура-Тюбе и Шахристана. // ТД сессии, посвященной итогам полевых археологических исследований в 1972г. в СССР. - Т.: Фан. 1973 в. с. 165-166.
274. Самойлик П.Т. Хумы Ура-Тюбе I в до н. э. - I в н.э. и VII-VIII вв. н.э. // ИАН Тадж.ССР. ООИ. -№: 4(74). - Душанбе. 1974. С. 32-40.
275. Самойлик П.Т. Об одной керамической форме VI-VII вв. // ИАН Тадж.ССР.ООИ. -№:2 (80). -Душанбе. 1975. С. 25-28.
276. Самойлик П.Т. Новые пункты захоронений в хумах и оссуариях на территории Уструшаны. // Материалы юбилейной конференции молодых ученых АН. Тадж.ССР. (ООИ). - Душанбе. Дониш. 1976. С. 140-143.
277. Самойлик П.Т. Обжигательная керамическая печь из Галатепа. // МКТ. Вып. 3. -Душанбе: Дониш. 1978. С. 203-207.

278. Самойлик П.Т. О работах в районе обжигательных печей Бунжиката в 1975г. // АРТ (1975). Вып. XV. - Душанбе. Дониш. 1980. С.317-323.
279. Самойлик П.Т. обжигательные печи Бунжиката (IX–XI вв). // АРТ (1979). Вып. XIX. –Душанбе: Дониш. 1986. С.404-412.
280. Самойлик П.Т. Керамисты Уструшаны. // По следам древнейших культур Таджикистана. - Душанбе: Ирфон, 1987. С. 156-167.
281. Сверчков Л.М. К вопросу о взаимоотношениях ихшидов Согда и афшинов Уструшаны. // ТД советско-французского коллоквиума «Культура древнего и средневекового Самарканда и исторические связи Согда». -Т., 1990. с. 89-91.
282. Сверчков Л.М. Поселение Мык – источник по истории средневековой истории Уструшаны. Автор. дис. ...канд. ист. наук.. Самарканд. 1991. –24с.
283. Сверчков Л.М. Средневековый Пшагар и пещера Йеча. // ОНУ.-1999. -№11- 12. С.76- 81.
284. Сверчков Л.М. Минк и Марсманда: новые данные. // Археология, нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. Материалы научной конференции посвященной 60-летию со дня рождения д.и.н Б.Д.Кочнева. Самарканд. 15 декабря 2000г. -Самарканд. 2000. с.150- 155.
285. Сверчков Л.М., Папахристу О.А. Традиции ножевщиков Средней Азии. // ОНУ. - 1990. - № 7. С. 46-53.
286. Суюнов С. Зомин воҳасининг суғорилиш тарихидан. // ЎММТ 28-нашри. -Самарқанд. Суғдиёна, 1997. Б. 189-192.
287. Суюнов С. История орошения Северо-западной Уструшаны. (V-XVI вв. по археологическим материалам). Автор. дис. ...канд. ист. наук.. -Самарканд. 1999. –24с.
288. Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики Верхнего Зарафшана. МИА.Т.15. -М.-Л., 1950. С.56-66.
289. Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950г. // МИА. Т.37. -М.-Л., 1953. С.189-230.
290. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. - М., 1970. -186 с.

291. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. - М.: Наука, 1981. –350с.
292. Согдийские документы с горы Муг. Юридические документы и письма. Вып.2. / Чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица. М.:ИВЛ.1962.–221с.
293. Сыма Цянь. «Исторические записки («Ши цзи»»). Т.1. Пер.с китайского и комментарии Р.В.Вяткиной и В.С.Таскиной. -М., 1972. –142с.
294. Тўйчибоев Б.Б. Сўнгги афшин./ Тафаккур. -№3. Тошкент. 2003. 94б.
295. Тўйчибоев Б.Б. Уструшана в древности и раннем средневековье. АКД. Самарканд. 2004. С. 24.
296. Тўйчибоев Б.Б. Қадимий Уструшона худуди тарихий топографияси ва савдо йўллари. /»Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш муаммоси» мавзусидаги 2-минтақавий илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Гулистон, 2007. 16-17 б.
297. Тўйчибоев Б.Б. Уструшона афшинлари. / GulDU AXBOROTNOMASI. 2012-YIL 3-4-SON б. 77-80.
298. Тўйчибоев Б.Б. Қадим ва илк ўрта асрлар Уструшона ахалисининг иқтисодий муносабатлари ҳақида айрим мулохазалар./ Ўзбекистон археологияси №2 (7). Самарқанд 2013. 7-13б.
299. Тўйчибоев Б.Б. Уструшонанинг қадимий ва илк ўрта асрлар даври сиёсий ҳаёти хусусида мулохазалар (мил. ол. – VII мил. VIII асрлар)./ GulDU AXBOROTNOMASI. 2014-YIL 4-SON б 78-85.
300. Тўйчибоев Б.Б., Гулбоев Б. Илк ўрта аср Уструшона шаҳарсозлигининг ўрганилиш тарихи хусусида. “Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика VII илмий конференциясининг материаллари. Тошкент 2015. Б. 250-353.
301. Тўйчибоев Б.Б. Ўрта асрлар Уструшонаси тоғ рустокларининг жойлашиши хусусида./ Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. VI тўплам. Тошкенти 2015. Б. 80-87.

302. Тўйчибоев Б.Б. Уструшонада урбанизацион жараёнлар ва давлатчилик тизимининг шаклланиши ҳусусида. /“Уструшона Буюк ипак йўлида, унинг минтақаларо сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий анжумани материаллари. Гулистон.2016. Б-170-174.
303. Фаязова М.М. Отпечатки тканей на керамике из Нуртепе. // Первая конференция молодых историков Средней Азии и Казахстана. - Душанбе: Дониш. 1984. С. 132-133.
304. Фрейман А.А. Согдийские документы с горы Муг. // Описание, публикации и исследование документов с горы Муг. Вып.1. -М.: Восточная литература. 1962. –146с.
305. Ҳикматуллаев Ҳ., Шоисломов Ш. Ёқут Хамавий (ҳаёти, ижоди ва саёҳати). - Т.: Фан. 1965. -43б.
306. Ҳудуд ал-Олам. Туманский таржимаси. В.В.Бартольднинг кириш ва кўрсаткичлари билан. -Л.: 1930. - 110с.
307. Хужаназаров М. Наскальные изображения Северовосточного Узбекистана. Автор. дис. ...канд. ист. наук.- Л., 1985. –23с .
308. Эшонкулов У. О единстве города, земледельческие округа и факторе их снабжения (по материалам Саразма и Нуртепе). // Зоны и этапы урбанизации. - Т.: Фан. 1989. С. 123-124.
309. Яйленко В.П. Основания и начальная история Александрии Крайней. // Зоны и этапы урбанизации. – Т.: Фан. 1989. С. 66-69.
310. Gritsina A.A. Lacolization of mountainery rustaks of Ustrushana. /Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Самарқанд. 1995. С. 63-65.
311. Allan, J. Persian Metal Technology, London. 1979.
312. Thila Rebren, Olga Papachristou, Bochum, 2003, Similar Like White and Black: a Comparison of steel-making Crucibles from Cental Asia and the Indian Subcontinent. // Der Anschnitt, Beiheft 16, Bochum p. 399-404.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

- АО – Археологические Открытия.
АРТ - Археологические работы в Таджикистане.
АКД - Автореферат кандидатской диссертации.
ВДИ - Вестник Древней Истории.
ДАН УзССР - Доклады Академии Наук Уз ССР.
ИМКУ – История материальной культуры Узбекистана.
ИАН Тадж. ССР - Известии Академии Наук Тадж ССР.
КСИИМК – Краткие сообщения института истории материальной культуры.
ТСАГУ – Труды Среднеазиатского Государственного Университета.
ОНУ – Общественные науки Узбекистана.
СА - Советская Археология.
УСА - Успехи Среднеазиатской археологии.
ЎММТ – Ўзбекистон моддий маданияти тарихи.
ТИИ АН.Тадж.ССР – Труды Института истории Академии Наук Тадж ССР.
МКТ - Материальная культура Таджикистана.
МКУ – Материальная культура Уструшаны.
МИА - Материалы и исследования по археологии СССР.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1 – БОБ. УСТРУШОНАНИНГ ТАРИХИЙ ВА АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ	10
1.1. Уструшона қадимги ва ўрта аср ёзма манбаларида	10

1.2. Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар даври моддий маданиятининг ўрганилиш тарихи	20
2 – БОБ. “ҚАДИМИЙ УСТРУШОНА” ҲУДУДИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИ (мил. эр. авв. VII - милодий эранинг IV асрлари).	29
2.1. Уструшонанинг қадимий даври археологик ёдгорликларини ҳудудлаштириш, типологиялаш.	29
2.2. Уструшона ҳудуди қадимий даври тарихий – топографияси муаммоларининг ўрганилиши (мил. эр. авв. VII – милодий эранинг IV асрлари).	38
2.3. Уструшонанинг қадимги давр моддий маданияти	59
3 – БОБ. ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА МОДДИЙ МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИ	78
3.1. Илк ўрта асрлар Уструшона археологик ёдгорликларини ҳудудлаштириш ва типологиялаш масалалари.	78
3.2. Уструшонанинг ўрта асрлар тарихий топографияси (рустоклар, шаҳар, қалъа ва манзилгоҳлар ўрни)	98
3.3. Уструшонанинг илк ўрта асрлар моддий маданияти	127
4 – БОБ. УСТРУШОНАНИНГ СИЁСИЙ, ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ	146
ХУЛОСА	172
ИЛОВАЛАР	182
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	288